

2004 йил

*Инсонни*

*билиш учун*

*уни*

*севиш керак.*

Л.Фейербах.

2004 йил

МЕҲР ВА МУРУВВАТ ЙИЛИ

МЕҲР ВА МУРУВВАТ ЙИЛИ



*Ҳаёт жиловимни бўшатмас ҳеч ҳам,  
Гоҳ унга бўйсунгум келмайди сира.  
Ойдин оқшомларда Ой бўлар ҳамдам,  
Ҳақсизликнинг юзи тортади хира.*

*Олис толеимда кўраман бахтим,  
Тортиб кета олмас домига ғамлар.  
Юксалган эмасдир ҳасаддан ҳеч ким,  
Суянчим излайман ёлғизлик дамлар.*

*Кўксим ўксиб андак илkki севгидан,  
Дўстлар ҳам кўзимга ташладилар чўп.  
Бир менмасдир еган даkki севгидан,  
Дардли ошиқ, сенинг айтар гапинг кўп.*

*Бариси нисбийдир, бари ўткинчи,  
Оллоҳдан сўрайман фақат куч, сабот.  
Яратгандан фақат яна ўтинчим,  
Имдод эт, шеърларим қоқсинлар қанот.*

*Мен хизмат қилайин элга, замонга,  
Юрак-юракларга сингишиб кетай.  
Майли, чиқарсинлар яхши-ёмонга,  
Мен бошқа равою навони нетай?*

**Раҳимбой Каримов**



# Шарқ юлдузи

Адабий-ижтимоий журнал

**2004**

*Биринчи фасл*

73-йил чиқиши

**Бош муҳаррир  
Омон Мухтор**

**ТАҲРИРИЯТ ВА  
ЖАМОАТЧИЛИК  
КЕНГАШИ**

Абдулла Орипов  
Хуршид Дўстмуҳаммад  
Тўлапберган Қаипбергенов  
Холмуҳаммад Нуруллаев  
Ўткир Ҳошимов  
Ботир Парпиев  
Мурод Шарифхўжаев  
Тўлан Низом  
Олимжон Холдор  
Фармон Худойбердиев  
Рустам Қосимов  
Ислом Шоғуломов  
Муртазо Султонов  
Ихтиёр Ризо  
Бахтиёр Карим  
**(Бош муҳаррир ўринбосари)**  
Юсуф Файзулло  
**(Масъул котиб)**  
Икром Отамурод  
**(Назм ва адабиётшунослик  
бўлими мудири)**  
Баҳодир Мурод Али  
**(Наср ва мақоланавислик  
бўлими мудири)**

Ушбу сонда:

*Ҳазрат Али  
(р.а.)  
шеърлари*



*«Чингиз  
афандига  
мактублар».*

*Набижон  
Боқий*



*Янги  
ҳикоялар*

**МУАССИСЛАР:**

**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ, РЕСПУБЛИКА «МАТБУОТ  
ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ  
ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА  
Кўллаб-қувватлаш  
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЖАМФАРМАСИ**



ЭЛФА КҮҒИЛҒОН ЭШ ТӨПДҰ...

*Алишер Навоӣ*



## ЭЗГУЛИК МЕҲРДАН БОШЛАНАДИ

Мустақиллик йилларида қадимий ва гўзал қадриятларимиз тикланибгина қолмай, халқимизнинг эзгу интилишларини акс эттирадиган, давримиз руҳига мос янгича анъаналар ҳам шаклланди. Ватанимиз манфаатлари, элимизнинг орзу-умидларидан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир йилга алоҳида ном бериш, шу асосда устувор йўналишларни белгилаш ва хайрли ишларни амалга ошириш ана шундай қутлуғ анъаналардан бири бўлиб қолгани бутунги кунда ҳаммамизга маълум.

Ана шу анъанани давом эттирган ҳолда, Президентимиз Ислоҳ Каримов Ватанимиз Конституциясининг 11 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда 2004 йилни диёримизда Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилди.

Янги йилимизнинг одамзод учун азал-азадан муқаддас ва олижаноб туйғуларидан бўлган бундай «меҳр» ва «мурувват» сўзлари билан аталиши мамлакатимизда янги жамият барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ишлар, туб ислоҳот ва ўзгаришлар авваламбор инсон учун, унинг бахтли ва фаровон яшashi учун қилинаётганини яна бир бор тасдиқлайди.

Юртбошимиз Конституция байрамига бағишланган тантанали мажлисда сўзлаган нутқида халқимизнинг меҳр ва мурувват туйғулари билан боғлиқ кўҳна қадриятлари ҳақида тўхталар экан, ҳозирги пайтда кўпчиликни ўйлантириб турган, маънавийт соҳасидаги ишларимизни янада такомиллаштиришга қаратилган бир қанча ҳаётий масалаларга ҳам эътиборни қаратди.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг халқимизнинг бетакрор фазилатлари, ўзига хос турмуш тарзи, бошқаларникига ўхшамайдиган миллий қиёфаси ва тафаккури ҳақидаги фикрлари ўзини ўзбек деб билган, ота-боболаримиздан мерос муқаддас заминга фарзандлик меҳри билан боғланган ҳар бир ҳамюртимиз қалбида фахр-ифтихор туйғуларини уйғотиши шубҳасиз.

Дарҳақиқат, биз асрлар, минг йиллар давомида яшаб келаётган урф-одат ва анъаналаримиз, миллий қадриятларимизнинг ҳаётимиздаги беқиёс аҳамиятини доимо ҳис қилиб яшаймиз. Бу қадриятлар халқимизнинг орзу-интилишари, аждоқларимизнинг ўлмас руҳи, ибратли ҳаёт йўли, ноёб фазилатларини ўзида мужассам этадиган тамойиллар сифатида кундалик турмушимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўз ҳаётимизни асло тасаввур этолмаймиз.

Барчамиз яхши биламиз, дунёда халқлар ва мамлакатлар кўп. Жаҳон ҳамжамиятида уларнинг ҳар бири ўзининг муносиб ўрни ва мавқеига эга. Бизга ғурур-ифтихор бахш этадиган томони шундаки, улар билан солиштирганда, она Ўзбекистонимизнинг, меҳнаткаш ва бағрикенг, дунёга қанчадан-қанча буюк зотларни берган халқимизнинг ҳеч кимдан кам жойи йўқ. Президентимизнинг маънавийт соҳасида амалга ошираётган жамики ишлари, саъй-ҳаракатлари ана шу ҳақиқатни халқимиз онгига чуқур сингдириш ва ҳар бир юртошимизнинг «Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, биз ҳеч кимдан кам бўлмаймиз» деган қатъий ишонч билан яшashiга қаратилган, десак, асло муболага бўлмайди.

Шунинг учун ҳам юртимизда миллий ўзлигимиз тимсоли бўлган қадриятларимизни асраб-авайлаш, ёш авлодимизни шу руҳда тарбиялаш асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Ва Президентимизнинг айнан Конституция кунига бағишланган анжуманда бу масалага яна бир бор халқимиз, жамоатчилигимиз эътиборини қаратгани ҳар жиҳатдан манتيқий, деб ўйлаймиз. Чунки Конституция биз яшаётган ва барпо этаётган эркин, озод жамият асосларини ҳар томонлама мустақамлаб берадиган ҳуқуқий ҳужжат, бир сўз билан айтганда, ҳаёт қомуси бўлса, маънавийт халқимиз умрбод озикланиб яшайдиган муқаддас манбадир. Президентимиз ўз нутқида бу ҳақиқатни яна бир бор таъкидлаб, бундай дейди: «Албатта, ҳар қандай жамият ривожини ўзига асослар зарур. Бусиз бутунги тарақийётни мутлақо тасаввур этиб бўлмайди. Лекин, шу билан бирга, инсоният ҳаёти учун маънавий асослар ҳам сув билан ҳаводек зарур».

Халқимизнинг ўзига хос миллий қиёфасини яққол намоён этадиган, ўзлигимизни

чуқур англашимиз, кимларнинг, қандай буюк зотларнинг ворислари эканимизни тушуниб етишда ўта муҳим ўрин тутадиган белги-аломатлар жуда кўп.

Ана шундай хусусиятлар ҳақида гапирар экан, Президент халқимиз маънавиятининг асосий белгиларидан бири бўлган мусулмончилик тушунчаси ва исломий анъаналарни асраб-авайлаш масаласига ўз нутқида алоҳида тўхталиб ўтди. «Биз бошқа динларга, бошқа миллат ва элатларга, уларнинг урф-одатларига, албатта, ҳурмат билан қараймиз. Ёшларимиз, албатта, Ғарб маданиятидан, бугунги демократия тамойилларидан хабардор бўлиши керак, лекин ота-боболаримиздан қолган, бизга динимиз уқтирадиган арконлардан, қондалардан ҳеч қачон чекинмаслигимиз лозим», деб таъкидлайди Юртбошимиз.

Ҳаммамизга яхши маълумки, она диёримиз қадимдан исломий илм-фан ва маданиятнинг буюк марказларидан бири сифатида шуҳрат қозониб келган. Улуғ аждодларимизнинг ислом динини ривожлантириш, унинг муқаддас йўл-йўриқларини мустаҳкамлаш борасидаги хизматлари бутун мусулмон оламида эътироф этилган. Бинобарин, муқаддас ислом динининг эзгу ғоялари миллий қадриятларимиз ва турмуш тарзимизга чуқур сингиб кетгани ҳам аён ҳақиқат.

Давлатимиз раҳбари масаланинг ана шу жиҳатларига тўхталиб, мусулмончиликни биз кенг маънода тушунишимизга алоҳида урғу берди. Шу боис биз бу тушунчани фақат диний амаллар билангина чеклаб қўймасдан, моҳият-эътиборига кўра, мусулмончилик деганда, доимо эзгу мақсадлар сари интилиб, кўҳна қадриятларимизни улуғлаб, Ватанимиз, халқимизга муҳаббат ва садоқат билан яшашни англаймиз. Миллий ўзлимизни сақлаган ҳолда, бугунги замоннинг ўзи талаб қиладиган ўзгаришларни ҳаётга кенг жорий этиш, илм-фан ютуқларини эғаллаб, давр билан ҳамқадам бориш мусулмончиликнинг асосий талабларига ҳеч қачон зид келмайди. Буни аждодларимизнинг ҳамшиша замон билан ҳамнафас яшаганлари, бошқа эл-юртлар ҳаётидаги яхши анъаналарни ўзлаштиришга интилиб келганлари ҳам исботлайди.

Қолаверса, Қуръони Каримнинг ўзида «илм» сўзи 750 марта, «ақл» сўзи 50 марта тилга олингани ҳам ислом динининг асл моҳиятидан, Оллоҳ таоло бандаларини доимо илм ва тараққиёт сари даъват этганидан далолат беради.

Мусулмончиликнинг асосий талабларидан бўлган маънавий поклик, гуноҳ ишлардан тийилиш, кўпчиликнинг раъйига қараб иш тутиш, каттага ҳурматда, кичикка иззатда бўлишдек халқимиз томонидан асрлар давомида улуғлаб келинган урф-одат ва анъаналарга амал қилиш айниқса бугунги кунда қанчалик катта аҳамият касб этаётганини барчамиз ҳозирги глобал муаммолар замонида ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ҳис этмоқдамиз.

Айнан мусулмончилик анъаналари туфайли биз ана шундай фазилатларни асрлар давомида сақлаб, ривожлантириб келмоқдамиз. Шу маънода, Президентимизнинг «Агар меъдан, нега миллий қадриятларимиз шунча замонлар оша безавол яшаб келяпти, деб сўрашса, бу — аввало, муқаддас динимиз ҳисобидан, деб жавоб берган бўлур эдим» деган сўзлари қанчалик ҳаққоний эканини яна бир бор чуқур ҳис этиш мумкин.

Албатта, мусулмончиликнинг биз учун зарур бўлган, халқимиз томонидан неча юз йиллардан буён улуғлаб келинаётган хусусиятлари оз эмас. Лекин улар орасида ота-боболаримиз хоки ётган муқаддас заминни обод қилиш ва пок сақлашни доимо диққат-эътиборимиз марказида тутиш, ўзимнинг борар жойим ҳам мана шу ер, мана шу тупроқ, деб англаш, ватанпарварлик, шу юртга фидоийлик хислатлари айниқса муҳим аҳамият касб этади. Чунки ўз аждодлари хотирасини унутмаган, улар мангу ором топган заминни эъзозлаб яшаётган халқнинг келажаги албатта ёруғ бўлади. Шундай фазилатлар билан яшаган халқ ҳеч қачон ўз шаъни, ўз ғурурини бошқаларга оёқости қилдириб қўймайди, миллий қадриятларини кўз қорачиғидек асраб яшайди.

Шу маънода, асл мусулмончилик муқаддас китобларимизда тилга олинган кўрсатмаларга таяниб-суяниб, бу ҳаёт неъматларига шукр қилиб яшашга ундайдиган ва шу йўлда ҳар қандай оғир синовларга бардош беришга, уларни енгишга ўргатадиган, неча-неча замонлардан ўтиб келаётган кенг қамровли тушунча ва туйғулар, анъана ва қадриятлар тизимини эканига халқимизнинг кўп асрлик тарихи мисолида қайта-қайта ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Ота-боболаримиз томонидан асрлар мобайнида эъзозланиб, муқаддас эътиқод даражасигача кўтарилган омонатга хиёнат қилмаслик, ор-номус, ҳаё ва ибод, андиша каби балки бошқаларга нотаниш бўлган туйғу ва тушунчалар ана шу маънавий тизимнинг асосини ташкил этади. Топган бир дунда нонини ҳам саховатпешалик туфайли бошқалар билан баҳам кўриш, бировнинг оромини бузмаслик, тинчликни Яратганнинг буюк неъмати, меҳр-оқибатни одамийлик шарти деб билиш эл-юртимиз амал қилиб келган ҳаётий фалсафа — мусулмончиликнинг моҳиятини ташкил этади.

Эътибор берганмисиз, тўй ёки маъракаларимизда оқсоқоллар қозоннинг бошига бориб, «Ҳамманинг оғзи тегсин, ош емаган одам қолмасин, ҳой, маҳалладаги бемор ва қарияларга ҳам ош чиқардиларингми?» деб сўрайди.

Албатта, бир чуқум ошсиз ҳеч ким ошдан ўлиб қолмайди. Лекин топганини кўни-кўшни, маҳалла-кўй билан баҳам кўриш, меҳр ва мурувват халқимизнинг қон-қони, суяк-суягига шу қадар сингиб кетганки, токи бу амалларни бекаму кўст бажармасдан туриб, ўзини мусулмон фарзанди деб аташга истиҳола қилади.

Шу нуқтани назардан мусулмончилик асл инсонийлик, ҳаммани ўзига тенг кўришдан иборатдир, десак, бу ҳам тўғри бўлади. Бинобарин, бировни камситган, кимнидир ўзидан кам кўрган одам ҳеч қачон мусулмон бўла олмайди. Динимизнинг теран инсонийлик маъноси ҳам айнан ана шундай ҳаётий масалаларда ёрқин намоён бўлади.

Ўзаро тенглик, ҳар бир оила, ҳар бир инсон ҳуқуқига ҳурмат билан қарашни ифода этадиган яна бир одатимизга эътибор берганмисиз? Кўпчиликка яхши маълум-

ки, маҳалладаги йиғинларда одатда ҳар бир оиладан биттадан вакил иштирок этади. Агар бирор бир сабаб билан бу йиғинларда қайсидир оила бошлиғи иштирок этолмаса, ўғли ёки набирасини юборади. Чунки шарти шу — ким бўлишидан қатъи назар, бир оиладан бир вакил қатнашиши зарур. Бу ҳам халқона демократиянинг бир кўриниши.

Халқимизнинг кўп асрлик тарихи шундан далолат берадики, ҳаминша эл-юрт ташвиши билан яшайдиган, ҳаётда омади юришмаган муҳтож одамларга меҳр-шафқат кўзи билан қарайдиган, ўз бойлигини кўз-кўз қилмайдиган, аксинча, топган даромадидан қўлидан келганда хайро эҳсон қиладиган, бошқаларга ризқ-насиба улашадиган, кўпчиликка фойдаси тегадиган одамнигина мусулмон деб аташ мумкин. Бир сўз билан айтганда, мусулмончилик инсонийлик билан боғлиқ барча эзгу фазилатлар мужассамидир. Шу маънода, мусулмончилик ҳеч қандай демократиядан кам эмас, десак, хато бўлмайди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида ҳозирги пайтда хорижий мамлакатларда турли гоё ва қарашлар ниқоби остида бизнинг миллий қадриятларимизга, умуман, барча миллат вакиллари ҳурмат қиладиган инсонийлик тамойилларига мутлақо тўғри келмайдиган номақбул ҳаракатлар телевидение орқали тез-тез кўзга ташланиб туришини афсус ва надомат билан айтиб ўтди.

Шу ўринда мустақиллик йилларида юртимизда қўлга киритилган беқиёс имкониятлардан самарали фойдаланиб, миллий қадриятларимизни, хусусан, ота-боболаримизга хос мусулмончилик одатларимизни янада мустаҳкамлашга, динимиз арконларини тиклашга катта эътибор берилаётганини таъкидлаш лозим.

Ҳали қудратли ва ёвуз шўро империяси ҳукмрон бўлиб турган 1990 йилдаёқ диёримизда Имом Термизийнинг таваллуд тўйи халқаро миқёсда кенг нишонлангани, ислом динининг ноёб ва мўътабар ёдгорлиғи бўлган, мустамаакачилик йилларида узоқ вақт халқнинг кўзидан пинҳон тутилган Усмон Қуръонининг Мусулмонлар идораси ихтиёрига берилиши, Қуръони Каримнинг она тилимизда мазмун таржимаси босилиши, Рамазон ва Қурбон ҳайитларининг умумхалқ байрами деб эълон қилиниши, муборак ҳаж зиёратига йўл очилиши каби кўпгина тарихий ишлар бизнинг миллий ўзлигимизга қайтиш, диний қадриятларимизни тиклашга бўлган ва изчил амалий ишларимиздан далолат беради.

Истиқлолга эришганимиздан сўнг бу интилишлар янада кенг кўлам касб этди. Шунинг натижасида қанчадан-қанча масжид ва мадрасалар тикланди, буюк азиз-авлиёларимизнинг муқаддас қадамжолари обод қилинди, уларнинг илмий мероси тўлланиб, қайтадан чоп этилди, энг муҳими, юртдошларимиз мусулмончилик амалларини адо этиш учун барча имкониятларга эга бўлди. Мухтасар айтганда, халқимизнинг миллий ўзлиги билан боғлиқ азалий фазилатларини тиклаш ва камол топтиришга хизмат қиладиган жамики қадриятларимиз ҳаётимиздан ўз ўрнини топмоқда.

Кези келганда қадимдан ислом маданияти марказлари сифатида улуғланиб келган кўҳна шаҳарларимиз қайтадан обод бўлиб, уларнинг қутлуғ саналари халқаро миқёсда кенг нишонланиб келаётганини алоҳида қайд этиш зарур. Шу билан бирга, Хива шаҳридаги Ичанқалъа мажмуи, Самарқанд ва Бухоро шаҳридаги мумтоз обидалар, Шаҳрисабздаги Амир Темур ва темурийлар даври меъморлик ёдгорликлари Бутунжаҳон маданий мерослари рўйхатига киритилгани миллий қадриятларимизнинг дунё миқёсидаги ўзига хос эътирофи бўлди. Марказий Осиёдан ушбу рўйхатга киритилган 6 та маданий мерос намунасидан бештаси бизнинг заминимизда жойлашгани барчамизга катта қувонч ва ифтихор бағишлайди.

Президентимиз фармони билан ташкил этилган Тошкент ислом университети қисқа муддатда нафақат мамлакатимиз, балки бутун минтақамиздаги нуфузли олий ўқув юртига айланди.

Биргина 2003 йилнинг ўзида диний қадриятларимизни замон талаблари асосида ривожлантиришга қаратилган иккита муҳим ҳужжат — «Имом Бухорий ёдгорлик мажмуини асраб-авайлаш ва янада ободонлаштириш, аллома меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш ишларини такомиллаштириш тўғрисида»ги Президент фармони ҳамда «Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида» Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилинди.

Бу эса янги жамят қуриш йўлидан илгарилаб борганимиз сари маънавий қадриятларимизни, жумладан, диний анъаналаримизни ривожлантириш ишлари янада такомиллашиб, замон талабларига мослашиб боришини исботловчи яна бир далилдир.

Ишончимиз комилки, Меҳр ва мурувват йилида юртимизда нафақат маънавий ҳаёт, балки бутунги турмушнинг барча соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар янада кучайиб, янги, юксак босқичга кўтарилади. Сирасини айтганда, бу дунёда ҳамма яхшилик ва ўзгаришлар инсон қалбидаги меҳр туйғусидан бошланади. Бинобарин, астойдил меҳр қўймасдан туриб бирон-бир ишни охирига етказиб бўлмайди. Шу нақтани назардан барчамиз яхши ниятлар билан бошлаётган Меҳр ва мурувват йили эзгу интилишлар, хайрли ишлар йили бўлиб қолиши шубҳасиз.

Муртазо Қаршибой



*Ҳинд сори юзландим...*

*Заҳириддин Муҳаммад Бобур*

**Кеча ва бу кун**

**Шарат Сабҳарвал,**

Ҳиндистон Жумҳуриятининг  
Ўзбекистондаги Фавқулодда  
ва Мухтор элчиси

## ДЎСТЛИК КЎПРИКЛАРИ

1950 йил 26 январь кунини Ҳиндистон Республика деб эълон қилинган ва мустақил Ҳиндистоннинг Конституцияси кучга кирган эди. Шу пайтдан бошлаб Ҳиндистон Республикаси кўпгина ички ва ташқи қийинчиликларни енгиб ўтиб, ҳақиқий демократия ва тезкор ўсувчи иқтисодга эга давлат сифатида тараққиёт йўлидан борди.

Сўнгги 10 йил ичида бизнинг ялпи ички маҳсулотимиз кўрсаткичи икки баробар ортди ва биз келажак ўн йилдан камроқ вақт мобайнида ушбу кўрсаткични яна икки баробар оширишдан умидвормиз. Харидорлик қуввати паритети нуқтаи назаридан Ҳиндистон иқтисодиёти дунёда тўртинчи ўринни эгаллаб келмоқда. Кейинги пайтда, шу жумладан жаҳон иқтисодиёти инқирозни бошдан кечираётган вақтда ҳам, бизнинг иқтисодимиз йилига ўртача 6% ўсиб борди. Мазкур молиявий йилда биз тахминан 8% ўсиш юз беришини кутяпмиз.

Бизнинг валюта-олтин заҳираларимиз миқдори ҳозирда 103 миллиард АҚШ долларидан ташкил топган ва тез ошиб бормоқда. Мамлакатимиз ташқи савдоси суръат билан ўсаётир. Ҳиндистоннинг

корхоналари маҳсулотлари сифати ва ишлаб чиқариш миқдори жиҳатидан жаҳон даражасига чиқмоқдалар.

Ҳиндистон энг замонавий технологияларни ишлаб чиқариш ва тадбиқ этишда етакчи ўринларни эгаллаган. Мамлакатимиз ахборот технологиялари ва бу соҳадаги хизматлар борасида дунёда етакчи ўрин тутди ва суперкомпьютерларни ишлаб чиқаришга қодир дунёда мавжуд уч давлатдан биридир. Жаҳонда сунъий фазовий йўлдошлар ишлаб чиқарувчи олти давлатгина бўлса, шулардан бири Ҳиндистондир. Келажакда беш йил ичида биз ойга фазовий кема юборишни режалаштирганмиз.






Мамлакатимиз Республика кунини ҳар гал нишонлаганида, биз келажакка улкан умид, халқимиз фаровонлиги ва чинакам тараққиёт йўлидан боришга содиқлик билан назар соламыз.


Ўзбекистон ва Ҳиндистон яқин тарихий ва маданий ришталар билан боғланган. Биз минтақамиздаги хавфсизлик ва барқарорлик масалалари борасида ўхшаш ва яқин нуқтаи назарга эгамиз, шунингдек диний экстремизм ва терроризмга қарши астойдил курашиб келаётимиз. 2003 йилда Ўзбекистон Республикасининг Олий ва ўрта махсус таълим ва ташқи ишлар вазирлари Ҳиндистонга ташриф буюришди. Ҳиндистоннинг ташқи ишлар ва мудофаа вазирлари ҳам Ўзбекистонга ташриф буюрдилар. Биз бу каби юқори доира ташрифлари билан вакиллар алмашиб туриш анъанасини давом эттириш умидидамыз. Шунингдек, 2003 йилда бизнинг Халқаро терроризмга қарши кураш бўйича қўшма ишчи гуруҳимизнинг учрашуви бўлиб ўтди. Иқтисодий ва савдо алоқаларимизга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тўрт йирик Ҳиндистон ишбилармонлари делегациялари ва бир қанча алоҳида ишбилармонлар 2003 йил давомида Ўзбекистонга келиб кетишди ва бу йил биз бундан-да кўпроқ ташрифларни кутмоқдамыз. 150га яқин Ўзбекистон фуқаролари грантлар асосида Ҳиндистонга қисқа муддатли ўқув курслари ва олий таълим дастурларида ўқиш учун юборилдилар.

Ўзбекистонда ҳинд ва бошқа Ҳиндистон тилларини узоқ йиллар давомида ўқитиб-ўргатиб келатган муаллимларни қутлаш менга мамнуният бағишлайди. Давлатларимизни янада яқинроқ қилишга қўшаётган муҳим ҳиссалари учун биз улардан миннатдормыз.

Қўшимча қилиб шуни айтмоқчиманки, икки Ҳиндистон университети қисқа муддатда ўзбек тилини ўқитишни бошламоқчилар.

Менинг имоним комилки, 2004 йилда икки томонлама муносабатларимиз янада янги чўққиларга эришади.





Абдулла Шер

Нурра айланиб ҳар сўз...

\* \* \*

Умринг оқар сувдир, деб,  
Симирди қоғоз,  
Кўзларимдан нурни еб  
Семирди қоғоз.

Кичрайиб бормоқдамиз  
Қалам икковлон,  
Атроф — баҳор, атроф — куз,  
Ўша-ўшадир осмон.

Кўкка тикилиб икков  
Ер бағирлаб куйлаймиз,  
Ерга эгилиб икков  
Осмонларни бўйлаймиз...

\* \* \*

Бу тун қалбим армон деган юрт кўрди,  
Сарҳади йўк, тўрт томони — тўрт дарча.  
Ҳар дарчадан қиблани ҳам тўрт кўрди,  
Ҳар дарчада яхлит умр чил парча.

Бу тун сени сарҳад билмас хаёллар  
Шундоққина ёнгинамга келтирди,  
Қачонлардир эсиб ўтган шамоллар  
Йиллар бўлиб ўзлигини билдирди.

\* \* \*

Бугун баҳор косагул,  
Лола билан маст қилар.  
Шаррос қуйса майса, гул  
Марваридга қасд қилар.

Шафақлар қизилидан  
Ҳаприқиб кетар юрак.  
Шамоллар ҳазилидан  
Кула бошлайди куртак.



\* \* \*

Сув куйгандек ёт кўча жимжит,  
Байрам борар олис майдонда.  
Жим кезинар бегона йигит  
Юлдузларга боқиб армонда.

Юлдузлар-ку ҳатто бепарво  
Сомон йўли тўзғитган гардга, —  
Қандай қилиб берсин акс-садо  
Йигит қалбда инграган дардга?!

Байрам унга кўринар олис,  
Жуда олис шовқинли майдон.  
Ўтиб борар жимгина, ёлғиз, —  
Тунни кесиб бир кўча армон.

\* \* \*

Бир кечада куз кетиб қолиб,  
Нася қилди хайр-хўшини.  
Томдан ерга найза ўқталиб,  
Ўдағайлар қишнинг кўшини.

Хурпаяди жажжи чумчуқлар,  
Мусичалар титрар бечора.  
Умид билан не-не тумшуқлар  
Қор чўқилар — ризқ деб овора.

Куни бўйи тинмас намчил қор,  
Оқ залвордан эгилар ҳар шох.  
Дурда бўлиб борар томчилар  
Эски тарнов «қирс» этиб гоҳ-гоҳ.

Ногоҳ кўқдан бир гала нуқта,  
Қора нуқта қорга тарқалар:  
Ерни қучиб олган «чағ-чуг»да  
Совуқ бахтни куйлар қарғалар.

\* \* \*

Хўмрайган булутларни  
Ййдирган кўклам,  
Кипяланғоч тутларни  
Кийдирган кўклам

Гоҳ ерни, гоҳ осмонни  
Кузатиб яйрайди кўз.  
Тўлдиради жаҳонни  
Нурга айланиб ҳар сўз.

Завқ улашиб ҳар кимга  
Кўринмас кўллар билан,  
Кириб келди шаҳримга  
Қувлашиб еллар билан.

Куртаклар шивиридан  
Титраб кетади лаблар:  
Илк бора ишқ сиридан  
Огоҳ бўлади қалблар.

\* \* \*

Замҳарир қиш. Ой нурида қор  
Кўкиш тусга ўрганиб, қотар.  
Кечагина айқирган анҳор  
Муз пўстинга бурканиб ётар.

Эсга солар беғубор дунё  
Болаликнинг кенгликларини:  
Пайдо бўлар, ана, Қорбобо  
Пўстинининг буклаб барини.

Қор ҳуснидан руҳланиб осмон  
Чайқатади юлдузларини.  
Қорга чирмаб асрар далажон  
Кўклам учун гул исларини.

Оёғида сеҳрли ковуш, —  
Ўтиб борар кўринмас кудрат.  
Яхмалақда сирпанган товуш  
Қулоғингга урилар фақат...

\* \* \*

Илк баҳор. Сўнгги қор баҳона  
Тунда ҳам қағиллар қарғалар.  
Дарахтлар ёш тўкиб пинҳона,  
Қарқали қисматдан қарғанар.

Гар осмон истаса — шу онда  
Ёмғирга айланар зарралар  
Ва лекин шафқат йўқ осмонда,  
Дарахтни қийнайди қарғалар.

# Фурқат

1

Олис Фарғонада, ҳовуз бўйида,  
Чорпоя устида ўлтираман жим.  
Мавжларга урилган «Чоргоҳ» куйидан  
Мавжланиб кетади ой каби кўнглим.

Юлдузлар нурига баданин чайиб,  
Осмонга шўнғийди қумуш балиқлар  
Ва ойга етолмай, ҳавода тойиб,  
Ҳовузга йиқилар сархуш балиқлар.

Бирок, рўй беради мўъжиза бирдан,  
Мавжларда қалқийди ўзга бир хилқат:  
Аста чиқиб келар ўтган асрдан  
Худди тор ҳужрадан чиққандек Фурқат.

2

«Туркистон бамисли улкан кўрадек,  
На илож қилурмиз, мавлоно Фурқат?» —  
Сўзлар мард саркарда, доно Жўрабек  
Даврада шоирга кўрсатиб ҳурмат.

Убайдуллаҳўжа тинглар сукутда,  
Сўз бошлар хонзода Фансуруллобек...  
Лекин олисдаги парча булутда  
Кўрғошин ёмғирлар залвори бордек...

3

Кўкалдош кўйнида липиллаган шам  
Ушар сўнаётган ёруғ овозга.  
Ватан сувратида йиғлайди қалам  
Шоир эгиларкан танҳо қогозга.


Бирдан у оҳуга қолар айланиб,  
Нишонга олади ғаним саёди.  
Борлиқни титратар кўқда ёйланиб  
Фурқатни билмаган миллатнинг доди.

Кўнади, сўнг, у дод мавжларга аста,  
Ажиб бир манзара бўлур намоён.  
Ўзлигин соғиниб вайрона, хаста  
Пахсалар остида ухлар Туркистон.

Кўқону Тошканднинг бойлари бу пайт  
Ҳикичокда чиқарлар ресторанлардан.  
Асрдан-асрга ўтар ростгўй байт  
Жирканиб эркидан сесканганлардан:

«Чархи кажрафторнинг бир шевасидин доғмен  
Айшни нодон суриб, кулфатни доно тортадур...»

Хўрсиниб боқади мавлоно Фурқат,  
Мен ҳам хўрсинаман беҳос мутассир:  
Икковлон, сўнг, узоқ қураамиз суҳбат,  
Чалкашиб кетгандек туюлар аср!



Шукур Қурбон

Ҳилолатимиз юракдан шукур  
ва орни

## Ана энди...

Ана энди, Алпомишнинг ўгли — Ёдгор  
 Ўн тўрт ботмон парла ёйни тортди, кўтарди,  
 Узилди чирсиллаб, четан девордек,  
 Етти йилда кўрпа бўлиб кетган ажирик.  
 Суғурди бамисли Ернинг киндигин  
 Етти яшар бола эди у,  
 Билар эди у —  
 Отасидан қолган ёй шудир,  
 Отасига мерос эди у —  
 Бобоси Алпинбийдан.  
 Аввало Худо-ю,  
 Гурурми, орми,  
 Таҳқирми, ҳақоратми — куч берган унга?  
 Бобосининг руҳими  
 Ё зиндонда етти йил ётган  
 Отасининг хабари  
 Ва ё томирида оққан алп қони?!

Жон-жаҳоним қулоқ бўлиб тинглайман дoston.  
 Алпомишнинг Алпинбийдан қолган ёйи,  
 Ўн тўрт ботмон парла ёйи —  
 Ётмадимми Ёдгордан сўнг ҳам  
 Тилдан, элдан, мендан унут,  
 Юртимдаги қай бир гўшада,  
 Ажриқ бўлган асрлар босиб?!

Султонлармас, юртимизда  
 Ҳукм юргизмадимми ултону қуллар?!

Ана энди, Истиклол бўлиб,  
 Кимдир уни топгандай бу кун,  
 Тортгандай, кўтаргандай,  
 Отгандай бу кун.  
 Акс ҳолда, қайтармиди ултону қуллар  
 Ултонлиги ва қуллигига!

Узилди чирсиллаб четан девордек,  
 Юзлаб йилда кўрпа бўлиб кетган ажирик.  
 Бамисли суғурди ернинг киндигин.  
 Ўн тўрт ботмон парла ёйни  
 Кимдир тортди, кўтарди, отди.

# Суврат

**Ҳамқишлогим — Худойберди  
саркор хотирасига**

*Балиқчилик саркор бобо яшади узоқ,  
Лекин, суврат ундан узоқ қолди кўлларда.  
Ўша йиллар, ўша ишонч, ўша иштибоҳ,  
Нима кунни кўрмади бу халқим йўлларда?!*

*Алданмаслик мумкин эди душманга, ахир,  
Кўриш мумкин эди ҳатто оқибатни ҳам.  
Кўнмасликдан бошқа илож қолмади охир,  
Кўрбошилар аро бирлик топганда барҳам.*

*Юртимнинг мард ўғлонларин, босқинчи ила,  
Кўрганмисиз бир товоқдан ош еганини?  
Бу тарзда ош еганлари — тош еганими?  
Ўша яраш-яраш, ўша тоғ, ўша йиллар!...*

*Бу ҳам камлик қилган каби, бало бормиди,  
Эй, сувратга тушмоғига туриб ёнма-ён?  
Ўзбегимнинг ўғлони, сен шунча хормидинг —  
Мустабидлар даврасида турибсан шодон?!*

*Шўроларнинг кўмондони қаттол беадад  
Палончиев ҳам бор эди давра тўрида.  
Олса, чаён каби кўлин чақарди суврат,  
Кўрса, кўзи хиралашиб қоларди кўрдай.*

*Лекин, йиртиб ташлолмади сувратни саркор:  
«Қама-қама, от-от даври» келди шошириб.  
Ўша суврат дастак бўлиб, такрор ва такрор  
Четлаб ўтди уни бало-қазо шамшири.*

*Суюндими бу аҳволга, йиғладими ё,  
Бошқаларни кўйиб туринг, виждон не деди?  
Эй, сувратга сиғмай қолган дўстларнинг қаро —  
Қисматига ачинди у, ич-этин еди.*

*Лекин, жангсиз-курашсиз, бекордан-бекор  
Ўлиб кетмак — оқилларнинг юмуши эмас.  
Худо берган умрин яшаб ўтди-ку, саркор,  
Унга биров: «Нега бундай қилдинг?» ҳам демас.*

*Ҳайҳот! Оғир бир армон бор: Мустақилликни  
Кўролмади саркор бобо кўпнинг қатори...  
Сувратларда кўриб энди ўтган қулликни,  
Ўйготамиз юракдаги ғурур ва орни.*

## Бир от қиссаси

Наманган вилояти, Учқўрғон  
шуманидаги «Учқўрғон» ширкат  
хўжалиги аъзоларига

Фиротмиди, Фирқумиди аждоди,  
Ипакмиди, укпармиди қаноти?!  
Елларида эркин беҳишт еллари,  
Ватан ҳаётига боғлиқ ҳаёти.  
Ўша от кўзлари-ла боқар хўжалик,  
Ўша от кулоқлари била эшитар.  
Ўша от туёқлари берар акс-садо  
Ширкат аъзолари юракларида,  
Ўша ширкат аъзоси бўлдим хаёлан,  
Бўлдим ўша посбон, ўша от — мен ҳам.  
Йўқ,  
Яхшиси,  
Бир бошдан айтай:  
Миллион сўмни топиш осонми —  
Ҳалолдан, покдан?  
Йўқ, бир сўмни, айтинг,  
осонми топиш?  
Нима келар миллионга бугун?  
Эскироқ бўлса-да берарми мошин?  
Уй солса бўларми қишлоқда — чоғроқ,  
Ҳаммоми билан?  
Ширкат хўжалиги учун-чи, айтинг,  
Келмайдими уруғлик қанча?  
Техникага эҳтиёт қисм, ёнилғи  
Ё қанча оилага буғдой — бир қопдан?  
Пахта ёғи...  
Қайнамасми қанчалаб қозон?  
Ҳаммасидан орттириб лекин  
(— Орттирмақ мумкинми кўпнинг ҳақидан?  
Кўпнинг иши учун мумкин орттириш!)  
Сотиб олди ширкат хўжалик бир от.  
Аммо улоқ чопиш учунмас  
Ё тўйга тўёна учунмас, асло,  
Сўйиб, қазисини ейиш учунмас,  
Ҳадя қилиш учун ватан посбонларига  
Ва қилди ҳадя.  
Бугун чегарада аскар ўғлонлар  
Юрт кўриқлар ул отни миниб.  
Ширкат чегарада жойлашган, тўғри.  
Сарҳадлар кўриқланган отсиз ҳам, тўғри.  
Лекин тўғри эмас — умумюмушдан  
Ўзни четга олиб яшамоқ — кўрдай.  
Пахта ёғ ҳам бўлар, қайнамай қолмас —  
Қора қозон — миллионсиз ҳам.  
Уй ҳам солинади  
Ҳаммоми билан,  
Буғдой-у, эҳтиёт қисм... топилар,  
Хоҳласа Худой.

Сарҳадлар тинч бўлиши керак, аввало,  
 Юртда улоқ чопилсин учун,  
 Тўйга тўёналар қилинсин учун,  
 Қазисини ейиш учун отларнинг — сўйиб.  
 — Ватанни кўриқлаш осонми, айтинг?  
 — Кўплашилса, албатта, осон!  
 Ҳар ким ўз улушин қўшмоғи керак  
 Ватан хизматига, келганча қўлдан.  
 У, ахир, келмоқда жуда ҳам узоқ  
 Ва оғир йўлдан.  
 Мазлум эди бу юрт бир маҳал,  
 Асралмаса ҳам,  
 Босқинчилар келишиб олардилар, бас,  
 Ўзаро ва жим.  
 Асраш керак лекин Мустақилликни,  
 Ҳайвонлару қушлару пуллар-ла ҳатто.  
 Ўша от кўзлари-ла боқаман мен ҳам,  
 Эшитаман ўша от қулоқлари-ла.  
 Ўша от туюқлари берар акс-садо  
 Менинг юрагимда ҳам.

\* \* \*

Мустафо Бафоро

На шоир, на ҳофиз, на-да дўст-ёрон,  
 Бастакорни куйлар тушунар кўпроқ.  
 Ҳалал берманг унга ёруғ дунёда,  
 Фортепьяно ва у ёлғиз қолган чоқ.

Биздан гўзалроқдир, биздан баландроқ,  
 Айричадир ҳайрат-ҳаяжонлари.  
 Муסיқий келажак орзуларида  
 Майда туйғулардан яшайди нари.

Ўзбекча, японча, хитойча каби  
 Оҳанг тили бордир, гаплашадир у.  
 Балки Оллоҳ, балки фаришталар-ла  
 Биз беҳабар зимдан дардлашади у.

Нота чизиғи — қон томирларига  
 Яшайдир бастакор бирма-бир илиб,  
 Бутун ва яримта, чорак, нимчорак  
 Юрак ноталарин минг пора қилиб.

Лекин у бари бир бардам ва хурсанд,  
 Сарфлангани сари тўлишар қалби.  
 Бари бир биз уни билолмаймиз ҳеч,  
 Оллоҳ каби ўша фаришталар каби.

**Хато қилган бўлсам...**

Музаффар Аҳмагга

Фикрингни сўрадим холос, азизим,  
 Муносабат билдир ошкор ва мутлоқ.  
 Юмилган бўлса гар, очилсин кўзим,  
 Хато қилган бўлсам, тўғрилай шу чоқ.

Ўтдими озмунча кунлар бошимдан,  
 Ажиб фалсафани етганман англаб:  
 Кимки кўнглидагин айтмас қошингда,  
 Албатта, изингдан қилади бир гап.

Гуноҳинг тўкилар бу ҳам бир бахтдир,  
 Бу ҳам пешонага балки битилган.  
 Йўқолган дўстларим ўрни бўш, ахир,  
 Тўлдирмоқ истамайман уни сен билан.



Чоршамъ

Кўзларимга тўлди муҳаббат  
опаш

\* \* \*

Ишқ йўлидан кетарман, йўлимда ҳеч губор йўқ,  
Ёримга гул тутарман, гулимда ҳеч губор йўқ.

Губор тўла бу олам ичра яшаб бир умр,  
Дилимни пок сақладим, дилимда ҳеч губор йўқ.

Ҳақ олдида ҳақ сўзни айтмоққа не етишгай,  
Тилим каломга келди, тилимда ҳеч губор йўқ.

Ўлмай туриб ўлмоқни улуғлардан ўргандим,  
Ўлим қандай лаззатли, ўлимда ҳеч губор йўқ.

Мени асраб-авайлаб улғайтди шу она-юрт,  
Чоршамъ, севдим шу элни, элимда ҳеч губор йўқ.

\* \* \*

Йўлларга қарайман сайрни соғиниб,  
Ғаму, андуҳи йўқ дайрни соғиниб.

Кўзларимга тўлди муҳаббат оташи,  
Бағримни куйдирган бағрни соғиниб.

Чиқиб кетсам дейман далаю қирларга,  
Беармон куйлаган тайрни соғиниб.

Ёлғизлик ёғига қоврилиб қолдим-эй,  
Ёнимда бир далкаш сойирни соғиниб.

Қайдасиз, келингиз тобуткаш дўстларим,  
Ўлиб бўлдим салом-хайрни соғиниб?!

Чоршамъ, зор қолганда Фарғона борурман,  
Хувайдо деган бир шоирни соғиниб.

\* \* \*

Сени кўрган заҳотим қалбим кўзи очилди,  
Маъни топди ҳаётим, қалбим кўзи очилди.

Юмуқ эди кўп замон, зулмат ичида хайрон,  
Келдинг, сен, эй нажотим, қалбим кўзи очилди.

Бўронлар ҳам тингандай, ичимга нур ингандай,  
Қанот ёзар қанотим, қалбим кўзи очилди.

Энди юммасман уни, висолу ҳижрон туни,  
Собит турар работим, қалбим кўзи очилди.

Яшашга шавқи одам шунча бўлар-да, Чоршамъ,  
Кўлга ол-ей, давотим, қалбим кўзи очилди.

\* \* \*

Ёгилур туну кун бошима балои муҳаббат,  
Сочилур кўнгилдин бир ҳазин навои муҳаббат.

Бағримни ўртайти минг нолаю минг оҳанг, вой-эй,  
Бўлиб қолдим бугун мен, наҳот, адои муҳаббат?

Келадур олисдан гоҳи бир садо элас-элас,  
Ул замонда эдим мен ажаб шайдои муҳаббат.

Масту сархуш ўлиб, нашъу намога тўлиб, дўстлар,  
Этгим бор эди ёш жонимни фидои муҳаббат.

Тонггача тортадурман энди жавру жафосини,  
Бўлдиму менга бу ё ҳақдин жазои муҳаббат.

Тўкилур кўзимдан ёш бўлиб ғаму ҳасратларим,  
Қайда у ошиғу маъшукқа фанои муҳаббат?

Бедаво дард деса дониши, ишонмай излабон,  
Топмадим жаҳонда Чоршамъ, эй, давои муҳаббат.

\* \* \*

Мен сени излайман, қайдасан, эй менинг хаёлий маликам,  
Ердами, кўкдами, ойдасан, эй менинг хаёлий маликам?

Ёшлиқда бир кўргандайинман, кўриб кўнгил бергандайинман,  
Бухороми ё Чоржўйдасан, эй менинг хаёлий маликам?

Малакми ё хурсан билмадим, ортингдан соядай елмадим,  
Сув парисими ё сойдасан, эй менинг хаёлий маликам?

Хаёлдай ширинсан, асалсан, руҳ каби доим изма-изсан,  
Кўнглимининг хоҳиши — раъйдасан, эй менинг хаёлий маликам.

Жунун ичра гоҳи кўрарман, ҳарир парда ичра турарсан,  
Тенги йўқ ажаб чиройдасан, эй менинг хаёлий маликам.

Айланай ул сарви бўйингдан, не бўлсам бўлайин кўйингда,  
Маст бўлиб яшайман, майдасан, эй менинг хаёлий маликам.

Ишқинг Чоршамъ учундир ҳузур, топсам-топмасам ҳам бир умр  
Қалб деган энг азиз жойдасан, эй менинг хаёлий маликам.



\* \* \*

Дардимга даво бўлгали дилдор керақдур,  
Дилдорга дилим этгали изҳор керақдур.

Изҳори дилим очкали бир сўз ила бўлмас,  
Сўзларни тизиб чиққали ашъор керақдур.

Ашъор битилур чоғи юрак ёнғуси, ҳай-ҳай,  
Неча туну кун қалб кўзи бедор керақдур.

Бедор ўлибон руҳи жоним ўртанадур, ох,  
Ишқ шарҳига ул тавҳиди асрор керақдур.

Асрори муҳаббатни фақат билғуси Аллоҳ,  
Аллоҳнинг менга зарраси бир бор керақдур.

Бир бор анга етсам, на эди манга бу дарди,  
Чоршамънинг, ахир, кўнглига дарбор керақдур.

\* \* \*

Севги сирли бўлишини истайман,  
Ойдаи нузли бўлишини истайман.

Севишганлар йўлларини ёритиб  
Қалблар кўрли бўлишини истайман.

Ҳар юракка берган акси-садоси  
Турли-турли бўлишини истайман.

Ошиқ-маъшук узукка кўз кўйгандай,  
Ёқут, дурли бўлишини истайман.

Ошкораман гарчи оламда, Чоршамъ,  
Севги сирли бўлишини истайман.

\* \* \*

Дард чекаман — дардим тугамас,  
Ёрсиз ҳаёт тарзим тугамас.

Мажнун каби девонадурман,  
Юракдаги гардим тугамас.

Ҳолим кўриб ҳайрона боққан  
Теграмдаги мардум тугамас.

Муҳаббатсиз кимсалар ичра  
Қалбимдаги қаҳрим тугамас.

Дайди каби келмади бир бор  
Ёрга айтар арзим тугамас.

Чоршамъ, шеърдан нажот истадим,  
Ёзган билан сатрим тугамас.



# ЧИНГИЗ

# АФАНДИГА

# МАКТУБЛАР

**ВОЗЗВАЖЕНІЕ  
КЪ НАСЕЛЕНІЮ  
ТОВАРИЩЕ И ГРАЖДАНЕ**

**ВОЗЗВАЖЕНІЕ  
КЪ НАСЕЛЕНІЮ  
ТОВАРИЩЕ И ГРАЖДАНЕ**

**ВОЗЗВАЖЕНІЕ  
КЪ НАСЕЛЕНІЮ  
ТОВАРИЩЕ И ГРАЖДАНЕ**

**ВОЗЗВАЖЕНІЕ  
КЪ НАСЕЛЕНІЮ  
ТОВАРИЩЕ И ГРАЖДАНЕ**



Набижон Боқий

ТОШКЕНТ — ИСТАНБУЛ

*Бу китобимни миллатпарвар шоир  
Шавкат Раҳмон хотирасига бағишлайман.*

Муаллиф

## «БИЛАМАН, МАКТУБЛАР ЙЎЛЛАРДАДИР»

Авваламбор, ёзмоққа ният қилганимиз шаҳиди шариф Анвар пошонинг ҳаётига алоқадор бўлган маълумотлар совет манбаларидан олинаётганини таъкидлаб қўймоқчимиз (фақат 1991 йили Токиода Осиё ва Африка институти нашр этган Анвар пошо ва унга йўлланган мактубларнинг аслияти бундан мустасно). Ўз-ўзидан равшанки, биз суянган манбалар баъзан нотўғри бўлиши ҳам мумкин. Лекин биз мудом ҳақиқатни изладик, ҳақиқатни топмоқчи бўлдик. Агар гоҳида тўғри йўлдан тойиб кетган бўлсак, минг бора узр, зукко ўқувчилар муаллифни кечирсинлар. Бизнинг асл мақсадимиз — мустақиллик эълон қилинган 1991 йилгача Туркистон доҳилиндаги темир сандиқларда эл кўзидан пинҳон тутилган ҳужжатларга асосланиб, миллий мужодала тарихиндаги ёрқин саҳифаларни ўқимоқ ва ўқмоқ, холос. Афсуски, ҳозир истеъмолда бўлган кўпгина адабиётлар, тарих дарсликлари, қомуслар, маълумотномалар ёш авлодни ҳам, катталарни ҳам алдаяпти. Тўғри, «босмачилик ҳаракати» қўғирчоқ ҳукумат томонидан расмона қораланадиган даврлар ўтиб кетди.

Билмоқ керак, Анвар пошо мадфун Туркистон заминида исломият ва имон учун, турк ва Турон учун азиз жонини қурбон қилиб, Оллоҳи каримнинг рутбаи шаҳодатига — шаҳидликка ноил бўлган мўътабар зотдир. Зоти шариф туркистонлик миллатдошларининг тақдири ҳал бўлаётган мужодала жабҳасига кираётиб, 1921 йилнинг 29 октябрида Бухорои шарифдан Берлинга — жигарбандларига йўллаган хатида: **«Тўрт ой бўляптики, сиздан хабар йўқ. Биаман, мактублар йўллардадир»** деб умидвор бўлади. Уша йилнинг 4 ноябрида эса Комилбей афандига: **«Султоним ва фарзандларим сенга омонатдир. Улар дунёда мен учун энг азиз эканини, вазифам нақадар муҳимлигини уларга тушунтириб бергин»**, деб гўё васият қилади. У пайтлари, янглишмасам, пошонинг тўнғич ўғли Чингиз афанди бор-йўғи беш-олти яшар жужуқ эди.

Иншооллоҳ, Чингиз ҳаёт эсалар, ҳозир 80



яшар нуруний бобо бўлганлар. Муҳтарам афандим, биламан, долғали йилларда шавкатли отангиз сизлардан хат-хабар келишини нечоғли интизор бўлиб кутган бўлса, сиз ҳам 70 йил давомида Туркистондан хуш хабар келишини интиқ бўлиб кутгансиз. Ўзимиз ҳам энди-энди ҳужжатлар гувоҳлигида ислом ва турк оламининг оташин фарзанди Анвар пошо ҳазратлари ким бўлганини, нима ишлар қилганини, нима учун шаҳид бўлганини озми-кўпми англаб етгямиз.

Бизнинг миллий ифтихоримиз бўлган Анвар пошо ҳаётининг сўнгги кунлари тўғрисидаги мактубларимизни ва уятли узримизни қабул қилгайсиз, афандим!

Эҳтиром билан,

Набижон Боқий.  
Тошкент шаҳри,  
Ёзувчиларнинг Дўрмон боғи  
1996 йил феврал ойи.

## БИРИНЧИ МАКТУБ

Афандим!

Анвар пошо ҳазратлари Туркистонга, хусусан, Бухоро амирлиги доҳилинга 1910 йилдаёқ «Иттиҳод ва тараққий» фирқасининг ўлмас ғояси шаклида кириб келадилар. Жадиҳчилик Туркияда сиёсий ҳокимият мартабасига эришгач, Русия империяси зулми остида эзилиб ётган мазлум турк халқларининг бирдан-бир халоскори сифатида майдонга чиқади. Равшанки, халоскор ҒОЯ империячиларни жиддий ташвишлантира бошлайди. Руслар жадиҳчилик ғоясини жужиқлик пайтидаёқ бўғиб ўддириш йўлларини қидиради. Албатта, бунинг учун улар, авваламбор, жадиҳчилик моҳиятини билишлари лозим эди. Империя қорақўллари ҳаракатга тушади. Шу нуқтаи назардан қаралса, 1910 йил 18 июн куни Янги Бухородаги Русия Хуфяси томонидан Туркистон генерал-губернатори идорасига (дипломатия бўлимига) юборилган 405-нўмерли махфий хат диққатга сазовордир.

Хуфянинг мактуби булди:

«Марҳаматли жаноб Яков Яковлевич!

Шу йилнинг 4 июн куни йўлаган 98-нўмерли ва 11 июн куни йўлаган 100-

---

## «ТАРИХНИНГ МОҲИЯТИ ВАТАН ВА ОЗОДЛИҚДИР...»

Қўлингиздаги китоб на роман, на қисса, на ҳикоя, на ривоят. У тарихий асар, илмий асар, аммо ҳикоядай завқ-шавқ билан ўқилади. Унинг биринчи саҳифаларини ўқиб чиқишингиз билан жуда ажойиб бир романга дуч келгандек охиригача қўлдан қўймайсиз. Негаки, бу китоб чинакам истеъдод билан, чинакам дард билан ёзилган. Унда фикр кўп, эҳтирос кўп, самимият кўп. Шунинг учун китобдаги мазмун дарҳол юрагингизга бориб етади, вужудингизни камраб олади, сиз унинг энг теран, энг нозик пучмоқларигача етиб бормоқ учун ва шу туфайли бизга маълум деб ҳисобланган тарихимизни янгидан кашф қилмоқ учун талпинасиз. Ва китоб сўнггида муаллиф билан бирга «тарихнинг моҳияти Ватан ва Озодликдир» деган доно хулосага келасиз.

Китоб муаллифи Набижон Боқийнинг адабиётга кириб келганига ҳали кўп бўлгани йўқ, аммо у биринчи мақолалари ва илк китоблари биланоқ ҳамманинг эътиборини ўзига қаратди. Негаки, у мустақиллик адабиётининг элчиларидан бири сифатида адабиётга кириб келганди. У ҳозирга қадар шу маромини қўлдан бермай маҳкам ушлаб келмоқда. Қўлингиздаги китоб «Чингиз афандига мактублар» деб аталади. Чингиз афанди туркиялик, Анвар пошонинг ўғли. У ҳаёт бўлса, ҳозир камида саксонга кирган бўлмоғи керак. Муаллиф уни танимайди, лекин атоқли миллий-қозодлик курашчисининг ўғли сифатида унга мактублар билан мурожаат қилади. Демак, бу бир адабий усул, холос. Китоб ўн саккиз мактубдан иборат. Бу мактублар бизни йигирманчи йилларнинг бошига, инқилоб даврига, фуқаролар уруши даврига қайтаради, кўз ўнгимиздан бизнинг онгимизга «босмачилик ҳаракати» деган тавқи лаънат билан муҳрланиб қолган миллий-озодлик ҳаракатининг жонли манзаралари бирин-бирин ўта бошлайди. Ҳа, Шўролар замонида шўро тарихчилари бу давр ҳақида кўп ёзишган эди. Ўнлаб катта-катта китоблар, минглаб мақола ва рисоалар эълон қилинганди. Уларнинг ҳаммаси ҳайрон қоладиган яқдиллик билан «большевиклар бизга бахт олиб келди, кимда ким уларга қарши бўлган бўлса, улар босқинчи, миллатчи, халқ душмани» деган сохта ҳақиқатни миямизга миҳдай қоқиб қўйганди. Жуда кўпчилик ўша коммунистик сафсатага чиппа-чин ишонган ва ўзининг фикрлаш тарзини шунга қараб бичган эди. Ўзбекни менсимаслик, унга паст назар билан

нўмерли мактубларингизни олдим. Маълумингиз бўлсинки, Когондаги сиёсий хуфяхона апрел ойидаёқ Бухорода маърифатпарвар жамият мавжудлиги тўғрисида хабардор эди. Биз ўша жамиятнинг низомини қўлга киритдик. Низомда кўрсатилишича, жамият фақат Бухоро доҳилинда эмас, балки бутун Туркистон ўлкасида фаолият юритишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Зоти олийлари таъкидлагандек, бу жамиятнинг фаолияти бизнинг мақсадимизга тўғри келмайди. Агар улар муваффақият қозонсалар борми, бизнинг манфаатимизга зарар етказадилар. Шу боисдан ўша жамият қандай пайдо бўлгани аниқланиб, Ўрта Осиёга ташриф буюрган фаолларига нисбатан қатъий чоралар кўрилиши лозим. Мабодо жамият аъзоларидан бирортаси амирлик ҳудудидан ташқарига чиқиб кетса, бу ҳақда телеграф воситасида хабар берамиз<sup>1</sup>».

Айни вақтда Русиянинг жосуслари Туркия доҳилинда ҳам тиниб-тинчимайдилар. Одатдагидек, элчихона хизматчилари енг шимариб ишга киришадилар. Туркистон генерал-губернатори А.В.Самсоновнинг буюртмаси бўйича Истанбулдаги Русия элчихонаси 1910 йилнинг 29 сентябр куни батафсил махфий ҳисобот жўнатади.

Афандим, ижозат берсангиз, Русия жосуси Истамбулда қўлга киритган маълумотларни этиборингизга ҳавола қиламан. Бу маълумотлар ҳозир ҳам тарихий аҳамиятга моликдир. Қолаверса, Анвар пошо ҳазратларига қарши кураш ҳали у зоти шариф Туркистонга ташриф буюрмасдан анча илгари бошланганини шундан ҳам билиб олиш мумкин.

**«Русиянинг Истанбулдаги элчихонасидан Туркистон генерал-губернатори А.В.Самсоновга махфий мактуб.**

**Ҳурматли Александр Васильевич!**

Зоти олийларининг 973-нўмерли 27 июл куни Истанбулдаги элчи гофмистр Чариков номига йўллаган мактубингизни олдик. Сиз унда «Иттиҳод ва тараққий» фирқаси тўғрисида имкон қадар батафсил маълумот беришимизни сўрабсиз. Иқроп бўлибсизким, усмонли туркларнинг сўл мафкурасини ифодалайдиган газеталар Туркистон ва Бухоро доҳилида тарқатилаётир ва бу ўлкаларнинг мусулмонларини маърифатли қилиш ёш турклар программасининг асосий мақсади экан.

<sup>1</sup> Тожикистон ССР Компартия архиви. Фонд № 31. Описание №1. Дело №. 26-27 бетлар

қараш, унинг тарихини ёритишда ҳар қандай ҳақиқатдан чекиниш шу даражага етдики, халқнинг кўп асрлик тарихида йилг этган бирон саҳифа қолмади. Хуллас, Алоҳнинг инояти билан Ўзбекистон мустақилликка эришгач, унинг тарихини бутунлай янгидан ёзиб чиқиш зарурияти кўндаланг бўлди. Кўп йиллар мобайнида паймол қилинган миллий ғуруримизни тиклаш учун, онгимизни коммунистик хурофотлар асоратидан холи қилмоқ, учун тарихимизни ҳақиқат кўзи билан қайтадан кўриб, адолат нуқтаи назаридан қайта баҳолаб чиқмоқ талаб қилинар эди. Набижон Боқий ана шу улуввор ва қийин вазифанинг ўз маҳрига тушган қисмини бажаришга жазм қилипти ва бу ишни ҳавас қилса арзийдиган катта бир жасорат билан амалга оширипти.

Китобнинг бош қаҳрамони — Анвар пошо. Биз авваллари ҳам бу турк зобитининг номини кўп эшитган эдик. Аммо уни саргузашталаб бир одам деб, инглиз разведкасининг жосуси деб, шахсий манфаатлари йўлида катта жонбозлик кўрсатган одам деб эшитган эдик. Набижон Боқий бу «анъанавий» қарашларни бутунлай рад этади ва Анвар пошонини истеъдодли саркарда сифатида кўрсатади. Набижоннинг кўрсатишича, Анвар пошо Туркистонга «Иттиҳод ва тараққий» партиясининг топшириғи билан келган ва большевикларга қарши кураш олиб бораётган миллий кучларни бирлаштириш мақсадини кўзлаган. Шу ниятда у Бухорога келган, Шарқий Бухорода ҳаракат қилган, Иброҳимбек билан музокаралар олиб борган, дастлаб ўз мақсади йўлида анча муваффақиятларга ҳам эришган. Бироқ Туркистондаги курашчиларнинг миллий онг даражаси ҳали пишиб етилмагани туфайли уларни ягона Ғоя атрофига бирлаштириш жуда қийин кечади: тарқоқлик эса ўз навбатида мағлубиятга замин бўлади. Охир-пировардида Анвар пошо собит сафдошлари билан бирга Болжувон депарасидаги тенгсиз жангда шаҳид бўлади ва қутлуғ қони тўкилган жойга яқин қирга дафн этилади (дарвоқе, орадан етмиш тўрт йил ўтгач — 1996 йилнинг 4 август куни Туркия ҳукуматининг ташаббуси билан Анвар пошонинг ҳоки Болжувондан Истанбулга элтиб қамаққа дафн қилинди).

Хуллас, шу тарзда Набижон Боқий Анвар пошонини Туркистон озодлиги учун курашган, бу ердаги миллий-озодлик ҳаракатига раҳнамолик қилган халқ қаҳрамони сифатида кўрсатади. Бизнинг онгимиз коммунистик оғулар асоратидан бутунлай холи бўлиб улгурмагани учунмикан, бундай хулосани дабудурустан қабул қилишга қийналамиз. Мен ўйлайманки, Анвар пошо ҳақидаги ҳақиқат, эҳтимол, юқорида зикр этилган бир-

Императорнинг Истанбулдаги элчихонаси ихтиёрида бўлмиш қуйидаги маълумотлар билан сизни таништириб қўйишни ўз бурчим деб ҳисоблайман.

Туркия Конституцияси эълон қилинган, «Иттиҳод ва тараққий» фирқасининг Халқ маорифи бўлими қошида «Бухоро маориф жамияти» ташкил этилди. Бу жамият бошида таниқли исломпараст доктор Нозим турибди (маълумки, 1918 йилда Туркия Ҳарбий суди доктор Нозимни ҳам Анвар пошо қаторида сирдан ўлим жазосига ҳукм этди. Изоҳ меники — Н.Б.). Фирқа мана шу жамият воситасида Бухоро ва Кошғар билан алоқа боғлаган. Ўша ерлардан ҳарбия ва бошқа ўқув юртларида таълим олиш учун талабалар тўпланиб, Истанбулга жўнатилади. Ҳозир талабалар сони юз нафар бўлиб, улар Бухоро ва Кошғардан келганлар. Бу талабалар таълим олишдан ташқари ислом ғоялари билан суғориляпти.

Ёш турклар мусулмонлар яшайдиган ўлкаларга ўз фирқаларининг муҳри босилган варақалар тарқатяптилар, диндошларини хайр-эҳсон қилишга даъват этиптилар. Чунончи, Ҳижоз темир йўли қурилишига 150-200 миллион франк атропоида катта маблағ тўпландилар.

«Иттиҳод ва тараққий» фирқаси «Турк флоти мададкорлари жамияти»ни қурдилар. Флотни таъмирлаш, ислоҳ қилиш учун маблағ тўплаяптилар. Мусулмон мамлакатларига, хусусан, Эронга, Жозоирга, Мисрга, Суданга, Ҳиндистонга, Русияга руҳоний ва зобитлардан иборат вакиллар жўнатилади. «Турк флоти мададкорлари жамияти» воситаси билан «Иттиҳод ва тараққий» фирқаси ўз программасида кўзда тутилган асосий ғоя — исломпарастликни тарқатишни йўлга қўйди. Буюк Британия ҳукумати исломий ғояларнинг Ҳиндистонда тарқатилишига қарши Усмонли ҳукуматига расман норозилик билдирди. Ҳиндистоннинг вице қироли эса ўз тасарруфидаги ҳудудда Туркия флотига мадад беришга даъват этиладиган варақалар тарқатилишини қатъиян ман қилди.

Русия Хорижия нозирлиги 29 июл куни юборган 900-нўмерли, Полиция департаменти эса 4 феврал куни юборган 48921-нўмерли элчихонага йўллаган махфий мактубларида: «Иттиҳод ва тараққий» фирқасининг илтимосига биноан Истанбул «шайх ул ислом» бутун дунё мусулмонларини, жумладан, Русия мусулмонларини ҳам турк флотига мададкорликка чорлаб фатво берган», дейилади. Бизнинг маълумотларимиз бўйича «шайх ул ислом» бундай фатво бермаган эди. Фатво берилмаганини олдиндан билиш мумкин эди. Чунки расмий Туркия ҳукуматига буюк

---

бирига зид икки фикр оралиғидадир. Ҳарҳолда, ҳақиқат фикрлар тўқнашувида туғилса, таққослар ва қиёсларда майдонга келса, фақат бир кутбдаги фикрни такрорлайвермасдан, кимдир иккинчи кутбдаги фикрни ҳам айтиши керак. Демокчиманки, менга ёхуд бошқа бировга манзур бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, Набижон Боқий ўз қаҳрамонларига баҳо беришда ўз концепциясига, ўз нуқтаи назарига эга бўлишга бутунлай ҳақли! Бунинг устига, китобни ўқиш жараёнида сиз беихтиёр муаллиф томонга ўтиб бораётганингизни сезмай қоласиз — унинг фикрлари, баҳолари, қарашлари сизни ўз жозибасига чулғаб олади. Бу бежиз эмас, албатта. Бу ўринда китобга жозоба бахш этган нарса фақат унинг замиридаги эҳтирос ва самимиятигина эмас. Китоб жуда бақувват фактик материал асосига қурилган. Набижон бир неча йиллар мобайнида Ўзбекистон Давлат архивида, Тожикистон давлат архивида, Тожикистон Компартияси архивида, Ўзбекистон ДХК архивида, бир қатор шахсий архивларда иш олиб борди: биздаги миллий-озодлик ҳаракатига бағишланган Абдулла Ражаб Бойсуний-Туркистонийнинг «Туркистонда миллий мужодала» деган ғоят ноёб китоби материалларидан, Анвар пошонинг Токиода нашр этилган мактубларидан фойдаланган. Буларнинг бари китобга бақувват ишонтириш кучини бахш этган. Ҳарҳолда, муаллиф айтган мулоҳазалар ёхуд келтирилган далиллар гоҳо маъқул келмаса, уларни рад этиш унча осон эмас.

Фактик материалнинг сероблиги муаллифга воқеаларни кенг кўламда кўрсатиш, тарихий рангларни анча ҳаққоний тасвирлаш имконини берган. Биз китобда Қўқон мухторияти атропоидаги воқеалар билан ҳам, Бухородаги 1920 йилдаги ижтимоий-сиёсий вазият билан ҳам, Ҳисорадаги одамларнинг турмуш шароитлари билан ҳам, лақайларнинг этник таркиби билан ҳам батафсил танишамиз. Айни чоқда, китобда Иброҳимбекнинг сиёсий портретини чизишгагина эмас, характер белгиларини кўрсатишга ҳам катта аҳамият берилган. Унинг ўзига хос мағрур сиймоси, тоғликларга хос букилмас қадам-қомаги, ўткир нигоҳи кўз ўнгимизда яққол кўринади.

Шундай қилиб, Набижоннинг китобида бизга яқин тарихимизнинг муайян манзаралари — фуқаролар урушининг қонли саҳифалари намоён бўлади. Ҳа, ўша воқеалар, ўша таниш фожиялар. Фақат талқин бошқа, баҳо бошқа, улардан чиқариладиган

таъсир кўрсатаётган фирқа ҳукумат амалдорлари билан эҳтиёт бўлиб алоқа қилади. Фирқа амалдорлардан айрича йўл тутади. Шу сабабли муайян масалада фирқанинг «шайх ул ислом»га мурожаат этиши шубҳалидир. Зеро, «шайх ул ислом» Туркия ҳукумати тайинлаган амалдор ҳисобланади.

Шунга қарамасдан, Русия доҳилинда турк флотига хайр-эҳсон тўплаш ишлари давом этапти. Бир неча ой муқаддам Қрим мусулмонлари ўртасида ташвиқот юритиш учун у ёққа ҳожилар гуруҳи жўнатилади. Ташвиқот натижасида Истанбулга йўли тушган қримлик мусулмон бойлар турк флотига жуда катта миқдорда ҳадялар инъом этдилар.

Элчихона қўлга киритган маълумотларга қараганда, турк флоти учун хайр-эҳсон тўплаш ва ислом ғояларини тарқатиш учун яқин орада Бухорога вакиллар жўнатилади.

Шу йилнинг июл ойида фирқанинг иккинчи даражали аъзоси бўлмиш Солиҳ афанди махсус топшириқ олиб София орқали Петербургда жўнаб кетди. У Русия мусулмонлари ўртасида исломпарастлик ғоясини тарғиб қилмоқчи. Фирқа Туркиянинг Петербургдаги элчиси Тўраҳон пошо номига тавсиянома берган, Солиҳ афанди ўз зиммасига юклатилган вазифани муваффақиятли амалга ошириши учун Тўраҳон пошо унга ҳар томонлама ёрдам бериши керак. Бизнинг аниқлашимизча, Усмоғли ҳукуматининг элчиси Солиҳ афандини совуқ кутиб олган. «Бундай муҳим иш юзасидан олдинроқ мен билан маслаҳат қилиш керак эди», деб элчи норози бўлган.

Сўнги хабарларга қараганда, Солиҳ афанди Петербургдан Бухорога жўнаб кетган.

Юқорида зикр этилган ҳолатлар ёш турклар ислом ғояларини жиддий тарқатаётганини кўрсатади. Улар икки мақсадни кўзлаштирилди: биринчидан, мамлакат ичкарасида ўз мавқеини мустаҳкамлаяпти; иккинчидан, молиявий қувватини тиклаяпти. Улар хорижга вакил жўнатиш билан чекланмасдан, аynи пайтда бир талай жаридалар нашр эта бошладилар. Ўша жаридаларнинг бир қисми Бухоро ва Туркистонда тарқатилди. Зоти олийларининг ҳам бундан хабари бор.

Жаридалар бўйича бизда қуйидаги маълумотлар мавжуд.

Туркча ҳафталиклардан учтаси жиддий исломпараст жариди ҳисобланади.

1. «Мўъжиза». 2. «Сиротал мустақим». 3. «Таорифал муслимин».

хулосалар бошқа. Кўрамизки, ўзбеклар Октябр инқилобини қучоқ очиб, гулдурас қарсақлар билан кутиб олган эмас экан. Кўрамизки, ўзбеклар ҳам баъзилар айтганчалик, у қадар анойи бўлмаган эканлар — улар большевиклар салтанатига подага ҳайдалган молдай кириб кетавермаган эканлар. Ўзбеклар большевикларга қўл қовуштириб, қуллуқ қилиб, «осадиған бўсаларинг, арқонни биз олиб келайликми ё ўзларингдан бўладими?» деб мутеликларини намоён қилишмаган экан. Аксинча, уларнинг инсоний ғурури юксак бўлган, юракларида мардлик жўш урган. Улар учун эътиқоқду иймонни, номусу виждонни, эрку ихтиёрни сотиб тирик юргандан кўра, қўлда қурол билан курашиб, тик туриб ўлган яхшироқ эди.

Ҳа, Набижоннинг китоби бизга боболаримизнинг мардлигини, шижоатини ибрат қилиб кўрсатадиган китобдир. Аynи шу сифати унинг энг қимматли томонидир.

«Чингиз афандига мактублар» кечаги кун манзараларини ҳаққоний тарзда қайта тиклаган. Лекин, унинг қиммати фақат шунда эмас. Тарих Набижон учун бир бўлиб ўтиб кетган олис ўтмиш эмас, балки бутун ҳам давом этаётган, юракларга ўт солиб, ҳаракатга ундаётган жонли жараёндир. Тарихни англаш, идрок этиш керак. Бутунги кунларимиз учун жонларини фидо қилган боболаримизнинг покиза руҳи ҳозир ҳам одамларнинг виждонига тўғридан-тўғри мурожаат қилади:

«Биз ўз Ватанимизни биламизми?»

Биз Озодликни биламизми?»

Биз ота-боболаримизни биламизми?»

Тарихни билмак — ана шу саволларга жавоб топмоқ, наинки жавоб топмоқ, балки жавоб топиб, хулосалар чиқариб, фақат сўзларимизда эмас, амалий ишларимизда, кундалик фаолиятимизда муқаддас мустақиллигимизни бақадри имкон мустаҳкамламоқдир.

Озод Шарафиддинов,  
профессор

«Сиротал мустақим» — олий рутбали мусулмон руҳонийлари тўғараги томонидан нашр этилади. Ноширлардан бири бўлмиш Исмоил Ҳаққи афанди сенат аъзосидир (бу зот кейинчалик ҳазрат Анвар пошо қаватида туриб Шарқий Бухорода миллий мужодала жабҳасида фаол иштирок этадилар (Изоҳ меники — Н.Б.). «Иттиҳод ва тараққий» фирқасининг машҳур аъзоси Муҳаммад Ҳусайний ва бир нечта Русия мусулмонлари жариданинг фаол муаллифлари ҳисобланади

«Таорифал муслимин» жаридаси Русия ҳукуматига айрича нафрат уйғотишга мойил. Жарида таҳририяти таркибида Туркия ва Русия мусулмонлари бор. Масалан, Русия фуқароси бўлмиш Абдурашид Иброҳимов таҳририятда баланд мавқега эга. У муқаддам Кафказда нашр этилган «Иршод» газетасининг собиқ ноширидир. А.Иброҳимов асли Сибир татарларидан бўлиб, диндор оиладан чиққан: Русияда «Маҳкамаи шариат»нинг аъзоси эди. «Маҳкамаи шариат»да фикҳшунос вазифасида хизмат қилиб, сўнг истеъфо берган. Ҳозир тижорат билан машғул. У Русия ҳаёти билан яқиндан таниш. Шу сабабли ислом дини Русия ҳукумати томонидан таъқиб этилаётгани тўғрисида ҳақиқатга монанд мақолалар эълон қилиши мумкин. Илгари ҳам унинг қаламига мансуб мақолалар жуда катта шов-шувларга сабаб бўларди.

«Таорифал муслимин» жаридасида Русиядан жўнатилган кўплаб мақолалар чоп этиляпти. 5-нўмерда чоп этилган «Дума ва мусулмонларнинг ҳуқуқлари» номли мақола айниқса диққатга сазовордир. Бу мақола Троицкда яшайдиган Аҳмед Тожидиннов қаламига мансуб. 14-нўмерида А.Тожидиновнинг «Диндорларга мурожаатномаси» эълон қилинди.

«Сиротал мустақим» жаридасида эса Русия мусулмонларидан Аҳмад Оқаб муаллиф сифатида қатнашиб туради. Бундан ташқари, доктор Қорабоев яқинда «Мусулмон олами ва Русия» номли мақоласини чоп этди. У Русияга нисбатан зардали фикр-мулоҳазалар баён қилади.

Бухоро ва Хива хонликларини Русия ўзига батамом кўшиб олиш ниятида экани тўғрисида Истанбулда хабар тарқалди. Бу масала бояги жаридаларнинг диққат марказида турибди. Жаридалар Туркистон ва хонликлар тақдирига бағишлаб туркум мақолалар эълон қилди. Масалан, «Ҳиммат» жаридасининг 2-нўмеридаги «Ўрта Осиё ва Афғонистон» номли мақолани, «Сиротал мустақим» жаридасининг 107-108-нўмерларидаги «Бухоро мустақиллигига тажовуз» номли давомли мақолани, «Таорифал муслимин» жаридасидаги Хива хонлиги тўғрисидаги қатор мақолаларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Бу ерда нашр этилаётган барча жаридаларда, жумладан, «Иқдам» жаридасида ҳам исломпарастлик руҳида ёзилган мақолалар учрайди.

Шунингдек, олмон ва фаранг тилларида нашр этилиб, шу ерлик мусулмонларни Русияга қарши нафрат руҳида тарбиялашга хизмат қилаётган бир қатор жаридалар ҳам борлигини айтиб ўтмоқчиман. Оврупога тарқатиладиган бундай жаридаларда Русиядан жўнатилган нафратомуз мақолалар эълон қилиняпти. Олмония элчихонаси бундай жаридаларга ҳар томонлама кўмак бераётир. Айниқса, Жалол Нурий исмли кимса томонидан фаранг тилида чоп этилаётган «Ёш турklar» жаридаси бизга ниҳоятда душмандир.

Тез кунларда боя номи зикр этилган Иброҳимовнинг саёхатномаси матбуотда эълон қилинади. Муаллиф Туркистон, Сибир, Мўғулистон, Манжурия, Япония, Корея, Хитой, Ҳиндистон, Арабистон мамлакатларига қилган сафарлари таассуротларини «Мусулмон олами», «Японияда исломнинг тарқалиши» номли туркум мақолаларида баён этмоқчи. Шубҳасиз, Иброҳимовнинг мақолалари жуда катта шов-шувларга сабаб бўлади. Ўша мақолалар Русия мусулмонлари ўртасида тарқатилса ҳам ажаб эмас.

Ҳурмат билан, гофмистр Чариков (имзо).

1910 йил 29 сентябр.<sup>1</sup>

Афандим, Русия жосусларининг хабарларидан кўришиб турибдики, «Иттиҳод ва тараққий» фирқаси фақат Туркия доҳилиндаги усмонлиларни эмас, балки хориждаги мазлум турк халқларини ҳам ғафлатдан уйғотиш борасида жонбозлик кўрсатарди. Сир эмаски, у пайтлари 27 яшар Анвар пошо ҳазратлари Македониядаги 3-турк ўрдусининг тараққийпарвар кучларига кўмондон бўлиб, Туркияда Конституция тикланишига беқиёс ҳисса қўшган ва илгор фикрли усмонли халқининг миллий қаҳрамониغا айланган эди. Русия элчиси чақувнома ҳозирлаётган кезларда эса, чамаси, Анвар пошо Туркиянинг Берлиндаги элчихонасида Ҳарбий атташеда хизмат қиларди. Аммо, пошо ҳазратлари мансуб бўлган маслақдан таралаётган қудратли ҲОЯ турк оламини уйғотиб, Русия империясини зир титратарди. Ҳатто Русия доҳилиндаги жандармлар тавасасага тушиб қолади. Ажаб ҳолки, насроний жандарм бошлиқлари Исо алайҳиссалом таваллуд топган

<sup>1</sup> Юқоридаги манба. 30-35 беглар.



муборак Янги йил оқшомини иш столларига мук тушган кўйи кутиб оладилар. Хусусан, Уфа губернаси Жандарм бошқармасининг бошлиғи 1910 йилнинг 31 декабр куни Перм губернаси Жандарм бошқармасининг бошлиғи номига 3067-нўмерли махфий мактуб йўллайди. Жандарм бошқони касбдошига қуйидагиларни маълум қилади:

«3123-нўмерли мактубингиз асосида 22 декабр куни хуфя ишлар амалга оширилди. Вятскдаги Сарипул тумани доҳилинда бўлган Ижбоб қишлоғида ташкил этилган мактаб муаллимлари Губайдулла ва Габдулла Бобийлар мусулмонларнинг ҳукуматга қарши қаратилган «Сулояти жаҳид» таълимотига қанчалик алоқадорлиги аниқланди.

Маълум бўлишича, таълимотнинг номи «Сулояти жаҳид» эмас, балки «Усули жаҳид» экан. Бу арабий ибора «янги метод, янги восита» маъноларини англатади. 15 йил муқаддам Русияда Туркия фуқаролари таъсис этган мактабларда ана шундай усулда таълим берилади. Янги усулнинг асосчиси жаноб Исмоилбек Гаспрали бўлади. Мен бу тўғрида 1909 йил 28 декабр куни 1788-ва 1797-нўмерли чақувномаларимда маълумот берганман.

Сиртдан қаралса, гўё «Усули жаҳид» ҳукуматга ҳеч қандай зарар етказмайди. Фақат болаларнинг савод чиқаришини осонлаштиради. «Усули жаҳид» мактабларига берилган болалар бир йилдаёқ савод чиқарадилар. «Усули жаҳид» дастлаб Қозон шаҳри мактабларида, сўнг Оренбургда ва Русиянинг бошқа шаҳарларидаги мактабларда қабул қилинди. Янги усулда таълим мактаблари Туркистон билан Сибирда айниқса тараққий топди. У ерларда минглаб шундай мактаблар бор. Аксарият муаллимлар татарлардир.

«Усули жаҳид» бизга Туркистондан ўтган. Янги мактаблар, албатта, туркпарастлик ғоясини, туркча дарсликларни, тартибларни ҳам оммалаштиряпти. Айрим мактабларда ҳатто туркча кийиниш урф бўлган эди. Масаланинг ташқи кўриниши шундай. Кўпчилик мактабларда туркларни шарафлайдиган қўшиқларни жўр овоз бўлиб куйлаш одатга айланди. Кейинги 5-6 йил ичида эса соф татарча қўшиқлар пайдо бўлди. Бундай қўшиқлар воситасида мустақилликка даъват қилинади.

Агар «Усули жаҳид» мактабларида туркпарастлик ғояси тарғиб қилинмаса, фақат болаларнинг саводини чиқариш билан машғул бўлинса, уларга йўл бериш мумкин. Аксинча, агар бундай мактабларда болалар туркпарастлик ғояси таъсирида тарбияланганидан бўлсалар, шубҳасиз, келажакда зарарли натижа беради.

Сарипул туманидаги Ижбоб қишлоғида Габдулла Бобий битта янги мактаб очган. Габдулла Бобий Қозон шаҳрида таниқли Охун Галимжон қўлида таҳсил кўрган. Охун Галимжон ашаддий исломпараст эди. У 1908 йили Вологда губернасида сургун қилинган. Сўнг Истанбулга кетган.

Бобий мактаби бирталай зарарли ишларни амалга оширди. Исломпарастлик ҳаракатининг ёйилишига замин ҳозирлади. Бобий ўз атрофига маслакдошларини тўплаб олди. Жумладан, рус тили муаллимлари оғанини Абдулсатторовлар ашаддий миллатчи-туркпарастлардир. Улардан биттаси, хусусан, Аҳмадшариф Абдулсатторов яқинда «Татарларнинг миллий истиқболига тўсқинлик қилаётган душманлар» номи китоб яратди.

Хуфя ишлар давом эттириляпти.

Ушбу мактубнинг нусхаси Полиция департаментининг махсус бўлимига тақдим этилди. Вятск губернаси Жандарм бошқармасининг бошлиғига ва Уфа губернаторига ҳам бир нусха юборилди.

Бошқарма бошлиғи, полковник (имзо ноаник)»<sup>1</sup>

Афандим, агар уйингизда Оврупо ва Осиёнинг харитаси бўлса, бир назар ташланг: Русия жандармлари бир-бирларига махфий мактублар йўллаётган губерналарнинг умумий ер майдони Туркия худудидан ҳам катта кенгликларни қамраб олганига амин бўласиз. Уйғоғиш насими эсаётган Туркистон билан Бухоро амирлиги эса яна битта Туркияни барпо этиши муқаррар. Демак, харита ёнидан жилмай хаёл қилинса, Оврупо ва Осиёда 1910 йилдаёқ учта буюк турк давлати пайдо бўлиши мумкинлигига иймон келтириш мумкин. Бундай ширин хаёлни рўёбга чиқариш учун, аввало, бепоён кенгликларда истиқомат қилаётган турк халқларини битта FOЯ атрофига — туркчилик теварагига бирлаштирмоқ лозим эди. «Иттиҳод ва тараққий» фирқасининг асосий мақсади, назаримда, биринчи гада, миллий давлатга эга бўлган усмонли туркларни вафлатдан уйғотишдан, яъни уларга фуқаролик эркини — эътиқод эркини, сўз эркини олиб беришдан ва фуқароси том маънода озодликка эришган Туркия мадади билан Русия доҳилиндаги мазлум турк халқларининг мустақил давлат барпо этишига имкон

<sup>1</sup> Тожиқ.ССР, Компартия архиви. Фонд №31, Опись №1.Дело №5, 9-11 бетлар.

яратишдан иборат эди. Ёш турклар Мустақилликдан Озодлик сари қадам қўядилар. Русия доҳилиндаги турк халқларини эса Мустамакка зулмидан халос бўлиб, Мустақиллик сари қадам ташлашга ундайдилар.

Биласиз, «Иттиҳод ва тараққий» фирқасининг раҳнаомаларидан бири Анвар пошо ҳазратлари эди.

Миллат манфаатларини ҳимоя қилишга қодир бўлган ягона восита — давлатдир. Йўқ ердан давлат қуриб бўлмайди. Ҳартугул, давлатнинг ожизгина унсурлари бўлса, бу иш нисбатан осонроқ кечади. Бухоро амирлигида хўжақўрсинга бўлса-да, давлат шакли бор эди. Тўғри, 1868 йили имзоланган шартномага кўра, Бухоро амирлиги Русияга вассал ҳисобланарди. Лекин, бари бир муайян имтиёзга эга бўлган амир ҳокимиятида, ибтидоий даражада бўлса ҳам, қонун-қондалар ва энг муҳими, ер майдони бор эди. Асл миллатпарвар зотларнинг долзарб вазифаси — Бухоро амирлигидаги шартни кетиб, парти қолган давлат тузумини таъмирлашдан, ислоҳ қилишдан иборат эди. Усмонли туркларнинг асосида бошқариладиган замонавий мамлакатга айлантирилган каби Бухоро амирлиги ҳам ўз мустақиллигини ҳимоя қила оладиган замонавий мамлакатга айлантирилиши лозим эди. Ислоҳот, айниқса, давлат идорасининг ислоҳ қилиниши миллат ва эътиқоднинг ягона нажоти эди. Хўш, Бухоро доҳилинда бундай ислоҳотни қайси қувват амалга оширади? Албатта, Русия ҳар қандай ислоҳотга тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатади. Бироқ, ислоҳот миллий кучлар воситасида амалга оширилиши шарт. Акс ҳолда, миллат ҳам, эътиқод ҳам аста-секин таназзулга юз тутаети. Бухоро амирлиги вассалликни бўйнига олгандан буён ўтган қирқ йил мобайнида дунё қирқ йил олға босди: ижтимоий турмушнинг барча жабҳаларида мисли кўрилмаган ўзгаришлар, янгилıklar рўй берди. Бухоро амирлиги эса ҳамон 1868 йил даражасида депсиниб турибди. Бир жойда яна қирқ йил депсиниб турса — тамом, кейин миллати ҳам, иймонни ҳам уйғотиб бўлмайди. Миллий фожиани идрок этадиган, тасаввур қиладиган соғлом инсон қолмайди. Ҳамма русларнинг малайига, хизматкорига айланиб кетаети. Ҳаммаси абас бўлати, нобуд бўлати....

Афандим, «Иттиҳод ва тараққий» фирқасининг намоёндалари, тахминан, худди шундай фикр юритадилар. Шу боис ҳам улар асосий диққат-эътиборини Бухорои шарифга қаратадилар: бухоролик ёшлар оммавий равишда Истанбулга таълим-тарбия олгани жалб этилати. Ватанпарвар, миллатпарвар бухоролик ёшлар усмонли биродарлари ёрдамида Бухоро амирлигини ислоҳ қилишга бел боғлайдилар. Истанбулда биринчилар сафида таълим олиб қайтган аксарият ёшлар кейинчалик Бухоро республикасининг асосчилари бўлдилар; кўпчилиги эса Анвар пошо қаватида миллий мустақиллик учун жанг қилдилар.

Русия императорининг Янги Бухородаги Хуфяси нима бўлаётганини, албатта, зимдан кузатиб турарди. Хуфя шошилиқ равишда марказдан маслаҳат сўрайди, йўл-йўриқ сўрайди. 1912 йил 24 феврал куни 42-нўмерли махфий мактуб Хуфяга дастуруламал бўлати.

**«1912 йил, 53-нўмерли сўровга жавоб**

**Афсуски, Эски Бухорода яшайдиган мулло Усмон Пўлатхўжаев номли кимса исломпараст ташвиқотчи сифатида бизга маълум эмас. Сиёсий Хуфяхона назарда тутган кимса Бухородаги таниқли савдогар Убайдуллахўжанинг қариндоши Усмонхўжа Пўлатбоев бўлса керак. У бухороликлар ўртасида тараққийпарвар киши сифатида оддий Усмонхўжа номи билан машҳур. Усмонхўжа Истанбулдан Бухорога қайтиб келгач, иккинчи ёки учинчи кунинёқ мен Сиёсий Хуфяхонага бу ҳақда маълумот берганман. Шунингдек, Усмонхўжа изидан пинҳона назорат ўрнатганини ҳам айтганман.**

Усмонхўжа бундан 4-5 йил муқаддам Туркияга ўқишга кетган эди. Тахминан, 30-40 кун бурун у Бухорога қайтиб келди. Унга алоқадор қуйидаги маълумотлар бор: Усмонхўжа Туркияга кетмасидан олдин ҳам Эски Бухоро ёшлари ўртасида ажралиб турарди. Унда баъзи бир жаридаларни учратиш мумкин эди. Лекин жаридаларда нималар тўғрисида ёзилгани сир сақланарди: фақат бир нечта ерли киши жаридида мазмунини биларди. Усмонхўжа маҳаллий ёшлар ўртасида ақл-заковатли, тараққийпарвар, ашаддий исломпараст киши сифатида ном чиқарган эди.

Усмонхўжа Туркияга кетдию кўринмай қолди — саҳнадан тушиб қолди. Мана, энди у яна Бухорода пайдо бўлди. Унинг қайтиб келганидан бирпасда кўпчилик муллабаччалар хабар топди. Усмонхўжа қайтиб келган кунлари икки марта «гап» ташкил қилди. Истанбулдан бир нечта адабиёт олиб келган кўринади. Истанбулдан тарқатилаётган туркпарастлик вояси билан Усмонхўжа шу қадар заҳарланганки, баъзи маҳаллий ёшлар ҳатто у билан ошкора алоқа ўрнатишга ҳам қўрқиб қолди. Усмонхўжа Туркиядан қайтиб келган кунлари муллабаччалар ўртасида

қандайдир рисоалар тўғрисида миш-миш тарқалди. Бундай миш-мишлар Усмонхўжа Истанбулдан адабиёт олиб келганини англатади. Ҳозир адабиётлар борлигига шубҳа йўқ.

Бухорода икки нашриётда чоп этилган китоблар қўлма-қўл бўлиб юрибди. Тез орада уларни мусодара қиламан. Мусодара қилинган куниеқ Сиёсий Хуфяхонага тақдим этаман.

**Сиёсий амалдор: Белман (имзо).<sup>1</sup>**

Афандим, сиз асло ҳайрон бўлманг: чор Русияси даврида ҳам, Совет ҳокимияти даврида ҳам бизда тузумнинг бўлажак мухолифлари устидан йилма-йил маълумот тўпланарди. Тақдир тақозоси билан ўша мухолиф (ҳар қандай шаклда бўлсин, мустақил фикр юритадиган инсон «потенциал мухолиф» ҳисобланарди) бирорта мансабга ўтириб қолса ва Москванинг чизигидан салгина четга чиқса, дарҳол маълумотлар рўқач қилинарди: қарабсизки, бутун мулло минган эшак каби ҳукумат хизматини бажариб юрган арбоб эртага «халқ душмани» сифатини олиб отилиб кетаверарди. Шу боис деярли барча маҳаллий арбоблар ниҳоятда бачкана бўлиб қолишарди. Чунки улар жони «темир сандиқда» сақланаётганини яхши билишарди.

Илк қадамларидан Хуфяхона назоратида бўлган Усмонхўжа Пўлатхўжа ўғлининг қандай қилиб Бухоро республикаси Президенти лавозимига сайланиб қолгани, албатта, Туркистон тарихи учун мўъжиза саналади. Бунақаси илгари ҳам бўлмаган, кейин ҳам бўлмади. Усмонхўжа афанди закий зот эди. Агар ул афанди 1921 йили Анвар пошо ҳазратларининг қаватига кириб, мужоҳидлар тарафига ўтиб кётмаганида, шубҳасиз, 1937 йили Файзулла Хўжа билан деворга ёнма-ён қўйилиб отиб ташланарди. Совет ҳукумати чор Хуфяхонаси томонидан тўпланган маълумотлардан, албатта ўз ўрнида фойдаланарди. Боз устига, Русия императорининг Хуфяси Усмонхўжа афандининг ҳар қадамини пойлаб юрарди. Полиция бошқармасида сиёсий айбқчилик билан шуғулланадиган бояги Белман 1912 йил 28 ноябр куни Хуфяхонага 129-нўмерли яна битта маълумот юборади. Айбқчи ўз маълумотида: «Усмонхўжа Бухорога қандайдир махсус топшириқни бажариш учун келган бўлса керак. Чунки Туркияга ўқишга кетган талабаларнинг бирортаси ҳам ҳозир таътилга чиққани йўқ<sup>2</sup>», деб алоҳида таъкидлайди.

Эски Бухородаги Сиёсий Хуфяхона Истанбулда таълим олиб қайтган ёшларни муттасил таъқиб этади, амирнинг кўнглига кутку солади: «Улар сени тахтдан ағдариб ташлайдилар», деб кўрқитадилар.

Афандим, ҳар ҳолда, Анвар пошо ҳазратлари Бухоро доҳилинга 1910 йилдаёқ туркчилик ва исломият ҲОЯСИ шаклида кириб келганига иқрор бўлдингизми? Тўғри, ўша пайтлари пошо ҳазратлари Туркиянинг Берлиндаги элчихонаси қошида — ҳарбия атташеда хизмат қиларди. Лекин, унинг қалби туркистонлик ватанпарварларга мададкор эди.

Ижозатингиз билан, биринчи мактубимга шу жойда нуқта қўяман.

## ИККИНЧИ МАКТУБ

Афандим, ўтган галги ғойибона суҳбатимиздан англашилдики, жаҳидлар илк қадамлариданоқ бунёдкорлик — ислоҳот йўлини танлаганлар. Туркияда ҳарбий қудратни тиклаш учун флотга хайр-эҳсон тўплай бошлаганлар (ваҳоланки, флотни қайта таъмирлаш давлат зиммасидаги мажбурият эди!). «Иттиҳод ва тараққий» фирқаси жамоа ташкилоти бўлса-да, лекин халқаро майдонда миллий манфаатни ҳимоя қилишга қодир ягона қувват (давлатнинг энг асосий атрибути) бўлмиш ҳарбий-денгиз флоти эканини яхши билганлар ва ўзларининг куч-райратларини шу йўлда сарфлаганлар: мўътабар маслақдошларини бутун дунё бўйлаб махсус топшириқ билан жўнатганлар. Айни пайтда фирқа Бухоро ва Кошғардан тақлиф қилинган турк ўғлонларини Истанбулда ўзларининг ҳисобидан ўқитганлар, уларга таълим берганлар. Ёш турклар мазлум миллатдошларига васийлик қилганлар. Бу дунё тарихида мисли кўрилмаган бегараз савобдир! Одатда, ҳар қандай фирқа ҳокимиятни эгаллаб олиш учун пайдо бўлади ва яшайди. Аммо, «Иттиҳод ва тараққий» бу масалада истисно ҳодиса. Унинг бирламчи ва асосий вазифаси ДАВЛАТни мустаҳкамлашдан иборат эди. Таъат пошо раҳбарлигидаги ҳокимият 1918 йили ўз ихтиёри билан истеъфо бериб, уларнинг асосий мақсади ҳокимиятни эгаллаб ўтиришдан иборат эмаслигини тақрор исботлади. Йўқса, агар ҳокимиятни қўлдан беришни истамаганда, ишонаманки, ихтиёрларидаги қувват билан Туркияда жаҳидлар ДИКТАТУРАСИни ўрнатишлари мумкин эди. Ҳарбий ва ярим ҳарбий қувватларга таянган ҳолда ДИКТАТУРА ўрнатиш унчалик мушкул иш эмас. Лекин, бундай диктатура давлат

<sup>1</sup> Тожиқ.ССР, Компартия архиви. Фонд №31, опись № 1, Ед.хронение № 9, дело № 636,7-8 бетлар.

<sup>2</sup> Юқоридаги манба. 17-бет.

манфаатига, ҳа, миллат манфаатларини ҳимоя қилиш учун яшаши лозим бўлган ДАВЛАТ манфаатига хилоф бўлса, ҳаммаси бекор! Миллат ва давлат манфаати доим муштарак бўлади. Муштаракликка раҳна тушган нуқтадан таназзул бошланади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай ҳокимият қалтис нуқтадан сўнг эс-ҳушини йиғиб, сабот билан иш кўриши, яъни миллат манфаати учун ўзларининг шахсий манфаатларидан воз кечиши — истеъфо бериши шарт. Акс ҳолда, миллат манфаатини ҳимоя қилишга шайланиб турган муқобил кучлар ашаддий муҳолифларга, муросасиз душманга айланадилар ва кўпчиликнинг манфаатига қарама-қарши ўлароқ, ҳокимиятнинг эгаллаб ўтирган тўдага қарши расмона кураш бошлайдилар. Курашнинг, урушнинг фақат битта мантиғи бўлади — ГАЛАБА. Галаба — ҳаёт мазмунига айланади. Боз устига, қай йўсида Галабага эришиш ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди. Бу мақсадга эришмоқ учун ҳар қандай ифлос воситадан фойдаланиш мумкин. Руслардан ўтган битта иборода айтилишича, мақсад — ҳар қандай воситани оқлайди.

Хайрият, ёш турклар ҳалокатли йўлдан бормайди. Улар ислоҳот йўлини танлайди. Аминманки, агар Биринчи жаҳон уруши (Анвар пошо таъбири билан айтганда, «Ҳарбий умумия») бошланиб кетмаганда-ку, ўз мақсадларини тўла-тўқис амалга оширадилар. Лекин, фавқулодда рўй берган ҳодиса нафақат Туркия доҳилиндаги режаларни, ҳатто бутун дунё турмушини издан чиқариб юборади.

Афсуски, ёш бухороликлар бошқа йўлдан кетди: улар миллий муаммоларни ўз кучлари билан ҳал этолмагач, ташқи душман кучларига мурожаат қилди. Ваҳоланки, ташқи душман ўз манфаати учунгина бировнинг ички ишларига аралашади, холос. Нега бундай бўлди? Энг аввало, ёш бухороликлар амалий иш борасида ниҳоятда тажрибасизлик қилдилар: Бухоро амирининг ҳокимияти эса амалий жоҳилият борасида ниҳоятда буюқ тажриба тўплаган бўлиб, жоҳилият ботқоқзоридан халос бўлиш учун қирғоққа тирмашиб чиқа бошлаган заҳоти Янги Бухорода қўлларини белига тираб, лабига папироскасини қисгириб, тиржайиб турган Русия Хуфяси этигининг пошнаси билан амирнинг пешонасига тепиб, уни яна-тагин ботқоққа юзтубан қулатиб юборарди.

Афандим, Анвар пошо ҳазратлари ташриф буюражак замин тўғрисида гапимни давом эттиришдан илгарти боя «фавқулодда рўй берган ҳодиса» деб ишлатганим иборамга изоҳ бериб ўтмоқчиман. Ҳарбий умумия Туркия учун кутилмаган ҳодиса бўлди деб ўйлайман. Биринчидан, Ҳарбий умумияга Буюк Британия, Фарангистон, Русия 1904-1907 йилларда Антанта («Учлар иттифоқи») тузиб, деярли ўн йил давомида махсус тайёргарлик кўради ва 1914 йили уруш бошланиши арафасида ушбу ҳарбий тўдага йиғирмадан ортиқ давлатни бирлаштиришга эришадилар. Ўз-ўзидан равшанки, Антантага аъзо бўлмаган давлатлар, жумладан, Туркия билан Олмония ҳам тажовузкор тўдадан ўзларини ҳимоя қилиш учун ҳарбий иттифоқ тузишга мажбур бўлади. Иккинчидан, 1914 йилнинг 15 июл куни Австрия-Можористон Сербияга уруш эълон қилгач, ҳарбий умумия бошланади. 19 июл куни Олмония Русияга қарши уруш эълон қилади. 21 июл куни эса Олмония Фарангистонга қарши уруш бошлайди. 22 июл куни Буюк Британия Олмонияга қарши Ҳарбий умумияга қиради. Ҳозирча Италия урушга қирмаган бўлса-да, аммо у ҳам Антантанинг аъзоси эди. Демак, бутун бўлмаса, эртага урушга кириши аниқ эди. Шундай вазиятда Туркия 1914 йилнинг 2 август куни Олмония билан муҳофаза иттифоқи тўғрисидаги шартномага имзо чекади. Албатта, бу иттифоқ Русияга қарши эди. Саналарга эътибор беринг. Афандим, умумия алақачон бошланиб кетган: Туркияга Русия тажовузидан қутулиш учун Олмония билан иттифоқ тузишдан бошқа чора қолмайди. Агар Туркия олдиндан уруш тарафдори бўлса эди, у Олмония учун ҳам, унинг Триумвират раҳбарлари (Тальят пошо, Жамол пошо, Анвар пошо) учун ҳам фавқулодда ҳодиса бўлди. Улар қизгин мужодала жараёнида фавқулодда чоратadbирлар топишга мажбур эдилар. Шошилич равишда топишган фавқулодда чоратadbирлар эса, сир эмаски, кўпинча хато бўлиб чиқади. Жумладан, 1914 йил декабр ва 1915 йил январ ойлари Сарикамишда рўй берган ҳодиса нафақат Анвар пошонинг, балки Триумвират ҳукуматининг ҳам хатоси бўлди. Анвар пошо қўмондонлик қилган Туркиянинг 3-армияси Русия қувватларидан мағлубиятга учрайди. Бу мағлубият Туркия учун фавқулодда ҳодиса бўлса, Русия учун ҳеч кутилмаган галаба бўлади. Чунки Ҳарбий жаҳонда оғир мағлубиятга учраган Русия қувватлари ичкарасидан айний бошлаган эди. Бу айниш натижасида 1917 йил феврал ойда император Николай II тахтдан ағдарилгач, янада бадбўй ҳид тарата бошлайди.

Хуллас, Ҳарбий умумия «Иттиҳод ва тараққий» фирқаси бошлаган қутлуғ ишларни мантиқий поёнига етгазишга имкон бермайди.

Афандим, менинг назаримда, Анвар пошо 1920 йилнинг август-сентябр ойлари миёнасида Боку шаҳрида бўлиб ўтган Шарқ халқларининг қурултойида сўзлаган нутқида

Биринчи жаҳон уруши натижаларига самимий баҳо берган эди. Анвар пошонинг баҳоси тўғри ёки нотўғри бўлишидан қатъи назар, самимий эди. Яъни, пошо курултой минбарига чин дилдан сўйлайди, асло мунофиқлик қилмайди. Мана, ўша нутқдан олинган парча билан яна бир бора танишиб кўринг:

«Мен Ҳарбий умумияда энг муҳим бир мавкеда эдим. Фақат сизга маълум қиламанки, ёнма-ён туриб урушганимиз олмонлар ичида ҳам империалистик ғояларнинг бўлганидан энди афсусланаман. Олмон империалистларига ҳам айна инглиз империалистлари даражасида қаршиман. Менимча, билиб туриб халқ ҳисобидан бойишни ўйлаган ҳар мия мажақланишга лойиқдир.

Агар бугунги Русия ўша пайтда мавжуд бўлиб, ҳозирги ғоя билан урушса эди, биз муқаррар равишда Русиянинг ёнида туриб урушган бўлардик.

Дўстлар, билганингиз каби Ҳарбий умумиянинг илк империалистлар мужодаласида мағлуб бўлдик. Лекин мен мазлумлар мужодаласи нуктаи назаридан мағлуб бўлганимизни қабул этмайман. Чунки Туркия бўғозларини ҳам босиб олиб, дунёни ютиб юборгандан кейин ҳам тўйганини билмайдиган чор Русиясининг йиқилишида ва дунёдаги эзилган халқларнинг паноҳи сифатида пайдо бўлган Русия Шўролар ҳукуматининг ҳокимият тепасига келишида Ҳарбий умумия энг муҳим омилардан бири бўлди. Шундай қилиб, мазлумлар олами учун қутилиш йўлининг очилишига ёрдам берди. Мен бунга дунё мазлумлари учун бир қолибият деб ўйлайман. Ҳозир эса кураш ўзининг асл доирасига кирди. Ҳар ҳолда, бизнинг, яъни мазлумларнинг қолибияти ила ва империализмнинг маҳв бўлиши билан тутайди!».

Албатта, Анвар пошо мунофиқлик қилмайди. Сиёсатчи иккиюзламачи бўлиши мумкинлигини ақлига сиғдира олмайди ва шунинг учун ҳам алданади. Яъни, Лениннинг, болшевикларнинг гапларига чиппа-чин ишонади. Хўш, Анвар пошо нима сабабдан болшевиклар билан ҳамкорлик қилади?

Биринчидан, Маркс: «Бошқа халқларни эзиб ётган халқнинг ўзи озод бўлиши мумкин эмас», деб таълим беради. Русияда ҳокимият тепасига чиқиб олган Владимир Ленин эса 1916 йилдаёқ эълон қилган мақолаларида («Социалистик инқилоб ва миллатларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилаши тўғрисида», «Миллатлар ўз тақдирларини ўзлари белгилаши тўғрисида мунозара яқунларига доир») миллий мустақиллик ғоясини ҳамоя қилади. Нафақат миллий мустақилликни, ҳатто фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳамоя қилади. Маълумки, болшевиклар ҳокимиятни қўлга киритганларидан кейин ҳам Ленин ўртага ташлаган шиорлардан воз кечмайдилар. Балки, мазлум халқларга мустақиллик ёки мухторият бериш ғояси давлат сиёсати даражасига кўтарилади.

Иккинчидан, Анвар пошо Бухоро доҳилиндаги мазлумларни рўшноликка олиб чиқиш учун болшевиклар билан ҳамкорлик қилиш мумкин, деб ўйлайди. Чунончи, Боку курултойида сўзлаган нутқида: «Бизни учинчи интернационалга жалб этган сабаб — фақатгина мужодалада ўзимизга таянч нукта топишдан иборат эмас, балки айна пайтда принципларнинг ҳам бир-бирига яқинлигидир»<sup>2</sup>, дейди. У болшевиклар ёрдами билан Бухоро халқига мустақиллик олиб берилишига ишонади. Боз устига, Москва ҳукумати «мазлумларнинг интернационал сиёсати» шиорини зўр бериб тарғиб қиларди. Болшевиклар сиёсати бўйича «эзувчи миллатнинг социал-демократлари эзилиб ётган миллатга зулм-залолатдан халос бўлишига ёрдам беришлари лозим»<sup>3</sup> эди.

Анвар пошо мужодала «принципларининг ҳам бир-бирига яқинлигига» ишонади. Дарҳақиқат, бу принциплар сўзда бир-бирига яқин эди. Амалда эса ер билан осмонча фарқ бор эди — болшевиклар қизил шиорларга ўралган мустамлакачилик тарафдорлари бўлиб чиқади.

Қолаверса, Анвар пошо болшевиклар ўйлаган даражада гўл эмасди. У Туркистондаги, хусусан, Бухородаги шароитни жуда яхши биларди. Бу тўғрида шундай дейди:

«Туркистон халқ ёш ва уламо номи билан иккига айрилади. Халқнинг аксарияти уламо фирқаси тарафдорларидан иборат. Туркистонда амалга оширилиши лозим бўлган энг муҳим вазифа — бу икки фирқани бирлаштиришдир. Иттиҳод вужудга келиши учун, албатта, ҳаракатни Бухородан бошлаш керак. Москвада таҳсил кўрган, машҳур шахарларни зиёрат этиб, Оврупо маданияти билан озми-кўпми танишган амир уламанинг кўлида ўйинчоқ бўлиб қолган. Уламо номини кўтариб юрадиган бир тўда жохил ва мутаассиб каслар ўз мавқеи ва манфаати йўлида дин номи билан ҳар турли хиёнат ваҳшатни амалга оширишмоқдалар. Бухоро ҳукуматининг ҳозирги қилмишлари инквизиция шўъбасидан бошқа нарсага ўхшамайди»<sup>4</sup>.

Бўпти, Анвар пошо Бухоро мустақиллиги учун, ҳатто болшевиклар билан ҳамкорлик

<sup>1</sup> Токио, 1991. № 174, 319-320 бетлар.

<sup>2</sup> Юкоридаги манба, 320-бет.

<sup>3</sup> Ленин Владимир Ильич. Краткая биография. Иккинчи нашри. Москва — 1955 йил, 158-159 бетлар.

<sup>4</sup> Токио, 1991. № 179, 333-бет.

қилишга рози бўлибди. Ёш бухороликлар, Истанбулда «Иттиҳод ва тараққий» фирқаси ҳисобидан таълим-тарбия олиб қайтган маҳаллий жаҳидлар миллий мустақиллик ва миллат бирдамлигини таъминлаш учун нималар қилдилар?

1917 йил феврал ойида император Николай II тахтдан воз кечди. Петроградда Вақтли ҳукумат тузилди. Демократик ислохотларга Русия доҳилинда йўл очилди. Миллий зулмга барҳам берилажаги расмий ҳукумат томонидан эълон қилинди. Марказда бўлаётган ўзгаришларни ёш бухороликлар синчиклаб кузатиб боради. Улар марказга умидвор кўзларини тикади. Ёш бухороликлар номидан Абдурауф Фитрат ва Мусо Йўлдошев Петроградга Вақтли ҳукумат раҳбарларига йўллаган 1917 йил 14 март кунги телеграмма ҳам орзу-умидларга йўғрилган эди.

**«Бўлинмас Русия паноҳида яшаб келган биз бухороликлар янгиланган буюк Русияни табриқлаймиз. Русия ўзининг фидокор ўғлонлари ёрдамида эски мустабид тузумни ағдариб, унинг ўрнида янги, озода, демократик бошқарув барпо этди. Бухороликлар эса илгари ҳам, ҳозир ҳам маҳаллий мустабид ҳукмдорлар остида эзилиб ётибди. Русиянинг янги ҳукуматидан бизнинг маҳаллий ҳукуматимизга ислохот ўтказиш тўғрисида кўрсатма берилишини хоҳисорлик билан сўраймиз. Шундай қилинса, биз озода Русия паноҳида яшаётганимиз учун фахрланиб юрардик<sup>1</sup>».**

Демак, Петроградда ҳокимият тепасига Вақтли ҳукумат келгач, ёш бухороликлар амирлик доҳилинда ҳам ислохот ўтказилишини «хоҳисорлик билан» сўрайдилар. Дастлабки пайтлари Русиянинг янги ҳукумати Ҳарбий умумия ва бошқа долзарб ишлар билан банд бўлишига қарамасдан, Бухоро масаласини ҳам диққат марказидан қочирмайди. Хусусан, Русия Хорижия нозирлиги Янги Бухородаги Хуфяxonани керакли кўрсатмалар билан таъминлаб туради. Хуфянинг Хорижия нозирлиги идорасига жўнатган телеграммаси ҳам бизнинг фикримизни тасдиқлайди.

**«1176-нўмерли телеграммани олдик.**

**Мен илгарироқ Нозир ва Туркистон генерал губернаторига 3939-нўмерли телеграмма жўнатган эдим. Амир бизнинг йўл-йўриқларимиз бўйича иш юритишга тайёр турибди. Мен унга: «Ислохот борасидаги ташаббус ўзингиздан чиқиши керак», дедим. У рози бўлди. Эски Бухорода бошқарув идораларини ислох қилишга ҳозирлик кўряпмиз. Мен таклиф этган ислохот йўналишлари муҳокама қилиняпти.**

**Бухорода ҳозирча осойишталик ҳукм суряпти.**

**Хуфя: Миллер (имзо).**

**Нусхаси Тошкентга<sup>2</sup>».**

1917 йил 20 март куни Хуфя Петроградга яна махфий (шифрала) телеграмма йўллайди ва амир билан келишилган ислохот йўналишларини баён қилади. Сўнг: «Бухоро ҳукуматининг таклифлари мамлакат олдидан турган вазифаларга мос эканини эътироф этган ҳолда жаноб нозирдан шошилишч кўрсатмалар берилишини сўрайман. Бу таклифлар Вақтли ҳукуматга маъқулми?»<sup>3</sup>, деб аниқ йўриқ берилишини илтимос қилади. Петроградда Бухоро доҳилинда ўтказиладиган ислохот қизгин муҳокама этилади. Ҳатто ислохот тарафдорлари бўлган ёш бухороликлар тўғрисида маълумотлар сўралади. Хуфяxона бошлиғи Миллер 1917 йил 26 март куни Петроградга юборган шифрала телеграммасида: «Абдурауф Фитрат — муаллим ва ёзувчи. Мусо Йўлдошев эса Бухородаги «Баракат» ширкатининг кассири. Иккови ҳам либерал кайфиятдаги кишидир. Мен уларнинг маслақдошлари билан ислохот тўғрисида гаплашдим. Улар менинг кўрсатмаларимга амал қилишга рози. Акс ҳолда, ўзларини қадимлар томонидан худосизликка айблашларидан кўрқишяпти. Ислохот Шариятга мос равишда амалга оширилмаса, ҳеч нарсага эришиб бўлмаслигини яхши биладилар<sup>4</sup>», деб тўғри маълумот беради. Петроградда Вақтли ҳукумат Манифест лойиҳасини муҳокама қилади. Русия Хорижия нозирлиги Бухородаги Хуфяxонага: «Керенскийнинг таклифлари тўғрисида нима дейсиз? Манифест лойиҳасига, «Ислохот бундан кейин заруратга мос равишда ривожлантирилади», деган жумла қўшилса чакки бўлмасди<sup>5</sup>», деб маслаҳат солади. Ниҳоят, 1917 йил 7 апрел куни Русия Хорижия нозирлиги: «Манифест ўзингиз таклиф этган лойиҳа кўринишида эълон қилиниши мумкин. Фақат «ушбу тарихий воқеани тантанали равишда нишонлаш учун» деган жумла билан бошланадиган гапдан олдин «Ислохот бундан кейин заруратга мос равишда ривожлантирилади» деган гапни илова қилинг<sup>6</sup>», деб розилик беради. Шу кунгича Бухоро амира ўз қароргоҳида Манифестини эълон қилади. Ушбу тарихий воқеани Хуфяxона бошлиғи Миллер куйидагича таърифлайди:

**«Бугун Арқда Русия Хуфяxонасининг ходимлари, қозилар, муфтилар, муллолар,**

<sup>1</sup> Тг жик.ССР, Компартия архиви. Фонд № 31, опись № 1, дело № 38,1-бет.

<sup>2</sup> К қоридидаги манба. 2 бет.

<sup>3</sup> Юқоридидаги манба. 5 бет.

<sup>4</sup> Юқоридидаги манба. 8 бет.

<sup>5</sup> Юқоридидаги манба. 15 бет.

<sup>6</sup> Юқоридидаги манба. 17 бет.

амалдорлар, савдогарлар, ёш бухороликлар, бухорий яҳудийлар, шиалар, Самарқанд Ижроқўмининг бешта аъзоси иштирокида Бухоро амири ислоҳот тўғрисидаги Манифестни тантанали равишда эълон қилди. Манифест матнини Қози калон ўқиб эшиттирди. Ислоҳот тўғрисидаги хабар халқ тарафидан қувонч билан кутиб олинди. Жума намозини ўқиб учун мачитга отланган амирни кўчаларни тўлдириб юрган оломон олқишлади<sup>1</sup>».

Бироқ, халқнинг «қувончи» узоққа чўзилмади. Эртаси кунёқ Бухоро кўчаларида Манифестга қарши норозилик намойиши бошланади. Бу намойишни «уламо номини кўтариб юрадиган бир тўда жоҳил ва мутаассиб каслар» (Анвар пошо ибораси) уюштирган эди. Ёш бухороликлар халқ ўртасида «диндан қайтган кофирлар!» деб эълон қилинади: жадидлар оломон нафратига дучор қилинади. Ислоҳот тарафдорлари бўлган Раис билан Қози калонни оломон калтаклайди... Амир ишнинг бунчалик чаппасига кетишини асло кутмаган эди — у эсанкираб қолади. Ҳатто Хуфяҳона бошлиғи ҳам эс-хушини йўқотиб кўяди. Беихтиёр Анвар пошонинг сўзлари ёдга тушади: «Бир тўда жоҳил ва мутаассиб каслар ўз мавқеи ва манфаати йўлида дин номи билан ҳар турли хиёнат ваҳшатни амалга оширмақдалар». Ҳа, халқ ўртасида нуфузи юқори бўлган диндорлар ўзларининг шахсий ғаразлари йўлида миллат манфаатига хиёнат қиладилар. Жаҳолат шу қадар томир отган эди! Залолат шу қадар газаклаган эди! Маҳаллий уламоларга нисбатан Хуфяҳона бошлиғи Миллер тараққийпарвар бўлиб қолади. Унинг талаби билан Арқда барча сиёсий кучлар иштирокида музокара бошланади. Музокарани шахсан амир Олимхон бошқаради. Унда ўн икки нафар ёш бухоролик, уламо вакиллари, Русия Хуфяҳонасининг ходимлари иштирок этади.

«Амир ислоҳот тўғрисида сўзлай бошлайди... Бир пайт мударрис Ибодулла ҳожи амирнинг сўзини шарт кесади-да, Шариат ва ислом ҳақида жазавага тушиб вайсай бошлайди. Машварат ахли саросимага тушиб, гала-говур кўтарилади. Амир бирдан йиғлаб юборадия музокара кетаётган хонани тарк этади... Муллолардан бири ёш бухороликларни: «Худодан қайтган лаънатилар!» деб ҳақорат қилади. Ақобирлардан бирови: «Бухорога ҳеч қандай ислоҳот керак эмас! Ҳаммаси эскича қолиши керак!» деб бақиради. Кўп ўтмай Арқда мударрисларнинг шоғирдлари пайдо бўлади ва улар ёш бухороликларни Худодан қайтгани учун қатл қилинишини талаб қилди. Уларга: «Тарқалинлар!» деб буйруқ берилди. «Тарқалмаймиз! Шариат учун жонимизни фидо қилишга тайёрмиз! Жадидлар, ёш бухороликлар қатл қилинсин!» деб жавоб қайтарди шоғирд баччалар... Бу воқеалар Бухоро ҳукумати саросимага тушиб қолганини яққол кўрсатади. Нусратулла қушбеги эса очикдан-очик жоҳил уламога ён босяпти<sup>2</sup>», деб таъкидлайди Миллер. Афсуски, ёш бухороликлар билан эски уламони яраштириш борасидаги саъй-ҳаракатлар зое кетади. Петроград ҳукумати Бухородаги Хуфяҳона бошлиғини — Миллени ишдан бўшатиб юборади.

Амир чорасизликдан йиғлаб юборади.

Уламо баттар жазавага тушади.

Ёш бухороликлар эса ичидан иккига бўлиниб кетади: жадидлар сафидан Файзулла Хўжа раҳбарлигида мурасасиз гуруҳ ажраб чиқади ва улар Бухоро ҳукуматини қурол кучи билан ағдариб ташлашга ҳозирлик кўра бошлайди<sup>3</sup>. Ўша пайтлари Усмонхўжа, Фитрат каби бир гуруҳ ёш бухороликлар назарида гўё ислоҳот ўтказилишига Русия Хуфяҳонасининг бошлиғи Миллер тўсқинлик қилаётгандек туюлади. Шу боис улар Петрограддаги Вақтли ҳукуматдан «Миллени ўз ходимлари билан чақириб олишни итоаткорона илтимос қиладилар<sup>4</sup>». Афсуски, улар ислоҳотга жоҳилик гов бўлаётганини тўла-тўқис англамайди. Ислоҳотнинг асосий душмани Русия Хуфяҳонасининг бошлиғи, деб ўйлайдилар. Негаки, чор ҳукумати даврида, ҳақиқатан ҳам, Миллер ёш бухороликлар ҳаракатига қарши тинимсиз курашган эди: амирга ва уламога жадидларни олабўжи қилиб кўрсатишга улгурган эди. Жадидларнинг Миллерда ўчи бор эди. Улар Миллер билан расмона самимий ҳамкорлик қилиш мумкинлигига асло ишонмайдилар. Анвар пошо эса «мужодалада таянч нуқта топиш» учун коммунистик III Интернационал билан ҳамкорлик қилиш мумкин деб ҳисоблайди: у муайян босқичда (болшевиклар мунофиқлик қилаётганини билмаган ҳолда, албатта) мусбат ва манфий қутбларни манфаатлар муштараклиги бирлаштириши табиий ҳол эканини яхши биларди. Яъни, Анвар пошо тажрибали сиёсатчи сифатида узоқни кўзлайди. Агар ёш бухороликлар амалий тажрибага эга бўлганларида борми, Вақтли ҳукумат даврида пайдо бўлган кулай фурсатдан оқилона фойдаланишиб, чор ҳукумати пайтида душман бўлган Миллер билан самарали ҳамкорлик қилардилар. Лекин, улар ёмғирдан қочиб қорга тутилишини, албатта, билмасдилар.

<sup>1</sup> Юқоридаги манба. 18 бет.

<sup>2</sup> Юқоридаги манба. 32-33 бетлар.

<sup>3</sup> Юқоридаги манба. 35-бет.

<sup>4</sup> Юқоридаги манба. 40-бет.

Вақтли ҳукумат даврида ёш бухороликларга Анвар пошо каби битта заковат соҳиби жуда-жуда асқатарди. Афсуски, Анвар пошо олисда эди...

Русияда 1917 йилнинг 1 март кунидан то 7 ноябригача ҳукмронлик қилган Вақтли ҳукумат даври — ёш бухороликлар учун бой берилган имконият даври бўлди. Бундай имкониятнинг тарих уларга бошқа раво кўрмади. Болшевиклар давридаги имконият эса миллий муаммони қурол кучи — инқилоб йўли билан эмас, балки миллий ҳамжиҳатликка асосланган ислоҳот йўли билан ҳал этмоқ афзал эканини яққол кўрсатади.

Афандим, кўрдингизми, мана шундай чигал ижтимоий муносабатлар вужудга келган ўлкага Анвар пошо ҳазратлари ташриф буюриши лозим эди.

## УЧИНЧИ МАКТУБ

Афандим, мен сизга фақат Бухоро амирлиги доҳилинда кечаётган воқеалар тўғрисида сўзламоқдаман. Чунки Анвар пошо ҳазратлари фақат Бухоро амирлиги доҳилинда ҳаракат қиладилар. Ҳўш, агар пошо собиқ Қўқон хонлиги доҳилинда ҳаракат бошласа эди, балки Туркистон миллий мужодаласи беҳроқ натижаларга эришармиди? Менинг назаримда, ҳар қандай миллий мужодала ғалаба қозонмоғи учун ерли халқ жоҳилият ботқоғидан чиқмоғи даркор. Собиқ Қўқон хонлиги доҳилинда ҳаракат этаётган қувватлар эса жоҳилият жабҳасида Бухоро амирлиги фуқаросидан қолишмасди.

1917 йил 7 ноябр кунини Петроградда Вақтли ҳукумат қамоққа олинадиган ва болшевиклар диктатураси ўрнатилади. 15 ноябр кунини Халқ Комиссарлари Шўроси «Русия халқларининг ҳуқуқлари декларацияси»ни эълон қилади. Бу ҳужажнинг ҳужжатга мувофиқ: «Русия халқлари ўз тақдирларини ўзлари эркин ҳал этиш ва мустақил давлат қуриш ҳуқуқларига эга бўладилар». 3 декабр кунини В.И. Ленин (Халқ Комиссарлар Шўросининг раиси) имзо чеккан «Русия ва Шарқ мусулмонларига» мурожаатнома эълон қилинади. Унда айтилишича, «билинларки, Русия халқларининг ҳуқуқлари каби сиз мусулмонларнинг ҳуқуқлари инқилобий қувват ва унинг идораси бўлмиш Ишчи, Аскар, Деҳқон депутатлари Шўроси томонидан ҳимоя этилажак! Мусулмонлар, миллий тузумингизни эркин ташкил этингиз!»

Болшевиклар ва унинг доҳийси берган ваъдаларга чиппа-чип ишонган Туркистон мусулмонларининг эътиборли зотлари 1917 йил 26 ноябр кунини Қўқон шаҳрида Ўлка мусулмонларининг фавқулодда IV қурултойига тўпланадилар. Қурултойда Туркистоннинг барча ўлкаларидан, жумладан, Бухородан ҳам (тўрт нафар) вакиллар қатнашади. Қурултой уч кунлик фикр алмашувлардан сўнг, 28 ноябр кунини Туркистон мухторияти тузилганини эълон қилади. Мустафо Чўқой афанди Туркистон мухторияти Муваққат ҳукуматининг раиси этиб сайланади.

Тошкентда Туркистон Халқ Комиссарлари Шўроси филиалининг раиси бўлиб турган Ф.Колесов: «Во-ой, до-од, уйим куйди! Энди нима қиламан?!» деб аюҳаннос тортиб, Петрограддан кўрсатма берилишини сўрайди. 16 декабр кунини Ленин ва Сталин раҳбарлигидаги Русия Халқ Комиссарлари Шўроси шошилинич машварат қилади: Туркистонда вужудга келган аҳвол ҳар томонлама муҳокама этилиб, Тошкентдаги шўро ҳукуматига ҳаракат эркинлиги берилади. Яъни, «ўз ихтиёрингдаги қувват билан мухториятни қонга ботиргин, лекин ҳозирча биз сенга мадад беролмаймиз, чунки ўзимиз учун ҳам сичқоннинг уяси минг танга бўлиб турибди», деган маънода маслаҳат солинади. Дарҳақиқат, ҳали Ғарбий жабҳада уруш ҳаракатлари давом этади, Олмония ўрдуси Русиянинг маркази томон тўхтовсиз яқинлашиб келар, рус аскарлари эса бетартиб равишда жанггоҳни ташлаб қочмоқда эди. Хуллас, Тошкентдаги Шўро ҳукуматининг қарори бўйича Скобелев (Фарғона) шаҳрида ижарада турган К.П.Осипов қўмондонлигидаги Қизил аскарлар ўрдуси Қўқон шаҳрига олиб келинади. Мухторият раиси Мустафо Чўқой афанди Осипов билан (Қўқондаги «ҳизмати» эвазига Туркистон Ҳарбий Комиссари лавозимига эришган полковник Осипов 1919 йил 19-21 январ кунлари Тошкентда исён кўтаради ва 14 нафар халқ комиссарини қатл қилади) музокара бошлайди. Аслида, бу музокарани руслар вақтдан ютиш учун уюштиради: уч-тўрт кун ичида Тошкентдаги поезд вагонларида тиш-тирноғигача қуролланган қизил аскарлар, каллакесар арман дашиноқлари келтирилади. Мустафо Чўқой афанди қалтис вазиятнинг сулҳ зоситасида бартараф этишга ҳарчанд уринса-да, лекин жоҳил уламолар унга имкон бермайди. 18 феврал кунини Мустафо Чўқой афанди вазифасидан четлаштирилади ва Эргаш кўрбоши Қўқон хони деб эълон қилинади. Иложсиз қолган Мустафо Чўқой афанди Қўқон шаҳрини тарк этади. 19 феврал кунини Рус қувватларининг қўмондони Эрғаш кўрбошига ултиматум топширади: қурол-яроғлар билан таслим бўлишни истамайди. Чунки у бунидан наҳисини кўрмайдиган калтабин бир кимса эди. Руслар Қўқон шаҳрини замбараклардан тўлга тутайди. 20 феврал кунини эса рус қувватининг пиёдалари ва «Дошноқ-дўтюн»



фирқасининг аъзолари бўлган ёлланма арманилар Қўқон шаҳрига ёппасига бостириб киради. Шаҳар уч кеча-кундуз олов ичида қовурилади, талон-тарож қилинади, аҳоли бўғизланади. Ўн минг нафардан зиёд халқ ўлдирилади. Қатли ом борасида арманилар мисли кўрилмаган ваҳшийликлар қилади. 22 феврал куни полковник К.Осипов Тошкентга қайтади. Халқ Комиссарлари Шўросининг раиси Ф.Колесов Қўқонда кўлга киритилган «ғалаба»га шерик бўлолмайди. Шу сабабли у қизил аскарларни вагонларга босиб Ашхобод томон йўл олади. Ашхободдан қайтишида эса Бухорода болшевикларнинг голибона юришини яна бир қонли саҳифа билан бойитмоқчи бўлади. Лекин...

Афандим, ҳозирча Колесовни Ашхобод йўналишида қолдириб турайлик. Биз собиқ Қўқон хонлиги доҳилиндаги мужодала қувватларнинг жоҳиллиги тўғрисида сўзламоқчи эдик. Шу мавзуни давом эттираемиз. 1918 йил 2 март куни «Улуғ Туркистон» рўзномасида Мустафо Чўқой афандининг мактуби чоп этилади. Мактубнинг айрим ўринларидан кўчирма келтираман.

«Хўқандда бўлгон воқеанинг сиёсий сабабларини бошдан-оёқ ёзувни ҳозирги замон кўтармайди. Мен бунда воқеа бошлангач, ўз бошимдан ўтган ҳолларнинг баъзиларини ёзаман. Текшира тушган кишилар шундан ҳам кўп нарса англаб оларлар.

Мен болшевиклар қувғинидан қочиб, Хўқанд теграсиндаги қишлоқларда, сартия қардошларимиз орасида беш-ўн кун юрдим. Шу озгина муддатда чеккан жабру жафоларим, душман бўлсалар-да, худои таоло болшевикларнинг ҳам бошига солмасин.

Эргаш қароқчи сартлар тарафиндан Хўқанднинг эски шаҳрига сайлаб қўйилган қўрбоши эди. Бу одам авваллари ҳам ўғриларга бош бўлиб юрарди. Хуллас, шу кимса бош бўлиб, Хўқанд сартлари болшевиклар билан уруш бошлагач, «енгиламит» деган сўзни эсларига келтирмадилар. Шунинг учун: «Энди сарт замони келди! Эргашни хон этамиз! Фарғонада сартлардан бошқанинг жонини оламиз. Қозоқ билан болшевикларнинг фарқи йўқ! Нўғой бўлса, мусулмон эмас! Хўқандда битта нўғой муаллимнинг оёғини қиблага узатиб, ухлаб ётганини кўрдик!» дейишиб, қишлоқ сартлари сартлардан бошқа халқларнинг барини ўлдириш нияти билан қўлларига болта, пичоқ, чўт, кетмон, ўроқ, арқон, занжир олишиб тўдалашиб юрдилар. Болшевиклардан қочиб, мусулмон оғанимиз деб, мен шу халқ орасига кирдим.

20 феврал чоршанба куни Говхона деган қишлоқдан, бутун Фарғонага белгили Мўйи Муборак қишлоғида яшайдиган Бек — машҳур бир зотнинг боласи билан бирга Илож қишлоғига ўтиб, сўнг Қумбосди қишлоғига бордик. Йўлдошим отда, мен яёв эдим. Чунки сартлар ақча баробаринда ёллаб, минарга от ҳам бермадилар. Устимдаги кийимларим сартча бўлиб, оёқда четан қовуш, устимда ола чопон, бошимда қозон каби зўр оқ чалма бор эди. Боражак еримиз белгисиз бўлгани учун Хўқандда сўғиш босилгунча ўзимизнинг сартлар орасида хатарсиз кун кечирув хаёли мени бир қишлоқдан иккинчисига тентиратар эди.

Қумбосдига келиб, отув билан қуролланган йигирма қадар сарт мени тутиб, текширишга киришдилар.

— Ҳа, сен кимсан?

— Мусулмонман.

— Қандай мусулмонсан?

— Қозоқман.

— Қозоқ қачондан бери мусулмон?

— Алмисоқдан бери мусулмон.

— Қозоқнинг мусулмонлигига бизнинг шубҳамиз бор.

— Сизнинг шубҳангиз бўлса, бизнинг шоҳидимиз бор.

— Шоҳид қани, айт!

— Шоҳидимиз — калимаи тавҳид.

Тавҳид калимасини айтиб чиқдим.

Шундай текширувлардан кейин ҳам менинг мусулмонлигимга тамоm ишониб етмадилар. Ҳатто менинг таналаримни титкилашиб, мусулмончиликнинг кўриниб турган нишонасини излай бошладилар. Шу вақт бир ҳафтадан бери бирга юрган йўлдошим менга оти устида кулиб турувдан бошқа бир ёрдам кўрсатмади. У Фарғонада машҳур бир зотнинг ўғли бўлув сиёғи билан бундай ўринда бир оғиз сўзи билан мен кабиларни қутқаришга кучи етса-да, юқоридаги ҳоллардан сўнг, отига қамчи сўғиб, мени ташлаб йўлда давом этди. Сартлар эса менинг мусулмонлигимга шубҳа топа олмагач: «Сен қозоқ, бунда не иш қилиб юрибсан?» деб сўрадилар. Мен бир сўзда ёлгон қўшимча билан воқеанинг дурустини сўйлаб, Бек — машҳур бир зотнинг уйида бир неча кун қўноқ бўлганимни билдирдим. Улар: «Унинг уйида меҳмон бўлганинг рост бўлса, нега ўғли сени ташлаб кетди?» дедилар. Мен нима деб жавоб қайтаришни ҳам билмай қолдим. «Ўлдириш керак! Ҳозир замон сартники! Бизга қозоқ ҳам, болшевик ҳам — бир!» деб ҳайқирди оломон. Қўлимдан

етаклашиб, қишлоқ бўйлаб: «Қозоқ тутдик!» деб қий-чув кўтаришиб, кишиларни тўплашиб, қишлоқнинг четига олиб кетдилар. Мени ўлдиришга йиғилган халқ етмиш-саксон қадар бўлиб, ҳар бирининг кўлида милтиқ, ойболта, ханжар, пичоқ, чўқмор каби нарсалар бор эди. Зўр ўрамнинг айрилган ерида мени бир улкан дарахтнинг тубига ўтиртириб, ўлдириш ҳаракатига киришдилар. Икки кўлим орқага бойланди, икки кўзим бойланди: бўйним ҳам қора қайиш билан боғланган ҳолда жонимни олишларини кутиб ўтирдим. Сартларнинг нияти — мени икки оёғимдан дарахта осиб, отиб ўлдириш эди. Бошқалардан кўра менга кўпроқ раҳмлари келди, шекилли: «Питра увоқ ўқ билан отсак, жони қийналу», дейишиб, милтиққа ёлғиз тўнғиз ўқ солдилар. Худонинг ажиб қудратига, адолатига ҳеч гумон келтириб бўлмайди. Мени энди осамиз деб турган пайтлари битта сарт келиб: «Сиз буни қозоқ дейсиз. Қозоқнинг ҳам турлиси бўлади. Хўш, бу ўзи қандай қозоқ экан, кўрайлик-чи?» деб, кўзларимни ечдириб, юзимга қараб туриб йиғлаган ҳолда: «Ассалому алайкум, Мустафо афанди!» деб, боғланган қўлларимни ечиб, бўйнимдаги тузовимни пичоқ билан кесиб, ўрнимдан тургазиб, икки кўзига ёш тўлгани ҳолда менинг ким эканимни сўйлади. Ҳақиқатни англагач, мени ўлдиришга йиғилган халқ ўз фикридан воз кечиб, шаҳарга борувчи бир йўлчининг отига миндириб, мени Хўқандга — Эргаш қароқчининг ўзига юборишга қарор бердилар. Мени қутқарган сартнинг исмини билмайман. Ўтган йили мардикор бўлиб, ички Русияга боргач, жабр-зулмга чидамасдан Фарғонага қочиб келаётиб Петроградда менга учраб, йўл харажатига ақча олиб, юртига қайтган ва ундан ташқари, менинг Петроград ҳам Туркистонда қилган ишларимдан хабардор экан.

Қумбосдидан қувқин аристон каби юқорида айтилмиш Илож қишлоғи орқали Говхонага сафар этдик. Илож ва Говхона орасида бир сой бор. Шу сойнинг бошида ўтган-боргани текшириб турувчи бир сарт учраб, мени шаҳарга ихтиёрсиз ҳайдаб кетилаётганимни билгач, мени отиб ўлдиришга қарор берди. Отдан тушириб, мени жар ёқасига ўтирғиздилар. Мени биринчи ўлимдан қутқарган сарт Қумбосдида қолган эди. Энди бўлса, Оллоҳдан ўзга ёрдамчим йўқ. Нечук-да, тезроқ ўлсам экан деб кўзларимни қоплаб ўтирдим. Номард сарт ўзининг мерганлигига ишониб, жуваракка кўзлаб от, дейишимга қулоқ солмасдан, кўзлар-кўзламас отди. Ўқ зув этиб ёнимдан ўтиб кетди. Шундан сўнг сартлар: «Бадбахтнинг бахти бор экан!» дейишиб, янгитдан отга миндириб узатдилар. Говхонага етганда ҳалиги қишлоқнинг оқсоқоли учради. У мени илгаритдан танир экан. Ҳол-аҳволимни сўраб билгач, ёнидаги сартлардан аччиқланди: «Ўзларингни ўлдириш керак!» деб, уларни қувиб юборди. Мени ўз уйига келтириб қўноқ қилгач, хошимим бўйича ёнимга йигит қўйиб, қўшни қишлоққа узатди. Кўринзор деган қишлоқнинг оқсоқолига учраб, унинг ҳам балодан қутқариб қолишига кўзим етмади. Яна Говхонага бориб, Хўқанд сўғиши босилгунча анда бўлдим. Хўқанд сўғиши босилди. Эргаш қароқчи қочиб кетибди, шаҳар болшевиклар қўлига ўтибди, деган хабар тарқалди. Сартлар замони йўқолганини сезиб, сув олган қорин каби жим бўлдилар. Қишлоқ сартларининг феълени билгач, улар орасидан тезроқ кетишга тиришдим. Ўқчи қишлоғига борадиган от ёки арава тополмай, йўл бошловга йўлдош бўлмай жуда қийналдим. Замони келган сартлар қишлоқнинг исмини айтмай, йўл кўрсатмай, томоғимни чайишга чой ҳам бермасдан етарли хўрликлар кўрсатдилар. Икки кун яёв йўл юргач, Довистон исмли қишлоққа келдим. Унда 900 сўмга от олиб, 290 сўмга йўлдош ёллаб, қозоқ-қирғиз қайдасан деб, қорли тоғлар оша йўналдим ва шу ерда сартларга «хўш» айтдим.

Кўрганларим кўп бўлса-да, барини ёзарга бир тарафдан азоб, иккинчи тарафдан вақт имкон бермади. Дўст этиб хизмат этарга тутинган халқимдан душманлик кўрганим кўнглимга хафалик солди. Шундай бўлса-да, Қумбосдидан бошқа ерни кўрмаган, бошқа элни кўрмаган авомнинг қилган ёмонликларини сарт халқининг устига юклашни тиламайман<sup>1</sup>».

Мустафо Чўқой афанди таржимаи ҳолига айрим чизгилар: у зот 1889 йили Қизил Ўрда шаҳрида қозоқларнинг оқ суяк (бийлар) оиласида таваллуд топганлар. Тошкентда рус мактабини «аъло» баҳолар билан тамомлайди. Тошкентда таҳсил кўрган йиллари Русия Вақтли ҳукуматининг бўлажак Бош бошқони Керенский хонадони билан дўстона алоқа ўрнатади. Шу боис Мустафо афандини «Керенскийнинг Туркистондаги вакили» дейишарди. Петербург дорилфунунининг ҳуқуқшунослик факултетини тамомлаган туркистонлик тўрт-бешта малакали зиёлилардан биттаси Мустафо афанди эди. Оқ-қоранинг фарқига етарди. Авом халқ эса асл ўғлонининг кўкрагидан итаради, бағрига олмайди. У зот муҳожирликка кетади ва 1941 йили Олмонияда вафот этади.

Афандим, эллик йил Русия мустамакаси остида яшаган авом маърифатдан йироқ

<sup>1</sup> «Улуғ Туркистон» газетаси, 1918 йил, 2 март сони.

тутилгани, албатта, табиий ҳол. Чунки онгсиз халқни бошқариш осон бўлади. Бирок, миллий мужодалага раҳнамолик қилган кўрбошилар, ҳартугул, озми-кўпми маърифатли эдилар. Маърифатли бўлганлари учун ҳам қўлда қурол билан мустақиллик учун курашга отланадилар. Афсуски, кўпчилик кўрбошилар жоҳил халқдан фарқ қилмасди. Айримларининг инсоний фазилати тубан даражада бўлиб, худбинликка муккасидан кетади.

Эҳтимол, хабарингиз бўлса керак, Фарғонадан Шермуҳаммадбек исмли машҳур кўрбоши чиққан. У зот кейинчалик Туркиянинг Адана шаҳрида муҳожирликда яшаган, шекилли. Биз у киши билан ҳақли равишда фахрланамиз. Лекин, нима учун «Фарғона муваққат ҳукумати»нинг бошлиғи бўлган Мадаминбек билан келиша олмаган, нега уни маҳв этишга йўл қўйган, ҳали асосий кураш олдинда бўлгани ҳолда ички ҳокимият учун курашганми (Мадаминбек 1920 йили ўлдирилади) каби саволлар кишини ўйлантиради.

Мен Шермуҳаммадбекнинг шахсияти тўғрисида деярли ҳеч нарсани билмайман. Аммо, Афғонистонда муҳожирликда ёнма-ён истиқомат қилган Иброҳимбек баъзи маълумотларга эга бўлганига ишонаман. Иброҳимбек 1931 йил 28 сентябр кuni Тошкентдаги махсус камоқхонада ОГПУ (Бирлашган сиёсий бошқарма) терговчисига бундай кўрсатма беради:

«1926 йили Тожикистондан чиқиб кетганимдан сўнг, Кобулга борган пайтим Кўршермат билан ганишдим. У менга жиддий одамга ўхшаб кўринмади. Сергап экан. Агар унинг гапларига ишонадиган бўлсак, Совет Иттифоқига душман бўлган барча давлатлар билан, хусусан, Англия ва Фарангистон билан доимий алоқа ўрнатган эмиш. Фарангилар билан қандайдир шартнома имзолаган, бошқалар билан музокара юритаётган эмиш...

Тахминан, 1924 йили Кўршермат Пешаворга, инглизлар ҳузурига боради. Кейин Читрол ва Бадахшон орқали Хонободга (Шимолий Афғонистонга) келади. У ердан менинг ҳузуримга Холматжон ва уста Ёқуб исмли иккита чопар жўнатди. Улар менга Кўршерматнинг муҳри босилган бир қанча тоза қоғоз келтиришди. Чопарлар айтишдики, бу варақаларга мурожаатнома ёзиб, Кўршермат номидан халқ ўртасида тарқатсангиз, халқ оммаси сизни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлайди: чунки халқ Кўршерматни яхши билади. Кўршермат чопарлардан шу гапларни тайинлаб юборибди. Дастлаб, мен бу гапларга ишондим. Кейин бу гаплар тўғрими-нотўғрими эканини текшириб кўриш учун Хонободга ўз одамларини юбордим. Одамларим у билан учрашди. «Иброҳимбек менга ёзма равишда ваколат берсин», деб илтимос қилибди у. Аммо, ёзма ваколатим нима учун кераклигини айтмабди. Фақат: «Инглизлар жуда кўп қурол-яроқ берди. Яқинда Читрол орқали қарвон келади», дебди. Одамларим сезишибдики, Кўршермат шунчаки мақтанчоқлик қиляпти, аслида, унда ҳеч қандай қурол йўқ экан. Одамларим Хонободдан қайтиб келишгач, гап нимада эканини билдим-да, Кўршерматнинг муҳри босилган барча қоғозларни ёқиб юбориш тўғрисида буйруқ бердим. Чунки муҳр босилган қоғозларнинг ҳеч қандай қиммати йўқ эди.

Тожикистондан Кобулга борганимдан сўнг муҳожирлардан эшитсам, ҳақиқатан ҳам, 1924 йили Кўршермат Пешаворга бориб, инглизлар билан учрашган экан. Уларга: «Иброҳимбек шахсан менга бўйсинади. У менинг фармонимни бажаряпти. Иброҳимбекни Тожикистонда қолдириб келдим. Бизга қурол-яроқдан, пул-муддан ёрдам беришларингни сўрайман», дейди. Инглизлар эса: «Агар Иброҳимбек сизни вакил қилиб юборган бўлса, марҳамат, ваколатингизни тасдиқлайдиган ёзма ҳужжат кўрсатинг», дейди. Демак, Кўршермат Хонободга мендан ёзма ваколат олиш илнжида атайлаб келган эди. Аммо, мен унга ҳеч қандай ҳужжат бермадим.

Кўршермат албатта ҳарбий кийимда тушган фотосуратларини қулай имконият пайдо бўлган заҳоти ҳар томонларга жўнатиш билан шуғулланыпти. Бу билан гўё, мен ҳали кўп иш қиламан, демоқчи бўлади. Мен уни тайинсиз, арзон-гаров орбў-эйтиборнинг орқасидан қувадиган, ҳақ тўланса ҳар қандай ишдан қайтмайдиган кимса деб ҳисоблайман<sup>1</sup>».

Афандим, майли, Иброҳимбек кўрғазмаси юз фоиз тўғри бўлмасин: ҳар ҳолда, у субъектив (шахсий) фикрини баён қиляпти. Бирок, у айтаётган воқеалар тўғри бўлиши ҳам мумкин: агар нотўғри бўлса, қорақўллар воситасида текшириб кўрилагач, Иброҳимбек балога қолиши ҳеч гап эмасди. Бу ҳақда уни огоҳлантиришади, албатта. Демоқчиманки, Иброҳимбекнинг гапларида жон бўлса, Туркистонда ҳаракат бошлаган миллий мужодала раҳнамоларидан бири, бу ҳаракатнинг кўзга кўринган намояндаси бўлмиш Шермуҳаммадбек ўзининг инсоний фазилатлари билан мужоҳидларга ўрнак ҳам, раҳнамо ҳам бўлолмасди. Бир ҳисобда 1920 йилдаёқ Фарғона водийсида мустақиллик учун

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР, КГБ архиви. Иброҳимбекнинг 577051-нўмерли жиноятномаси, 2 жилд, 224-228 бетлар.

бошланган кураш таназзулга учрагани қонуний ҳоддир. Негаки, болшевикларнинг уюшган ўрдуисига қарши курашаётган мусулмон қувватларининг аксарияти мафкурасиз эди. Уларнинг ғоявий йўли номаълум бўлиб, ораларида оқибат нима бўлишини идрок этадиган зотлар деярли йўқ эди.

Нафақат Бухоро амирлиги, балки бутун Туркистон жоҳилият ботқоғига ботиб кетган эди.

Анвар пошо ҳазратлари қайга бораётганини ва нима учун бораётганини жуда яхши биларди. Шунинг учун ҳам у зоти шариф азм этган иш буюк таҳсинга лойиқдир. Зеро, ақл-идрок билан анланган ҳолда қилинган савоб иш Оллоҳнинг раҳматига сазовор бўлажак!

## ТҶРТИНЧИ МАКТУБ

Афандим, энди хаёлан Фарғонадан қайтамиз-да, Ашхободга йўл олган комиссар Ф. Колесовни ўз ҳолига қўйиб, Бухоро тарихида фожиаи из қолдирган Машрутияти идора (манифест) хусусида уч-тўрт оғиз сўзлаймиз.

Ёш бухороликлар Вақтли ҳукумат раҳбарларига юборган телеграммаларида (1917 йил 4 апрел куни Чоржўйдан Мусо Йўлдошев номидан ва 1917 йил 5 апрел куни Оренбургдан Фитрат, Усмонхўжа, Баҳромбек, З. Фатҳиддиновлар номидан Петроградга жўнатишган телеграммалар<sup>1</sup> шулар жумласидандир) тўғри таъкидлаганларидек, Хуфянона бошлиғи Миллернинг йўл-йўриқлари асосида тайёрланган амирнинг манифести ижтимоий турмушни ҳаминқадар тартибга солиши мумкин эди, холос. Том маънода ижтимоий ислоҳот ўтказишга замин ҳозирлаш лозим эканини Миллер яхши биларди. Шунинг учун, аввало, мутаассиб уламнинг қитигини ўлдиришга қарор қилади. Менимча, мавжуд шароитни ҳисобга олган ҳолда Миллер энг оқилона йўлни танлайди. Хусусан, баландпарвоз сўзлар билан тўлиб-тошиб кетган Машрутияти идора матнида қуйидаги масалалар устида гап боради:

1. Амалдорлар бундан кейин сайлаб қўйилади (лекин уни, амирнинг ўзи сайлайдими ёки ҳалқ сайлайдими, бу ҳақда изоҳ йўқ).

2. Барча ишлар Шариаат асосида амалга оширилади.

3. Хирож, закот ва бошқа турдаги ўлпон адолатли тарзда олинади.

4. Пойтахт аҳолиси нуфузли зотлардан иборат Кенгаш сайлаб олади.

5. Давлат хазинаси таъсис этилади: амирликнинг бюджети белгилаб қўйилади. Давлатнинг сарф-харажатлари, даромад ҳисоб-китоб қилинади.

6. Пойтахтда босмаҳона ташкил этилади. Унда бухороликлар учун фойдали бўлган махсус ахборот нашр этилади<sup>2</sup>.

Петроградга тасдиқ учун жўнатишган манифест лойиҳаси Вақтли ҳукумат таркибида Адлия нозира бўлиб турган жаноб Керенскийни унчалик қониқтирмайди. Русия Хорижий нозирлигидан 1917 йил 29 март куни Бухородаги Хуфяга жўнатишган 1405-нўмерли шифрали телеграммада бу ҳақда аниқ-равшан айтилади: «Адлия нозира Керенский манифест лойиҳасига қўшимчалар киритилишини сўраяпти. Унинг фикрича, Бухородаги жамоат ташкилотлари қонун чиқарувчи идораларда, мамлакат бошқарувида иштирок этиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, парламент каби бир ташкилот тузилиши керак. Манифест лойиҳасида кўзда тутилган маҳаллий Кенгашнинг ваколатли муддати белгилаб қўйилиши ва ниҳоят, қонун ишлаб чиқарадиган Ташаббус гуруҳига қўшилиб кетиши даркор. Керенскийнинг фикрича, босмаҳона тўғрисидаги бандга «умуман босмаҳона ташкил қилиш ва сўз эркинлиги хусусида» қўшимча киритилиши керак<sup>3</sup>». Кўриниб турибдики, ислоҳотни ҳаётга татбиқ этадиган воситалар тавсия этилади. Бироқ, Бухоро шароитини беш қўлдай биладиган Хуфя Миллер: «Бухорода маҳаллий ҳукумат парламент каби ташкилот ўрнини босиши мумкин. Бундан кейинги ўзгариш салбий оқибатларга олиб боради. Чунки парламентда кўпчилик ўринини мутаассиб-реакционерлар эгаллаб олади: бир неча ўн нафардан ортиқ бўлмайдиган ислоҳот тарафдорлари улар орасида йўқ бўлиб кетади. Жоҳил оломон эса муллолар, амалдорлар орқасидан эргашиб юради, холос. Муллолар ҳам, амалдорлар ҳам ислоҳотга мутлақо қаршидир. Фақат амирнинг буйруғи билан ислоҳот ўтказилишига уларни кўндириш мумкин. Агар парламент ташкил этилса ва маҳаллий ҳукуматга ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуқи берилса, яна қайтараман, кўпчилик ислоҳотга қарши бўлгани сабабли бошбошдоқлик авж олиб кетади. Охир-оқибат амир тахтдан афдариб ташланади. Амир ҳам жаҳидлар каби

<sup>1</sup> Тожикистон ССР. Компартия архиви. Фонд № 1, опись № 1, Ед. хранение № 41, 2-5 бетлар.

<sup>2</sup> Тожикистон ССР, Компартия архиви. Фонд № 31, опись № 1, дело № 38, 6-бет.

<sup>3</sup> Юқоридаги манба. 10 бет.

«худодан қайтган кофир» деб эълон қилинади: исломпарастлар русларга қарши ҳаракат бошлайдилар. Шунинг учун бу ерда парламент каби ташкилот тузилишига йўл қўйиб бўлмайди. Бухоро шароитида маҳаллий Кенгаш кифоя қилади. Бу Кенгашга қонун ишлаб чиқариш топширилади<sup>1</sup>», деб ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради. Қизиги шундаки, Адлия нозирининг «сўз эркинлиги» тўғрисидаги таклифи Миллер ҳеч қандай муносабат билдирмайди. Негаки, Бухорода сўз эркинлиги тўғрисида гап бўлишини ақлига сиғдиролмайди. У шифрала телеграммани ўқийтиб, мийғида кулиб қўйган бўлса ажаб эмас: «Наинки, Машрутяти идора матнида, ҳатто Конституциянинг 29-моддасида махсус белгилаб қўйилса-да, фақат маҳиябозлик эркинлигини таъминлаш мумкин». Албатта, пичинг қилиш учун Миллер етарли асосга эга эди. Ва у ҳақ эди. Аини пайтда сўз эркинлигини таъминланмаган жойда ислоҳот ўтказиб бўлмаслигини ақлига сиғдиролмаган Русия Адлия вазири Керенский ҳам ҳақ эди. Хуллас, ун-да ҳақ, бун-да ҳақ! Амир-чи? «Икки йил аввал амир Бухоро инқилоб қўмитасининг тазйиқи остида расман Машрутяти идора эълон қилгани ҳолда уламнинг тазйиқларидан ҳуркиб, баённомасини бекор қилади. Натижада муваффақиятсизликка учраган қўмита болшевиклар ила Бухорога тажовуз қилади. Аммо бу курашда тажрибасизлик ва нуқсонлар туфайли ҳаракат мағлубият билан якунланади. Қулай фурсатдан фойдаланган уламо мамлакат доҳилинда икки мингга яқин тараққийпарвар кишиларни қатл қилишга фатво беради. Бундай хунрезлиқнинг бир қисмига ўзим гувоҳ бўлганман<sup>2</sup>», деб эътироф этади Анвар пошо.

Жоҳиллик амирдан ҳам қолиб келади.

Адолат юзасидан эътироф этмоқ лозимки, Русия Вақтли ҳукумати ислоҳотчилар тарафини олиб Бухоро амирлигига қарши ҳарбий қувват юборишни хаёлига ҳам келтирмайди. Ёш бухороликлар қўмитасининг муросасиз қанотини бошқарган Файзулла Хўжа ҳарбий ёрдам сўраб Москвага боради ва бир тўда маслақдошлари билан Москва шаҳрида Б.Дмитровка кўчасида жойлашган 9-ўйнинг 11-квартирасини ижарага олиб, фасод ишларни қўзғайди. Вақтли ҳукумат ағдарилгач, болшевиклар дарҳол Файзулланинг арзи ҳолини тинглайдилар. Унга керакли йўл-йўриқлар қўрсатилади.

1918 йил феврал ойида Москвадан Тошкентга Убайдулла Хўжаев имзоси билан жўнатилган телеграмма айнан 22 яшар мансабпараст қимсанинг фаолияти тўғрисида эди.

«Қўмитанинг бўлимини очдик. Форс ва ўзбек тилларида китобчалар, хитобномалар тайёрлаяпмиз. Форс ва ўзбек тилларида жарида чоп этишни мўлжаллаб турибмиз. Айтинглари-чи, Бухоро билан алоқа ўрнатилдими? Туркистонда нима ишлар қилиняпти? Москвадаги бухоролик муҳожирлар уларнинг оилалари тўғрисида хабар берилишини сўраяптилар<sup>3</sup>».

Кейинги воқеалар тўғрисида ёзувчи Садриддин Айний бундай хикоя қилади:

«Ёш бухороликларнинг ўша пайтдаги раиси Файзулла Хўжа Москвадан қайтайтиб, Тошкентда Ф.Колесов билан учрашади ва қўзғолонга ҳозирлик кўра бошлайди. Колесов Когонга (Янги Бухорога) келгач, қўзғолон масаласи узил-кесил ҳал этилди. Колесов ёш бухороликлар номидан амирга ултиматум топширадиган бўлди. Рус ҳарбий қувватлари жанговар ҳолатга келтирилди. Қўзғолончилар, амир ултиматумни рад қилолмайди, ислоҳот ўтказишга рози бўлади, деб ўйлашади. Шу боис ёш бухороликлар Эски Бухородан оила аъзоларини чиқариб кетишни истамайдилар.

Шундай қилиб, феврал ойининг охирларида амирга ултиматум топширилди. Амир ултиматумни олгач, ёш бухороликларни тинчлантириш учун Низомиддин Урганжийни ишдан бўшатиб, унинг ўрнига Усмонбекни қушбеги лавозимига тайинлади. Ёш бухороликлар бу ўзгаришни ўзларича тантана қилаётган пайтда амир халққа мурожаат қилиб, фуқарони гавовотга даъват этди. 1 март, жума куни Бухорода гавовотга фатво берилди. Шанба куни шаҳар ташқарисида Бухоро сарбозлари билан Колесов қувватлари ўртасида жанг бошланди. Жанглар уч кеча-кундуз давом этади. Кейин Колесовнинг ўқ-дориси тугайди ва 5 март, сешанба куни у Когонни ташлаб қочади<sup>4</sup>».

Тўғри, бир ҳафта ўтар-ўтмас амир билан Колесов ўртасида Қизилтепада сулҳ тузилади. Ун уч моддадан иборат шартнома 1918 йил 14 март куни икки томонлама тасдиқланади. Туркистон Ўлка Халқ Комиссарлари шўросининг раиси Фёдор Колесов асир олинган Кармана бекини ва бошқа асирларни амирга қайтариб бериши лозим (4-модда) эди. Шартноманинг бошқа моддалари ҳам асосан муҳораба асоратларини бартараф

<sup>1</sup> Юқоридаги манба. 11-бет.

<sup>2</sup> Токио, 1991, № 179, 333 бет.

<sup>3</sup> Тожикистон ССР. Компартия архиви. Фонд — 31, Опись — 1, Ед.хран. №49, 12-бет.

<sup>4</sup> Тожикистон ССР, Компартия архиви, Фонд № 31, Опись № 1, Дело № 63, 100-104-бетлар.

этишга қаратилган. Лекин, сулҳ-шартноманинг 7-моддасида: «Ҳозир эгасиз қолган уй-жойлар муҳрланиб, Бухоро қоровуллар томонидан кўриқланади ва мулк эгалари қайтиб боргунча омонатни бус-бутун сақлаш масъулияти қоровуллар зиммасига юкланади<sup>1</sup>», дейилади. Албатта, ушбу банд Эски Бухородаги мол-мулкни ташлаб қочган жадиждлар манфаатини кўзлаб шартномага киритилади. Равшанки, жадиждлар билан болшевикларнинг тили битта эканига, иккови ҳам бир гўр эканига амир ҳам, амирнинг атрофидаги мутаассиб уламо ҳам ишонч ҳосил қилади. Қўлига ҳужжатли далил тушган жоҳил муллолар қишлоқма-қишлоқ юриб, жадиждларни авом халқ ўртасида фош қилганини, бадном қилганини тасаввур этиш мумкин. Айни пайтда жоҳил уламо Бухоро амирлиги доҳилиндаги икки минг нафарга яқин тараққийпарвар жадиждларни қатл қилиш тўғрисида фатво беришини, афсуски, вужудга келган шароит нуқтаи назаридан табиий ҳол деб эътироф этмоққа мажбурмиз.

Уша пайтлар тўғрисида фикр юритиб, Анвар пошо ҳазратлари бундай дейдилар:

«Бутунги Туркситонда маориф ҳақида сўйлайдиган бўлсак, Самарқанд муфтиси — Хожа Маҳмуд Бехбудий афанди усмини айтиб ўтмоқ жоиздир. Қори афанди бундан ўн йил аввал туркча хутба ўқигани тўғрисида уламо тарафидан «кофир!» деб эълон қилиниб, муллолар сафидан ҳайдалади. Чарчаб нелигини билмайдиган бир зотдир<sup>2</sup>».

Афсуски, Анвар пошонинг вайибона ҳурмат-эътиборига ноил бўлган мана шу зот ҳам 1919 йили амирнинг қорақўллари томонидан Қарши шаҳрида қатл қилинади.

Бехбудий 1875 йилдан таваллуд топган. Нақд қилишларича, у Шарқ оламининг улуғ мутафаккири Аҳмад Яссавий ҳазратларининг авлоди экан. Бехбудий «Усули жаҳид» мактаблари учун бир нечта дарсликлар яратган. 1912 йили саҳналаштирилган «Падарқуш» пьесаси Туркистонда миллий уйғониш бошлаанишига туртки бериб юборади. Самарқанд шаҳрида бир қатор рўзномалар ташкил қилганлар: амалда сўз эркинлигини таъминлаганлар. Бошқачасига айтадиган бўлсак, ёш бухороликлар бутун фаолиятлари давомида рўёбга чиқара олмаган ишларни Бехбудийнинг битта ўзи бажариб кетади. Чунки у айрим жадиждлар каби мансабпараст эмасди. Унинг мансаби ҳам, аъмоли ҳам — халқни бирлаштириш, бирлаштириш учун уни маърифатли, мафқурали қилишдан иборат эди. Бехбудий билардики, Халқнинг қўлида ва дидада ҒОЯ бўлуви керак. Ғоя бўлса, халқ ўз кучи билан ғояга томон ҳаракат бошлайди, ҳаракатда — баракат, ҳаракат бор жойда тараққиёт бўй кўрсатади: бўйи бор халқ эса олам билан бўйлашмоқчи бўлади... Ҳа, ул мукаррам зот фақат ҳокимиятни қўлга киритиш ва муддатсиз равишда эғаллаб ўтириш билан ҳеч нарсага эришиб бўлмаслигини айрим жиззакани РАИСлардан яхшироқ биларди. Шаҳиди шарифнинг сўнгги васияти ҳам шу тўғрида бўлади:

«Маориф йўлида ишлайдургон муаллимларнинг бошини силангизлар!

Маорифга ёрдам этингиз!

Ўртадан нифокни кўтарингиз!

Туркистон болаларини илмсиз қўймангиз!

Ҳар иш қилсангиз жамоат ила қилингиз!

Ҳаммага озодлик йўлини кўрсатингиз!

Бухоро тупроғига тезлик ила йўл бошлангизлар!

Озодликни тезлик ила юзага чиқарингизлар!

Бизнинг қонимизни золим беклардан талаб қилингизлар!

Маорифни Бухоро тупроғида жорий қилингизлар!<sup>3</sup>»

Бехбудийга қарши қўйилган асосий айб: «Сизлар жаҳид ва кофирдирсиз! Бухорога жўнаб, олийга тиғ тортқон сизнинг маслақдошингиз эмасларми эди? Сизларни ўлдурмақ керак!<sup>4</sup>». Қарши беки Тоғайбек ҳатто Бехбудий ва унинг ҳамроҳларини «жосус» деб гумон қилади. Жадиждлардан ва «жосус»лардан панд еган амир эса уларга ўлим жазосини тайинлайди.

Хўш, ўша вазиятда бек ҳам, амир ҳам ҳақ эмасмиди?

Хўш, ўша вазиятда Бехбудий ва унинг ҳамроҳлари «ёш бухороликлар кўмитасининг мурасасиз қаноти»нинг (раиси Файзулла Хўжа)ноўрин ҳатти-ҳаракати учун жазоламайдими?

Афандим, биз тарихий шароит нуқтаи назаридан тўғри англамоққа ҳаракат қилаётганимиз воқеалар хусусида Анвар пошо қуйидагича фикр билдирадилар:

«Рус ҳукумати марказияси бу инкилобга бутун қуввати ила тарафдор бўлгани ҳолда ишнинг ташқарисида қолмаслик учун ниҳоятда айёрона ҳаракат қилаётир».

Бу жабҳада уламо вакилларини қатл қилишдан ўзни тийиш керак (афсуским, Анвар

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР, Марказий Давлат архиви. «Бухородаги Русия Хуфянонасининг жамғармаси», Дело № 1893, 2-3-бетлар.

<sup>2</sup> Токио, 1991, № 179, 334-бет.

<sup>3</sup> «Миллий уйғониш», мақолалар тўплами, «Университет», Тошкент — 1993. 126-бет.

<sup>4</sup> Юқоридаги манба. 124-бет.

пошонинг ушбу доҳиёна кўрсатмасига 1922 йилнинг куз фаслида Ҳожи Сами амал қилмайди: у Дарвозда Эшон Султон билан унинг укаси Эшон Сулаймонни «русларга сотилгани учун» дорга остиради; пирлари дорга тортилганини кўрган муридлар — ерли аҳоли Ҳожи Самидан оммавий равишда юз ўтиради ва шу йўсинда Шарқий Бухородаги миллий мужодага ҳаракати инқирозга учрай бошлайди: (Изоҳ меники — Н.Б.).

Бухоро инқилоб кўмитаси Тошкентда эди. Бу кўмита оч. жоҳил, манфаатпараст кимсалардан иборат бўлиб, болшевиклардан олган поралари шарофати билан маишатга берилиб кетди. Мамлакатга уларнинг ҳеч қандай фойдаси тегмайди. Авваллари бу кўмита раёсатида Файзулла Хўжа номли бир миллионер бор эди. Бу бола ўз манфаати йўлида йилларча ишлади. Бу йўлда ҳатто беш-олти миллион рубл зарар ҳам кўрди. Бутун эса Москвада муҳтож бир ҳолдадир. Таҳсил ва тажрибасидаги нуқсонлари бутун фаолиятини, табиийки, чипакка чиқарди (эсингиздами, афандим, ўтган галги мактубимда Шермуҳаммад кўрбоши тўғрисида, тахминан, шунга яқин бир фикр билдирган эдим. (Изоҳ меники — Н.Б.).

Бу жамият сафида Фитрат номли бир зот бордирким, бу одам Тошкентда муаллимлик билан машғулдир. Истанбулда таҳсил кўргандир. Ҳаятда закий. Лекин ўта даражада хийлакордир (нечоғай хийлакор бўлмасин, 1938 йил 5 август куни Совет ҳукумати Фитратни отиб ташлайди. (Изоҳ меники — Н.Б.)

Бухорода Муҳиддинов номли яна бириси борким, уни ҳар мақомга солиб йўрғалатиш мумкин<sup>1</sup>».

Хуллас, афандим, ёш бухороликлар ёмғирдан (Русия Вақтли ҳукуматининг Янги Бухородаги Хуфяси Миллердан) қочиб, қорға — болшевиклар офатига тугилади. Бунга «таҳсил ва тажрибадаги нуқсонлар» билан бир қаторда Туркистон халқининг жоҳиллиги ва халқни жоҳилликда, итоаттўйликда ушлаб ўтиришдан манфаатдор бўлган маҳаллий ҳокимият бутун диний ва дунёвий тизими ила айбдордир... Гўё Бехбудий ҳазратларининг сўнги васиятлари ҳозир ҳам Туркистон узра янграётгандек:

«Ўртадан нифокни кўтарингиз!

Туркистон болаларини илмсиз қўймангиз!

Ҳар иш қилсангиз жамоат ила қилингиз!

Ҳаммага озодлик йўлини кўрсатингиз!...»

Афандим, Туркистон нидоси Истанбулда ҳам эшитиляптими?

## БЕШИНЧИ МАКТУБ

Агар менинг қўлимдаги маълумотлар тўғри бўлса, 1918 йил 8 октябр куни Талъат пошо раҳбарлигидаги ёш турклар ҳукумати истеъфо беради. Ўйлайманки, уларнинг ягона мақсади ҳокимиятни эгаллаб ўтиришдангина иборат бўлганида, албатта, референдум ўтказибми ёки бошқа бир ҳийла-найранг (айтайлик, ҳарбий тўнтариш) йўли биланми ваколатларини сақлаб қолиши мумкин эди. Чунки ҳарбий қувватлар бевосита Анвар пошого бўйсунарди. Боз устига, Анвар пошо «мусулмон олами халифасининг қуёви» эди ва у усмонли туркларнинг энг суюмли миллий қаҳрамони ҳисобланарди. Замонавий ибора билан айтганда, ўша пайтда Туркияда мавжуд бўлган сиёсий ва давлат арбоблари ўртасида Анвар пошо энг юқори «рейтинг»га эга эди. Бироқ, Триумвират (Талъат пошо, Жамол пошо, Анвар пошо) ўзининг шахсий манфаатидан воз кечиб, Туркияда энди куртак чиқараётган ҳақиқий демократия учун намуна мактабини яратади. Истеъфодан сўнг бир ой ўтар-ўтмас Антанта иттифоқчиларининг ҳарбий кемалари Босфор бўғозида пайдо бўлади: «Иттиҳод ва тараққий» фирқасининг Марказий кўмитаси Туркия учун энгилроқ бўлган шартлар асосида сулҳ тузиш мақсадида ёш туркларнинг раҳнамоларига мамлакат доҳилиндан чиқиб кетишни тақлиф этади. Раҳнамолар азбаройи мамлакат фойдасини кўзлаб Олмониянинг ҳарбий кемасида Туркия соҳилларини тарқ этади. Антантанинг тазйиқи остида Истанбулда Триумвират устидан суд бошланади...

Янглишмасам, ўша пайтлари Туркияда Анвар пошони бадном қилиш кампанияси бошлаб юборилади. Ўз хоҳиши билан ҳокимиятни топширган ва муҳожирлик азоб-уқубатларини бўйнига олган кечаги муҳолифат кучларга нисбатан «ёв қочса, ботир кўпаяр» тарзида бошланган кампания, албатта, Камол пошо ҳукумати учун уятли бир ҳолдир. Аслида, истеъфо ва муҳожирлик даври Анвар пошо ҳаётининг энг ёрқин саҳифаларини ташкил этади.

Анвар пошо Берлинга етиб келган пайтда Олмонияда инқилоб авж олган, император тахтдан ағдарилиб, Веймар республикаси эълон қилинган эди. Анвар пошо Берлинда

<sup>1</sup> Токио, 1991. № 179, 334-бет.

кўл қовуштириб ўтирмайди. У Туркистонда вужудга келган аҳволни синчиклаб кузатади ва тегишли хулосалар чиқаради. Ўтган галги мактубимда қайд этганимдек, «рус ҳукумати марказияси бу инқилобга (Бухоро инқилоби назарда тутиляпти. Изоҳ меники — Н.Б.) бутун қуввати ила тарафдор бўлгани ҳолда ишнинг ташқарисида қолмаслик учун ниҳоятда айёрона ҳаракат қилаётир», деган тўхтамга келади. Ҳақиқатан ҳам, болшевиклар Осиёда «айёрона» ҳаракат қилади. Лекин, аста-секинлик билан, пинҳоний тарзда кураш жабҳасини Осиёга — мусулмон оламига кўчирадилар. Ўша йиллари болшевиклар ҳукуматининг Ҳарбия нозири бўлган Л.Д.Троцкийнинг Марказқўмга кетма-кет тавсия этган махфий мактублари мана шу жиҳатдан диққатга сазовордир:

«Шак-шубҳа йўқки, Қизил Ўрау энди Оврупо доҳилиндан кўра, Осиё доҳилинда сиёсатга кўпроқ самарали таъсир кўрсатади. Агар Осиёга ўрнашиб олсак, то қулай имконият пайдо бўлгунга қадар Оврупода рўй бераётган воқеаларни бемалол кузатиб туришимиз мумкин. Айни замонда Осиёда фаолроқ ҳаракат қилишимиз ҳам мумкин. Чунончи, Мажористонда Шўро ҳокимияти ўрнатишдан кўра, Ҳиндистонда шундай ҳукумат ўрнатишимиз осонроқ... Афсуски, шу пайтгача биз Осиё масаласига етарли аҳамият бермадик. Ваҳоланки, Париж ва Лондонга олиб борадиган йўл Афғонистон, Паңжоб, Бенгалия орқали ўтажак... Биз яқин-яқингача асосий диққат-эътиборимизни Фарбга қаратдик ва тўғри қилдик. Ҳозир эса вазият кескин ўзгарди. Бу ҳолни аниқ-равшан идрок этмоқ лозим. Болтиқбўйи қўлдан кетди... Назардаги қўзғолонлар майдони Осиё бўлиши керак. Бизнинг галдаги вазифамиз — халқаро ҳаракатлар марказини Осиё йўналишига кўчиришдан иборатдир... Афғонистон билан Англия ўртасида тузилган сулҳ бизнинг манфаатимизга зарар келтиради. Туркистондан келаётган хабарларда айтилишича, Англия зўр бериб Эрон, Бухоро, Хива, Афғонистонни Шўро Туркистонига қарши бўлган блокка бирлаштиряпти... Шарқда қатъий ва шиддатли ҳаракат қиладиган фурсат келди.

1919 йил 5 август, Лубна<sup>1</sup>».

Албатга, фурсатни бой бѳрмасдан ҳаракат қилиш тақозо этиларди. Аммо, ҳарбий умумияда бир-бирига рақиб бўлган жабҳада қўмондонлик қилган саркарда Москвада кутилаётган меҳмон саналмасди. Боз устига, Русия фуқаролар уруши исканжасида қовурилиб, болшевикларнинг ҳокимият тепасида қолиш-қолмаслик масаласи ҳал бўлаётган қалтис бир давр бошланган эди. Ҳатто болшевиклар мамлакатдан жуфтакни ростлаш учун ҳозирлик кўришар, давлат хазинасидан ва насроний ибодатхоналардан ўмарган олтинларини Свердловнинг уйида сақлаб туришар, айни пайтда, чиқмаган жондан — умид, дейишиб, «Ишчи-деҳқон-аскар ҳукумати»ни асраб қолиш ниятида халқаро III Интернационал ташкилотини тузишга киришган эди. Шу мақсадда болшевикларнинг гумашталари дунёнинг турли мамлакатларида изғиб юришарди. Хусусан, Олмонияда Карл Радек исми зот (уни Сталин 1937 йилгача эшақдай ишлатиб, охири оттириб ташлайди) III Интернационалга тарафдорлар қидириб юрарди. Табиийки, у Туркиянинг собиқ Ҳарбия нозири Берлида муҳожирликда яшаётганини эшитади ва тўхтовсиз равишда Москвадан суюнчи олади. «Сафимизга жабт этилсин!» мазмунида Радекка кўрсатма берилади. Биринчидан, болшевиклар Анвар пошонинг обрў-эътиборидан фойдаланиб, мазлум мусулмонларни III Интернационал қаватига тортмоқчи бўлади. Иккинчидан, ҳар томонлама мустаҳкамланаётган Туркиядаги Камол пошо ҳукуматини болшевиклар билан ҳамкорлик қилишга кўндирадилар. Акс ҳолда, потенциал муҳолиф — Анвар пошо биз тарафда: уни сенга қарши гиж-гижлаб юборамиз, дейишади болшевиклар. Хуллас, Карл Радек ажойиб кунларнинг бирида Анвар пошо билан Берлида алоқа ўрнатади. 1919 йил 2-6 март кунлари Москвада III Интернационалнинг таъсис қурултойи бўлиб ўтади. Бу анжуманда Анвар пошонинг иштирок этгани номаълум. Лекин, 1919-20 йиллари у гўё Ленин билан учрашади ва Русия Хорижия вазири Чечериннинг истаги билан «Ислмо инқилобчилари жамияти»ни тузади<sup>2</sup>. Дастлабки пайтлари Анвар пошо болшевикларнинг мазлум миллатлар тўғрисидаги гапларига ишонган бўлиши мумкин. Эҳтимол, шу боис 1920 йил август-сентябр ойларида Боку шаҳрида III Интернационал шиори остида ўтган Шарқ халқларининг қурултойида иштирок этгандир? Ҳарҳолда, Анвар пошонинг Боку анжуманида иштирок этиши Туркистондан борган вакиллар учун ҳам фойдали бўлади: улар анжуман мажлисларидан бўш пайтларида болшевикларнинг кўзидан хуфя гўшаларда учрашадилар, фикр алмашадилар. Анвар пошо қурултой минбарида сўзлаган нутқини шундай бошлайди:

«Бугун бизни асрлардан бери эзган ва чирқиратиб сўйиш билан чекланмасдан, конимизни ичган, ўлдирган дунё империалист ва капиталистларига қарши мужодаламизда кўлини тутажак ва Оврупо политикачиларининг ёлғончилиги нисбатига тўғри ва сўзига

<sup>1</sup> «Архив Троцкого, Коммунистическая оппозиция в СССР», том 1, Москва — 1990 г. 181-184 бетлар.  
<sup>2</sup> «Дружба народов» журналы, Москва, 1992 йил, август, № 8, 136-бет.



ишонса бўладиган, миллатларнинг ҳуқуқ ва ҳурриятини танимли программасига ёзмиш Учинчи Интернационал каби бир уюшманинг ёнида мавкега эга бўлганимиз билан бир-биримизни табриклаймиз!<sup>1</sup>»

Афандим, ёдингизда бўлса, мен илгари ҳам Анвар пошонинг Учинчи Интернационал анжуманида сўзлаган нутқининг баъзи ўринларига эътиборингизни қаратган эдим. Қуйида Анвар пошо болшевиклар билан ҳамкорликка рози бўлган пайтлари ҳам мазлум Туркистон халқи тўғрисида мудом қайғурганини кўрсатадиган айрим ўринларни, такрор бўлса-да, келтириб ўтмоқчиман:

«Биз халқнинг орзу-истакларини биламиз. У ўз хохишини эркин амалга оширишига тарафдоримиз. Биз бизни севадиганлар билан биргамиз ва улар билан бирга ўлаемиз! Бизни севмайдиган халқнинг ҳам ўз ишини ўзи хал қилишига тарафдоримиз!»

Биз инсонлар бир-бирини аёвсиз бўғизлашига қаршимиз ва шунинг учун абадий бир сулҳ тузиш ниятида Учинчи Интернационал билан биргамиз. Биз меҳнаткаш халқнинг осовишталиги тарафдоримиз. Оврүпалик бўлсин, маҳаллий бўлсин, чайковчию судхўрларга қаршимиз. Биз мамлакатимизнинг зироат ва саноат жихатидан ривожланишини истаемиз!<sup>2</sup> Солиқлар фуқаро манфаатини муҳофаза қилиши керак.

Халқ қачонки ўзлигини англасагина ҳуррият ва осовишталикка эришади. Халқнинг миллий қадриятларини ҳурмат қилган холда мамлакатни чинакам маърифатли этиш тарафдоримиз. Бу йўлда биз учун эркак ва хотиннинг фарқи йўқдир<sup>2</sup>».

Келтирилган кўчирмадаги сўнги жумлага изоҳ бериб ўтиш жоиз, шекилли. Анвар пошо «эркак ва хотиннинг фарқи йўқдир» деганда, албатта, болшевикларнинг «ахлоқ кодекси»да баён қилинган «тенглик»ни назарда тутмайди. Маълумки, болшевиклар «ишчи кучи» сифатида (ижтимоий турмушнинг энг оғир жабҳасида) хотин-қизларнинг эркаклар билан «тенглиги»ни таъминлайди. Анвар пошо эса ўз нутқида бандма-банд санаб кўрсатган ижтимоий турмушнинг фақат маориф соҳасида «эркак ва хотиннинг фарқи йўқдир» деб таъкидлайди. Яъни, Қуръони каримда, Ҳадиси шарифда буюрилмиш «хатто Чинга бориб бўлса ҳам илм ўрганингиз!» деган исломий дастуриламал эркак ва хотинга (муслим ва муслимага) баробар таалуқли эканини айтади.

Анвар пошо оташин нутқ сўзлаган ўша қурултойда Туркистон вакиллари қаторида машҳур миллатпарвар шоир Абдулҳамид Чўлпон ҳам қатнашади. Шоир қурултой таассуротлари тўғрисида иккита шеър ёзиб қолдирган. Биттаси «Бокуга, Шарқ қурултойига кетганда» деб номланади; иккинчиси «Ёруғ юлдузга (Ҳазор эсдалиги)» деб номланади. Чамамда, шоир «ёруғ юлдуз» деб айнан Анвар пошони назарда тутди. Мана бу шерий парчани ўқиб кўринг:

Майли, майли қандок аччиқ бўлса ҳам  
Тўғри сўзни яширмасдан сўйлайвер.  
Ҳар қанчалар юрак ёрғич куй бўлса,  
Ботир бўлиб секингина куйлайвер.  
Ўтганларнинг захари ҳам бу кунда  
Қўнгилларга тегмай ўтган кабир.  
Кечмишларнинг йиғиси ҳам шу кунда  
Йўқсул дилни суюнтирар кабир.  
Фалокатлар кўрган ота-боболар  
Истиқболнинг қимматини билмаган.  
Эл ва юртни сақлар учун сўнг хонлар  
Тузуққина чора-тадбир қилмаган.  
Биз йўқсуллар бошқаларга қўл бериб,  
Чет оёқлар томонидан эзилдик.  
Ҳар ярамас, ҳар бузуқнинг тагида  
Алам тортган, жабр кўрган биз эдик.  
Етар, бўлди!<sup>3</sup>»

Чўлпон шоир қалби билан Анвар пошо нутқидан илҳомланиб, шеърларини қоралама қилиб ўтирган давларда қурултой раёсатининг раиси Зиновев қўлига шошилинч телеграмма келтириб берадилар. У раёсатда ёнма-ён ўтирган К.Радек билан бир оз энгашиб, пичир-пичир гаплашади. Сўнг Анвар пошо маърузаси бўйича мунозарарага чиққан нотиқнинг сўзини кесиб:

— Ўртоқлар! Бухорода инқилоб ғалаба қилди! Барчангизни шу қутлуғ зафар билан табриклашга ижозат бергайсиз! — дейди кўзлари чакнаб. Сўнг, қўлидаги телеграммага кўз югуртириб: — Ушбу табрик телеграммасига Туркистон жабҳасининг қўмондони ўртоқ Фрунзе, III Интернационал Ижроқўмининг аъзоси ўрт. Сафаров, Туркжабҳа

<sup>1</sup> Токио, 1991, № 174, 318-бет.

<sup>2</sup> Юқоридаги манба. 320-бет.

<sup>3</sup> Абдулҳамид Чўлпон, Баҳорни соғиндим, шеърлар, «Юлдузча» нашриёти, Тошкент — 1988 йил 27-28 бетлар.

инқилобқўмининг аъзоси ўрт. Иброҳимов, Бухоро Компартиясининг раиси ўрт. Хусайнов, Бухоро Нозирлар Шўросининг раиси ўрт. Файзулла Хўжа, Бухоро Инқилобқўмининг котиби ўрт. Ориповлар имзо чекканлар. Демак, 1920 йил 5 сентябр куни Бухорода инқилобий тўнтариш рўй берди. Ура, ўртоқлар!<sup>1</sup> — деб бақиради.

Чўлпон не аҳволга тушганини тасаввур қилиш мумкин: у Туркистондан жўнатилган барча вакиллар каби айданганини, бироқ теран заковат соҳиби Анвар пошони алдаб бўлмаслигини билади. Бухорои шарифни қонга ботиришга ҳозирлик кўраётган болшевиклар Русия доҳилиндаги мусулмон халқларининг обрў-эътиборли зотларини атайлаб Бокуга — Бухородан йироқ масканга тўлаб, гўё уларнинг ихтиёрига «шарқ халқларининг тақдирини ҳал қилиш ҳуқуқини» топшириб қўядилар. Ўзлари бўлса, «ёш бухороликларнинг илтимосига биноан» мустақил мусулмон мамлакатини ишғол қилади.

Учинчи Интернационалнинг Бокудаги анжумани худди Леонид Брежнев давридаги КПССнинг қурултойлари каби бир ҳафтадан ортиқ давом этади. 5 сентябр куни Бухоро инқилобчиларидан табрик телеграммаси борган бўлса, 1920 йил 12 сентябр куни Туркистон жабҳасининг қўмондони Соколов имзоси билан Зиновев ва К.Радек номига шифрли махфий телеграмма жўнатилади. Унда: **«Сизларга маълум қиламизки, қурултойда қатнашаётган туркистонлик вакиллар тасодифан сайланганлар. Сайловлар болшевикларнинг назоратида ўтказилмаган. Вакиллар сафига Туркистонда ишлашга яроқсиз бўлган кўпчилик кириб олди. Уларнинг аксарияти ички фирқавий бўлиниш пайтида ўзларини фош этиб қўйган. Туркистондаги жамоат ташкилотлари, мусулмон меҳнаткашларнинг қуйи табақаси Т.Рисқуловнинг сиёсий йўлини қўллаб-қувватламайди»**<sup>2</sup>, дейилади... Турор Рисқулов 1920 йилда Туркистон АССР Марказий ижроқўмининг раиси эди. 1921-22 йилларда уни Москвага ишга олиб кетадилар: 1922-24 йилларда Туркистон АССР Халқ Комиссарлар шўросига раислик қилади. 1924 йил 27 октябр куни (Ўзбекистон ССР ташкил этилгач) Т.Рисқуловнинг ўрнини Файзулла Хўжа эгаллайди. Т.Рисқулов Файзулла Хўжа билан тенгдош (1896 йили туғилган) бўлса-да, аммо «издошидан» бир йил узоқ яшайди — уни Шўро ҳукумати 1938 йилда отиб ташлайди.

Демак, Бокудаги анжуманда Туркистондан борган вакиллар сафида Т. Рисқулов (Туркистон Шўро мухториятининг президенти) ҳам қатнашади.

Тошкентдан борган телеграммалар остидаги имзолардан ҳам кўриниб турибдики, 5 сентябр куни Туркистон жабҳасининг қўмондони бўлиб турган Фрунзе 12 сентябр куни ўз ўрнини Соколов исми кимсага бўшатиб беришга улгуради. Чунки вазифасини «шараф» билан адо этган Фрунзени Русия Марказияси Москвага қақчириб олади. Бухорода эндигина «тахт»га ўтирган — нозирлар Шўросининг раиси лавозимига тайинланган Файзулла Хўжа ва бошқалар ўрт. Ленин ва ўрт.Троцкий номига 1920 йил 11 сентябр куни шошилич телеграмма йўллаб, «ҳарбий-сиёсий ишларни охирига етказгунча ўртоқ Фрунзенинг ўз вазифасида қолдириб турилишини илтимос» қилади. Бироқ, негадир «бухоролик болшевиклар»нинг илтимоси қондирилмайди.

Бокуда Шарқ халқларининг қурултойи нима сабабдан ўн кундан ортиқ давом этгани тушунарли бўлса керак. Бу қурултой гўё III Интернационал шиори остида ўтаётган бўлса-да, Компартия архивида сақланиб қолган ҳужжатларда «III Интернационал конгресси» деб номланса-да, аммо 70 йил давомида СССРда чоп этилган адабиётларда бирор марта ҳам Боку қурултойи «III Интернационал конгресси» сифатида қайд этилмайди. Ҳатто «қайта қуриш» даврида Тошкентда ўзбек туркчасида нашр этилган «Энциклопедик лугат»да (Тошкент — 1988 йил): «2-конгресс (1920 йил 19 июл — 17 август, Петроградда очилган) К.И. уставини ва «Коминтернга аъзо бўлишнинг 21 шартини», шунингдек, аграр ва миллий мустамлака масалалари бўйича программавий қарорлар қабул қилди... 3-конгресс (Москва, 1921 йил 22 июн — 12 июл) ягона фронт тактикаси асосида ишчилар синфининг кўпчилигини ўзига қаратиш масаласини қўйди»<sup>3</sup>, деб изоҳ берилади. Демак, болшевиклар «Шарқ халқларининг раҳнамоларини»ни чалғитиш учун Бокуда «III Интернационал» театру томошасини ташкил этади. Улар ҳатто Шўро идораларида хизмат қилаётган маҳаллий халқ вакилларига ҳам ишонмайди, хусусан, Т.Рисқуловни «театру»га жўнатиб, ортидан чақувнома йўллайди.

Хўш, ёш бухороликлар томошанинг зўри Бухорода бўлажagini билармиди? Албатта, биларди. Лекин, ёш бухороликлар инқилоб масаласида икки фирқага бўлиниб кетади. **Файзулла Хўжа раҳбарлигидаги ёш бухороликлар узил-кесил болшевиклар мафқурасини қабул қилади. Усмонхўжа тарафдорлари эса болшевиклар қувватидан фойдаланишга рози бўладилар-у, аммо уларнинг мафқурасини қабул қилмайдилар.** Лекин, бухоролик

<sup>1</sup> Тожикистон ССР, Компартия архиви. Фонд № 4511, Опись № 16, ед.хран. № 125, 87-бет.

<sup>2</sup> Юқоридаги манба. 83-бет.

<sup>3</sup> «Энциклопедик лугат», Тошкент — 1988 йил, 1 жилд, 403-бет.

маҳаллий болшевиклар билан ҳамкорлик қилишга Войткевич исмли болшевик «қозилик» қилгандан сўнг розилик билдиради.

Бухоро инқилобининг томошаси қуйидаги тартибда ривожланиб боради.

1920 йил 23 феврал куни Русия марказидан ваколат берилган Туркистон комиссиясида Бухоро масаласи кўрилади. Комиссия қарори:

«а) Бухоро ҳукумати билан қилинадиган расмий муносабатлар Бухоронинг ичидан бузилишига хизмат қилсин.

б) Туркистонда айрим мухториятлар эълон қилинсин. Туркманлар яшайдиган ўлкада ҳам мухторият тузилсин ва бу мухториятдан Бухорони ичидан бузиш учун фойдаланилсин. Туркманлар ўлкасини Бухородан ажратиб олиш йўллари топилсин<sup>1</sup>».

Кейинчалик 1924-1929 йиллар мобайнида болшевикларнинг мана шу дастуруламали ривожлантирилади ва Туркистонда бешта «иттифоқдош республика» барпо этилади.

Афандим, бешинчи мактубимни ўқий бошлаганингиздан бери асабингиз ниҳоятда таранг тортилиб кетган бўлса керак. Келинг, бирпас ўзимизни чалғитайлик: мен сизга бир-иккита бўлган воқеани сўйлаб бераман.

1994 йили Тошкент вилоятининг Бекобод туманидан бўлмиш Қаҳрамон исмли укамиз (ҳозир у Ўзбекистон радиосининг Турк бўлимида ишлайди) Истанбулда икки йил таҳсил кўриб қайтди. Қаҳрамоннинг ажабтовур ҳикояси бундай:

— Бир куни муаллим Ўзбекистондан ўқишга борган талабага мурожаат қилди: «Қани, турк ўғлони, саволларга жавоб берасизми?». «Афандим, ахир, мен турк эмасман-ку, ўзбекман», деди ўғлон ҳайрон бўлиб. «Наҳотки?» деди муаллим ҳам ҳайратланиб. «Ҳа, шунақа, ишонмасангиз, майли, паспортимни кўрсатаман», деди ўғлон хижолат тортиб. «Турк эмасмисиз?» деб қайта сўради муаллим. «Ўлай агар, ўзбекман!» деди ўғлон қасам ичиб. «Ўзбеклар ҳам турк эмасми?» деди кулимсираб муаллим. «Йўқ, турк эмас. Тўғри, Фарғонада оз-моз турклар бор эди, лекин уларни аллақачон ҳайдаб юборганмиз...» Шундан кейин мавзу ярим ҳазил, ярим чин тарзда давом этди. Лекин, ўша ўғлон ўзини турк эканига асло кўнмайди.

Бошқа бир ҳикояни Тошкент Меъморчилик ва қурилиш институтида хизмат қиладиган олим дўстим Қобилжон Тўлаганов айтиб берган эди.

Қобилжоннинг ажабтовур ҳикояси бундай:

— Олмониянинг Веймар шаҳрида касбдошларим билан тажриба алмашиб юрган кезларим олмон дўстлар билан сайрга чиқдик. Шаҳар айланиб юрсак, муҳташам ибодатхона ёнида турган оломонга дуч келдик. Қизиқсиниб, оломонга яқинлашадик. Чунки Олмонияда оломон тўдалашиб турган ҳолат камёб ҳодиса ҳисобланади. Хуллас, маълум бўладики, бу оломон ҳозиргина машҳур ёзувчимиз Чингиз Айтматов билан учрашувдан чиқиб, таассуротларини бир-бирлари билан ўртоқлашаётган экан: ҳадемай бинодан ёзувчининг ўзи чиқиб келди. Мен у киши билан салом-алиқ қилдим. Чингиз оға ҳол-аҳволни, бу ерларда нима қилиб юрганимни сўрадилар. «Практикага келганман», дедим. «Кўряпсизларми, бу йигит Тошкентдан, ўзбек бўлади. Мен эсам Бишкеқданман, қирғизман. Лекин икковимиз бир-биримизнинг тилимизга бемалол тушунамиз. Чунки икковимиз ҳам туркмиз!» деди Чингиз оға таржимонга юзланиб. Мен даврадагиларга Чингиз оғанинг сўзларини олмончалаб таржима қилиб бердим... Эртаси куни эса Чингиз Айтматов кун бўйи мени ёнида олиб юрди; учрашувлар чоғи Чингиз оғага таржимонлик қилдим. Ҳар галги учрашув бошланишидан олдин: «Жаноблар, маъзур кўрасизлар, мен миллатдошимни топиб олдим. Бу йигит суҳбатимиз чоғида бизга таржимонлик қилади», дер эдилар.

Афандим, иншооллоҳ, болшевиклар 1920 йил 23 январ куни қабул қилган қарор туркликка ва турк бирлигига асло раҳна солмагай!

Яна Бухоро инқилоби даврига қайтамыз.

1920 йил 14 феврал куни Туркистон комиссиясида энди ёш бухороликлар фирқаси масаласи кўрилади ва «Шимолий Туркистонда ёш бухороликлар фирқаси фаолият кўрсатишига рухсат берилиб, унга моддий ёрдам бериш<sup>2</sup>га қарор қилинади».

1920 йил 7 июн куни боя эслатиб ўтилган Войткевич раислиги остида мажлис бўлади. Войткевич болшевиклар томонидан тайинланган вакил бўлиб, у Бухоро болшевиклари (Файзулла Хўжа, Қурбонов, Саиджонов кабилар) билан Бухоро инқилобчиларини (Усмонхўжа Пўлатхўжаев, Музаффар кабилар) бирлаштиришга ҳаракат қилади ҳамда ҳар икки гуруҳни Русия вакиллари билан маслаҳатлашган ҳолда ишлашга даъват этади. Мажлисида Усмонхўжа бундай дейди:

«Ҳалқимизга коммунизм қуриш программасини тушунтириб бўлмайди. Шунинг учун бу борада аста-секин ҳаракат қилиш керак. Агар бундан кейин Войткевич билан

<sup>1</sup> Тожикистон ССР, Компартия архиви. Фонд №31, Опись №1, Дело №83,1 бет.

<sup>2</sup> Юкоридаги манба, 2 бет.

бирга ишласак, албатта, бухоролик коммунистларга қўлимизни чўзамиз — улар билан ярашамиз<sup>1</sup>.

Бироқ, Усмонхўжанинг тарафдорлари бўлган ёш бухороликларга бари бир болшевиклар ишонмайди. 1920 йил 30 июн куни Куйбишев раислиги остида бўлиб ўтган Туркистон комиссиясининг мажлисида бу ҳақда очиқ-ойдин қарор қабул қилинади:

«Бухоролик коммунистларга моддий ёрдам ажратилсин.

Ёш бухоролик инқилобчилар билан алоқа қилинмасин, уларга ҳеч қандай моддий ёрдам берилмасин<sup>2</sup>».

Бухоролик коммунистлар билан инқилобчилар гуруҳи ўртасидаги зиддият 1920 йил 3 август куни бўлиб ўтган Туркистон комиссиясининг мажлисида ҳам яққол кўринади. Мажлисга яна Куйбишев раислик қилади. Унда бухоролик коммунистлар гуруҳидан ҳам, бухоролик инқилобчилар гуруҳидан ҳам вакиллар қатнашади. Мажлис протоколида бухоролик коммунистлар гуруҳи вакилининг: «Инқилобгача ҳам, инқилобдан кейин ҳам ёш бухороликлар (инқилобчилар) билан қўшилиб бўлмайди. Чунки биз уларга ишонмаймиз. Улар тил учидан коммунизм ғояларига содиқмиз дейдилар-у, аслида, коммунизм программасига қарши сиёсат юритадилар<sup>3</sup>, деган сўзлари қайд этилган. Шунга қарамасдан, Туркистон комиссияси инқилоб арафасида ноўрин мунозарага чек қўйиш мақсадида Усмонхўжа тарафдорларига ҳам ёрдам беришга қарор қилади. Албатта, бу «лўлининг эшагини сўғориб, пулини олгин» дегандек, бир тактика эди.

Нихоят, 1920 йил 24 август куни Бирлашган Қизил Ўрду қўмондони Коновалов шифрли буйруғини ҳаракатдаги қувватларнинг қароргоҳларига йўллайди. Жумладан, Туркистон жабҳасининг қўмондони Фрунзегга ўз қувватлари билан «кўрсатилган жойда шай бўлиб туриш» топширилади. Когондаги рус қувватларининг қўмондони Белов эса 29 август куни Эски Бухорога юриш бошлаши лозим эди<sup>4</sup>.

Бухоро инқилобининг қаҳрамонлари мадҳ этиладиган Шўро адабиётларида негадир Коновалов, Белов шаънига эмас, фақат Фрунзе номига ҳамд-санолар ўқилади. Бу ҳол ҳам болшевикларнинг сохта қаҳрамон ясашга ўч эканини кўрсатади.

Анвар пошо Бокуда қурултой туфайли Шўро тузумининг муҳолифати (Т.Рискулов, Абдулхамид Чўлпон холосми?) билан бевосита танишади ва улардан ҳаққоний маълумотлар олади. Шунинг учун ҳам Анвар пошо Бухоронинг истиқболни тўғрисида асосли фикр-мулоҳазалар бидиради:

«Аҳолиси, тахминан, икки миллион бўлган Бухоро ҳукуматининг саккиз мингга яқин суворий қуввати бор. Пиёда қуввати эса яничар усулида қўшинга олинган тўрт минг нафарга қадар бўлинмадан иборат. Буларнинг ҳарбий тарбияси бўлмагани каби қурол-аслаҳалар ҳам Темурдан мерос қолган пилта милтиқлардан иборатдир. Иккита митролюзи (пулемёти) ва битта 7,5 см.лик оддий замбараги бор. Бухоро инқилоби мусулмон қуввати билан амалга оширилиши керак. Бу инқилобга русларнинг қориштирилиши салбий натижа бериши мумкин.

Охир оқибат ислом олами Бухородан ҳуда катта мадад олажак. Кўпчилик шундай фикрда. Бу инқилобда жуда эҳтиёт бўлиб ҳаракат қилмоқ лозим.

Саккиз-ўн минг кишилиқ мунтазам бир қувват билан Бухорода ҳар қандай инқилобни амалга ошириш мумкин. Бу қувват Марвга келган афғон ёки Туркистонда кўноқлаган Бошқирда ҳукумати жумҳуриясининг қувватларидан олинishi мумкин. Зотан, Бошқирда ҳукуматининг раиси Заки Валидий афанди бу ислохотга тарафдордир<sup>5</sup>».

Агар Бехбудий ҳазратлари 1919 йили Бокудаги қурултой минбаридан: «Биз халқнинг орзу-истакларини биламиз. У ўз хоҳишини эркин амалга оширишига тарафдормиз. Биз бизни севадиганлар билан биргамиз ва улар билан бирга ўламиз! Бизни севмайдиган халқнинг ҳам ўз ишини ўзи ҳал қилишига тарафдормиз!» деб иқрор бўлади. Анвар пошо қурултойдан кейин ўз фикр-мулоҳазаларини рақамлар, ҳужжатлар билан асослаб беради. Минбарда туриб «бизни севмайдиган халқнинг ҳам ўз ишини ўзи ҳал қилишига тарафдормиз» деганда эса, албатта, болшевикларга ишора қилади. Яъни, «Қизим, сенга айтаман, келиним, сен эшит» қабилида III Интернационал томошасини сахналаштирган болшевикларни огоҳлантириб қўяди. Турк тилининг маъно қатламларини тушунмайдиган, фақат ташқи маъносини англаб, «ним коса»ни билмайдиган пандавақи болшевиклар ҳам ва афсуски, энг замонавий рус ёзувчилари ҳам: «Шундай қилиб, Анвар коммунистик аравага қўшилган от каби бўлишга тайёрман, мен сизларга тарафдорман, деб қасам ичадим<sup>6</sup>». дея эски ашулани такрорлайдилар, холос.

Афандим, ушбу мактубларни ёзишимга сабаб бўлган нарса ҳам, аслида, «янги чиққан

<sup>1</sup> Тожикистон ССР, Компартия архиви, Фонд №31, Опись №1, Дело №50, 213-214 бетлар.

<sup>2</sup> Тожикистон ССР, Компартия архиви, Фонд №31, Опись №1, Дело №83, 7 бет.

<sup>3</sup> Юкоридаги манба, 10-11 бетлар.

<sup>4</sup> Тожикистон ССР, Компартия архиви, Фонд № 4511, Опись № 16, Ед.хране. № 125. 92-93-бетлар.

<sup>5</sup> Токио, 1991, №179, 333-334 бетлар.

<sup>6</sup> «Дружба народов журналы», Москва, 1992 йил, август, № 8, 136-бет.

хофиздан эшитганим эски ашула»дир. У ҳақда кейинги мактубимда сўйлаб бераман. Билиб турибман, бугун сизни ҳам, ўзимни ҳам ниҳоятда чарчатдим.

## ОЛТИНЧИ МАКТУБ

Афандим, менинг бошимни қотираётган — мактублар йўллаётган одам ким экан деб ўйлашингиз мумкин. Эҳтимол, бир неча кундан бери шу саволга жавоб қидираётгандирсиз? Туркистонлик таниш-билишларингиздан менинг кимлигимни сўраб-суриштирган бўлсангиз ҳам ажаб эмас.

Келинг, бу гал нима учун сизга мактублар ёзаётганимни мухтасар баён этиб берайин. Шоядки, дилингизда пайдо бўлган баъзи саволларга жавоб топсангиз!

Маълумки, КПСС Марказқўмининг бош котиби Михаил Горбачёв 1985 йил апрел ойида СССР доҳилида «қайта қуриш» кампаниясини бошлаб юборди. Қайта қуриш муносабати билан ошкораликка, сўз эркинлигига рухсат берилди. 70 йил ҳукм сурган Шўро салтанатида илк бора демократия куртаклари ниш урди. Албатта, қайта қуриш Русиянинг марказий ўлкаларида бошқача, Туркистон каби ярим мустамлака ўлкаларида бошқача ҳолатда кечди. Ҳозир бу тўғрида батафсил тўхталиб ўтирмайман, фақат бир сидра тарихий маълумот бериб ўтиш билан чекланаман.

Янглишмасам, 1988 йили КПСС Марказқўми «30-, 40- ва 50-йилларнинг бошларида ноҳақ репрессияга учраган кишиларни оқлаш тўғрисида» қарор қабул қилди. Мамлакатдаги барча иттифоқдош жумҳуриятларнинг Олий суд, Прокуратура, КГБ, Доҳилия нозирлиги идоралари ҳузуринда махсус комиссиялар тузилиб, 30-,40-, 50-йилларнинг бошларида репрессияга учраган «халқ душманлари»нинг жиноятномаларини қайтатдан ўрганишга киришдилар. Баъзи жойларда бу ишга жамоат ташкилотлари, масалан, Ёзувчиларнинг уюшмалари ҳам жалб этилди.

Мен ўша пайтда ёшлар билан ёзувчилар ташкилотининг фикр тарқатувчиси бўлган «Ёшлик» журналида хизмат қилардим (таниқли шоир Омон Матжон бош муҳаррир эдилар). Албатта, «Ёшлик» жамоаси Ўзбекистонда рўй бераётган ижтимоий ўзгаришларни синчиклаб кузатарди, ҳодисаларни ҳолис ёритишга ҳаракат қиларди. Аммо, биз ўша репрессиялар тўғрисида деярли ҳеч қандай ҳаққоний маълумотга эга эмас эдик. Ҳаққоний маълумотларни биладиган идораларга эса яқинлашиб бўлмасди — КГБ остонасидан ҳатлаб ўтиш тугул, иморатининг ёнидан ўтган одамнинг баданидан совуқ тер чиқиб кетарди. Шу боис ҳам ишни «назарий» жиҳатдан бошлашга қарор қилдим. Яъни, репрессия тарихини яхши биладиган ва айна пайтда иймони бутун мутахассислар билан бафуржа суҳбат уюштироқчи бўлдим. Бу режа кўпчиликка маъқул тушди. Шундай қилиб, Ўзбекистонда биринчидар сафида репрессияга учраган йирик раҳбарлар — Файзулла Хўжа билан Акмал Икром (жумҳурият компартиясининг биринчи котиби) тақдирига оид мақола тайёрлаш ҳаракати бошланди. Бизга маълум эдик, давлатшўнос олим, академик Отабой Эшонов Бухоро инқилоби ва Бухоро Шўро жумҳуриятининг давлат қурилиши мавзуларда илмий асарлар ёзганлар. Домла ўша пайтлари хийла кексайиб қолган, кўпинча бетоб бўлар эди. Шунга қарамай, домла менинг таклифимни қабул қилди — репрессия тўғрисида суҳбатлашишга рози бўлди. Мен ўзимни кизиқтирган саволларни қорозга туширдим. Домла саволлар билан танишгач, бир муддатни тайин қилди. Айтган муддатда жавобларни тахт қилиб қўйди. Суҳбат «Ёруғлик кунларни бедор кутдингиз...» сарлавҳаси остида журналда эълон қилинди. Кейин биз домла билан репрессия масаласида жуда кўп марта суҳбатлашдик. Домла ўша пайтлари матбуотда эълон қилиб бўлмайдиган маълумотлар билан каминани батафсил таништирди ва: «Лекин, хўшёр бўлинг, қайта қуриш Русия марказий ҳокимиятини янада мустаҳкамлаш учун, мустамлака ўлкаларни янада маҳкамроқ ушлаб туриш учун амалга ошириляпти. Бу қайта қуриш ҳам, аслида, Шўро ҳокимияти пайдо бўлгандан бери вақти-вақти билан амалга оширилиб туриладиган «тозалов»нинг замонавий шакли, ҳолос. Мана кўрасиз, Шўро тузумига садокатли одамлар шу йўсинда чертиб-чертиб, танлаб олинади!» деди. Ростини айтсам, ўша пайтда домланинг бу гаплари менга малол келди. Шўро тузумининг ўйинларини кўравериб, бу тузумдан ихлоси қайтгани учун шундай деяпти, деб ўйладим.Бироқ, ҳаёт тажрибалари кўрсатдики, домла ўшанда ҳақ гапни айтган экан. Хусусан, Фарғона водийсида ўзбеклар билан месхетиялик турклар ўртасида қонли тўқнашувлар рўй беришига имкон яратиб берган ва эндигина куртак ёзаётган мустақиллик ғоясини Шўро лашкарининг пошнаси остида эзиб ташлаган Ўзбекистоннинг энг катта раҳбари Р. Нишонов Москвага юқори лавозимга кўтарилди — Олий Кенгашнинг Миллатлар палатасига раис этиб тайинланди (Нишоновни шу лавозимга сайлаб олгунча М.Горбачёв қанчалик жон куйдирганини телевидение орқали кўриб турганмиз).

Кейин мен Тошкентдаги «Мушғум» номли сиёсий ҳажв журналига ишга ўтдим ва бу журналга асос солган Ғозӣ Юнус, Абдулла Қодирӣ тақдирига доир саволлар тузиб, Ўзбекистон КГБ идорасига топширдим. Албатта, саволлар «КПСС Марказқўмининг 30-

, 40-, 50-йилларнинг бошларида ноҳақ репрессияга учраган кишиларни оқлаш тўғрисидаги» қарори қандай бажарилаётгани борасида ҳисобот сўрашдан бошланган эди. Сирасини айтганда, КГБ ҳам КПСС Марказқўмининг қарорини бажаришга мажбур бўлиб, аслан, болшевикларнинг хизматини қилиш учун барпо этилган. Шу сабабли КГБ идораси бир ой давомида бизнинг саволларимизга жавоб тайёрлади (сўнг, Марказқўм қарори фалон фоиз адо этилди, бу жабҳада матбуот билан ҳамкорлик қиялпмиз, деб Москвага рапўрт беришган бўлса-да, ажаб эмас). Каминани «Муштум»нинг ходими сифатида КГБ идорасига таклиф қилишиб, ёзма жавоблар билан таништиришди. «Фақат битта илтимосимиз борки, КГБ раисининг номи журналда чиқмаса... Чунки «Муштум» ҳажв-масхара йўналишидаги нашр. Бизнинг идорамиз эса жиддий ташкилот. Хуллас, агар КГБ раисининг номидан эмас, Матбуот гуруҳининг бошлиғи номидан жавоблар чоп этилса, биз сизга 30-, 40-, 50-йилларнинг бошларида репрессияга учраган кишиларнинг жинойи ишлари билан бевосита танишишга имконият яратиб берамиз», деб қолди КГБ ходими А.Н.Благородов. Бу таклиф бажонидил қабул қилинди. Савол-жавоблар «Келди очилур чоғинг...» сарлавҳаси остида «Муштум»да эълон қилинди. Мен эсам, ҳар куни кундузи соат ўн бирдан кечки соат еттига қадар КГБ архивда ўтириб, репрессияга учраган ёзувчи-шоирларнинг жинойи ишларини ўргана бошладим. Ва ниҳоят, 1991 йили «Шарқ юлдузи» ойнамасининг 5-, 6-сонларида Абдулла Қодирийни кимлар, қачон, нима учун қатл этганлари тўғрисида «Қатлнома» номли ҳужжатли қисса эълон қилдим. 1938 йили қатл қилинган ёзувчиларнинг жиноятномаларини ўрганиш жараёнида ўз-ўзидан бирталай жавобсиз саволлар пайдо бўлди. Масалан, аксарият ёзувчилар босмачилар билан ҳамкорлик қилингани учун ҳам айбланарди-ю, аммо босмачилик ҳаракати тўғрисида ҳеч қандай изоҳ берилмасди. Мен кўнглимда туғилган шубҳа-гумонларимни А.Н.Благородовга айтдим ва: «Агар мумкин бўлса, Мадаминбек, Шермухаммадбек, Иброҳимбекларнинг жиноятномалари билан ҳам танишиб кўрсам», деб илтимос қилдим. Илтимосим қисман қондириди. Қисманки, фақат Иброҳимбекнинг уч жиддик жиноятномаси бор экан, холос. Бошқа кўрбошиларнинг жиноятномаси йўқ экан. Чунки бошқалар КГБ ходимлари томонидан тергов қилинмаган эди. Шу боис уларнинг яхлит жиноятномаси йўқ. «Агар истасангиз, босмачилар тўғрисида минглаб жиноятномалар бор, ўшаларни бирма-бир ўқиб чиқсангиз, эҳтимол, сиз излаган кўрбошилар ҳақида керакли маълумотлар чиқиб қолиши мумкин», деди А.Н.Благородов. Мен ҳозирча Иброҳимбекнинг 577051-нўмерли уч жиддик жиноятномаси билан танишишга рози бўлдим. Бу иш бўйича Иброҳимбекдан ташқари, Шарқий Бухорода 1920-1931 йиллари ҳаркат қилган яна ўн олтига кўрбоши ҳам ҳибсга олиниб, 1931 йил 25 июндан то 1932 йилнинг 31 августига қадар тергов қилинган, сўнг ҳаммаси ОГПУнинг раиси Ягоданинг бўйруғига асосан отиб ташланган эди. 577051-нўмерли жиноятномада Анвар пошо тўғрисидаги янги маълумотларга дуч келдим. Иброҳимбек ва унинг сафида бўлган кўрбошиларнинг эътироф этишича, Анвар пошо биз шу пайтгача шўравий олимларнинг «тарих» китобларида ўқиганимиз «инглизларнинг жосуси»дан мутлақо фарқ қиларди. Кўнглимда яна бир талай жавобсиз саволлар пайдо бўлди. Лекин, энди бу саволларга фақат КГБ архивдан жавоб топиб бўлмасди. Энди Компартия архивларини титқилаш ва миллий мужодала кечган жойларга бориб, тириклари бўлса, гувоҳлар билан тиллашмоқ зарур эди. Аксига олиб, Шарқий Бухоро доҳилинда кечган миллий мужодала тарихига оид барча ҳужжатлар Тожикистон Компартиясининг архивига — Душанбе шаҳрида сақланар экан. Начора, керакли расмий ҳужжатларни тайёрлаб Душанбега йўл олдим.

Дарвоқе, Иброҳимбекнинг 577051-нўмерли жиноятномаси билан архив фондига топширилгандан сўнг 1967 йил 24 феврал куни СССР КГБ идорасининг А.К.Багурин бошчилигидаги бир гуруҳ маслаҳатчилари танишади. Кейинчалик 1967 йилнинг 29 августда, 1968 йилнинг 21 ноябрда, 1969 йилнинг 19 июнида, 1980 йилнинг 24 февралда, 1980 йилнинг 10 апрелида, 1987 йилнинг 14 октябрида КГБ идорасининг турли бўлимларида хизмат қиладиган ходимлар ҳам бу иш билан танишганлар. Айтмоқчиманки, бевосита четдан келган жамоатчилик вакили сифатида биринчи ва эҳтимол, охириги бўлиб 577051-нўмерли жиноятномани камина ўқиб кўрдим ва баъзи саҳифаларидан, кўрбошиларнинг фотосуратларидан нусхалар кўчириб олдим. Мен бунга мақтанаш учун эмас, бошқа бир сабаб бўлгани учун атайлаб таъкидлаялман. Сабаб тўғрисида кейинроқ тўхталаман.

Албатта, Душанбега жўнашим арафасида «Чўлпон» нашриётига таржима (рус тилидан) қилиб топширганим Роберт Луис Стивенсоннинг «Меросхўр» ва «Катриона» романлари (30,41 босма тобоқ ҳажмида) учун қалам ҳақининг бир қисмини олганман. Чунки жумҳуриятимиздаги бирорта жамоат ташкилоти ҳам, ҳукумат идораси ҳам «босмачилар изидан юрган» одамни моддий ёки маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватламайди.

Тожикистонда яшайдиган қаламкаш дўстларимиз Неъмат Иброҳим, Асқар Махкам ва бошқалар ёрдамида Анвар пошо вақтинча Иброҳимбекнинг қўлида асир бўлиб турган

Кўктош қишлоғи депарасида Дўстмурод ака Қурбонов исмли лақай биродаримизнинг хонадонига кўноқ бўлдим. Шу хонадонда икки йилдан зиёд бир оила аъзоси каби яшадим. Дўстмурод акамизнинг ҳамроҳлигида миллий мужодала кечган Шарқий Бухоро худудларини кезиб чиқдим: ўша воқеаларга гувоҳ бўлган чол-кампира билан суҳбатлашдим, жанглар бўлган жойларни кўрдим: Кўлоб вилоятининг Болжувон ва Ховаланг тумани миёнасида (Чаган қишлоғида) бўлимиш Анвар пошонинг тоғ теласидаги муборак қабрини зиёрат қилдим. Афсуски, биз Анвар пошо қабрини зиёратига отланган пайтда Тожикистонда фуқаролар уруши бошланиб кетган, фотоаппарат кўтариб юрган кишилардан кўлоблик жангарилар гумонсираб, «жосус» сифатида хилватта бошлаб ўтиб отиб ташлашлари ҳеч гап эмасди. Шу боис 1922 йил 4 август куни Анвар пошо рус қувватларига қарши энг сўнгги жангга кириб, шаҳид бўлган тоғли депаралар манзарасини суратга тушира олмадим. Насиб этса, азиз жойларни яна бир марта зиёрат этиш ниятим бор.

Душанбе шаҳрида Тожикистон Компартияси архивида босмачилик ҳаракатига алоқадор ҳужжатлар билан 1990-1991 йиллари муттасил танишдим. Партия архивидаги «махфий», «мутлақо махфий» ҳужжатлар билан танишиш, кўчирмалар кўтариш КГБ архивига нисбатан қаттиқ назорат қилинар экан. Менинг Компартия архивидаги кун тартибим бундай кечарди: эрталаб махсус хонага кириб ўтирган пайтим стол устига кечаги дафтарим, буюртма берганим жилд-тахламлар (дело) тайёр турарди. Хонанинг тўридаги студа архив назоратчиси — илгари то пенсияга чиққунга қадар Тожикистон Компартияси Марказқўмида Ташвиқот бўлимининг мудир лавозимида ишлаган, асли, Конибодомдан бўлган, А.Исмоилов деган зот ўтирган ўрнида пинакка кетиб, мункиб-мункиб кўярди. 96 саҳифали умумий дафтарим кўчирмаларга тўлса, у киши нўмерлаб, исм-фамилиямни ёзиб, ўзи имзо чекиб, санани қайд қилиб, Архивнинг Илмий назорат бўлимига киритиб берарди. Илмий назоратчи бир ҳафта давомида кўчирмаларим билан танишар, агар «махфий» ҳужжатлардан олинган кўчирмалар Илмий назоратчи назарида қандайдир шубҳали бўлса, яъни Шўро ҳокимиятининг ёки Компартиянинг обрў-эътиборига кўчирмалар путур етказиши мумкин бўлса, дафтарнинг маълум саҳифалари қайчи билан қирқиб олинарди. Сўнг назоратдан ўтказилган дафтарнинг охириги саҳифасига: «Бу дафтарда 96 (тўқсон олти) саҳифа тикиб қўйилган ва нўмерланган. Партархив ходими — А.Исмоилов (имзо). 1991 йил 8.02», жумлаларини қайд этиб, ихтиёрига қайтариларди. Бундай тартибда ўзимга керакли маълумотларни қўлга киритишим даргумон эди. Шунинг учун Исмоилов домладан «илмий назоратчилар» кимлигини сўраб билдим. Очигини айтсам, Исмоилов домла ортодоксал коммунист бўлса-да, мени ёмон кўрмасди. Чунки ўша пайтлари Душанбе шаҳрида тез-тез сурункали митинглар, намойишлар бўлиб турар, демократларнинг «хурмача» қилиқларига Исмоилов домла алақачон кўникма ҳосил қилган эди. Зеро, менинг «босмачилар» тўғрисидаги мулоҳазаларим у кишини унчалик ҳайрон қолдирмасди: агар фикримга қўшилмасалар, «Бўлмаган гап!» деб қўл силтаб қўя қоларди бояқиш. Боз устига, биз юртдош эдик: у киши Конибодомда туғилиб-ўсган, ҳозир ҳам у ёқда қариндош-уруғлари бор эди. Сўнг Тошкентда Олий партия мактабида таҳсил кўрган эди. Мен эсам, Фарғонадан — Конибодомдан элик чақирим жанубдаги Боғдоқ туманида туғилганман. Хуллас, бир куни домла мени «илмий назоратчи» билан таништирди: ажабки, «илмий назоратчи» ҳам, асли, Хўжанд вилоятидан бўлиб, ҳозир фуқаролар муҳорабаси йилларидаги муҳожирлар масаласи бўйича докторлик иши билан машғул экан. У киши тарих фанлари номзода Камол Абдуллаев эди. У бамаъни, билимдон, илғор фикрли йигит экан. Тушлик пайти Камол ака мени Партархивнинг ёш ходими Умиджон Бобохонов билан таништирди. (Умиджон бир йилдан сўнг «Комсомольская правда» газетасининг Тожикистон бўйича мухбири бўлиб иш бошлади: ҳозир ҳам ишляптими-йўқми, билмайман).

Ўзаро фикр алмашувлар жараёнида К. Абдуллаев менинг қўлимдаги КГБ ҳужжатлари билан қизиқиб қолди. «Бўпти, мен сизга Иброҳимбек жиноятномасидан кўчирма бераман. Сиз бу ҳужжат билан танишиб қўйинг. Фақат, мавзуингизни холисроқ ёритишга ҳаракат қилсангиз бас. Энди босмачилик ҳаракатига мағзава ағдариб ўтиришдан фойда йўқ. Компартиянинг аҳволини ўзингиз кўриб турибсиз», дедим. Камол ака хурсанд бўлиб кетди ва: «Яқинда менга Анвар пошонинг Токиода нашр этилган мактубларини келтириб беришда. 1919-1922 йилларга тегишли мактубларнинг асл нусхасидан сизга кўчирма олиб бераман», деб ваъда берди. Дарҳақиқат, Камол ака сўзининг устидан чиқди. Мен ушбу мактубларимда кўчирмалар келтираётганим — Анвар пошонинг хатларини Камол акадан олганман. Бундан ташқари, Камол ака менинг партархивдан оладиган кўчирмаларимни «қирқмасдан» ўзимга қайтариб берадиган бўлди.

1991 йилнинг кеч куз пайти Душанбе шаҳрида Москвадан Владимир Мелведев исмли мақоланавис ёзувчи пайдо бўлди. У босмачилик ҳаракати тўғрисида «Дружба народов» журналининг топшириғига кўра ҳужжатлар тўплайётган экан: Хўжанд вилоятида қишлоқма-қишлоқ юрибди. Партархивда ўтириб, ҳужжатлар билан танишишга имкони

қолмабди. Камол ака: «Набижон, мен унга Иброҳимбек жиноятномасидан кўчирма берсам майлими?» деб рухсат сўради. «Бераверинг, фақат холис туриб ёзсин», дедим. Эртаси куни Партархив вестиболида Владимир Медведев билан учрашдик. Мен унга: «Энди босмачилик ҳаракатига кўр-кўрона мағзава ағдаришдан ҳеч қандай фойда йўқ. Марҳамат, босмачилар ўрнига ўзингизни қўйиб кўринг, биз ҳам бу тарафда рус болшевикларининг ўрнига ўзимизни қўйиб кўришга ҳаракат қиламиз», дедим ҳазил аралаш. Володя ҳазилимдан кулди. Аммо, унинг рангпар юзи, юзига ярашмаган калта соқоли негадир гашимни келтирди. Кўзларидан қандайдир муғамбирлик аломатлари сезиларди.

Орадан бир йилча фурсат ўтди. Бир куни Камол Абдуллаевни яна Душанбеда учратиб қолдим. У хуноби ошиб, Владимир Медведевни койий бошлади: «Мудак!» деди. Сўнг, «Дружба народов» журналининг 1992 йил 8-сонини кўрсатди. Унда Владимир Медведевнинг «Босмачилик — маҳкум этилган лашкар» номли ҳужжатли қиссаси чоп этилган эди. Афсуски, бу қиссанинг муаллифи «интернационал» ашулани такрорлайди. Янги ҳофиздан эски ашула эшитишга тўғри келди. Кейин янги қайла (соус) босилган эскириб, исланиб қолган таомни ҳазм қилишга уриниб кўрдим: В.Медведев ярим чекист-ярим ташвиқотчи олимларнинг (А.Валишев, Ф.Илютко каби) босмачилар тўғрисида Шўро ҳукмронлиги қутурган пайтлари нашрдан чиққан китоблари асосида авом халқдан эшитган узук-юлуқ ҳикояларга қориштириб, каминадан ва К.Абдуллаевдан олган ҳужжатлар билан «изоҳлаб», турк миллати ўртасига нифоқ солишга зўр берган, холос. Айни ўша 1991-1992 йиллари Душанбеда чоп этиладиган русча рўзномаларда Москвадан келган мухбирлар «Лақайлар ўзбек эмас» мавзусида баҳс-мунозара бошлаган эди. Шу муносабат билан Лақайлар жамиятининг ҳафталик нашри бўлиш «Лақай овози» рўзномасида «Биз ўзбекмиз!» номли мақола (1991 йил, 4-сониди) чоп этилади. В.Медведев эса ҳужжатли қиссасида: «Биз ўзбек эмасмиз. Биз алоҳида халқмиз. Лақаймиз<sup>1</sup>», деб ўзича билағонлик қилади. У Анвар пошога бағишланган бўлимида турк оламининг гурурини калака қилади: «У бизнинг асримиздаги биринчи фюрер эди. Фюрер ким ўзи? Ўтмишдаги Чингизхон, Наполеон каби фотиҳ ва мустабидларни, ҳатто уларга оломон кўр-кўрона сифинган бўлса-да, уларни худо даражасига кўтарган бўлсалар-да, улар учун жонларини фидо қилишга тайёр турсалар-да, лекин уларни бари бир фюрер, деб бўлмайди. Фюрерларнинг пайдо бўлиши ХХ асрга хос бўлган ноёб ҳодиса. Аммо, бизнинг давримиздаги ҳар қандай мустабид ҳукмдор фюрер бўлавермайди. Ҳатто Сталин ҳам фюрер эмасди<sup>2</sup>», дейди айиқбачча.

В.Медвед ўғли ҳам Русия империясининг империячилик даъвосидан кечмаган битта гумаштаси, холос. Ундайларнинг мақсади — турк бирлигига раҳ солиш ва миллатни ичидан бузишдан иборатдир. СССРнинг сўнгги йиллари улар ўзбек билан месхетиялик туркларни, қирғизлар билан ўзбекларни бир-бирига гиж-гижлаб, қон тўкилишига муяссар бўлдилар. Энди эса, айниқса, СССР парчаланиб кетгач, турк олами сифинадиган азиз мозорларни топтаяптилар: бизни бирлаштиришга хизмат қиладиган буюк тарихий сиймоларимизни авом халқ кўзи ўнгиди бадном қилмоқчи бўляптилар.

Афандим, маъзур кўргайсиз, сизга мактублар йўллашга ундаган сабабларнинг бир қисми ана шулардир. Биз ўзимизнинг — турк оламининг муаммоларини ўзимизнинг куч-қувватимиз, ақл-идрокимиз билан ҳал этмоғимиз лозим. Нақадар аччиқ бўлса-да ўзимиз «оқ»ни оқ, «қора»ни қора дейишни ўрганишимиз шарт. Охир-оқибат, мудом эсда тутмоқ керакким, турк оламининг ички муаммоларини ўзгалар фақат ўз манфаатларига мослаб ҳал этадилар: ўзгалар доно бўлсалар-да, ҳеч қачон бизнинг миллий манфаатларимизни кўзлаб мушкуллимизни осон қилмайдилар.

«Ўртадан нифокни кўтарингиз!

Туркистон болаларини илмсиз қўймангиз!

Ҳар иш қилсангиз жамоат ила қилингиз!

Ҳаммага озодлик йўлини кўрсатингиз!..»

Анвар пошо мансуб бўлган «Иттиҳод ва тараққий» фирқасининг асосий мақсадлари шундай эмасмиди, афандим? Беҳбудий ҳазратларининг сўнгги васиятлари шундай эмасмиди, афандим?..

## ЕТТИНЧИ МАКТУБ

Току қурултойидан сўнг Анвар пошо Берлинга қайтадими ёки Русия доҳилинда қолди, Бухорода рўй бераётган воқеаларни ишончли маълумотлар асосида таҳлил қилдим — номаълум. Ҳар ҳолда, Берлинга бориб, у ерда истиқомат қилаётган оила

<sup>1</sup> «Дружба народов» журналі, Москва, 1992 йил, август, № 8, 131 бет.

<sup>2</sup> Юқоридаги манба. 133 бет.



аъзоларидан, хусусан, рафиқаси Наҳия Султон хонимдан, фарзандларидан хабар олиб, «Иттиҳод ва тараққий» фирқасининг мужожириятдаги Марказқўмида Бухорода вужудга келган вазиятни муҳокама этган бўлиши ҳам мумкин.

Афандим, эҳтимол, сиз отангизни энг охириги марта кўрганингизни эсларсиз? У пайтлари, чамамда, беш-олти яшар эдингиз...

Агар Бухоро вакиллари Анвар пошо билан алоқа боғлашга мувофиқ бўлган эсаларчи? Тасаввур қилинг: у пайтлари, айниқса, 1920 йил сентябр ойида амир Олимхон тахтдан ағдариб ташлангач, Бухоро доҳилиндаги миллий қувватлар бир неча гуруҳга бўлиниб, кетган эди. Яъни, Анвар пошо нуқсонсиз алоқа ўрнатилган тақдирда ҳам Бухоро аҳволи тўғрисида бир-бирини инкор этадиган маълумот олади: Усмонхўжа раҳнамолигидаги миллатпарвар кучлар Русия аскарларининг қонхўрлиги ва амир тарафдорларининг жоҳиллигидан шикоят қиладилар. Файзулла Хўжа раҳбарлигидаги бухоролик коммунистлар Усмонхўжа тарафдорларини «оғмачилик»да айблайдилар — улар мужоҳидлар билан бирга ҳамкорлик қиляпти, деб нолийдилар: ўз қишлоқларини рус аскарлари тажовузидан ҳимоя қиляётган ва шунинг учун амирпараст жоҳиллар сифатида бадном қилинаётган маҳаллий мужоҳидлар эса бухоролик жадидларни сотқинликда айблайдилар: Русия қувватларининг кўмондонлари бўлса, Бухоро халқидан тортиб олаётган ғалла ҳисобидан «озик-овқат программаси бажарилмапти» деб рапўрт берадилар... Агар битта ҳодисага олти нуқтадан (тўрт тарафдан — тўрт хил, устидан ва остидан) бир-бирига қарама-қарши бўлган олти хил баҳо бериш ва шу баҳога бетараф тингловчини ишонтириш, ҳеч йўқ, назарий жиҳатдан мумкинлиги эътиборга олинса, Анвар пошо нақадар мушкул масалани ҳал қиляётгани маълум бўлади. Аввал-бошданок, русларнинг позицияси рад этилади. Шундай бўлса-да, Анвар пошо олдида учта буюк масала кўндаланг бўлади:

1. Бухорода «коммунистик жамият» қуриш керакми?

2. Бухорода халқ бошқарувига асосланган дунёвий давлат қуриш керакми?

3. Бухорода амирликни тиклаш керакми?

Албатта, биринчи ғалда Бухоронинг мустақиллигини тиклаш лозим эди. Бошқа ижтимоий масалаларни фақат мустақил мамлакат доирасида ҳал этиш мумкин. Мустақиллик қўлга киритилмаса, фуқаронинг ҳуқуқ ва эрки тўғрисида сафсата сотиб ўтиришдан ҳеч қандай наф йўқ.

Аслида, ёш бухороликлар фуқаро озодлиги учун кураш бошлайдилар: улар шахс озод бўлмаса, Ватан озод бўлмаслигини биларди. Бироқ, озодлик йўлидаги кураш, охир оқибат, мустақиллик бой берилишига олиб борди, холос. Энди лоақал ярим мустақилликни қўлга киритиш, амир давридаги ҳолатга қайтиш зарур эди. Афсуски, амир даврида қалам (маърифат тимсоли) билан рўёбга қайтарилиши мумкин бўлган озодлик энди қилич (жисмоний қудрат тимсоли) билан қайтариб олиниши шарт. Қилич тутишга эмас, қалам ушлашга ўрганган жадидларнинг қўллари миллий мужодала жабҳасида ожизлик қиларди.

Бундай шароитда, дастлаб, ўртадан нифоқни кўтариш шарт эди. Йўқса, ҳеч нарсага эришиб бўлмасди.

Русия аскарлари пошаси остида инграётган Бухорои шариф барча миллий мужодала кучларини бирлаштира оладиган битта Раҳнамога муҳтож бўлиб қолади. Гуруҳларга бўлиниб, тарқоқланган миллий мужодала қувватлари Бухоро доҳилиндан чиқадиган Раҳнамога бўйсунмайди. Чунки ўртага нифоқ тушган эди. Гуруҳлар миллий манфаатни ўзлари билганича, ўзлари тушунганича ва ўзлари мансуб гуруҳнинг манфаатига мос равишда ҳимоя қилади. Зинҳор-базинҳор, миллий манфаат учун гуруҳ манфаатидан воз кечмайдилар. Воз кечиши ҳам мумкин эмасди. Чунки ўртага қонли интиқом раҳна солган эди: ёш бухороликлар Ф. Колесов қаватига кириб, Бухоро амирига қарши тиф кўтарадилар: амир эса Бухоро доҳилиндаги икки минг нафарга қадар тараққийпарвар жадидларни' (Беҳбудий ҳазрат ҳам ўшалардан биттаси) қатл эттиради. Энг даҳшатлиси — амир ҳукумати ва муҳолифат (ёш бухороликлар) ўртасидаги нифоқ 1918 йилдан эътиборан, икки йил давомида авом халқ онига синдирилади ҳамда амир 1920 йилнинг сентябр ойида Бухородан ҳайдаб чиқарилгач, то 1921 йилнинг март ойида Бухоро амирлиги доҳилини тарк этгунга қадар Шарқий Бухородаги қавмларни болшевиклар билан жадидларга қарши оёққа турғазига улгуради. Боз устига, ёш бухороликлар ўртасида ҳам иттифоқ йўқ эди.

Бухорода кечаётган мураккаб жараёни Анвар пошо теран идроки билан таҳлил қилади ва бу жараёнга ғайрат билан аралашмаса, Бухоро халқи бир-бирини қириб битириши мумкинлигини аниқ-равшан ҳис этади. Агар миллий қувватлар ўртасидаги мужодалага чек қўйилмаса, уларга ҳақиқий душман — болшевиклар ўрдуси эканлиги англатилмаса ва болшевикларга қарши барча миллий қувватлар бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат этмасалар миллат йўқ бўлиб кетади, қирилиб битади. Фақат тўда-тўда оломон қолади, холос. Қандай қилиб бўлса-да, миллий фожианинг олдини олиш ва туркларнинг

бобомерос юртини асраб қолиш фарз эди. Томирида турк қони оқаётган, юрагида исломий эътиқоди бўлган ўғлон Бухоро фожиасига бефарқ қараши мумкин эмасди.

«Бухоро инқилоби бошланар-бошланмас маънавий ва моддий жиҳатдан бу ерга боғлиқ бўлган уламо Туркистонни тарк этиб, тинч мамлакатларга қочиб кетди. Шу тарзда Туркистондаги мавжуд низо ўртадан кўтарилди.

Бугун Туркистон халқи мамлакатни мустақил идора этишга қодир эмас.

Туркистон халқи жуда меҳмондўст ва мунис қимсалардир<sup>1</sup>».

Анвар пошо ҳали Бухорога ташриф буюрмасдан илгари мана шундай хулосага келади. Шубҳасизки, болшевикларнинг сўзи билан амали бошқа-бошқа эканини ҳам англаб етади, болшевикларнинг «доҳийлари» ўз ҳокимиятини мустақкамлаш учун ва ҳокимиятга хизмат қилаётган ички Русиядаги ҳарбий қувватларни озик-овқат билан таъминлаш учун Бухорони асло мустамака исканжасидан қутқармайдилар. «Мазлумлар озодлиги», «миллатларнинг ўз тақдирини ўзлари ҳал этишлари» тўғрисидаги сафсаталар авом аскарларини ва болшевиклар тарафдори бўлган маҳаллий миллат қувватларини лақиллатиш ниятида ўйлаб топилган сохта шиорлар эди, холос. Болшевиклар қутқусига учиб Шарқий Бухорони ишғол қилаётган рус аскарлари, аслида, нима учун жанг қилаётганини ҳам, нима учун қурбон бўлаётганини ҳам билмасди. Рус халқи болшевикларнинг ғаразли манфаати йўлида қурбон қилинади ва улар Туркистон халқининг тавқи лаънатига учрайди. Болшевиклар рус ва турк халқи ўртасига қонли нифоқ соладилар: энди битаётган эски яраларни янгилайдилар.

Ана шундай чигал бир вазиятда Анвар пошо тўғридан-тўғри келиб, Бухородаги миллий қувватлар сафига қўшилса, албатта, калта ўйлаган бўларди. Чунки Русия доҳилинда фуқаролар муҳорабасини ўз фойдасига ҳал этган болшевиклар ҳарбий қувватларини Бухоро жабҳасига йўналтириб, тарқоқ миллий мужодала қувватларини осонликча маҳв этиб юборарди. Шу боис, биринчи навбатда, Бухоро доҳилиндаги миллий кучларни ягона қўмондонлик остида бирлаштириш керак эди. Ҳеч бўлмаса, миллий кучлар ягона қўмондонлик остида бирлашгунча болшевикларга Анвар пошо асл ниятини билдирмаслиги лозим эди. Шунинг учун Анвар пошо болшевикларга ўзлари пиширган «ош»ни ўзларига едиради. Боку қурултойидан то Бухоро заминига қадам қўйгунча ўтган даврдаги Анвар пошонинг хатти-ҳаракатлари, сиёсий тактикаси болшевикларга панд беришга қаратилган эди: у Бухородаги вазиятни саркарда ва сиёсий арбоб сифатида синчиклаб кузатиб, тегишли хулосалар чиқариб боради. Айни пайтда болшевикларнинг «буюртмаси»ни бажаришдан ҳам намойишкорона бўйин товлай олмасди.

Анвар пошо балад дорга лангарчўписиз чиққан дорбозга ўхшарди. Вазият бениҳоя қалтис эди.

1864 йилда батамом чор Русияси таркибига қўшиб олинган Гуржистон Петроградда рўй берган давлат тўнтаришидан фойдаланиб, 1917 йилнинг ноябр ойида мустақилликка эришади: ҳокимиятни гуржи меншевиклари эгалаб олади. 1918 йилнинг 3 март куни. Русия ҳукумати томонидан Брест-Литовскда имзоланган шартномага кўра, Гуржистоннинг жанубий-ғарбий ҳудудларида жойлашган Қарс, Ботуми, Ўрдаҳон ўлкалари Туркия ихтиёрига берилади. Бироқ, 1918 йилнинг 13 ноябр куни Русия ҳукумати Брест сулҳини бекор қилади. 1920 йилгача болшевиклар ҳукумати Гуржистонга қарши тажовузкорлик юришини бошлаб олмайди: марказий ҳокимиятни «оқ гвардиячилар» ҳужумидан сақлаш билан банд бўладилар. Русияда фуқаролар уруши болшевиклар фойдасига ҳал бўлгач, Гуржистондаги меншевиклар ҳукумати ичида низо бошланади: кўпчилик Русияга қўшилиш, болшевиклар ҳукуматини тан олиш тарафдори бўлади. Бундай шароитда Антанта қувватларига таянган Туркия ўрдуси Гуржистоннинг жанубий-ғарбий ҳудудларини ишғол қилади. «Антанта бизга чуқур қазиб, ўша чуқурга ўзи тушди. Чунки биз Совет Арманистонига эга бўлдик<sup>2</sup>», дейди В.И. Ленин ўша ҳодиса тўғрисида. Устига устак, 1921 йилнинг феврал ойида Гуржистонда ҳокимият болшевиклар қўлига ўтади. Ботумида эса гуржи меншевикларидаги иборат миллатчи гуруҳ Муваққат ҳукумат тузади. Афтдан, уларни Туркия ўрдуси қувватлайди, чунки болшевиклашган Русиянинг қўққис ҳужумларини биринчи бўлиб қайтарадиган «буфер» давлат ташкил этилишидан, шубҳасиз, Туркия манфаатдор эди.

1921 йилнинг ёз фаслида Русия билан Туркия чегарасидаги вазият мана шундай эди: оғирроқ тош қўйилса — бас, тарози палласи бир томонга оғиб кетиши ҳеч гап эмасди.

1921 йилнинг 22 июнидан 12 июлига қадар Москвада Интернационалнинг 3-конгресси бўлади. Унда Ленин болшевикларнинг тактикаси тўғрисида нутқ сўзлайди.

<sup>1</sup> Токио, 1991. № 179, 333-334 бетлар.

<sup>2</sup> Ленин В.И. Полн.соб.соч.Т.42. 125 бет.

Анвар пошо ҳам бу анжуманда иштирок этган бўлиши мумкин. Аммо, фаоллик кўрсатмайди — ўзининг «тактикаси»ни ўйлаб ўтиради, холос.

1921 йилнинг ёз фаслида Анвар пошо Русия ҳукуматига «жаҳон инқилобий ташкилоти» тўғрисидаги баёнотини топширади. 30 июл куни эса болшевиклар Анвар пошони Ботумига жўнатадилар. Нима учун? Чамаси, Русия ҳукумати Камол пошони кўрқитмоқчи бўладилар: Туркиянинг бўлажак Президенти биз тарафда — хохласак, унинг ихтиёрига ҳарбий қувватларни бериб, Анқара ҳукуматини ағдариб ташлаймиз, демокчи бўладилар. Ҳар ҳолда, Анвар пошо Ботумига «совет ҳокимиятини ўрнатиш» учун юборилмагани аниқ. Чунки 16 июл куни Ажаристон социалистик Шўро ҳукумати мухторият сифатида Гуржистон таркибига кириб улгурган эди.

Ўша йиллари Авруподаги оммавий ахборот воситаларида Анвар пошонинг Ботумига ташрифи муносабати билан шов-шув кўтарилади. Жумладан, Истанбулда нашр этиладиган арманларнинг «Цог ховупти Тсаин» рўзномаси бундай деб ёзади (газета номи нотўғри бўлиши мумкин):

«Ботумида давлат тўнтариши рўй берди. Анвар пошо ва унинг тарафдорлари Муваққат ҳукуматни ағдариб ташлаб, ҳокимиятни қўлга олдилар. Анвар пошо ҳукумат бошлиғи деб эълон қилинди. Анвар пошонинг издоши Баҳодир Шоқир эса Хорижия нозир вазифасига тайинланди. Тифлис шаҳридаги Қизил ўруннинг 64-дивизияси ёрдамга юборилди. Ботумида ҳарбий ҳолат жорий этилди.

Анқара ҳукумати уч кунлик муҳлат ичида Анвар пошонинг Ботумидан чиқиб кетишини талаб қилди. Акс ҳолда, Камол пошо ихтиёридаги қувватлар Ботумини ишғол этади<sup>1</sup>».

Шўравий маълумотларда айтилишича, гўё Камол пошо ҳукумати Москвадан Анвар пошонинг ҳайдаб чиқарилишини 1921 йилнинг ноябр ойида талаб қилади: агар бу талаб бажарилмаса, дипломатик муносабатлар узилади<sup>2</sup>. Ваҳоланки, 1921 йилнинг ноябр ойида Анвар пошо Шарқий Бухоронинг Бойсун депарасида миллий мужодала кучларини ягона кўмондонлик остида бирлаштириш тўғрисида қизгин музокара юритиш билан машғул эди. Демак, болшевиклар Ботумида Анвар пошога чуқур қазиб, ўша чуқурга ўзлари тушади.

Маълумки, болшевиклар «нафасни ростлаб олиш учун» 1918 йили «Брест суҳби»ни имзолайди. Анвар пошо эса «нафасини ростлаб олиш учун» болшевиклар истаги бўйича Ботумига боришга рози бўлади. Яъни, Анвар пошо болшевикларнинг... сопини ўзларидан чиқаради.

Анвар пошонинг Бухорога келиши тасодифий ҳодиса бўлмасдан, пухта ўйланган қонуний ҳол эди. Асида, Анвар пошо ҳазратлари Бухоро доҳилинга 1910 йилдаёқ «Иттиҳод ва тараққий» фирқасининг ўлмас ғояси шаклида кириб келади. Энди эса турклик ва турк бирлиги ғоясини моддийлаштириш имкони туғилади. Бироқ, шароит ниҳоятда мураккаблашиб, чигаллашиб кетган эди.

Ҳожи Сами ва Бартинли Муҳиддинбеклар ҳамроҳлигида Анвар пошо 1921 йилнинг октябр ойида Ботуми — Боқу — Красноводск — Ашхобод — Марв — Байрамли — Чоржўй йўналиши бўйича Бухорога келади. Уни халқ кўтаринки кайфиятда кутиб олади. Бухородаги рус қувватлари халқнинг кўтаринки кайфиятини кўриб, саросимага тушиб қолади. Анвар пошо Бухоро Хорижия нозирлиги биносида йигирма уч кун қўноқ бўлса, ҳар куни халқ вакиллари уни зиёрат қилгани келаверади. Анвар пошо эса миллий ҳукумат аъзолари ва жадидларнинг инқилобий кўмитаси билан музокаралар олиб боради.

Бир куни Русия ҳукуматининг Бухородаги элчи Юрнеев Анвар пошони қабулга чорлайди. Суҳбат пайти элчи: «Бухорода кўп тўрасизми?» деб сўрайди. Анвар пошо бу саволдан Русия ҳукумати асабийлаша бошлаганини сезади ва тезроқ Бухоро шаҳрини тарк этиш ҳаракатига тушади.

Бухоро республикаси Нозирлар Кенгашининг раиси Файзулла Хўжа ўша кунлари жойларда текшириш ўтказиш баҳонасида Каркига боради ва у ердан Бойсунда турган Усмонхўжага телеграфда маълумот жўнатади: Бухорога Анвар пошо келганини айтади.

Усмонхўжа билан Ҳарбия нозирининг муовини Али Ризобек Термиздаги ҳарбий қувватлар кўмондони Ҳасанбекни: «Биз Анвар пошо билан учрашмоқчимиз», деб огоҳлантиради ва ундан шошилиш равишида Бухорога бориб келишни илтимос қиладилар. Бу ишга Ҳасанбекни жалб этишаётганига сабаб шуки, у бир пайтлар Анвар пошо билан Монастрдаги ҳарбий билим юртида бирга таҳсил кўрган эди. Анвар пошо Ҳасан афандидан бир босқич қуйида ўқийди: кейин Македонияда Туркиянинг 3-армияси сафида бирга хизмат қиладилар. Анвар пошо Ҳасан афандини ўз оваси каби яхши кўрарди. У Ботумида юрган кезларидаёқ Ҳасан афанди Бухорода миллий қувватлар қисмига кўмондонлик қилаётгани тўғрисида хабар топади. Хуллас, Ҳасанбек Бухорога

<sup>1</sup> Тожикистон ССР, Компартия архиви. Фонд № 31, Опись № 1, Дело № 55, 1 бет.

<sup>2</sup> «Дружба народов» журналы, Москва, 1992 йил, август, № 8, 137 бет.

бориб, Анвар пошога Бухоро республикаси президенти Усмонхўжанинг мактубини ва шахсий саломини топширади.

1921 йил 16 октябр куни Анвар пошо Бухородан Берлинга — қардошига мактуб йўллайди.

Афандим, сиз бу мактубни такрор-такрор ўқиган бўлсангиз-да, лекин мен яна бир бора биргаликда ўқиб кўришни таклиф қиламан.

**«Комилжон! Ниҳоят, Бухорога келдим. Албатта, Саби билан биргаликда. Мамлакатдаги вазиятни барқарор қилиш учун бизнинг ҳаракатимиз фойдали бўлиши мумкин. Ҳозирча шу ерда бўламан. Берлинга борсам, яна бир марта бу ерларга қайтиб келиш имкони бўлмайди. Иншооллоҳ, яқин орада бу ердаги вазиятни барқарорлаштирамиз. Жижимни сенга топшираман. Дунёдаги ҳаётим, ҳар нимам ўзларига хизмат қилишини улар билишади.**

**Менга ёзадиган мактубларингизни Берлиндаги Афғонистон вакили воситаси билан ва Москвадаги Афғонистон элчихонаси йўли билан Бухородаги Афғонистон элчихонаси номига юборишингизни илтимос қиламан. Сен мунтазам ёзиб тур ва Султон афанди ҳазратларининг (Нажияхонимни назарда тутяпти. Изоҳ меники — Н.Б.) ҳам ёзишини таъмин эт. Ўн иккинчи июлдан (ўша куни Москвада III Интернационалнинг 3-конгресси ўз ишини тамомлаган эди. Изоҳ меники — Н.Б.) буён ҳеч бир мактуб олганим йўқ.**

**Эҳтимол, бу ойдан кейин Бухородан чегарага етиб бориб, инқилобчиларнинг аҳволи билан танишаман.**

**Менинг жамғармам бўлган йигирма олтиннинг сизга берилишини Нозимбекка ҳам ёздим. Уни олиб харжлайсиз.**

**Ҳозирча кўзларингдан ўпиб, Оллоҳга омонат этаман.**

**Отанинг Ботумига келиши энди мувофиқ бўлмайди. Менимча, у тарафларда қолиши энди мажбурийдир.**

**Ҳар бир мактубингда фарзандларимнинг ва Султон афанди ҳазратларининг ва ўзингнинг фотографияларингни юбор»<sup>1</sup>.**

29 октябр куни Анвар пошо Комилбейга яна бир мактуб йўллайди.

**«Энди ҳеч ким Русияга келмасин. Ҳатто отам ҳам келмасин. Иншооллоҳ, бу ердаги ҳаётим яхшиликка бўлар... Иншооллоҳ, қучоқлашиб кўришамиз.**

**Ҳозирча оиланинг бутун юки сенга ҳадядир.**

**Кўзларингдан ўпиб, ҳаммангизни Оллоҳга омонат этаман<sup>2</sup>.**

**«Энди ҳеч ким Русияга келмасин. Ҳатто отам ҳам келмасин»**, деб таъкидлайди Анвар пошо. Бундан кўринадики, демак у Бухорога бориб, миллий мужодала қувватлари сафига қўшилмоқчи эканини, ҳатто энг яқин кишиларидан ҳам пинҳон тутади. Чунки бу ишдан Русия ҳукуматининг Оврупада изғиб юрган «исковуч итлари» хабар топсалар, саъй-ҳаракатлар зое кетишини Анвар пошо жуда яхши биларди.

Лекин, Берлинда муҳожирликда бўлган «Иттиҳод ва тараққий» фирқасининг марказий умумия ҳайъати Анвар пошо режаларидан хабардор ва унга тарафдор эди. Анвар пошонинг 1921 йил 30 октябр куни Бухородан улар номига йўллаган ҳисобот мактуби шундан далолат беради.

**«Берлиндаги Марказий Умумия ҳайъати муҳтарамасига!**

**1.Ботумидан ва Москвадан қутилаётган дўстларимиз келгунича бу ерда бўламиз... Вазият тўғрисида маълумот олиб, натижасини сизларга хабар қиламиз.**

**2.Бундан кейин Жамол пошо қардошимиз Бухоро ва Туркистон ҳудудида фаолият кўрсатади.**

**3.Бухоро янги ҳукумати бир ёшга тўлди. Жуда кўп мушкулотларга қарамасдан, тўғри ишляпти. Қардошимиз Нозимбек бу ҳақда сизларга батафсил маълумот беради. Москва ҳукумати бу ернинг ҳам, Хиванинг ишларига яқка ўзи аралашяпти. Бу ерда тўпланган қувватлар ила машғул бўлишяпти. Рус ишғол қувватлари кўплаб йўқотишларга дучор бўляпти. Душанбе атрофидаги рус қувватлари 800 нафардир.**

**4.Москва сиёсати ҳозирги ҳолда халқнинг орзусига мос равишда ҳаракат қилиш тарафдори.**

**5.Газета ва хабарларни Алибей номига Берлиндаги Афғонистон элчихонаси воситаси билан мумкин бўлса, ҳафтасига бир марта почта юборилишини илтимос қиламиз<sup>3</sup>.**

Албатта, «Иттиҳод ва тараққий» фирқасининг Марказий Умумия ҳайъати Анвар пошонинг шарқий Бухородаги фаолиятдан норози эканини билдириб, баёнот эълон қилишни ҳам унутмайди. Шу йўсинда Русия ҳукумати Анвар пошо гўё ўзбошимчалик билан ҳаракат қиляпти, деган нотўғри хулосага келиши лозим эди. Ҳақиқий аҳвол маълум

<sup>1</sup> Токио, 1991. № 136, 279 бет.

<sup>2</sup> Токио, 1991. № 138, 280-281 бетлар.

<sup>3</sup> Токио, 1991, № 139, 281 бет.

бўлгунча Анвар пошо Шарқий Бухорода миллий мужодала қувватларини бирлаштиришга улгурса бас.

1921 йилнинг 4 ноябр куни Анвар пошо Бухородан Берлинга энг охирги мактубини йўлайди.

**«Комил!**

**Ҳозиргача сиздан ҳеч қандай хабар йўқ. Жуда ташвишланяпман. Вакт зиқ. Бу ерда ортиқ кутолмайман. Эрта ё индин Москвадан телеграф келади. Бинобарин, ҳамма нарсани ҳозирлаб қўйдим. Оллоҳнинг изни билан якшанба куни тонгда йўлга тушаман.**

**Жижимга ҳамма нарсани муфассал ёзяман.**

**Султоним ва фарзандларим сенга омонатадир. Улар дунёда мен учун энг азиз эканини, вазирам нақадар муҳимлигини уларга тушунтириб бергин. Сенинг мардлагинга ишонаман ва Ҳақ таолонинг ёрдами биз билан бўлжагага аминман. Ҳаммангизга Оллоҳдан тинчлик тилайман!**

**Султонимнинг ифбат ва номусининг ҳар қандай шароитда ҳам ҳимоя қилинишини таъминлагин! Бўлмаса, мен учун ҳамма нарса, ҳатто ўлганимдан кейин ҳам мавҳ бўлган кундир<sup>1</sup>».**

1921 йил 8 ноябр, жума куни Бухорои шарифнинг Намозгоҳ дарвозасида Анвар пошо юз нафар суворилар кузатувида Шарқий Бухоро томон йўл олади. Ҳожи Сами, Ҳасан афанди, Баргинли Муҳиддинбек ва Нафибеклар пошога ҳамроҳ бўладилар.

Эртаси куни Қаршида битта эшон хонадонига меҳмон бўладилар.

Учинчи куни Шеробод билан Сайроб ўртасида жойлашган битта қишлоқда кўноқ бўладилар. Сўнг, тоғдан ошиб ўтиб, Қободиён депарасига тушадилар.

Жумабозор қишлоғида Анвар пошо Бухоро республикасининг президенти Усмонхўжа ва Али Ризобек номига мактуб ёзиб беради. Чопар мактубни олиб йўлга тушади ва Бойсундан Душанбе томон кетаётган соҳибларни Деновда қувиб етиб, мактубни топширади.

Анвар пошо ён-атрофидаги зобитларга ҳам, Бухоро миллий ҳукумати тасарруфидаги қувватларнинг қўмондонларига ҳам босмачилар билан қуроли тўқнашувга йўл қўймаслик тўғрисида фармон беради.

Шундай қилиб, Анвар пошо Шарқий Бухоро доҳилинда фаолият бошлайди. Хўш, бу пайтлари Шарқий Бухоро қай аҳволда эди?

Афандим, кейинги мактубимда айни шу мавзуда фикр юритилади.

## САККИЗИНЧИ МАКТУБ

Бойсунлик Абдулла Ражабнинг гувоҳлик беришича, «1920 йилнинг 1 сентябр куни амир Олимхон Эски Бухородаги Ситорай Моҳи Хоссани ташлаб қочади<sup>2</sup>». Туркистон жабҳасининг қўмондони М.Фрунзе, Туркистон жабҳаси инқилобий ҳарбий кенгашининг аъзоси Й.Иброҳимов, Бухоро қувватларининг қўмондони Баржановлар номидан 1920 йил 2 сентябр куни Самарқанддан В.И.Ленин номига йўллаган телеграммада эса: «Бутун қизил бухороликлар ва бизнинг қувватларимизнинг бирлашган кучлари Эски Бухоро кўрғонини ҳужум йўли билан ишғол қилди. Бухородаги жаҳолатпараст қорағуруқчиларнинг охирги таянгоҳи маҳв этилди. Регистон устида жаҳон инқилобининг музаффар байроғи ҳилпирамоқда. Амир ўз тарафдорларининг қолдиқлари билан қочиб кетди. Уни қўлга тушириш тадбирлари кўрилди. Марказий ва шимолий Бухорода инқилобий тузум ўрнатилди. Русия лашкари ва Бухоро Қизил ўрдуси Туркистон ишчи-деҳқонларини ва бутун Русияни бу қувончли хабар билан табриклайди<sup>3</sup>», дейилади.

Демак, амир Олимхон Бухорони ташлаб қочгач, бир кундан сўнг Ситорай Моҳи Хосса руслар томонидан ишғол қилинади.

«1920 йилнинг 2 сентябрида Бухородаги шаҳар қалъаси қизил аскарлар томонидан ишғол қилинганда, у ердаги амалдорлар билан бир қаторда амирнинг оила аъзолари ҳам қўлга олинган эди. Аммо уларга ҳеч бир зиён етказилмади. Бухорода дахлсиз яшай бошлашди. Тўғри, инқилобчилар орасида қўлга тушган қушбеги, қози калон, раис ва бошқа йирик амалдорлар қатори амирнинг оила аъзоларини ҳам йўқ қилиш тарафдорлари анчагина эди<sup>4</sup>».

1920 йилнинг 2 сентябр куни Қизил аскарлар томонидан асир олинган 80 яшар қушбеги Усмонбек рус разведкачиларига қуйидагича кўргазма беради: «Мени

<sup>1</sup> Токио, 1991, № 140, 283 бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон ССР, КГБ архиви. Абдулла Ражаб Бойсуний-Туркистоний, «Туркистонда миллий мужодала», кўлёзма, Тошкент — 1946 йил, 22 бет.

<sup>3</sup> Тожикистон ССР, Компартия архиви, Фонд № 31, Опись №1, Ед.Хран. № 49, 13 бет.

<sup>4</sup> «Шарқ юдаузи» журнали, Тошкент, 1992 йил, март, № 3, 175 бет.

ҳайратлангирган нарса шулким, амир хазинадан бир танга ҳам олиб кетмаган экан. Ҳамма тилло тангалар, олтин-кумуш буюмлар ертўладаги махсус хоналарда қолиб кетибди. Уларни санаб адоғига етиб бўлмайди». Кейинчалик амирнинг ўзи иқроор бўладики, «хазинада ўттиз икки қоп пошшойи танга, тилло буюмлар бор эди. Ёқут, марварид каби қимматбаҳо тошларнинг сон-саногии йўқ эди. Йигирма минг дона милтиқ бор эди<sup>1</sup>.

Рус аскарлари билан «қизил бухороликлар» уч кун мобайнида Бухорои шарифни талон-тарож қиладилар. Бу вақт мобайнида рус қувватларининг қўмондонлари ҳам, Файзулла Хўжа бошчилик қилган маҳаллий қўғирчоқлар ҳам Москвага тантанали рапўртлар жўнатиш билан машғул бўладилар. Ниҳоят, Туркистон жабҳасининг қўмондони тиллоларни йиғиб олишга киришади: рус аскарларидан «тилхат» ёздирилиб, тиллолар бевосита қўмондон ихтиёрига олинади.

1920 йил 4 сентябр кунин тузилган актда айтилишича, Туркистон жабҳаси қўмондони поездда жойлашган хазиначига қуйидаги қимматбаҳо буюмлар, «совуқ қуроллар» топширилади:

1. Беш дона филофли тилло қилич;
2. Ўн олти дона тасмасиз тилло қилич;
3. Бир дона қинсиз тилло қилич;
4. Йигирма бир дона тасмали тилло қилич;
5. Икки дона тасмали тилло ханжар;
6. Бир дона филофли, лекин дастасиз тилло асо;
7. Бир дона синган тилло асо;
8. Саккиз дона тиллодан қуйилган қути;
9. Элик олти дона тилло ёмби<sup>2</sup>.

1920 йил 5 сентябр кунин тузилган актда айтилишича, Туркистон жабҳаси қўмондони поездда жойлашган хазиначи Погореловга қуйидаги қимматбаҳо буюмлар топширилади:

1. Қирқ дона тилло юдуз;
2. Бир юзу йигирма олти дона тилло суви юритилган юдуз;
3. Бир юзу етмиш тўққиз дона ёқут кўзли тақинчоқ;
4. Ўн тўққиз дона ёқут кўзли юдузча;
5. Бир дона ёмби<sup>3</sup>.

Равшанки, қизил аскарлар ҳам, уларнинг йўлбошчилари ҳам ўлжа олинган тилло буюмларни дуч келган жойга яширадилар: ҳатто Туркистон жабҳасининг қўмондони жойлашган поездда амир хазинасидан мусодара қилинган бойликлар талон-тарож қилинади. Шу жиҳатдан жабҳа қўмондонининг 1-нўмерли фармони диққатга сазовордир.

«1920 йили 5 сентябр

#### Эски Бухоро

Туркистон жабҳаси қўмондонининг поездда бўлган барча мансабдор шахсларга собиқ Бухоро хони хазинасидан олинган бойликларни — кумуш, тиллолар тўхтовсиз равишда 1267-нўмерли вагондаги Инқилобий ҳарбий кенгаш аъзоси ўртоқ Василовга тилхат остида топширилишини Туркистон жабҳаси қўмондони таклиф қилади. Қизил аскарларга эса буюрилади<sup>4</sup>».

1920 йил 5 сентябр кунин Россия ҳукуматининг ва Россия болшевиклари фирқаси Марказқўмининг вакиллари Бухоро инқилобий қўмитаси раҳбарлари билан ҳамкорликда қўшма мажлис ўтказадилар. Мажлисда М. Фрунзе, Россия ҳукуматининг ваколатли вакили Ковров, Бухоро коммунистларининг раиси Хўсайнов, Бухоро Нозирлар кенгашининг раиси Файзулла Хўжаев, Бухоро инқилобий қўмитасининг котиби Орипов ва бошқалар қатнашади. Фрунзе мажлисга раислик қилади. Бу мажлисда Бухоро республикасининг бойлигини сақлаш борасида қуйидаги қарор қабул қилинади:

«Ҳарбий ҳаракатлар давом этаётган пайтда Бухоро республикасининг бойликлари хавф, остида қолаётганини, талонга учраши мумкинлигини ва бойликни қўриқлаш имконияти йўқлигини ҳисобга олиб, Бухоро инқилобий қўмитаси бойликларини Самарқанддаги ёки Тошкентдаги халқ банклари бўлимида вақтинча сақлаб туришни Россия ҳукуматидан илтимос қилсин<sup>5</sup>».

Шундай қилиб, 14 сентябрдан эътиборан Бухоро амирининг хазинаси аста-секин Самарқандга, сўнгра Москвага ташиб кетилади (тахминий маълумотларга қараганда,

<sup>1</sup> Камол Абдуллаевнинг шахсий архиви. Душанбе. «Эмир, золоту и революция» мақоласининг қўлёзмаси, 3 бет.

<sup>2</sup> Тожикистон ССР, Компартия архиви. Фонд № 4511, Опись № 1, Ед.хран. № 125, 74 бет.

<sup>3</sup> Юқоридаги манба. 75 бет.

<sup>4</sup> Юқоридаги манба. 76 бет.

<sup>5</sup> Юқоридаги манба. 87 бет.

1921 йилнинг бошларида Кронштадтда рўй берган денгизчилар қўзғолонини бостириш учун айнан Бухородан ташиб кетилган тиллолар ёрдамида «латиш ўқчилари» ёлланади ва шу йўсинда болшевиклар ҳукумати сақлаб қолинади).

Болшевиклар фақат Бухоро амири хазинасини эмас, балки Бухоро халқини талон-тарож қилишга киришади. Туркистон жабҳаси Озиқ-овқат кўмитасининг раиси Блумберг томонидан 1920 йил 30 сентябр куни Русия Озиқ-овқат Халқ комиссари Цюрупа номига йўлланган телеграммада шу ҳақда очиқ-ойдин айтилади:

«Инқилобий тўнтариш натижасида Бухорода Шўро тузуми ўрнатилди. Ниҳоят, Туркистон, Хоразм республикасининг барча ўлкаларида тўла-тўқис иқтисодий, озиқ-овқат сиёсатини юритиш имконияти туғилди. Энди Каспий (Ҳазор) орқасини батамом ва узлуксиз равишда озиқ-овқат билан таъминлаб туриш мумкин. Ҳарбий қувватларнинг маълум гуруҳи Бухорода озиқ-овқат маҳсулотларини жамғариш билан машғул бўляпти. Бухорода Шўро ҳокимиятининг идоралари ташкил этилгунча Озиқ-овқат кўмиталари шу иш билан шуғулланади<sup>1</sup>».

Амир Олимхон эса гиждувонлик Абдулла бойваччанинг хонадонидан бир кеча меҳмон бўладию эртаси куни Қарши — Дарбанд — Бойсун орқали ўтиб, бир неча кундан сўнг Шарқий Бухоронинг маркази бўлиши Ҳисорга етиб боради. Амирни Дарбандда учратган Тоғайбекнинг гувоҳлик беришича, «Олимхон камгап бўлиб қолган, тинимсиз уф-ф тортар, тез-тез атрофга олазарак бўлиб жавдирар, руслар қаерда эканини дам-бадам бетоқатланиб сўраб-суриштирар, сўнг хазинабони Имомқулни қошига чорлаб, ундан бир нималарни сўрар эди. У кам овқат ерди. Биқинида санчиқ пайдо бўлганидан, ҳориб-толганидан шикоят қиларди<sup>2</sup>».

«Амирнинг оналари Тўра ойим, Шамсия ойим, Тўти ойимлар; хотинлари Мухаррам ойим, Муборак ойим, Хурсанд ойимлар; қизлари Хосиятой, Саодатойлар, амакилари ва бошқа яқин қариндошларидан элик бир (51) киши ўз ихтиёрлари билан Афронистонга жўнатилади<sup>3</sup>».

Афандим, рақам этилган тарихий воқеалар сизга илгаридан маълум бўлиши мумкин. Мен ҳозир қизил аскарларнинг ахлоқсизлиги тўғрисида ёки «бухоролик коммунистлар»нинг очкўзлиги ҳақида сўйламоқчи эмасман. Мени бошқа нарса ўйлантиряпти. Амир Олимхон қанақа одам эди? Унда инсонлик сиёғи бормиди? У юртнинг соҳибини? Элининг паноҳими?

Беҳисоб бойлигидан, тож-тахтидан, оналаридан, рафиқаларидан, қизларидан, қариндош-уруғларидан, ҳукумагидан ажралган амир Олим душмандан нимасини олиб қочди? Ахир, душмандан асрайдиган ҳамма нарсасини Бухорои шарифда қолдириб кетган эди-ку? Демак, унинг қочишдан ҳеч қандай маъни йўқ эди-ку? Нахотки, оналарини, рафиқаларини, қизларини «бухоролик коммунистлар» билан рус аскарлари зўрламаган бўлса? Амир хазинасидаги олтинларни талон-тарож қилган оч аскарлар шаҳвоний хирсини амир ҳарамидан қондирмаганми? Хўш, қайси қизил аскар амирга «куёв» бўлди? Қай бири «ота» бўлди? Қай бири «божа» бўлди? Ҳали мўйлови сабза урмаган амирнинг ўғиллари қизил аскарлар ўртасида қўлма-қўл ўтиб, «бесоқол» бўлмаганми?

Худди шундай бўлган. Бошқача бўлиши мумкин эмасди. Мен қизил аскарларнинг ва маҳаллий ҳукумат вакиллариининг феъли-хўйини ҳужжатлар асосида ўрганиб, аламли саволларга дуч келдим...

Ўз оиласини ор-номусини сақлай олмаган амир, хусусий мулкни сақлай олмаган амир қандай қилиб эл-юртнинг ор-номусини, мол-мулкни сақлайди? Сақлаш у ёқда турсин, ҳатто юрт ор-номуси тўғрисида қайгурганмикан? Қайгурган бўлса, 1920 йилнинг сентябр ойидан то 1921 йилнинг март ойига қадар Шарқий Бухорода нима бало еб юрди? Олти ой мобайнида амир ҳам, унинг теварагида тўдалашиб юрган жоҳил амалдорлару уламо ҳам ҳеч нарса қилмади. Фақат юртни бузиб юбордилар, алғов-далғов қилдилар, холос. Юртни мужодалага уюштириш учун қўлларидан ҳеч нарса келмади. Улар гўё фалаж бўлиб қолган эди: атрофга олазарак боқишиб, руслар қаерда эканини сўраб-суриштиришу тез-тез уф-ф тортиб қўйишни билишарди, холос.

### Энг қимматли 180 кун зое кетди.

Болшевиклар атиги 180 кунгина «нафасни ростлаб олиш учун» Брест сулҳига имзо чекадилар: жуда катта миқдорда тоvon тўлайдилар, мамлакатнинг бой-бадавлат ўлкаларидан воз кечадилар. Чунки, муҳими — нафасни ростлаб олиш, Қизил ўрадуни ягона кўмондонлик остида бирлаштириш лозим эди.

Амир эса, кекса кишиларнинг нақл қилишларича, Бойсунда қўноқ бўлиб турган кунлари ҳам, Ҳисор қалъасида истиқомат қилган кунлари ҳам ҳар куни биттадан қиз

<sup>1</sup> Тожикистон ССР, Компартия архиви. Фонд № 31, Опись № 1, Ед. хран. 49, 14 бет.

<sup>2</sup> Камол Абдуллаевнинг шахсий архиви. Душанбе. «Эмир, золото и революция» мақоласининг қўлёзмаси, 2 бет.

<sup>3</sup> «Шарқ юлдузи» журналы, Тошкент. 1992 йил, март. № 3, 176 бет.

болага «уйланар» экан. Шу боис бойсунлик, ҳисорлик баъзи кимсаларни «фалончи амир Олимхоннинг ўғли», «пистончи амир Олимхоннинг набираси» дейдилар.

Амир 180 кун давомида бажариши мажбурий бўлган, лекин ақл-фаросати ҳам, салоҳияти ҳам етмаган буюк ишларни Анвар пошо ҳазратлари 260 кун давомида уддалайди. Лекин пошо ҳазрат ўз бошини гаровга тикади. Ҳа, кўчма маънода эмас, тўғри маънода — ростакамига ўз ҳаётини гаровга тикади — Иброҳимбекка ихтиёрий равишда асирга тушади.

Амир Олимхоннинг ҳамма гуноҳини кечириш мумкин бўлар, аммо юртнинг тақдирига бепарқлигини, атрофига лаёқатсиз кимсаларни тўплаб олганини асло кечириб бўлмайди. Шу нақтаи назардан қаралса, ҳатто «бухоролик коммунистлар» ҳам улардан беҳроқ кўринади.

Амирга юртнинг отаси сифатида сизинган ва орзу-умидлари пуч бўлиб чиққан буюк мужоҳид Иброҳимбек Чақабой ўғли Кобулда беш йил давомида амир билан ёнма-ён яшагач, бундай хулосага келади:

«Унинг теварагида қўлидан бир иш келадиган одам йўқ. Собик амирнинг атрофида уч юзтача тақасалтанг ўралашиб, тирикчилигини ўтказиб юради. Аммо улардан бирортасининг қўлидан бир иш келмайди. 1927 ёки 1928 йили Каркида яшайдиган битта чўлоқ туркман Олимхоннинг қизини Бухородан Кобулга эргаштириб борди. Оқсоқ туркман ўттиз ёшларда, қора соқоли, баланд бўйли. Ўша воқеадан бир-икки йил бурун туркман Юсуфбой Муқимбой ўғлининг оиласини ҳам Бухородан Кобулга яширинча кўчириб борган эди... Тўғри, амирнинг атрофида беш-тўртта қобилиятли, ақл-фаросатли кишилар ҳам бор. Аммо, уларнинг бирортаси Шўро ҳукумати ўрнатилган Бухорога келишга рози бўлмайди. Бухоро тўғрисида қадам қўйган кишини руслар дарҳол асир олишиб, отиб ташлайдилар. деб ўйлайдилар<sup>1</sup>».

Каркида подабонлик билан кун кўриб юрадиган оқсоқ туркман амирдан ориятлироқ эди. Чунки у инсон эди! У ҳаётини хавф остида қолдириб, миллат ва эътиқод тимсоли бўлган юртбошининг қизини душман исканжасидан қутқариб, омон-эсон Кобулга элиб беради. Афсуски, ўша халқ қаҳрамонининг, ҳатто исми ҳам номаълум. Фақат Иброҳимбекнинг тергов пайти айтган сўзларидан биламизки, у «ўттиз ёшларда, қора соқоли, балад бўйли» эди. Оқсоқ туркман эди, иймони соғ, бағри бутун зот эди.

Иймоний чўлтоқ, қалби чўлоқ кимсалардан алҳазар!  
Оқсоқ оёғинга жоним садақа бўлсин, туркман оға!

«Амирнинг оила аъзоларидан ва қариндошларидан олтиш тўрт киши Бухорода қолиш истагини билдирдилар<sup>2</sup>». Отасининг ҳузурига боришни истамаганлар орасида амирнинг учта ўғли ҳам бор эди: тўнғич ўғли Султонмурод 1940 йиллари Совет қамқонасида ўлдирилади, ўртанча ўғли Раҳим 1937 йили Совет ҳукумати томонидан отиб ташланади.

Амирнинг Шоҳмурод исми ўғли эса Қизил Армиянинг генерали даражасигача кўтарилади. У 1929 йил 16 июн куни Москвада нашр этиладиган «Известия» газетасида отасига очик хатини эълон қилади ва отасидан ошқора юз ўтиради<sup>3</sup>.

Гўё ўз хоҳишларига биноан Бухорода қолиш истагини билдирган амирнинг олтиш тўрт нафар қариндошнинг ҳаммаси 1938 йили бола-чақаси билан биргаликда отиб ташланади.

Амир эса Кобулда 1944 йилга қадар тўкин-сочин ҳаёт кечиради.

Амир Олимхон худди Ҳайвонот боғида ўн йил томошабинлар учун атайлаб боқиб қўйилган сиртлонга ўхшарди: агар у тўсатдан қафасидан чиқариб юборилса, дуч келган томошабинни нобуд қилиши мумкин эди (икки мингта тараққийларвар ёш бухороликни қатл қилдиради), лекин ўзи озодликка қўйиб юборилса борми, мустақил равишда ҳаёт кечиришни билмайди ва кўп вақт ўтмасдан нобуд бўлади. Дарҳақиқат, амир Бухорои шарифни ташлаб қочган куниеқ — 1920 йилнинг 1 сентябр куни ўлган эди. Ҳисор тоғларидан бошқа жойларни кўрмаган авом халқ эса амирнинг жасадига сизиниб юраверади. Ноўрин тўкилган қонлару бесамар қурбон бўлган жонлар учун беномус амир гуноҳкор. Юрт учун, исломий эътиқод учун қонлар тўккан, жондан кечган мужоҳидлар, ҳатто адашган бўлсалар-да, шон-шарафларга муносибдир!

Амир Олимхон бузиб кетган, унинг қасофати тутта юртни тузиш Анвар пошонинг зиммасига тушади.

Афандим, Анвар пошо Шарқий Бухорони жаҳаннамдан қутқармоққа бел боғлаганини тасаввур этиясизми?

## ТЎҚҚИЗИНЧИ МАКТУБ

Афандим, ушбу мактублар ибтидосида барча маълумотлар Совет манбаларидан

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР, КГБ архиви. Иброҳимбекнинг 577051-нўмерли жиноятномаси, 2 жилд, 203-206, 233-240 бетлар.

<sup>2</sup> «Шарқ юлдузи» журнали, Тошкент. 1992 йил, март. № 3, 176 бет.

<sup>3</sup> Юқоридаги манба. 177-178 бетлар.



олинаётганини алоҳида таъкидлаган эдим (Анвар пошонинг ва унинг номига жўнатилган мактубларнинг асл нусхаси бундан мустасно). Саккизинчи мактубимни эса «Бойсулик Абдулла Ражабнинг гувоҳлик беришича» деган жумла ила бошладим. Биласиз, Абдулла бобомиз Анвар пошонинг сафдоши бўлганлар: 20-йилларнинг ўрталарида мухожирликка кетадилар ва Туркияда яшаганлар: 1945 йили Истанбулда «Туркистонда миллий мужодада» номли китоб нашр қилганлар. Бу китоб эълон қилинган пайтда мен ҳали туғилмаган эдим. Эсимни таниб, шу ёшга етганимга қадар ҳам ўша китобни кўрганам йўқ. Аммо, 1910 йиллардан бери Русиянинг «қўзи ва қулоғи» сифатида Туркиянинг барча йирик шаҳарларида ташкил этилган консулхона ходимлари ўша китобнинг битта нусхасини КГБга жўнатади. Ўзбекистон ССР КГБ идорасининг архивида «мутлақо махфий» шифраси остида «туркчадан таржима» қилинган ўш китобнинг русча матни ва изоҳлари шу кунларда ҳам сақланиб турибди. Биринчи саҳифасида бундай «тушунтириш хати» бор: «Абдулла Ражаб Бойсуний-Туркистоний. Туркистонда миллий мужодада. Истанбул. 1945. «Замон китоблари» нашриёти.

«Туркистонда миллий мужодада» китоби Истанбулда 1945 йили дунё юзини кўрган. Китоб муаллифи туркистонлик Абдулла Ражаб Бойсунийдир. Китоб турк тилида нашр этилган. Ҳажми 202 бет. Китобда Туркистоннинг битта жуғрофий харитаси, 35 дона фотосурат, 13 та қўлёзма, ҳужжат берилган.

Китоб «Замон китоблари» нашриётида чоп этилган. Муқовасида «1945 йил» санаси кўрсатилган бўлса-да, ички зарвароғида «1943 йил» санаси кўрсатилган. Китобнинг баҳоси 300 гуруш.

Муаллиф сўзбошида таъкидлашчи, у тарихчи ҳам, адабиётчи ҳам эмас. Лекин мана шу китобни ёзишга қарор қилади. Чунки у жадидлар ва босмачилар ҳаракатининг қатнашчиси бўлган. Китобни ёзишда унга Эшим Мунир Бойсун жуда катта ёрдам беради. Китоб олти қисмдан иборат: 1. Туркистон тўғрисида шарҳ; 2. Туркистонда жадидчилик; 3. Анвар пошо Туркистонда; 4. Ҳожи Сами; 5. Шарқий Туркистон; 6. «Бирлашган Туркистон ёшлари».

Қўлёзмаининг охири саҳифасида: «Турк тилидан Ўзбекистон ССР Доҳилия нозирлиги Сиёсий бўлимининг масъул референти А.Х.Воҳидов таржима қилди. Тошкент шаҳри. 46 й. 25. XI», деб изоҳ берилган.

Демак, Абдулла афандининг китоби 1943 ёки 1945 йилда чоп этилган бўлишидан қатъи назар, бу китоб КГБнинг буюртмаси бўйича 1946 йилнинг 25 ноябр куни туркчадан русчага таржима қилиниб, хавфсизлик хизмати ходимларига дастак сифатида тақдим этилади.

Шубҳасиз, Абдулла афанди китобининг русча матни КГБ ходимлари томонидан севиб мутолаа қилинади. Назаримда, бу китоб қўлёзма ҳолида ўнаб нусхада бўлиши керак. Чунки мен танишган нусхаси машинкада ёзилган бешинчи ёки олтинчи нусха эди Ажабки, КГБ ходимлари одатда совуққон бўлишса-да, аммо «Туркистонда миллий мужодада» қўлёзмасини ўқийтиб, ўзларининг қизгин муносабатларини «оқизиб» қўядилар. Масалан, Бойсун Ревкоми лавозимида турган Олимжон Оқчурин (у кишининг муаллима сингласини «особист» ўртоқ Коробко зўрламоқчи бўлганини ўтган галги мактубимда айтиб ўтган эдим) томонидан Анвар пошо номига йўлланган хатда: «Сиз Туркия фуқароси бўласиз. Сизнинг ватанингизни душманлар ишғол қилдилар. Агар ўзингизнинг ҳарбий қобилиятингизни ўз ватанингизни озод қилиш йўлида сарфласангиз яхшироқ бўларди», деган жумлалар бор. Шу жумлалар рўпарасига, саҳифа хошиясига, КГБ ходими бўлмиш ўқувчи «Молодец!» деб хитоб аломати қўяди. Лекин, Анвар пошонинг: «Менинг ватанимни озод қилаётган одамлар бор. Хотиржам бўлинг, улар ҳаракат қилишяпти. Бу ер ҳам ватанимнинг бир қисmidир. Менинг қоним қаби бу ерлик одамларнинг томиридан оқаётган қон — турк қонидир. Бу ер рўсларнинг мамлакати эмас, балки ҳақиқий туркларнинг мамлақатидир», деб қайтарган ёзма жавоби негадир «чекист» ўртоқда ижобий ҳис-туйғу уйғотмайди.

Муаллиф Суфиён қишлоғида рус аскарлари томонидан етти-саккизта дехқон ўлдирилиб, жасадаларнинг қўл-оёқлари кесилиб, сўнг жасадалар устига сомон ташланиб ёқиб юборилган тўғрисидаги воқеани баён қилса, КГБ «ўқувчи»си ҳошия четига: «Алдапти, аблаҳ!» деб қайд этиб қўяди. Ваҳоланки, болшевиклар кутқусига учган рус аскарлари Шарқий Бухорода бундан багтар ваҳшийликларни ҳам қилганлар (кейин бу ҳақда мисоллар келтираман).

Совет ҳокимияти йилларида маънавий жиҳатдан қатагон этилган ўзбек ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор «Асрор бобо» номли ҳикоясида: «Оқ пошшо мардикор олган йили... Асрорқул тегирмон тўғрисида гапириб, хафа бўлавергандан кейин Ҳайдар ота бир куни Ултармага бориб, (унинг) тегирмонидан хабар олди. Асрорқул қочгандан кейин Ултарманинг амини тегирмонни «пошшолик бўлди» деб ўзиники қилиб олган эди. Орадан бир неча ой ўтиб, бир куни Ҳайдар ота шаҳарга борган эди «оқ пошшо тахтдан тушди» деган гапни эшитиб қолди. «Ундоқ бўлса, тезроқ бориб Асрорқулдан суюнчи олай», деб келса Асрорқул бу хабарни аллақачон эшитиб, Ултармага жўнабди. Лекин икки ҳафтадан

кейин бўшашганча қайтиб келди. Ҳайдар ота «Ҳа?» деса, «оқ пошшо тахтдан тушгани билан, оқ амин аминлигидан тушмапти» деди!» деб ёзган эди. Уша ҳикоядаги тимсолларни бус-бутун ҳозирги Туркистон тупроғига кўчирадиган бўлсак, «оқ пошшо» — СССР империяси қулаб тушди, лекин «Асрор бобо»га — Абдулла Ражаб каби асл юрт соҳибларига «оқ амин»лар отамерос тегирмони қайтариб беришармикан?

Дунё худди чархпалакка ўхшайди.

Кўр хассасини қайта-қайта йўқотаверади.

Истиқлол шароитида мардаларча ўн йил яшаган жафокаш шоир Аъзам Ўқтам (худо раҳмат қилсин!) «Ён дафтари»га бундай деб ёзиб қўйган экан:

«...Кечаги райком, обком секретарлари. Бюрода муҳокама бўлишу партбилетдан ажраб қолишдан кўрқиб ўзларини камтарин кўрсатишарди: очикдан-очик пора олишмасди, муҳолифларидан ошқора ўч олишмасди, муҳташам, кўп қаватли иморатлар қуришиб, қариндош-уруғларини «ёри» ишларга жойлаштириш билан машғул бўлишмасди. Хуллас, ювиндихўр раҳбарлар ўзларининг мансабидан «унумли» фойдалана олмасдан хийла сиқилиб юришарди. Энди партбилет йўқ, борини олишмайди, олсалар ҳам ҳеч ким ранжмайди. Ҳеч ким уларни муҳокама қилмайди. Энг катта жазо — ишдан олиниб, бошқа ишга тайинлашдан иборат, холос. Тинчгина ишдан кетиб, етти пуштига етадиган мол-дунёсини «майда чайнаб» еб этадиган бойваччага ҳозир ҳаммининг ҳаваси келади».

Ҳозирги ўзбек «янгибойлари»га оқ подшою қизил подшоларнинг амалдорлари ҳам ҳавас қилса арзийди!

1992 йили Тошкентдаги «Меҳнат» нашриётида Сурхондарё вилоятининг ҳокими Х. Бердиевнинг умумий таҳрири остида «Кураш йиллари (Сурхон воҳаси 20-йилларда)» китоби йигирма минг нусхада чоп этилиб, тарқатилди. Бу китоб «Ўзбекистон Жумҳуриятининг мустақиллигига» бағишланган. Китоб муаллифи бойсунлик Нор Ҳайит ва Тохир Усмондир. Китобда Абдулла Ражаб тўғрисида бундай дейлади:

«Анвар пошо қароргоҳидан чиқаётиб, алакачон Қурбон Ражабга кўзим тушиб қолиди. Мен Қурбон Ражабни мадрасада ўқиб юрган пайтларидан бери танирдим. Қурбон Бойсун шахридаги Рамазонийнинг қизи Норчучукка уйланган эди. Норчучук эрининг душманлар билан алоқаси борлигини сезиб, ундан юз ўтирди ва фарғоналик Толибжон исми қизил аскарга кўнгиб бериб, турмушга чиқди. Аламзада Қурбон Ражаб қизиллардан ўч олиш учун Анвар пошо тарафга ўтган эди. Туркияга қочиб кетган муҳожир Қурбон Ражаб кейинчалик Абдулла Ражаб Бойсуний-Туркистоний номи билан Шўро ҳокимиятига қарши ашаддий таригуботчига айланди. У Шўроларга қарши китоблар ёзди».

Бу Карим Раҳим исми «отбоқарнинг айтганлари», албатта. Муаллифлар «қаҳрамон»дан бошқача фикрда бўлиши мумкин. Бироқ, улар Ўзбекистонда ҳеч қачон нашр этилмаган Абдулла Ражаб Бойсуний-Туркистонийнинг китоблари тўғрисидаги маълумотларни қаердан ва кимлардан олганлар? Балки, китобни «умумий таҳрир остига» олган Х.Бердиевга КГБ керакали йўл-йўриқ бергандир?

Афандим, Совет манбаларида рақам қилинган тарихий воқеаларнинг рост ёки ёлғонлигини ажрим этиш бағоят мушкул. Юқорида баён этилмиш мисолдан ҳам мушкулотни сезган бўлсангиз керак. Шунга қарамай, ишончим комилки, ақл-фаросати бор одам, томирида турк қони оқаётган одам, ўзини Туркистон фарзанди, деб билган одам шўравий мафкура билан бўлган ҳужжатлар орасидан ҳам ҳақиқатни ажратиб олиши мумкин. Афсуски, болшевикларнинг асл қиёфасини фош этадиган жуда кўпчилик ҳужжатлар 20-йиллардаёқ атайлаб йўқотиб юборилган. Бу тўғрида махсус қарорлар қабул қилинган. Масалан:

Таътилга кетишимдан илгари тасодифан топширилмаган мутлақо махфий кўрсатмалар қўлимда қолибди. Ҳозир ўшаларни ихтиёрингизга жўнатыпман.

«1.Пахта кампанияси тўғрисида партия бюросининг қарори.

...10.Босмачиларга қарши курашаётган милиция ходимлари миқдорини камайтириш тўғрисидаги комиссия таклифлари».

Албатта, партия қарорларида маҳаллий аҳолини пахта етиштиришга мажбурлаш ҳамда милиция миқдорини маҳаллий ходимлар ҳисобидан камайтириш тўғрисида гап бориши тушунарли.

Бироқ, Ижрокўм ва Ўз. КП(б) котибияти протоколлари (жами 499 дона) нима сабабдан «йўқотилиши керак»<sup>3</sup> эканини тушуниб бўлмайди.

«60-нўмерли буйруқдан кўчирма:

Ўз. КП(б) ташкилий қўмитаси архивида сақланаётган 1924-25-26 йилларга алоқадор махфий ҳужжатларнинг ортиқча нусхаларини йўқотиб юбориш учун ўрт. Терентьев раислигида махсус комиссия тузилсин»<sup>4</sup>. 1929 йилнинг 27 октябр кунини эса ўрт. Гуляев

<sup>1</sup> Абдулла Қаҳҳор, Танланган асарлар, Уч томлик, 1 том, Тошкент — 1957 йил, 194-195 бетлар.

<sup>2</sup> Нор Ҳайит, Тохир Усмон, «Кураш йиллари (Сурхон воҳаси 20-йилларда)», Тошкент — 1992 йил, «Меҳнат» нашриёти. 54-55 бетлар.

<sup>3</sup> Тожикистон ССР, Компартия архиви. Фонд № 1, Опись № 1, Дело № 532, 1 бет.

<sup>4</sup> Юқоридаги манба. 2-19 бетлар.

раислиги остидаги комиссия томонидан мутлақо махфий ҳужжатлар (34 та протокол) ёқиб юборилади<sup>1</sup>.

Демак, Шарқий Бухорода мужодада тарихига оид ҳужжатлар «мутлақо махфий» бўлса-да, Совет ҳукумати учун хавф солмайди: вақт ўтиши муносабати билан гўё ўз аҳамиятини йўқотган ҳисобланади. Лекин, биз туркистонликлар учун аҳамиятини йўқотмайди. Биз яқин ўтган кунларимизни, ҳеч бўлмаса, болшевиклар ёзиб қолдирган ҳужжатлар воситасида тўлиқ тиклашимиз керак.

Маълумки, Анвар пошо Бухоро амири ихтиёридаги ҳарбий қувватлар тўғрисида фикр юритиб, «саққиз мингга қадар суворилари, яничар усулида лашкарга ёлланган тўрт мингга қадар пиёда<sup>2</sup>» аскарлари бор, деган эди. Аммо, бу қувватлар замонавий ҳарбий таълим кўрмаганлари каби қўлларидаги қурол-аслаҳалар ҳам Темурдан мерос қолган пилта милтиқлардан иборат эди. Яна иккита митролож, битта 7.5 см.ли замбарак ҳам бор эди, холос. Совет манбаларида эса, «1920 йилнинг июл ойида амир қўшинлари ўн уч минг икки юзу йигирма (13220) нафар суворидан, бир минг икки юз нафар пиёда аскардан, етмиш минг нафар кўнгили лашкардан, шуларнинг йигирма беш минг нафари шарқий бекикларда турган эди<sup>3</sup>» деб қайд этилади. Кўриниб турибдики, Совет кузатувчилари амир ихтиёрига беш минг нафар суворини «қўшимча» қиляпти. Лекин, негадир уч минг нафарга яқин пиёда аскарларни «чегириб» ташлайди. «Қўшиб ёзиш», «чегириб ташлаш» каби хусусиятлар Совет ҳисобчиларига бешиқда теккан касал (шу касал оқибатида 80-йиллари Ўзбекистонда «пахта иши» масаласида йигирма минг нафарга қадар катта-кичик раҳбарлар оммавий равишда қамалади). Инқилобчилар ғалабасини бўрттириш учун бояги алмисоқдан қолган амир лашкарининг ёнига яна 70000 қадар «кўнгили» ҳам қўшилади. Менимча, амир 70000 инсонни боқиш имкониятига эга эмасди. Шунинг учун бу уйдирма асосиз бўлгани туфайли эътибордан соқит қиламиз. Демак, ўрта ҳисобда амир ихтиёрида ўн минг нафарга яқин сувори бор эди. Амир Бухорони ташлаб қочган, сувориларининг катта қисми «олий қўмондон» кетидан эргашиб кетади: шаҳар ичкарасида пиёда аскарлару мутаассиб муллобаччалар қоладилар ва уларнинг асосий қисми қирилиб битади.

Ўша кунлари қизил аскарлар негадир амирни таъқиб қилмайди: у Фиждувонда бемалол бир кеча меҳмон бўлади. Шубҳам борки, амир Олимхон атрофидаги маслаҳатчиларнинг гапига кириб, руслар билан жадидаларнинг кўзларини алдаш учун атайлаб ҳамма бойликларини (агар рост бўлса, ертўладаги йигирма минг дона милтигини ҳам!) Арқда қоқдириб, битта жонини қутқариб кетади, шекилли.

Рус аскарлари эс-ҳушларини йиғиб олган пайт амир Қаршидан ўтиб кетган, Москва ҳукумати эса Фрунзени зудлик билан марказга чақириб олаётган эди. Фрунзенинг марказга чақирилиши бевосита Бухоро амирининг олтинларию ҳарамида қолган канизакайри масаласи билан боғлиқ бўлса ажаб эмас. Афсуски, бу тўғрида ҳеч қандай ҳужжат йўқ (эҳтимол, бундай ҳужжатлар ҳам ўз вақтида куйдириб ташлангандир).

Хуллас, Бухоро жабҳасидаги рус қувватларига янги қўмондон тайинланиб, Шарқий Бухорони «амир қолдиқлари»дан тозалаш кампанияси бошлангунча уч ойдан ортиқ вақт ўтади. Ниҳоят, 1920 йилнинг декабр ойида «Ҳисор экспедицияси» номини олган русларнинг ишғол қувватлари Қарши шаҳридан Шарқий Бухорога отланади. Бу қувват таркибида ички Русиядаги фуқаролар муҳорабаси даврида жанларда чиниққан ўн минг нафарга яқин қизил аскар бор эди. Шулардан 5615 нафари пиёда эди. Қизил аскарлар ихтиёрида ўттизта замбарак, саксон битта пулемёт, олти минг йигирма учта милтиқ, 2413 та от бор эди<sup>4</sup>.

Қизил аскарларнинг ишғол қувватлари келаётганини эшитган амир дарҳол Бойсундан Ҳисорга қочади. Ваҳима босган халқ ҳам амир ўтган йўлларни тўлдириб унинг орақасидан эргашади. Қишлоқлар, шаҳарлар хувиллаб қолади. Тўғри-да, атрофини минглаб қуролли суворилар қуршаб юрган амир қочаяпти-ку, ҳимоясиз халқ уйида бежавотир ўтира олармиди!

«Амир ҳукумати ағдариб ташлангач, амир тузумини суяб турган эски мусулмон уламози бутун Шарқий Бухоро ҳудудига тарқалиб кетди, бир қисми эса хорижга қочди<sup>5</sup>».

Рус ишғол қувватлари 1921 йилнинг

19 феврал куни Регарни,

20 феврал куни Ҳисорни,

21 феврал куни (Шаҳринав) Қоратоғни,

22 феврал куни Душанбени,

23 феврал куни Файзиободни,

<sup>1</sup> Юқоридаги манба. 22 бет.

<sup>2</sup> Юқоридаги манба. 36 бет.

<sup>3</sup> Токио, 1991, № 179, 333 бет.

<sup>4</sup> Совет Армиясининг Марказий архиви, Москва. Фонд № 268, Опись № 1, Дело № 12, 104 бет.

<sup>5</sup> Совет Армиясининг Марказий архиви, Москва. Фонд № 110, Опись № 3, Ед.хран. № 1142, 2 бет.

22-26 феврал кунлари Қўрғонтепани, Фархорни, Саройкамарни,  
27-28 феврал кунлари Кўлобни  
босиб олди.

1921 йилнинг 1 март куни амир Олимхон атрофидаги «қўлидан бир иш келмайдиган» минг нафардан ортиқ шотирлари куршовида Чубек кечуvidан Амударёни кечиb ўтиб, Афғонистонга қочади. Пилта милтиқлар билан қуролланган суворилар бошлари оғган тарафларга тарқалиб кетадилар. Амир ўз орқасида Бухоро доҳилинда ҳаракат қиладиган бирорта ҳам уюшган қувват бўлганини қолдирмайди: уламо ҳам, фуқаро ҳам, лашкар ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилади.

Рус ишғол қувватлари эса Шарқий Бухоро бўйлаб музаффар юришини давом эттиради:

2 март куни Оби Фарми,  
8 март куни Фарм шаҳрини,  
10 март куни Қалъаи Хумбни,  
14 март куни Қоратегинни,  
17 март куни Хайтни  
босиб олади.

1-2 апрел кунлари ишғол қувватлари Амударё соҳилларига — Афғонистон чегарасига етиб боради.

1-6 апрел кунлари Фузайл Махсум кўзғолон кўтаради. У ўзини Қоратегин ва Дарвоз туманларининг беки деб эълон қиладди. 16 апрел куни кўзғолон рус ишғол қувватлари томонидан қисман бостирилади. 21-26 май кунлари босмачилар Кўлоб шаҳрида қолдирилган қизил аскарларни қуршаб олади. Қонли тўқнашувлар рўй беради.

15 август куни ишғол қувватлари қисман Шарқий Бухородан олиб чиқиб кетилади.

2 сентябр куни Бухоро Компартияси Марказқўми босмачиларга қарши ялпи сафарбарлик эълон қиладди. Шунга қарамасдан, Шарқий Бухорода босмачилик ҳаракати оммавий тус ола бошлайди.

24 сентябр куни халқ вакилларининг Умумбухоро қурултойи бўлади<sup>1</sup>.

Бу қурултойда давлатнинг бошқарув шакли «халқ республикаси» деб белгиланади, Конституция мақомига эга бўлган қонунлар қабул қилинади. Шу пайтгача расмий вазифаларга яқинлаштирилмаган Усмонхўжани халқ вакиллари Марказий Ижроқўми раиси (Президент) лавозимига сайлайдилар. Президент ўзига халқ вакиллари томонидан берилган ваколатдан фойдаланиб, Файзулла Хўжага ҳуқумат тузишни топширади. Бухоро республикаси ҳуқуматининг таркиби қуйидигича бўлади:

Файзулла Хўжа — Нозирлар Кенгашининг раиси ва Хорижия нозир.

Абдулҳамид Ориф ўғли — Ҳарбия нозир.

Мирзо Абдулрахим — Адлия нозир.

Отаҳўжа — Доҳилия нозир.

Қори Йўлдош — Маориф нозир.

Ҳалим Ашур ўғли - Ер ишлари нозир.

Абдулвоҳид — Соғлиқни сақлаш нозир.

Абдулқодир Мухиддин ўғли - иқтисод ва тижорат нозир<sup>2</sup>.

Афсуски, Бухоро миллий ҳуқумати ўз ваколатини кечикиб олади. Чунки 1921 йилнинг сентябр ойида Шарқий Бухоро уруш олови ичида қолган эди. Боз устига, ҳуқуматнинг бўлажак раҳбарлари, хусусан, Усмонхўжа ҳам рус ишғол қувватлари сафида Шарқий Бухорога сафар қилиб (улар маҳаллий милиция қувватларига қўмондонлик қиладилар), маҳаллий халқ олдида ўз обрў-эътиборларини йўқотади. Чунончи, Ҳисор экспедицияси ҳаракат қиладиган кезлари бевосита Усмонхўжа ихтиёридаги 10-милиция бўлини маси Кўлоб вилоятида (Болжувон, Ховалинг туманлари депарасида) маҳаллий аҳоли ўртасида нуфузли бўлган ўн нафар оксоқолни ҳибсга оладилар-да, барча маҳбусларни Термиз шаҳридаги қамоқхонага жўнатадилар. Маҳбуслардан фақат уч нафари ўз туманларига тирик қайтадилар: бошқалари ё отиб ташланади ёки узоқ муддат тутқунликда сақланади. Уша пайтлари (яъни, Ҳисор экспедициясининг музаффар юриши давом этаётган кезларда) Кўлобнинг Қорасув қишлоғида милиция қучлари томонидан ҳибсга олинган лақайларнинг энг ҳурматли оксоқоли Абдуқоюм парвоначи (Иброҳимбекнинг қайнотаси) ва халқ ўртасида обрўли бўлган собиқ амир амалдори Чойхўр оталик келтирилади<sup>3</sup>. Улар гўё «очик суд» қилиниб, халқ ўртасида тавбасига таянтиради ва озодликка қўйиб юбориладилар. Бу ҳол келажакда Шарқий Бухородаги энг қувватли турк қавмларидан

<sup>1</sup> Тожикистон ССР, Компартия архиви. Фонд № 9, Опись № 3. Дело № 67, 1-3 бетлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон ССР, КГБ архиви. Абдулла Ражаб Бойсуний-Туркистоний, «Туркистонда миллий мужода», қўлёзма, Тошкент — 1946 йил, 23-24 бетлар.

<sup>3</sup> М.И.Иркаев, «История гражданской войны в Таджикистане», Душанбе, «Ирфон» нашриёти, 1971 йил, 305 бет.

бўлиши лақайлар қавмининг кўрбошиси Иброҳимбек билан Бухоро миллий ҳукумати ўртасида кескин зиддият пайдо бўлишига асосий сабабдир.

Рус қувватларининг Шарқий Бухородаги қилмишларини ўз кўзи билан кўрган Саиджон додхоҳ бундай ҳикоя қилади:

«1921 йил санасининг Ҳозирон ойлари эди. Болшевик рус ўрдулари Бухоро шаҳриндан то Помир этакларига қадар ишғол қилдилар. Зулм, ваҳшат исканжаси туркистоннинг бу инжа диёрларини хонавайрон қилди. Инқилобга қадар бу ерларга рус оёғи етмаган эди. Аввало, халқнинг мол-мулки таланди. Сўнгра, оила номусига қадар тажовуз бошланди. Ҳамма жойда рус аскарларию қуловиз бекар ҳоким эдилар. Халқ бундай бедодликка чидамади. Шарқий Бухорода қувватли ўзбек қабилиси бўлган лақайларнинг бекари — Иброҳимбек билан Тўғайсари читалар ташкил этиб, рус аскарларини ўлдиришиб, қурол тўплай бошладилар. Улардан кейин Қоратегиндан Фузайил Махсум, Болжувондан Давлатмандбий, Қоратоғдан Абдурахмон, Дарвоздан Эшони Султон бош кўтаришиб, айна шу тарзда фаолият кўрсатадилар. Бу пайтлари Фарғона ва Самарқанд босмачиларининг асосий қувватлари миллий ташкилот доирасида бирилашиб, Миллий марказининг кўрсатмалари асосида ҳаракат қилардилар. У ерларда мунаввар фикрли кўрбошилар ва маслаҳатчилар бор эди. Шарқий Бухорода эса вазият бутунлай бошқача эди. Бу ерларда амир тарафдорларининг, уламо ва шайхларнинг нуфузи кучли эди. Қабилалар, урувлар ўртасида жуда кучли зиддият мавжуд эди. Босмачилар фақат русларга қарши курашмасди. Айна пайтда мунаввар фикрли одамларни ҳам «жадид» деб ўлдирмоқда эдилар<sup>1</sup>».

Саиджон додхоҳ фикрига изоҳ бериш лозим: босмачилар «мунаввар фикрли одамларни «жадид» бўлгани» учун эмас, балки уларни ҳам рус ишғол қувватлари сафида юриб, «оила номусига қадар тажовуз бошланиши»га сабабчи бўлганликлари учун ўлдирардилар. Маҳаллий халқ назарида руслар билан миллий Бухоро ҳукумати ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ эди, иккови ҳам бир-биридан қолишмасди. Тўғри, мусулмон фарзандлари бўлган милиционерлар эрининг оёқ-кўлларини боғлаб қўйишиб, унинг кўз ўнгида хотинларини зўрлашмасда, аммо раҳнамоларини хибсга олардилар, отардилар, ғурурини ерпарчин қилишиб, тавба қилдирардилар. Шунинг учун Шарқий Бухородаги «мунаввар фикрли» зот ҳисобланган Болжувон беки Давлатмандбий: «Рус қувватлари Шарқий Бухородан олиб чиқиб кетилсагина биз Бухоро миллий ҳукумати билан ҳамкорлик қиламиз. Акс ҳолда, курашни давом эттирамиз», деб шарт қўяди. Бухоро республикасининг президенти Усмонхўжа мана шу шартга рози бўлади. Бироқ, мажбуриятни бажаришга ожизлик қилади.

1922 йилнинг 8 июл куни Тўртинчи Туркистон суворилар полкининг комиссари Лисицин тайёрлаган махфий ҳисоботда бундай дейилади:

«Бойсун ва Ҳисор водийсида халқ амир амалдорларини яхши кўради. Амирнинг тахтдан афдаралишидан халқ норози. Амир даврида иқтисодий муносабатлар маълум қонун-қоидаларга асосланган: халқ ихтиёридаги озиқ-овқат маҳсулотлари зўравонлик билан тортиб олинмасди. Бизнинг аскарларимиз эса ўз эҳтиёжига керак бўлган ҳамма нарсани халқдан тортиб олди... Ревкомлар, Озиқ-овқат кўмиталарининг раислари шу ишга ваколати бўлган Усмонхўжа томонидан тайинланди. Лекин халқ улардан ҳам норози. Чунки, аксарият жойларда бухоролик кишилар эмас, балки Самарқанддан олиб келинган руслашган кишилар маъсул вазифаларга қўйилди. Аҳоли русларнинг пайдо бўлишини совуқ кутиб олди. Аҳоли ўртасида коммунистик голяларнинг тарқалиши мумкин эмас. Негаки, уламонинг таъсири ниҳоятда кучли. Амир Душанбени ташлаб қочгач, аҳоли ундан юз ўтирди. Ҳозир аҳоли ўртасида амирнинг таъсири деярли сезилмайди<sup>2</sup>».

Демак, Бухоро миллий ҳукумати илк қадамлариданоқ кўпол тактик хатоларга йўл қўйган эди. Боз устига, «Бухоро миллий ҳукумати рус ишғол қувватларини зарурий маҳсулотлар билан таъминламайди. Рус аскарлари эҳтиёжлари учун керакли бўлган маҳсулотларни аҳолидан тортиб оларди-да, одатда, аҳолининг қўлига тилхат бериб кетардилар. Аҳолининг қўлида қолган тилхатлар бўйича ҳисоб-китоб қилинса, руслар Шарқий Бухоро аҳолисидан 1924 йил баҳоси нисбатида уч миллиард сўм қарздор бўлади. Кейинчалик бу қарзларнинг фақат ўттиз миллион сўм миқдори аҳолига қайтарилади, холос<sup>3</sup>». Қарзнинг атиги бир фоизи қадрсиз қоғоз пул ҳисоби билан қайтарилади. Энди аҳолиси, тахминан, икки миллион нафар бўлган Шарқий Бухоро учун уч миллиард сўм дегани нималарни ифодалашини кўз олдимишга келтириб кўрайлик. Бу борада ўша пайтлари Шарқий Бухоро Вақтли ҳукумат таркибидаги Статистика бўлимининг мудирини Смирницкий томонидан 1923 йилнинг 31 август куни тузилган ҳисоботга мурожаат этамиз. Ҳисоботда Янгибозор туманидаги (Душунбе шаҳрининг жанубий-ғарб тарафида) нарх-наволар аниқ кўрсатилган.

<sup>1</sup> «Янги Туркистон» газетаси, 1928 йил, № 13, «Саиджон додхоҳ хотираларидан» мақоласи.

<sup>2</sup> Тожикистон ССР, Компартия архиви, Фонд № 4511, Опись № 16, Ед. Харн. № 125, 99-100 бетлар.

<sup>3</sup> Тожикистон ССР, Компартия архиви, Фонд № 31, Опись № 1, Дело № 67, 3-4 бетлар.

5 Шарқ юлдузи. Биринчи фасл.

Катта мардикор бир кунига 1 сўмга ёлланади.

Темир белкурак — 2 сўм 50 тийин.

Бир пуд жун арқон — 2 сўм.

Бир дона юган — 5 сўм.

Маҳаллий болта — 4 сўм.

Кетмон — 5 сўм.

Бир дона шолча — 10 сўм.

Бир дона чинни пиёла — 60 тийин.

Бир дона чинни чойнак — 2 сўм.

Маҳаллий чарм ковуш — 5 сўм.

Оддий маҳаллий этик — 9 сўм.

Бир қадоқ чой — 3 сўм.

Бир қадоқ туз — 4 сўм.

Бир қадоқ тамаки — 25 тийин.

Бир қадоқ нос — 25 тийин.

Бир қадоқ мойли шам — 1 сўм.

Битта от — 200 сўм.

Битта хўкиз — 100 сўм.

Битта эшак — 30 сўм.

Битта ҳисори қўй — 20 сўм.

Битта сигир — 40 сўм.

Эчки — 12 сўм.

Бир қадоқ қўй ёғи — 25 тийин.

Бир қадоқ зигир мойи — 20 тийин.

Бир стакан сут — 10 тийин.

Бир қадоқ помидор — 5 тийин.

Бир дона ўртача тарвуз — 20 тийин.

Бир дона ўртача қовун — 10 тийин.

Бир қадоқ нок — 15 тийин.

Бир қадоқ шафтоли — 15 тийин.

Бир қадоқ узум — 10 тийин.

Бир пуд жайдари буғдой — 1 сўм 30 тийин.

Бир пуд гуруч — 5 сўм 50 тийин.

Бир дона оби нон — 10 тийин.

Бир қадоқ қўй гўшти — 20 тийин.

Бир қадоқ мол гўшти — 15 тийин.

Бир дона ўртача товуқ — 30 тийин.

Бир дона бедана — 10 тийин<sup>1</sup>.

Афандим, мана, нарх-наволар! Мана, бозор! Уч миллиард сўм пул ҳам бор! Хўш, нималар харид қилиш мумкин? Шарқий Бухорони уч миллиард сўм билан бус-бутун сотиб олиш мумкинлигига ишонасизми? Ишонмасангиз, ўзингиз ҳисоб-китоб қилиб кўринг, бир миллион бош қўйнинг баҳоси бор-йўғи йигирма миллион сўм бўлади, холос. Хўш, инсоннинг баҳоси неча пул эди?

1931 йилнинг 20 май куни ОГПУ (КГБнинг акиси) ходими Левчук ўз ихтиёри билан таслим бўлган Холмўмин Давлатов номли кичик қўрбошини тергов қилади (Х.Давлатов. 56 яшар. Лақай. Эсонхўжа уруғининг Мирзақул шохидан. Султонобод депарасининг (Душанбе вилояти) Бурма қишлоғидан. Иккита хотини бор. Саводсиз). Холмўмин бобо терговчига жумладан бундай дейди:

«Қўнғиротадирда бизни қизил аскарлар қуршовига олди. Биз ҳовар жойда эдик. Биз турган депарада битта чўпон оиласи қўйларини боқиб юришган эди. Подада тўрт юз бошдан зиёд қўй бор эди. Шошилинч равишда холироқ тепалик томон чекинавердик. Қизил аскарлар биздан хийла олисда бўлсалар-да, лекин гоҳ-гоҳ милтиқларидан ўқ отиб қўйишарди. Биз тепалик ошиб кетдик. Аммо, қизил аскарлар ортимиздан таъқиб этишмади. Биз ўқ етмайдиган масофага қадар чекиниб бориб, битта адирнинг устидан қизил аскарларни кузатиб турдик: қизил аскарлар қўй подани пастликка қаратиб ҳайдаб кета бошладилар. Бирмунча вақтдан сўнг қизиллар депарани тарк этдилар. Биз эски жойимизга қайтиб келдик. Қайтиб келсак, қилич билан нимталаниб ташланган икки хотиннинг жасади қонга булганиб ётарди. Булар чўпонларнинг хотинлари эди. Эрларини қизил аскарлар асирга олиб кетишган эди. Биз марҳумларни шу жойга дафн этиб, сўнг Наъзабулоқ сари йўл олдик<sup>2</sup>».

Тўрт юз бош қўй учун иккита хотинни қизил аскарлар қилич билан чопиб ўлдирди.

<sup>1</sup> Тожикистон ССР, Марказий Давлат архиви, Фонд № 4. Опись № 1, Ед. харн. № 5, 12-16 бетлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон ССР, КГБ архиви. Иброҳимбекнинг 577051-нўмерли жинойтномаси, 3 жилд, 337-343 бетлар.

Тўрт юзта қўй эса, бор-йўғи, саккиз минг сўм бўларди. Демак, битта хотиннинг хуни тўрт минг сўмга тушяпти. Тўрт минг сўм, холос. Бироқ, мархумалар қўлига қўйларини тортиб олганлари учун қизил аскарлар ҳеч қандай «тилхат» бериб кетмайдилар. Ваҳоланки, уч миллиард сўм қарз-қавола фақат аҳолининг қўлига берилган тилхатлар асосида аниқланган эди. Хўш, тилхат ўрнига жонидан жудо қилинган қурбонлар қанча экан?

Инсонлиги, яшаш ҳуқуқи поймол этилган халқ ноилож кўзғолди. Халқ ўз ҳолича кўзғолди, уни ҳеч ким бошқармайди. Ўз орасидан ўзларига бошлиқ сайлайдилар. Аммо, бошлиқлар бошсиз эди. Улар қаёнга боришни ҳам, кимга, қўшилишни ҳам билмасди. Юртни ташлаб муҳожирликка кетишни эса хаёлига келтирмасдилар. Чунки улар ўз тоғларидан, қишлоқларидан бошқа жойларда яшаш мумкинлигини тасаввурига сиғдиролмасдилар.

Исхокхўжа Саидхўжа ўғли исмли халқ кўрбошисининг не сабаб боис Компартия архивида сақланиб қолган мактуби гўё келажакка хитоб каби янграйди. Марҳамат, танишинг!

«Зоти олийлари! Биз охириги марта суҳбатлашгандан бери ҳали кўп вақт ўтгани йўқ. Лекин биз бу орада учинчи, тўртинчи, бешинчи бўлинмаларга қарши жанг қилдик. Худого шўқр, биз бу жангларда туриб бердик. Ислон, албатта ролиб келажак! Икром бўлиш лозимки, жанг ниҳоятда қизғин бўлди. Ажаби, биз душманлар сафида миллий ҳукуматимизнинг бир нечта аъзосини кўрдик. Улар душман тарафда туриб, бизга қарши жанг қилдилар. Душман бизни бутунлай маҳв этмоқ ниятида эди. Лекин, биз бардош бердик, улар бизни маҳв этолмадилар. Тўғри, биз ҳолдан тойдик, сафимизда парокандалик ҳам бўлди. Аммо ҳаммасига чидадик.

Шу йил Зулқаъда ойининг ўн бешинчи кунидан эътиборан душман Эскиж, Кухун, Дахана, Хўжачихил, Дашт қишлоқларини талон-тарож қилишга киришди. Улар мол-қўйларни ҳайдаб кетишяпти, қўлига илинган нарсани олиб кетишяпти.

Ҳисор туманидаги ҳар қишлоқдан нуфузли оилалардан тўрт-бештадан аскар олишяпти. Бир қисми ихтиёрий равишда олинди, бир қисми эса мажбур қилинди. Душмanning бундан кўзлаган мақсади — ўша маҳаллий йигитлар ёрдамида бизнинг қаерда турганимизни аниқлаб олишдан иборат. Дастлаб, ўша йигитларнинг ҳаммаси тергов қилинди, улардан бизнинг қаердалигимизни сўрашди. Сўнг бизни қидириб топишга жўнатдилар. Зоти олийлари, биз сиздан илтимос қиламизки, душмanning бундай ҳаракатларига қарши нима қилишимиз тўғрисида маслаҳат берсангиз. Бўйруқларингизга мунгазирмиз! Биз ўз бурчимизни тўғри адо этаётганимизга ишонч хосил қилишимиз учун ҳам сизнинг кўрсатмаларингизга муҳтожмиз<sup>1</sup>».

Бу мактуб Мирзо Саидхожи ғозий номига юборилган. Мактуб мазмунидан кўриниб турибдики, битта Бош қўмондонга буюк эҳтиёж сезилаётир.

1921 йилнинг 23 октябр куни Бухоро республикаси Марказқўмининг мажлисида Шарқий Бухоро ишлари билан шуғулланадиган Фавқулода Комиссия тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шарқий Бухорони бошқариш ҳуқуқи Марказдан жўнатилган Фавқулода Диктатор Комиссияси ихтиёрига берилди. Шеробод, Ҳисор, Фарм, Кўлоб вилоятлари ана шу Комиссияга бўйсундирилди. Комиссия зиммасига Конституцияда кўзда тутилган қонунларни бекор қилмаган ҳолда Қарши, Шаҳрисабз, Карки вилоятларида тартиб ўрнатиш мажбурияти юклатилди. Мана шу вилоятларда зарур бўлиб қолса, Комиссия Ижроқўмларни бекор қилиб, Инқилобий қўмиталар тузиш ҳуқуқига эга бўлди. Диктатор Комиссияси олий ҳукумат ташкилоти сифатида Шарқий Бухорода тўла раҳбарлик ҳуқуқини қўлга киритди<sup>2</sup>.

Бухоро миллий ҳукумати 1923 йилнинг 23 октябр куни барча ваколатларидан маҳрум этилади. Бу пайтда Анвар пошо айнан Бухоро шаҳрида эди: бу ерга ташриф буюрганига бир ҳафта бўлганди. Республика президенти Усмонхўжа эса Шарқий Бухорода маҳаллий ҳукумат идораларини ташкил этиш билан машғул эди. Файзулла Хўжа эса «марказ»дан келган ўртоқлар билан кенгашиб, Бухорони батамом руслар ихтиёрига топширади.

Анвар пошо Шарқий Бухорони жаҳаннамдан қутқармоққа бел боғлайди. Миллатни, ҳеч бўлмаса, ўзини-ўзи қириб юборишдан асраб қолмоқ керак эди.

Анвар пошо ташриф буюрган пайтларда Бухоронинг асл киёфаси ана шундай эди, афандим. Наҳот борми? Наҳоткор борми?... Афсус, Бухоро доҳилинда наҳот ҳам, наҳоткор ҳам йўқ эди. Наҳот фақат Анвар пошодан эди, наҳоткор фақат Анвар пошо эди. Анвар пошо зиммасига тушган тарихий миссияни сизу мендан кўра теранроқ хис қиларди, афандим. Шу боис сўнгги нафасигача Бухоро тупроғини тарқ этмади. Кетмади, Кетолмасди. Чунки унинг томирида турк қони оқарди. У қондошларини ташлаб кетолмасди, афандим.

<sup>1</sup> Тожикистон ССР, Компартия архиви. Фонд № 1, Опись № 1, Дело № 361, 26 бет.

<sup>2</sup> Тожикистон ССР, Марказий Давлат архиви. Фонд № 15, Опись № 6, Ед.хран. № 85, 1-2 бетлар.

## ЎНИНЧИ МАКТУБ

Анвар пошо 1921 йил ноябр ойининг ўрталарида Қободиёнга етиб келади. Қободиён ҳозирги Тожикистоннинг жанубий-ғарб тарафида, Термиз вилоятига чегарадош. Ўша пайтлари Қободиён Бухоро миллий ҳукуматининг милицияси томонидан қисман ишғол қилинган бўлса-да, Леҳия ҳали бирорта сиёсий идора туманда тартиб ўрнатишга қодир эмасди, бошбошдоқлик (анархия) авж олган эди. Шу сабабдан Қободиённинг бир гуруҳ собиқ амалдорлари, оксоқоллари, уламози Иброҳимбекка ёрдам сўраб мурожаат этадилар.

**«Талпинган умидимиз, мурувватпарвар бий жаноблари!**

Қуйидаги шикоятни сизни дуо қилиб ётган бахтиқаро амалдорлардан, вилоят ва Бешкент туманидаги жамики аҳолидан деб билгайсиз.

Тақсир! Яқинда туркманлар ва қозоқлар «биз мужоҳидлар» деб, Бешкентга бостириб кирдилар ва: «Сенлар жадид бўпсанлар!», дейишиб халқнинг мол-мулкани талон-тарож қилдилар, хотин-қизларимизнинг номусига тегдилар. Халқнинг кўпчилиги ҳар тарафга қочиб кетди. Бундай ишларни, яъни мусулмон бўла туриб, туркманлар билан қозоқларнинг халққа ўтказган зулм-зўравонлигини, ҳатто қоғирлар ҳам ҳеч қачон қилмаган бўларди! Улар икки нафар муллобаччага қаратиб милтиқдан ўқ уздилар!

Бахтиқаро мазлумларнинг кўзёшларига эътибор беринг, бизга раҳмингиз келсин! Бутун умидимиз фақат сиздан. Биз жуда кўп ҳокимларни кўрдик, аммо биз улардан талончилик ва зўравонликдан бошқа нарсани кўрмадик. Бундай шароитда халқнинг Ҳисор, Жилликўл, Қўрғонтепа каби бошқа вилоятларга қочиб кетаётгани бежиз эмас.

Вилоятимиздаги аҳволни ўрганиб келиш учун сиз Эшқувват турсабони жўнатибсиз. У ақл-фаросатли, батартиб зот экан. Энди бахтиқаро халқимизнинг осойишталигини, тинч-тотувлигини таъминлаш учун ягона умидимиз бўлган турсабони бизнинг вилоятимизга юборишингизни сўраймиз. Шундан сўнг мамлакатимизда тинчлик бошланса ажаб эмас.

Соғ-саломат бўлинг, ниманики умид қилган бўлсангиз, барча орзу-умидларингиз рўёбга чиқсин! Омин!»

Кўчирма келтирганим мактуб остига Партия архивининг ходими: «1921 йилга доир», деб изоҳ ёзиб қўйган. Бу мактуб 68-нўмерли «дело»дан (жилд-тахлам) олинди: дело муқовасида: «1921-1926 йилларга доир хитобномалар, васиятномалар, Куръондан кўчирмалар ва Бухоро амирининг, Анвар пошонинг, Иброҳимбекнинг ҳамда мужоҳидларнинг бошқа раҳнамоларининг мактублари», деб қайд қилинган.

Афандим, мен сизни Шарқий Бухорода вужудга келган шароитнинг умумий манзараси билан таништиришга ҳаракат қилдим. Ҳозир сиз Анвар пошо хазратлари Бухорога ташриф буюрган пайтлари қандай аянчли вазият вужудга келганини тасаввур эта оласиз: ўз холига ташлаб қўйилган халқни рус қувватлари аёвсиз талайди, номусига тегади. Бухоронинг миллий ҳукумати халқнинг кўз ўнгида обрўсини тўкиб қўяди — кўпол хатоларга йўл қўяди: халқ русларни ҳам, жадидларни ҳам бирдай ёмон кўради. Бухоро ҳукуматининг Файзулла Хўжа бошчилигидаги гуруҳи русларга қарам бўлиб қолади; Усмонхўжа бошчилигидаги гуруҳ эса миллий манфаатни химоя қилмоқчи бўлиб, амалий иш билан шугулланади-ю, аммо имкониятлардан самарали фойдаланишга тажрибасизлик қилади, айрим кўрбошилар руслар билан жадидларга қарши ўз холича (анархистик) кураш бошлайдилар; руслар билан жадидлар жабрини тортган халқни ўзбошимча айрим босмачилар ҳам ҳўрлашга киришади... Шарқий Бухорода мана шундай йўлсизлик, аниқроғи, борадиган жойи — манзили нотайин йўл қурилади. Зулм, залолат мустақиллиги бошланади. Иброҳимбек эса Ҳисор водийсида халқнинг бирдан-бир ишонган тоғи бўлиб қолади. Халқ назарида у Адолат тимсолига айланади. Миллий уламо, эшонлар — лақайларнинг пирлари, хусусан, Донохон домла Иброҳимбекни «ғозий» деб эълол қиладилар ва «ғазовот»га фатво берадилар: мачитларда Иброҳимбекнинг номи ҳам амир Олим номи билан бир қаторда хутбага кўшилади тилга олинади. Иброҳимбекка (ҳали «қоровулбеги» даражасида турган пайтлариёқ, демак 1921 йилнинг ёз ва куз фаслида) уламо ҳам, аҳли муслим ҳам ягона нажоткор сифатида умид боғлайди. Бу тўғрида кўплаб ҳужжатлар бор».

Ҳудлас, афандим, Қободиён оксоқоллари, уламози Иброҳимбекдан бекорга ёрдам сўрамайди. Мен Иброҳимбекни кўкларга кўтариб макташ учун бу гапларни айтаётганим йўқ, балки ўша тарихий шароитда вужудга келган вазиятни тўғри аңгламоқ ва кучлар нисбатини, кучларнинг ўзаро муносабатини тўғри баҳоламоқ учун муҳим нуқталарга алоҳида урғу берялман.

Анвар пошо Шарқий Бухорога, хусусан, Қободиёнга келган илк кунларидан

<sup>1</sup> Тожикистон ССР, Компартия архиви. Фонд № 31, Опись №1, Дело № 68, 10-11 бетлар.  
<sup>2</sup> Юқоридаги манба. 30-31, 32-33 бетлар.



эътиборан соҳир ақл-идроки билан вазиятни тўғри баҳолайди ва бирдан-бир тўғри йўлни танлайди: «Термиз милициясининг бошлиғи Усмон афанди Сарқосиёдан Қободиёнга жўнайди. «Агар босмачилар билан тўқнашиб қолсангиз, асло қаршилик кўрсатмангиз, лозим бўлса, таслим бўлингиз!» деб қатъий буйруқ беради Анвар пошо милиция қувватларининг қўмондонига<sup>1</sup>». Анвар пошо ҳамроҳлари билан Қободиён депарасига етиб боради. Элликқўл қишлоғида битта оқсоқолнинг хонадонида меҳмон бўладилар. Ярим кечаси қишлоққа Иброҳимбекнинг қўрбошилари Тўғайсари, Остонақул ўз қувватлари билан келади. Қўрбошилар аскарларини қишлоқ гузарига қолдиришиб, ўзлари Анвар пошо ҳузурига борадилар ва унга таслим бўлишни такалф қиладилар. Хонадон соҳиби Абдулҳаким туғсабо қўрбошиларнинг муомаласидан норози бўлиб: «Анвар пошо ҳозир менинг меҳмоним! Шундоқ бўлгач, бировнинг меҳмонига зугум ўтказишдан уялмайсизларми?!» деб қўрбошиларни изза қилади. Қўрбошилар изза бўлишиб, изларига қайтиб кетишади. Эртаси куни эрталаб Абдулҳаким туғсабони ҳовлисига Бухоро миллий ҳукуматининг милиция қувватлари тўланади: Анвар пошо уларни русларга қарши урушга даъват этади. Миллий қувватлар пошонинг фикр-мулоҳазаларини қўллаб-қувватлайди. Элликқўл қишлоғида турган маҳали Анвар пошо Шарқий Бухоро доҳилинда ҳаракат қилаётган барча қўрбошиларга мактублар йўллаб, уларни ягона мақсад йўлида — Туркистон тупроғидан русларни ҳайдаб чиқариш учун кучларни бирлаштиришга, ҳамкорликка ундайди. Мужоҳидлар билан ҳамкорлик қилиш масаласи бир неча кун қизғин муҳокама қилинади. Муҳокама давомида ҳеч ким Иброҳимбек билан музокара олиб боришга рози бўлмайди. Ҳамма, айниқса, шу ерлик нуфузли оқсоқоллар Иброҳимбекка рўпара бўлишдан ўлгудек қўрқади. Анвар пошо билан Ҳожи Саби Ҳисор вилоятида Иброҳимбекни музокарага чақиришга қарор қилади. Уч кундан сўнг Анвар пошо ва унинг ҳамроҳлари 160 нафар аскарлар қузатуви остида Қўрғонтепага йўл олади. У ерга боришгач, Иброҳимбекнинг маслаҳатчиси бўлмиш тўқсон яшар Тўғойсари лақаб билан учрашадилар. Тўғойсари ихтиёрида 2500 нафарга яқин мужоҳид қуввати бор эди. Тўғойсари меҳмонларни иззат-икром билан қарши олади: Анвар пошонини махсус меҳмонхонага жойлаштиради. Пошо шарафига зиёфат уюштирилади, жонлиқлар сўйилади — қон чиқарилади. Тўғойсари Бухоро миллий ҳукуматини ёмон кўрарди, жаҳидларни ҳам душман ҳисобларди. «Амир Олим Бухоронинг Англияга қарам бўлишини истайди, холос», дейди Анвар пошо зиёфат чоғи. Амир тарафдори бўлган қўрбошилар пошонинг бу гапидан, албатта, норози бўладилар. Улар зимдан пошого қарши ташвиқот юрита бошлайди. «Иброҳимбек билан шахсан учрашмоқчиман», дейди Анвар пошо. Эртаси куни Тўғойсари уни Орол қишлоғига эргаштириб боради ва Алимардон туғсабонинг меҳмони бўладилар. Алимардон туғсабо, аслида, Иброҳимбекнинг қалин дўсти эди (у ҳам 1932 йилнинг август ойида Иброҳимбек билан биргаликда Тошкентда НКВД ходимлари томонидан отиб ташланади). Алимардон туғсабо Анвар пошо ва унинг ҳамроҳларини Даҳанакийик депарасига олиб боради. Шу қишлоқда тунайдилар. Кечаси Анвар пошо қаватидаги аскарларнинг милтиқлари йўқолади. Эртаси куни Абдуқаюм туғсабо (Иброҳимбекнинг қайноғаси: у ҳам 1932 йилнинг 31 август куни отиб ташланади) Анвар пошо билан учрашгани келади. Милтиқлар йўқолгани тўғрисида Анвар пошо унга шикоят қилади. Шикоят оқибатсиз қолдирилади. Улар ёппасига Иброҳимбекнинг қаргоҳи жойлашган қишлоққа жўнайдилар. Бу қишлоқда ҳам Анвар пошонини илиқ кутиб оладилар<sup>2</sup>.

Тўрт аср илгари тақдир Бобур мирзони ҳам мана шу Ҳисор водийсига бошлаб келган эди. Кундалигида бундай эсдалиги бор:

«Фарғона вилоятидин Хуросон азимати била Илок яйлоғигаким, Ҳисор вилоятининг яйлоқларидандур, келиб туштум. Ушбу юртга йигирма уч ёшнинг ибтидосида юзумга устара қўйдум. Улуғ-кичин менга умидворлик била эргашиб юрийдургонлар икки юздин кўпрак, уч юздин озроқ бўлғай эди. Аксар яёқ ва илиқларида таёқ ва оёқларида чорук ва эғниларида чопон эрди... Қободиёнга етканда Хисравшоҳнинг иниси Бокчи Чағонийким, Чағониён ва Шаҳрисафо ва Тирмиз анда эди, Хатиб Қаршийни йибориб, давлатхоҳлик изҳор қилиб, бизга қўшилмоқ бўлур<sup>3</sup>».

Агар кимдир Анвар пошого «Бобурнома»да ёзилган ушбу ўринларни эслатган бўлса, ишончим комилки, пошо ёқасини ушлаган бўларди. Уша ҳолат такрорланмаяптими? олинда нелар бўлишини Бобур мирзо билмасди. Анвар пошо ҳам эртага нима бўлишини билмасди: атрофида элликдан кўпроқ, юздан камроқ умидворлик билан эргашиб юрган маслақдошлари бор, холос. Боз устига, Ҳисор Осиёдаги мустақил турк давлатининг сўнгги паноҳи: у ёғи душман қўлига ўтган, бу ёғи гумон. Энди нима бўлиши номаълум.

<sup>1</sup> Тожикистон ССР, Компартия архиви. Фонд № 9, Опись № 3, дело № 17, 76 бет.

<sup>2</sup> Юқоридаги манба. 27-28 бетлар.

<sup>3</sup> З.М.Бобур, «Бобурнома», Тошкент — 1989 йил, «Юлдузча» нашриёти, 109-110 бетлар.

Фақат умид бор. Ҳали умид узилмаган. Умид — Анвар пошодан, ҳамма унга умид нигоҳини қадаган.

Бобур мирзога сартарошнинг кераги бўлмаган экан. Жаидлар эса икки кунда бир соқолларини қиртишлайди. Анвар пошо беихтиёр иягини силаб қўйган бўлиши мумкин. «Илойим, Бобур мирзо руҳи қўлласин!» деб юзига фотиҳа тортган бўлса, жааб эмас.

«Шу ерларда қудратли турк давлатини курсангиз бўлмасмиди, мирзо?»

«Тақдир экан-да, пошом. Хинд сори юзланиб... эҳ, юз қаролик бўлдим».

Тун бўйи минг хил хаёллар кечади.

Анвар пошо ҳамроҳлари билан Қорамўнги қишлоғида тунаб қолади. Оқшом пайти Иброҳимбек негадир меҳмонлар билан учрашмайди. Эрталаб уйғонишса, ҳовли теварагини қуролли лақай йигитлари қуршаб олишган бўлади. Ҳожи Сами билан Ҳасан афанди (бу зот Анвар пошо билан Туркиянинг Македониядаги 3-ўрдуси сафида 1908 йилгача бирга хизмат қилган малакали зобит эди) лақайларнинг бундай хатти-ҳаракатидан ниҳоятда ғазабланади. Анвар пошо босиқлик қилади. Вазиятга аниқлик киритилгунча Иброҳимбекнинг ўзи пайдо бўлади. У қўрбошилари билан келиб, Анвар пошодан ҳолаҳвол сўрайди. Салом-алиқдан сўнг Анвар пошо:

«Агар Бухоро миллий ҳукуматининг қувватлари билан бирлашилса, кучли бўламиз.

Шундагина мамлакатни озод қилиш мумкин», дейди. Лекин Иброҳимбек пошонинг сўзларига эътибор бермайди. Афтидан, у гапнинг моҳиятига тушунмайди. «Энди менинг меҳмоним бўласиз», дейди Иброҳимбек<sup>1</sup>.

Ўша тарихий учрашувнинг гувоҳи бўлган Абдулла Ражаб Бойсуний воқеани бирёқлама ёритади. У Иброҳимбекка фақат Бухоро миллий ҳукумати (Усмонхўжа гуруҳи) нуқтаи назаридан баҳо беради, холос. Ваҳоланки, иккинчи томондан — Иброҳимбек нуқтаи назаридан қаралса, Бухоро миллий ҳукумати «олийга тиг тортқон жаид ва кофирлар» эди (эсингиздами, афандим, Қарши беки Товайбек Бехбудий ҳазратни айна шу масалада гуноҳкор санаб, қатл эттиради<sup>2</sup>). Боз устига, Бухоро ҳукуматининг вакиллари қайнотаси Абдуқаюм туқсабони ҳибсга олиб, халқ ўртасида шарманда қилган: рус аскарларини Шарқий Бухорога ўша жаидлар эргаштириб келган эди. Шундоқ бўлгач, Анвар пошонинг Қорамўнги қишлоғидаги аҳволи 1919 йилнинг март ойида Қарши бекининг қўлида тутқун бўлиб турган Бехбудийнинг аҳволидан беҳроқ эдими? Бехбудий ўзи истамаган ҳолда асир тушган бўлса, Анвар пошо онгли равишда асирликни бўйнига олади: у ҳар қаңдай қурбонлик бериб бўлса-да, миллий қувватларни бирлаштириш лозим эканини яхши биларди. Бу қутлуғ иш йўлида ўзининг ҳаётини гаровга тикади.

Ўз нуқтаи назаридан, ўзи турган замин манфаатидан қаралса, Иброҳимбек ҳақ эканини Анвар пошо теран ҳис қилади. Иброҳимбек ҳақ эди, у ҳақ иш учун курашаётган эди. Фақат унинг нуқтаи назари хато эди. Устига устак, Иброҳимбек ўзининг нуқтаи назаридан бошқа ҳам тўғри нуқтаи назар борлигини ҳали билмасди (эсингиздами, афандим, Учинчи мактубимда Мустафо Чўқай афанди сўзларидан кўчирма келтирган эдим: «Дўст этиб хизмат этарга тутинган халқимдан душманлик кўрганим кўнглимга ҳафалиқ солди. Шундай бўлса-да, Қумбосидан бошқа ерни кўрмаган сартлардан, бошқа элни кўрмаган авомнинг ёмондикларини сарт халқининг устига юклашни тиламайман», дейди). Мустафо Чўқай афанди 1918 йилнинг эрта баҳорида ўзининг ҳақ эканига маҳаллий халқ (сарт — ўзбек) вакиллари ишонтириш учун жар ёқасига бориб туради: «Ишонмасаларинг, майли, отиб ташланглар!» дейди. Мустафо афандининг ҳам жони ширин эди, унга ҳам азиз умр бир марта берилган эди. Лекин унинг учун «Қумбосидан бошқа ерни кўрмаган сартлар» ўз жонидан-да ширинроқ эди! Афсус, Мустафо Чўқай Фарғонада миллий мужодала кучларини бирлаштира олмади... Энди Анвар пошо Шарқий Бухорода гўё Мустафо афандининг бир умрлик армонига айланган қутлуғ ишни рўёбга чиқариш имкониятига эга бўлади ва бу имкониятни бой бермасликка аҳд қилади. Анвар пошонинг ҳам жони битта эди, унга ҳам умр бир марта берилган эди...

Хўш, Иброҳимбек ўзининг нуқтаи назаридан бошқа нуқтаи назар ҳам борлигини, бошқа нуқтаи назар ҳам ҳақ бўлиши мумкинлигини билармиди? Анвар пошо мана шу саволга жавоб топиш учун ўз жонини Иброҳимбекнинг қўлига топширади. Чунки Анвар пошо учун «бу ер ҳам Ватаннинг бир қисми: бу ерлик одамларнинг томирида оқётган қон — турк қонидир». Демак, лақайлар ҳам Анвар пошо учун жони каби азиз, эҳтимол, ўз жонидан-да лақайларни азизроқ биларди.

1931 йилнинг 28 июн куни ОГПУ қанмоқхонасида Иброҳимбек Анвар пошо билан илк учрашуви тўғрисида бундай кўргазма беради:

«Куз фасли Ҳисордаги Қорамўнги қишлоғига тўксон нафар аскар билан Анвар пошо келди. Сўхбат пайти «турк қавмиданман» деди. У руслар билан жаидларни маҳв

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР, КГБ архиви. Абдулла Ражаб Бойсуний-Туркистоний, «Туркистонда миллий мужодала», қўлёзма, Тошкент — 1993 йил, 29 бет.

<sup>2</sup> «Миллий уйғониш», мақолалар тўплами, Тошкент — 1993 йил, «Университет» нашриёти, 125 бет.

этиш учун менга ёрдам беражagini изхор қилди. Анвар пошонинг қаватида олти нафар турк зобити ҳам бор эди. Ҳозир ўша зобитлардан фақат икkitасининг исми ёдимда: бири Сами пошо, иккинчиси Ҳасан афанди. Мен Анвар пошо тўғрисида илгари ҳам ҳамда бориб келган зиёратчилардан эшитган эдим. Анвар пошо буюк саркарда ва турк султоннинг кўеви эди. Бирок, мен ўша кезлари ҳақиқий Анвар пошонинг ўзи билан учрашинингга шубҳаландим. Шу ўша кўзини ҳам теварагидаги аскарларини қуролсизлантириш тўғрисида буйруқ бердим. Тасдиқнома олиб, ишонч ҳосил қилганимдан сўнг, руслар билан жадидаларга қарши курашаётган ислом лашкарининг бош кўмондони сифатида тан оламан, лекин ҳозирча менинг меҳмоним бўлиб турасизлар, дедим. Анвар пошонинг ҳамроҳлари билан Кўктошга жўнатдим<sup>1</sup>.

Анвар пошонинг Шарқий Бухорога ташрифи Иброҳимбек учун сира қутилмаган ҳодиса бўлади. Дунёни Ҳисору Кўктошу Султонободу Оқсуву Данғараю Мўминободу Болжувону Кўлобдан иборат, деб билган, ҳатто Қоратегинга ҳам фақат зарурият туфайли борган ўтгиз икки яшар лақай ўғлони назарида олам фақат «оқ» ва «қора» ранглардан, «мусулмонлар» ва «кофирлар»дан ташкил топган эди. Юрт осмонида қора булут пайдо бўлди: кофирлар мусулмонларнинг амирини (пайғамбарзодани!) тахтдан ағдарди: муслима хотин-қизларни кофирларнинг аскарлари (энди уларга босмачилар ҳам шерик бўлишяпти — ёмонлик юқумли бўлади-да!) зўрладилар. Жадидалар ҳам кофирнинг бир тури экан. Ҳўш, Анвар пошо ким тарафда? У ҳам кофирми? Йўғ-е, ахир, у султоннинг кўеви-ку! Мен эсам, бор-йўғи Абдуқаюм тугсабонинг кўеви холосман. Анвар пошо султоннинг кўеви бўлса, нега салла ўрамайди? Нега соқол қўймайди? Нега чопон киймайди?

Иброҳимбек мусулмончилик қойдаларини ўз қавмининг пирларидан, эшонлардан ўрганган. Эшонлар эса пайғамбарзода — улар исломий эътиқоднинг посбонлари. Лекин, бу эшонларда ҳам нафс борлигини, улар дин байроғи остида кўпинча шахсий манфаатларини ҳимоя қилишини, албатта, Иброҳимбек ақлига сиғдирилмасди. Чунки Иброҳимбекнинг эътиқоди бевараз ва бегубор эди. Шу жиҳатдан Иброҳимбек умрида илк бора қиз болага кўнгил қўйган ошиқ ўсмирга ўхшарди: агар ошиқ ўсмирга, сен ошиқ бўлган анави қиз ҳам заҳартанг қилади, десангиз, ёқангиздан олмаса ҳам, лекин бир ҳафта овқат емай юргани каби Иброҳимбек ҳам нафақат уламо, балки йирик давлат арбоблари ҳам «заҳартанг қилиши мумкин»лигини тасаввур этолмасди. Агар тасаввур этганда, албатта, бировларнинг ғаразли манфаатини ҳимоя қилиш учун қўлига қурол олмасди. Балки, аллақачон рўзгорини йиғиштириб, Афғонистонга қочиб кетган бўларди. Лекин, Иброҳимбек ундай қилолмайди. У ўз манфаатини эл-юрт манфаати билан муштарак ҳолда тасаввур этади. «Амир фақат қорни учун, нафси учун яшарди. Унинг амалдорлари ҳам нафсидан бошқа нарсани ўйламасди. Ўйлашганда, амирнинг лашкарбошиси мулло Абдуқаҳҳор қаёққа қочди?» дейилса, эҳтимол, бундай шаккоқ гапларни эшитган қуловини Иброҳимбек дарҳол сувга чайиб, таҳоратини янгилаб оларди.

Хуллас, ўзининг исломий ва фуқаролик бурчини тўғри адо этаётганига ишонч ҳосил қилиш учун Иброҳимбек маслаҳатга муҳтож бўлиб қолади. Амударёнинг нариги тарафида, беҳавотир жойларда кўплақ маслаҳатчилар топилади. Анвар пошони ҳибса олгач, Иброҳимбек илк бора бевосита амир Олимхонга мурожаат этади. Шу пайтгача у Олимхонга мурожаат этмаган, ҳатто Шарқий Бухорода амир билан юзма-юз учрашмаган эди. Бирин-кетин Афғонистондан мактублар кела бошлайди.

Биринчи кўрсатмалар қатори амир Олимхоннинг Афғонистонга қочиб кетган «ноиб» мулло Абдуқаҳҳордан «Бухоро ва Туркистон доҳилиндаги жамики мусулмонларга мурожаатнома» етиб келади.

«Уч йил муқаддам шайтон йўлдан урган баъзи кимсалар Бухоро ҳукуматидан юз ўгириб, ислом дини душманлари қаноти остидан паноҳ топдилар. Кейинчалик ўша кимсаларнинг ёмон ниятини Рус ҳукумати маъқуллади ва улар рус коммунистларининг ёрдами билан Бухоро ҳукуматига қарши кураш бошлади. Бухоро ҳукумати ёвуз ниятли кимсалар бевосита Русия ҳукуматининг ёрдамига суянаётганини билгач, улар билан жанг қилишни истамади. Бухоро ҳукумати мамлакатни тарк этгач, ўша дин душманлари Бухорони қай аҳволга солдилар! Биринчи галда улар Бухородаги ҳамма мадрасаларни отхонага айлантирдилар (амир замонида эса Бухородаги аксарият мадрасалар ноқис кимсаларнинг ишратхонасига айланиб улгурган эди: Изоҳ меники — Н.Б.). Ҳозир янги ташкилот пайдо бўлди. Унинг номини коммунистик партия дейдилар. Бутун ҳукуматни коммунистик партия аъзолари бошқаряпти. Уларнинг гоёси бўйича ер юзида яшайдиган жамики одамзода бир-бирига биродар эмиш. Бу гоё Қуръони карим таълимотига хилофдир. Чунки Қуръони каримда, фақат мўмин мусулмонлар бир-бирига биродардир, кофирлар эса мусулмонларнинг душмандир, деб буюрилган... Мусулмонларнинг ор-носмуси учун курашаётган мужоҳидларга юз марта офаринлар бўлсин!

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР, КГБ архиви. Иброҳимбекнинг 577051-нўмерли жиноятномаси, 2 жилда, 3-7 бетлар.

**Бухорон шариф амирининг ноиб,  
мулло Абдуқаҳҳор (мухри босилган)<sup>1</sup>.**

Бу мурожаатномада Бухоро миллий ҳукумати ҳақли равишда бадном қилинади. Лекин, «ёвуз ниятли кимсалар» ҳам руслар каби дин душманлари бўлса, хўш, нима учун Бухорон шарифининг лашкарбошиси жиҳод қилмасдан, аллагўрларда «муурожаатнома» ёзиб ўтирибди?

Албатта, Иброҳимбек мурожаатномадан ўзига керакли маълумотни олади: ҳа, лашкарбоши кўрқоқ, лекин Бухоронинг янги ҳукумати кофир экан!

Тез орада амирнинг бошқа бир лашкарбошиси — мулло Фазлиддин махсумдан шахсан Иброҳимбекнинг номига ёзилган хат келади.

**«Эшитишимизга қараганда, Жамол пошони ёки Анварбекми қўлингизга асир тушган эмиш. Бу қадар улуғ аъмолингизни эшитиб, ҳаққингизга дуолар ўқидим. Қўлингизга шундай зотлар асир тушгани учун Оллоҳга ҳамду санолар ўқиганим ҳолда сизни биродарим деб биламан ва ўша Жамол пошони қуролсизлантириб, одамларини ўзига қайтариб, дуч келган тарафга ҳайдаб юборишингизни илтимос қиламан. Шундай қилсангиз, сизнинг донолингиз учун кўзёшларимни тўккан бўлардим.**

**Раббиулаввал оининг учинчи кўни, 1340 ҳижрий.  
Мулло Фазлиддин махсум (мухри босилган)<sup>2</sup>.**

Амирнинг лашкарбошиларидан ана шунақа антика йўл-йўриқлар олган Иброҳимбек, шубҳасиз, калаванинг учини йўқотиб қўяди. Анвар пошони асирликка маҳкум этиш, Фазлиддин махсум айтганидек, «улуғ аъмол» бўлса, уни ҳайдаб юборгандан кўра, яна бирмунча муддат тутиб турган маъқул эмасми? Шунда аъмолга аъмол қўшилиб, Иброҳимбекнинг мартабаси янада улуғ бўлармиди! Ахир, қачонгача «қоровулбеги» даражасида юради? Амир қаёққа қараяпти, у нима учун Иброҳимбекка янги унвон бермаяпти?

Амир Олим, дарҳақиқат, Иброҳимбекни ҳали танимасди. Кейинчалик, Шарқий Бухорода миллий мужодала мағлубиятга учрагач, жаҳон афкор оммаси олдида ўзининг фаолиятсизлигини, ландавурлигини хаспўшлаш ниятида маслаҳатчилари билан биргаликда тўқиб чиқарган уйдирма «хотираси»да: **«Ҳисор вилоятида олти ой давомида болшевикларга қарши жанг қилдим... Сўнг Ҳисор вилоятдан Қўлоб вилоятига кетдим. Мазкур вилоятда мулло Муҳаммад Иброҳимбек девонбеги ва Давлатманда девонбеги лашкарбоши эдилар... Муҳаммад Иброҳимбек ва Давлатмандабек менинг руҳсатим билан халққа мурожаат қилдилар», дейди. Ваҳоланки, 1342 ҳижрий йилнинг Асад ойида Иброҳимбекка жўнатган мактубида: «Мен ўзимнинг муқаддас ватанимга қайтиб борадиган кун яқин қолди. Умидим шудки, ўшанда мен сиз билан шахсан учрашаман ва сизни ўз мурувватимга кўмиб ташлайман<sup>3</sup>», деб ваъда беради. Орадан олти-етти йил ўтгач эса, «Муҳаммад Иброҳимбек девонбеги Қўлобда лашкарбоши эди» деб ўз билганича «тарих» тўқийди. Амирнинг хотирасида Иброҳимбекка алоқадор ўринларга ёлғон аралашганини шундан ҳам билса бўладики, амир уни «девонбеги» унвонининг соҳиби сифатида тилга олади. Иброҳимбек у пайтлари (амир қочиб кетгунча) «қоровулбеги» унвонига эга эди, холос.**

1931 йилнинг 28 июн кўни ОГПУ қамоқхонасида тергов қилинган Иброҳимбек бундай кўрғазма беради:

**«Иккита хотиним бор бўлиб, иккови ҳам туғмас эди. Шунинг учун рўзгорнинг оғир-енгили унча сезилмасди. Ҳозир Абдуқаюм парвоначининг қизига уйланганман. Бухоро амири Душанбега келган пайтлари мен Кўктошда яшар эдим. Ўзимнинг ўртача хўжалигимдаги юмушлар билан машғул эдим. Амир рус аскарлари ва Усмонхўжа бошчилигидаги жадидларнинг тазйиқига дош беролмасдан теварагидаги сон-саноқсиз шотирларини эргаштириб Афғонистонга қочиб кетди. Мен уларнинг ўртасидаги муҳорабага асло аралашганим йўқ. Ҳарбий ҳаракатлар бошлангач, жадидлар ёпирилиб келишгач, Душанбе атрофида тўс-тўполон бошланди. Халқ ҳар томонга тумтарақай бўлиб сочилиб кетди. Мен Болжувон лақайларини қора тортиб кетдим. Лекин, Болжувонда фақат бир ой хотиржам яшадим, холос<sup>4</sup>».**

Бас, русларнинг ишғол қуввати 1921 йилнинг 22 феврал кўни Душанбени босиб олади: Ҳисор қалъасида «қалиқ ўйин» уюштириб ётган амир Олим Қўлоб томонга қочади ва 1 март кўни Амударёнинг Чубек кечувида ўтиб, Афғонистонга қочади. Иброҳимбек эса Душанбе атрофида тўс-тўполон бошлангандан сўнг, демак бир ҳафта-ўн кун давомида воқеаларни кузатиб, тўполон тез орада босилмаслигига ишонч ҳосил

<sup>1</sup> Тожикистон ССР, Компартия архиви. Фонд №31, Опись № 1, Дело №68, 52-54 бетлар.

<sup>2</sup> Юқоридаги манба. 61 бет.

<sup>3</sup> Юқоридаги манба. 37 бет.

<sup>4</sup> Ўзбекистон ССР, КГБ архиви. Иброҳимбекнинг 577051-нўмерли жиноятномаси, 2 жилда, 56 бет.

қилгач, Болжувондаги қавмларини қора тортиб кетади ва у ерда бир ой хотиржам яшайди. Бир ой ичида амир Олимхонни Кобулда тўхтатиб қолишмаганда борми, у тўппа-тўғри бориб Ҳинд океанига ўзини ташлашдан ҳам қайтмасди. Рус қувватларидан шу қадар юраги ёрилаган эдики, уларнинг қўлига тушгандан кўра, Баҳри муҳитга чўкиб ўлишни афзал биларди!

Афандим, бир қарашда арзимасдек туюлган воқеага нима учун «ёпишиб» олганининг сабаби бор. Мен бунда амир Олимхоннинг ёлғончилигини исботламоқчи эмасман. Мен қатъий ишонаманки, Иброҳимбек миллий мужодала жабҳасига амирнинг қандайдир кўрсатмасини бажариш учун қирмайди. Балки, ўзининг исломий ва фуқаролик бурчини — юртни, ор-номусни босқинчилардан ҳимоя қилишдир, деб билгани учун қўлига қурол олади. Иброҳимбек исломдан бошқа эътиқодга иймон келтира олмасди. Иброҳимбек Лақайистондан бошқа юртда яшай олмасди (у 1931 йили ўз юртида ўлиш учун Лақайистонга қайтиб келади). Хуллас, Иброҳимбек жиҳодга маҳкум этилган эди. Оллоҳи карим унга бу дунёдаги энг улуғ рутбаи шаҳодатини — шаҳидликни ҳозирлаб қўйган эди ва Иброҳимбек Оллоҳнинг энг суюмли бадаларига насиб этадиган рутбаи шаҳодатга ноил бўлади: охир-оқибат кофир болшевиклар қўлида шаҳидликни бажо келтиради.

Иброҳимбекнинг нияти улуғ эканини, беғараз эканини Анвар пошо сезади, ич-ичидан ҳис қилади. Афсуски, аъмолию эътиқоди, феъли-хўйи бир-бирига мос келадиган инсонлар мислсиз ғовларни енгиб ўтганларидан кейингина бир-бирини тушунади ва бир-бирига меҳр қўяди, бири-бирини ҳеч қачон йўқотмайдиган бўлиб топишадилар. Надаматлар бўлғайми, Анвар пошо билан Иброҳимбек фоний дунёда бир-бирларини тополмадилар. Иншоолоҳ, дорилбақода — Оллоҳи карим улар учун ҳозирлаб қўйган беҳишда бир-бирларини абадий йўқотмас бўлиб топишгайлар!

Анвар пошо Кўктошда «меҳмон» бўлиб турган кезлари Иброҳимбек битта беғараз маслаҳатчига буюк эҳтиёж сезади. Афғонистондан келаётган мактубларда деярли тўғри йўл кўрсатилмайди. Лекин, Файзиобод депарасида ҳаракат қилаётган Шомироҳур исми қўрбоши Иброҳимбекка бирдан-бир жўяли маслаҳат беради. Мактубда сана кўрсатилмаган бўлса-да, аммо бу ҳужжатга изоҳ ёзган Партархив ходими: «Шарқий Бухорога Анвар пошо келган 1921 йилга алоқадор хат», деб эътироф этади. Менимча, ходимнинг эътирофи жонли.

«Пушти паноҳим, эшитдингизми, ислом душманлари — руслар Душанбени тарк этдилар. Улар Миршодига боришиб, яна орқаларига қайтишди. Бу ҳақда бойсунлик Олимжон худайчи хабар берди.

Ҳисордан ўқ-дори, қурол-яроқ олиш масаласи бизга маълум.

Пушти паноҳим, сиз Анвар пошо тўғрисида ёзган экансиз. Анварбой — буюк инсон: малакали мутахассис, олим. Пушти паноҳим, сиз унинг қўнғига йўл топишингиз лозим. Ундан кўп ишларни, уруш усулларини, ҳарбий таълимни ўрганиш керак!».

Маълумки, Анвар пошо Шарқий Бухорога отланиши билан Бухоро республикасининг президенти Усмонхўжани бу тўғрида огоҳлантирган эди. Усмонхўжа Термиздаги милиция қувватларининг қўмондони Ҳасан афандига Анвар пошони муносиб кутиб олиш ҳақида топшириқ бериб, ўзи Ҳарбия нозирининг муовини Али Ризо билан тўхтовсиз Душанбега йўл олади. Афтидан, у Бухорода Москвадан юборилган раҳбарлардан иборат Диктаторлик Комиссияси тузилганидан ва Бухоро миллий ҳукумати барча ваколатларидан маҳрум этилганидан воқиф бўлади. Шу боис ўз ихтиёридаги 800 нафарга яқин миллий қувватлар воситасида Душанбени рус аскарларидан тозалашга ҳаракат қилади. Бу Усмонхўжанинг жон аччиғида бошлаган сўнгги чораси эди. Усмонхўжа афанди Файзулла Хўжа каби руслар нима деса қўл қовуштириб турадиган мансаб бандаси эмасди. Балки, ориятли инсон эди.

Иброҳимбекнинг кўрғазмаси:

«Анвар пошо Кўктошда асирликда турган кезлари Душанбега мактуб йўллади. Усмонхўжа жаҳид қувватларининг бошлиғи эди. Унинг сафида турк зобитларидан Али Ризо, Сурайё афанди, Дониёл афандилар бор эди. Анвар пошо ўз мактубида, тезда русларга қарши кураш бошлангиз, агар русларни зудлик билан тор-мор этишни истасангиз, менинг сафимга қўшилингиз, деб тақлиф этди. Анвар пошо Душанбега мактуб жўнатгач, орадан кўп вақт ўтмай, менинг ҳузуримга Афғонистондан икки нафар чопар келди. Улардан биттаси — Аҳмадбек Бухорий бўлиб, Бухоро амирининг элчиси эди. Иккинчиси — Нурилло афғон бўлиб, Афғонистон амири Омонulloхоннинг элчиси эди. Улар Анвар пошога ҳам мактуб келтиришиб берди ва уни Кобулга тақлиф этдилар. Элчилар зиммасига юклатилган вазифа шундан иборат эди. Анвар пошо элчиларга: «Мен ҳеч қаяққа бормайман. Кобулда киладиган ишим йўқ. Бу ерда русларга қарши курашгани келганман», деб қатъий жавоб қайтарди. Ўша пайтда Душанбедан —

<sup>1</sup> Тожикистон ССР, Компартия архиви. Фонд № 31, Опись № 1, Дело № 68, 56 бет.

Усмонхўжа ва турк зобитларидан жавоб мактуби келиб қолди. Мактубда айтилишича, улар русларга қарши кураш бошлаган эдилар. Шу воқеадан сўнг мен Анвар пошонинг ҳақиқий Анвар пошоллигига ишонч ҳосил қилдим. Бу орада ўзимнинг ишончли одамларимдан ҳам Усмонхўжа ростакамига русларга қарши жанг қилаётгани тўғрисида маълумот олдим. Кейин йирик кўрбошилар иштирокида машварат чақирилди. Унда Лақайстондан ўзим, Дарвоздан Эшон Султон қатнашди. Анвар пошо ўз ниятларини қуйидагича баён этди: «Мен бу ерга мусулмонлар манфаатини ҳимоя қилиш учун келганман. Рус босқинчилари мусулмонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини оёқости қиляпти. Шунинг учун уларга қарши курашаман. Бухоро тахтига даъвогар эмасман. Бухоро дохилиндан руслар хайдаб чиқарилгач, амир Олимхон яна ўз тахтини эгаллаши мумкин. Ўзим уни таклиф қиламан». Анвар пошо шундан сўнг жамики ислом лашкарининг Олий кўмондони деб эълон қилинди. Мен ҳам унинг ихтиёрига ўтдим. Афғонистондан келган элчилар Аҳмадбек ва Нуридло ҳам машваратда қатнашди. Анвар пошо Олий кўмондон деб эълон қилингач, улар пошодан хат олишиб, Кобулга қайтиб кетдилар. «Агар Омонulloхон ростдан ҳам мусулмонларнинг ҳимоячиси бўлса, у зудлик билан менга ёрдам юбориши керак», деб ёзган эди Анвар пошо ўз мактубида.

Анвар пошо билан Иброҳимбек ўртасида омонат суҳб тузилади.

Икки буюк мужоҳид ўртасидаги муносабат ниҳоятда мураккаб кечади.

Афандим, кейинги мактубимда сабаблар ва баҳоналар тўғрисида фикр юритилади.

## ЎН БИРИНЧИ МАКТУБ

Афандим, биз Анвар пошонинг Шарқий Бухородаги фаолиятини юқори табақага мансуб ижтимоий қатламлар доирасида ўрганишимиз. Ҳар қандай ижтимоий тўфон, инқилоб пайтида бўлгани каби Бухоро инқилоби даврида ҳам ижтимоий табақаланиш авж олган эди. Албатта, ҳар бир табақа, гуруҳ халқнинг маълум бир қатламининг, синфининг манфаатини ифода этарди. Яъни, сиёсий табақаларнинг ижтимоий илдизи бор эди. Зеро, ижтимоий асосга эга бўлмаган ҳар қандай сиёсий гуруҳ ёки фирқа (хатто у ўзининг сиёсий қиёфасига эга бўлса ҳам) ўлимга маҳкумдир: фирқалар ижтимоий ҳаётдан озикланиб туриши керак. Бухоро дохилинда, шартли равишда, қуйидаги фирқалар мавжуд эди:

Русия болшевикларининг ишғол қувватлари.

Ҳокимиятпараст ёш бухороликлар (Файзулла Хўжа раҳбари).

Миллатпарвар жадидлар (Усмонхўжа раҳбари).

Конуний ҳокимиятнинг (шартли равишда, амир ҳокимиятининг тарафдорлари, дейиш мумкин) тарафдорлари бўлмиш мужоҳидлар.

Турк олами манфаати учун курашаётган жадидлар (Анвар пошо раҳнамоси).

Уларнинг ижтимоий озуқа манбалари қуйидагича:

Рус ишғол қувватлари Марказий Русия ҳукуматига суюнади.

Ҳокимиятпараст ёш бухороликлар русларнинг ишғол қувватига суюнади.

Миллатпарвар жадидлар усмонли турк зобитлари кўмондонлик қилаётган маҳаллий милиция қувватларига суюнади.

Мужоҳидлар маҳаллий халққа суюнади.

Анвар пошо миллатпарвар жадидлар билан мужоҳидлар қувватига суюнади.

Миллатпарвар жадидлар қулай фурсат бой берилгач, кечикиб мужоҳидлар билан ҳамкорлик қилишга киришади. Мужоҳидлар эса миллатпарвар жадидлар билан ҳамкорлик қилишни мутлақо истамайди. Чунки, улар жадидларга ишонмайди.

Анвар пошо миллий мужодала жабҳасини ягона мақсадга — рус ишғол қувватларига қарши курашга сафарбар этмоқчи бўлади. Фақат шундагина Шарқий Бухоро дохилиндаги халқларни жисмонан ва маънан маъв этилишидан сақлаб қолиш мумкин эди.

Рус ишғол қувватларига фақат мужоҳидлар ростакамига қаршилик кўрсатишга қодир эди. Негаки, уларнинг ижтимоий асоси — халқ эди. Бироқ, тарқоқ ҳолда ҳаракат қилаётган мужоҳидлар онгсизлиги туфайли ўзининг илдизига болта урмоқдан ҳам қайтмасди (Қободиён оқсоқолларининг нажот сўраб Иброҳимбекка мурожаат этганини мисол тариқасида келтирган эдим).

Хўш, халқ мужоҳидларни қўллаб-қувватлармиди?

Албатта, халқ мужоҳидларни қизгин қўллаб-қувватлайди: одамлар мужоҳидларга қўлдан келганича мадад беради. Масалан, 1921 йили кўрбошилар томонидан тузилган рўйхат ҳам шундан далолат беради.

«Зиё домулло гувоҳлигида Қори Ражаб Саид билан Отахон ҳожи тарафидан тўпланиб, лашкарбошига тақдир этилган буюмлар рўйхати:

1 дона ёстик жилди, 3 дона камзул, 6 дона ойнахалта, 1 дона қатта кўзгу, 3 дона кичкина кўзгу, 4 дона чойнак, 10 дона пиёла, 1 дона болдоқли пиёла, 3 дона дастурхон.

1 дона коса, 5 дона сопол чархи, 4 дона оштовок, 1 дона оқ кигиз, 1 дона чақмоқ тош, 2 дона жул, 1 дона хуржун, 4 дона мис лаган, 6 дона аёлларнинг шойи кўйлаги, 3 дона чит кўйлак, 3 дона янги ички иштон, 5 дона катта рўмол, 3 дона дуррача, 0.5 бўлак газлама, 16 газ бўз газлама, 11 газ чит газлама, 3 кийимлик олача, 11 дона тақя (лақайи дўппи), 3 дона пичок, 3 дона кичкина пичок, 1 дона кичкина тўппонча, 176 дона бухорий танга, 6 дона милтиқ, 2 калава ип, 3 сават ноқ, 1 дона ойнахалта, 1 дона зулфин, 2 дона маржон, 3 ўрам ип, 2 дона тило узук, 2 дона кумуш уқа, 1 дона ангишвона, 4 дона катта чопон, 1 дона чит чопон, 1 дона янги паранжи, 1 кийимлик адрас, 1 кийимлик атлас, 1 дона арава, 5 дона китоб, 1 дона Куръони карим, 1 жуфт калиш, 2 дона жойнамоз, 2 дона тилло балдоқ, 3 дона чопон, 3 қадоқ шакар, 3 қоп бодом, 1 дона узук, 225000 сўм пул, 600000 сўм эски қороз пул, 1 кути бўёк, 1 қоп қанд, 2 дона дастурхон, 1 парча дока, 10 қадоқ чой, 1 дона мис товок, 1 дона мис чойнак, 3 дона бузук соат, 2 дона ёстиқ жида, 1 жуфт дастурхон, 2 дона чойқошиқ, 3 дона самовар, 3 дона пичоқча, 4 дона чойнакча, 1 дона обдаста, 3 дона чойхалта, 1 газ парча, 1 дона дўппи, 1 дона пўстак, 2 дона шойи пашшахона, 3 дона қайчи, 4 дона қуф, 3 дона сопол идиш, 2 дона паншаха...<sup>1</sup>»

Архив ҳужжатларида кимлар нималар ҳада этгани тўғрисида ўн саҳифадан ортиқ давом этган рўйхат бор. Рўзгор буюмлари Кўктош, Болжувон, Саройкамар, Қўрғонтепа, Жиликўл туманларининг аҳолисидадан тўпланган. Бу туманларда лақайлар, тожиклар, қорлуқлар, туркманлар, қозоқлар, қирғизлар, қўнғиротлар, дўрмонлар ва бошқа турк қавмлари истиқомат қилишарди. Улар рўзгор буюмларини мужоҳидларга ўз ихтиёрлари билан ҳада қилганини оддий «ангишвона»дан ҳам билиш мумкин! Агар ўз ихтиёри билан ҳада қилишни истамасалар жимитдек ангишвонани яшириб қўйиши ҳеч гап эмасди. Лекин, юпун ҳаёт кечирадиган оилалар рўзғоридаги пулга чақса бўладиган ҳамма нарсани мужоҳидларга тортиқ қилади.

Бир сўз билан айтганда, афандим, Шарқий Бухорода миллий мужодала халқ ҳаракати шаклини олган эди. Эндиги вазифа — бу ҳаракат самарасиз бўлмаслиги учун барча миллий қувватларни бирлаштирмак, ягона қўмондон остида курашни давом эттирмак лозим эди. Бироқ, миллий кучларни бирлаштирмак ниҳоятда мушкул эди. Бунинг ўзига хос ижтимоий сабаблари бор. Турк қавмлари тарқоқ ҳолда ҳаёт кечиради: ҳатто баъзи қавмлар тугал ўтроқлашмаган бўлиб, чорвачилик билан шуғулланарди. Қавмларнинг ўтроқлашган уруғлари ўртасида эса унумдор ер, сув, яйлов учун тинимсиз кураш кетарди. Айниқса, тоғларда яшайдиган тожиклар билан тоғ олди депараларида яшайдиган лақайлар ўртасида тез-тез қонли тўқнашувлар рўй бериб турарди. Ҳаттоки, асосан тожиклар истиқомат қиладиган Қоратегин вилоятининг номи ҳам лақайлар билан тожиклар ўртасидаги тўнашувларга боғлиқлиги тўғрисида ривоят тўқилган. Эмишки, қувват жиҳатдан устун бўлган лақайлар ғармий тожикларни тоғ тепасига ҳайдаб чиқаришиб, қояда ўсган юз йиллик дўғдана (дўлана) шохига битта пишиқ арқонни ечилайдиган «қоратугун» («кўртугун» ҳам дейилади) қилиб боғлаб қайтишади ва тожикларни огоҳлантириб қўйишади: «Мана шу қоратугундан пастга тушмайсанлар! Пастга тушсаларинг, биздан ўпкаламайсанлар!» Кейин вақти-вақти билан лақайлардан бирорта кўриқчи юборилиб, ўша «қоратугун» арқонни текшириб келар экан: агар арқон жойида турган ва тожиклар ҳам «чегара»дан пастга ўтмаган бўлсалар, уруш-жанжалсиз яшайверар эканлар. Мабодо, тожиклар ўша қоратугундан пастга эниб келсалар борми, яна тўқнашув бошланиб кетаркан... Бориб-бориб, лақайлар инсофга келишиб, «қоратугун»нинг пастроғига тушишга рухсат беришади ва тожиклар яшайдиган ўша депара «қоратегин» номини олади. Яъни, қора тугуннинг таги, деган маънода «Қоратегин» деб аталиб келади. Дарҳақиқат, Қоратегин туркча сўз бўлса-да, лекин ўша депарада асосан тожиклар яшайдилар. Демак, ривоятда жон борга ўхшайди.

Боз устига, Қоратегин тожиклари билан лақайлар ўртасидаги азалий зиддият, айниқса, миллий мужодала даврида Иброҳимбек билан Фузайл Махсум ўртасидаги муносабатларда, келишмовчиликларда яққол билинади.

Амир Олимхон ҳукумати ўз тасарруфида яшайдиган қавмлар ўртасидаги нифоқни бартараф этиш ўрнига, баттар авж олдирарди. Масалан, 1885 йили Кўлоб вилоятида бошланган Восе бошчилигидаги деҳқонлар кўзғолонини Бухоро амири лақайларнинг қувватлари билан бостиради ва Шарқий Бухоро қавмлари ўртасига душманлик уруғини сочиб ташлайди.

Архив ҳужжатларида маҳаллий қўрбошилар ўртасида кескин нифоқ мавжудлигини яққол кўрсатадиган маълумотлар жуда кўп. Ўшалардан айримларини эътиборингизга ҳавола қилмоқчиман, афандим.

«Файзиобод мужоҳидларининг қўрбошиси Фаюрбек зоти олиёларига!»

Маълумингизким, менинг одамларим ўзимизга керакли озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш учун Файзиобод, Нурек бозорларига бориб турадилар. Сизнинг

<sup>1</sup> Тожикистон ССР, Компартия архиви. Фонд №1, Опись №1, Дело № 361, 7-8 бетлар.

аскарларингиз эса уларнинг йўлига ров бўлишяпти, хафа қилишяпти, хўрлашяпти, зуғум ўтказишяпти. Яқинда Қулон депарасидаги аскарларингиз менинг хизматкорим бўлиши Устахўжани ўлдиришди. Жасад хуржунидан битта соат, узук, 80 бухорий танга, 60 сўм қоғоз пул, 15 газ чит газлама, 1 кийимлик ҳисорий мовут, бир дона шоҳи рўмол, 1 қути инглиз чойи, 46 ўрам калава ип талон-тарож қилинган. Ушбу мактубни олишингиз билан таланган буюмларни қайтариб юборишингиз лозим. Иккинчидан, қотиллик бўйича махсус текшириш ўтказиб, айбдорларни жазолашингизни талаб қиламан. Умидим шулки, натижалар тўғрисида маълумот юборасиз.

Хурмат билан, Абдуллабек (муҳри босилган)<sup>1</sup>.

Хундор қўрбошилари мурасага келтириш ҳам Иброҳимбекнинг вазифаси эди, албатта. Чунки у пайтларда адолатнинг ягона мезони — куч ҳисобланарди.

Қўрғонтепа вилоятининг овлоқ қишлоқларида истиқомат қиладиган аҳоли номидан мурожаат қилган оқсоқоллар маъмурий бошқарув масаласида ҳам бевосита Иброҳимбекнинг маслаҳатига муштоқ бўлиб туришди:

«Саройкамарнинг катта-кичик халқига, амалдорларига, оқсоқолларига маълум бўлсинким, Одам мирохўр билан Бўронбой вилоятимиз доҳилинда закотчи этиб тайинланди. Улар Давлатмандбий ва Мулло Камол бийларнинг хоҳиш-иродасига биноан шу вазифага тайинланди. Иброҳим қоровулбеги ва Абдуқайюм тўғсабодан ҳам шу масала юзасидан мактуб олдиқ — улар ҳам розилик беришди... Биз илгари Қўрғонтепа вилоятга қарардик. Ҳозир эса кимга қарашимизни ҳам билмаймиз. Ҳолатимизни аниқлаштириб берилишини сўраймиз<sup>2</sup>».

Ҳартугул, Иброҳимбек маъмурий масалалар билан ҳам шуғулланиши лозим эди. Мактуб ёзилган пайтда у «қоровулбеги» даражасида бўлиб, ҳали қамровдор ваколатга эга эмасди. Аммо, мужодала жабҳасида нуфузли зотлар сирасидан ўрин олганди: унинг номи амир даврида ҳам Болжувон беки бўлган Давлатмандбий билан бир қаторда тилга олинаётгани бежиз эмас.

1921 йилнинг 22 декабр кuni Душанбе шаҳридаги рус қувватларининг қўмондони (имзоси ноаниқ), Шарқий Бухорони бошқариш бўйича тузилган Диктатор Комиссиясининг аъзоси (имзоси ноаниқ), Қароргоҳ бошлиғи Коротковлар музокара бошлаш масаласида бевосита Иброҳим қоровулбегига, Абдуқайюм тўғсабога, мулло Мухаммад Ёқубга мурожаат этадилар:

«Руслар сизларнинг ишларингизга аралашмайди. Сизлар ҳам бизни русларга қарши урушишга гиж-гижламанглар. Аввало, биз ўзимизнинг ўртамиздаги келишмовчиликни ўзимиз ҳал қилиб оламиз. Биз сизлар билан музокара юритишга қарор қилдик. Бундан ташқари, таклифимиз — агар мумкин бўлса, Муҳиддин Ҳожи билан бирга келинглр. Биз рус консули иштирокида машварат қилиб, умумий қарор қабул қиламиз. Ҳеч нарсадан хавотирланмасдан келаверинглр! Сулҳ тузиб, ўртамизда давом этаётган беъмани урушга чек қўямиз<sup>3</sup>».

Иброҳимбек бу таклифномани олган пайтда Анвар пошо Қўктошда уй қамовида сақланарди.

Тахминан, ўша пайтлари Кобулдан хушхабар келади: «Оллоҳ ва зоти олийлари олдидаги хизматларингиз беқиёсдир. Яқинда ҳисоботингизни олдиқ. Кўрсатган жасоратларингиз учун сиз «бий» унвони билан, «Асадуллобек эса «мирохўр» унвони билан мукофотландиларинг! Бундан буён давлатпаноҳнинг мурувватлари бошингизга ёғилаверади<sup>4</sup>», деб ёзади амирнинг яқин маслаҳатчиси.

Худди ўша кунлари Кобулда турган йирик амалдорлар Иброҳимбекка шахсий илтимос билан мурожаат қиладилар.

«Орзиқиб кутганимиз Асадулло қоровулбеги, ниҳоят, Раббиуссони ойининг 24 кuni сизнинг ҳисоботингизни Кобулга олиб келди. Менинг номимга йўллаган мактубни ҳаққингизга дуолар ўқиб мутлоаа қилдим.

Қоровулбеги уч-тўрт марта зоти олийларининг қабулида бўлди. Мусулмон лашкаридан иборат мадад кучлари юборилишини сўраб ёзган илтимосномагиз муносабати билан зоти олийлари ўз қўллари ила Афғонистон амирига мактуб йўллади. Тақсир, Душанбеда эришган ғалабангиз таҳсинга сазовордир! Эшитишимизга қараганда, руслардан, жадиждлардан жуда катта ўлжа олибсиз. Агар мумкин бўлса, Мир Оталиқ, Мир Каттабек бий, Қўрғонтепа ҳокими, Мир Обидбек сардор, дастурхончи, Қори Раҳим, Мирзо чўлоқ, Қиличбек мирзо, Салимбек девонбеги, Мирзо Абдулкарим қоровулбеги, Мирзо Махсум тўғсабо, Мирзо Асом, Мир Қори Муҳиддин мирохўр, Ҳожи Маҳмуд, Сарихожи, Асрор мирохўрлар тўғрисида ёзиб юборсангиз. Уларнинг қай бирлари тирик, соғ-саломат эканини аниқлаб берсангиз.

<sup>1</sup> Юқоридаги манба. 30 бет.

<sup>2</sup> Юқоридаги манба. 42 бет.

<sup>3</sup> Юқоридаги манба. 50 бет.

<sup>4</sup> Юқоридаги манба. 45 бет.



Тақсир, яна қуйидаги зотлар тўғрисида ҳам аниқ маълумотларни ёзиб юборасиз деган умиддаман: Пўлат эшиковабоши, Мирзо Исматулло туғсабо, Ҳожи мирохўр, Аҳмадҷон мирохўр, ёвонлик Мулло Имомназар мирохўр, Уста Олим мирохўр, файзибодлик Мирзо Абдулқодир мирохўрлар.

Абдуҳаким бий, додхоҳ, дастурхончи (муҳри босилган).

Мир Маҳмудбек бий (муҳри босилган),

Абдуллабек бий (муҳри босилган),

Мир Фаттоҳбек бий (муҳри босилган),

Мирзо Баротбек бий, додхоҳ (муҳри босилган)<sup>1</sup>.

Мақтуб аввалида қайд этилишича, Иброҳимбекнинг муовини бўлмиш Асадулло Кобулга борган пайти «қоровулбеги» эди. Демак, бир неча кундан сўнг амир Олим уни «мирохўр» унвонин билан мукофотлайди.

Демак, Иброҳимбекнинг зиммасига «бедарак йўқолганлар»ни топиш масъулияти ҳам юкланяпти.

Унвонлар тўғрисида. Амир Олимхон Шарқий Бухоро доҳилинда ҳаракат қилаётган кўрбошиларга хотамтойлик билан унвон улашади. Чунки бу унвонга сазовор бўлган шўринг курғур мужоҳидлар ёрликдан бошқа ҳеч нарсага эга бўлмасдилар: агар амир ҳукумати мавжуд бўлганда эди, «додхоҳ» ёки «туғсабо»га хазинадан бир йилда олти минг сўм маош ажратиши шарт бўларди. Амир муҳожирликда бўлгач, ўз-ўзидан равшанки, унинг унвонлари ҳукумат зиммасига ҳеч қандай масъулият юкламади...

Умуман, аниқлашимча, Туркистон хонликларида ҳарбий унвонлар қуйидаги тартибда қимматли ҳисобланарди:

1.Тўпчибоши — генералиссимус. 14-даража.

2.Девонбеги — маршал. 13-даража.

3.Парвоначи — тармоқ маршали. 12-даража.

4.Иноқ — армия генерали. 11-даража.

5.Мир — генерал полковник. 10-даража.

6.Бий — генерал лейтенант. 9-даража.

7.Додхоҳ — генерал майор. 8-даража.

8.Туғсабо — полковник. 7-даража.

9.Мирохўр — подполковник. 6-даража.

10.Қоровулбеги — майор. 5-даража.

11.Жевачи (жибочи) — капитан. 4-даража.

12.Юзбоши — катта лейтенант. 3-даража.

13.Эликбоши — лейтенант. 2-даража.

14.Ўнбоши — кичик лейтенант. 1-даража<sup>2</sup>.

Кўриниб турибдики, Иброҳимбек (қоровулбеги) 5-даражадан бирыўла 9-даражага (бий) кўтарилиб кетади! Албатта, бундай юксалиш ҳар қандай одамнинг бошини айлантириб қўйиши мумкин.

Майли, Иброҳимбекнинг шахсий фазилатларини бир четга қўя турайлик.

Юқорида келтирган мисоллардан ҳам маълум бўляптики, Иброҳимбек нафақат ҳарбий-сиёсий муаммоларни, айна пайтда маиший турмуш масалаларини, ҳатто Шерлок Холмсга ярашадиган «изтопарлик»ка даҳлдор вазифаларни ҳал этиши лозим эди. У Шарқий Бухоронинг нафас олишига қулоқ тутиб, касални аниқлаши ва даволаши керак эди. Албатта, Иброҳимбек ижтимоий муолажа усулларини бевосита «операцияхона»га кириб боргач, ўрганишга мажбур бўлди. Шу боис малака етишмаслиги табиий ҳолдир.

Иброҳимбек атрофида ҳам бирталай маслаҳатчилар, шотирлар бор эди. Уша шотирлару маслаҳатчиларнинг қариндош-уруғлари Афғонистонга муҳожирликка кетган эдилар. Шулардан бири — Иброҳимбекнинг маслаҳатчиси Бўрон бийдир. Унга акаси Афғонистондан ёзади: «Бу йил Афғонистонда қурроқчилик бўлди. Экиб қўйган буғдойларимиз куйиб кетди. Қисқаси, биз ҳозир тирикчилигимизни қандай ўтказишни, ҳам билмаймиз. От йўқ, мол-қўй йўқ. Битта байталиб бор эди. Уни ҳам ўғирлаб кетишди. Сиздан ўтиниб сўрайман, бирорта от топиб жўнатинг: харажатларимга оз-моз пул бериб туринг<sup>3</sup>». Албатта, Бўрон бий «оз-моз пул» масаласида Иброҳимбекка маслаҳат солади...

Бундан ташқари, Шарқий Бухородаги турк қавмлари ўртасида уруғчилик, айрмачилик — маҳаллийчилик кучли эди. Ҳатто Иброҳимбекнинг ўзи ҳам уруғчилик касалидан холи эмасди. 1931 йилнинг 25 июл куни ОГПУ қамоқхонасида тергов қилинган 51 яшар Азим марка Остонакул ўғли бундай кўргазма беради:

«Мен Иброҳимбекнинг рўзғор ишларини бажариб юрардим. Лекин ҳеч қачон Иброҳимбекнинг хазиначиси бўлмаганман. Биринчидан, саводим йўқ. Иккинчидан, ахир,

<sup>1</sup> Юқоридаги манба. 40 бет.

<sup>2</sup> А.И.Ишанов, «Создание Бухарской народной советской республики. 1920-1924 г.г», Тошкент — 1955 йил.

А.Л.Троицкая, «Каталог архива Кокандских ханов XIX века», «Наука» нашриёти, Москва — 1968 йил.

<sup>3</sup> Тожикистон ССР. Компартия архиви. Фонд № 1, Опись № 1, Дело № 361, 25 бет.

мен марка уруғиданман-ку! Иброҳимбек эса лақай қабиласининг Оксари шохидан. Афғонистонда Иброҳимбекнинг хазиначиси Азим турсабо Боймурод ўғли эди: у лақай қабиласининг Узден уруғидан. Ўрта бўйли, миқтидан келган, мош-гуруч соқолли, буюдйранг киши. Эллик ёшларда<sup>1</sup>».

Демак, «ёғли жойлар»га Иброҳимбек, биринчи гада, ўз уруғдошларини тайинларди. Бир ҳисобда шундай қилгани яхши: урсанг ҳам, сўксанг ҳам — суягидан ўтмайди. Бир-икки кун аразлаб юради-ю, кейин яна апоқ-чапоқ бўлиб кетади.

Нима бўлганда ҳам, Иброҳимбек халқнинг ичидан чиққан эди: амир ҳукумати назарида гўё 5-даражали амалдор ҳисобланса-да, ҳеч қачон халқдан ажралиб яшаманган (мавриди билан Иброҳимбекнинг 1920 йилга қадар тутган мавқеи тўғрисида гаплашамиз). Ҳисор халқи 1921 йилнинг куз фаслида Иброҳимбекка суяниб қолади. Иброҳимбек халқнинг нажоткори эди. Ўзи ҳам халқ дарди билан яшарди. Бошида минг битта ташвиши бор эди. 1921 йилнинг ноябр ойи охирларида Иброҳимбекнинг минг битта ташвиши ҳам бир тараф бўлади-ю, Анвар пошонинг ташрифи ҳам бир тараф бўлади. Уша воқеаларни ўн йилдан кейин — 1931 йили тергов чоғида ҳам икир-чикирлари билан эслашига қараганда, Анвар пошо билан учрашув Иброҳимбек ҳаётида ўчмас из қолдирган эди. Устига устак, ОГПУ қамоқхонасида Анвар пошо тўғрисида зўр ҳурмат билан кўрғазма беради: шаҳиди шарифнинг руҳи покини муқаддас деб билади.

Иброҳимбек Афғонистондан Анвар пошонинг шахсиятини тасдиқлайдиган мактублар, гувоҳлар келишини кутиб юрган кезлари Душанбеда фавқулодда ходиса бўй беради.

«Тахминан, 1921 йилнинг 22 декабридан 23 декабрига ўтар кечаси рус аскарлари қувватининг қўмондони Морозенкони, Комиссар Мухинни, Консул Нагорнийни Усмонхўжа, Али Ризо, Дониёлбеклар меҳмонга таклиф этадилар. Меҳмондорчилик пайти арақ ичилади, паловхўралик қилинади. Меҳмонлар ширакайф бўлишгач, чаккасига тўшпонча тиралади ва рус қувватларини қуролсизлантириш тўғрисида буйруққа имзо чектириб оладилар. Дарҳол Усмонхўжа, Али Ризо, Дониёлбеклар русларнинг 3-батальонини қуролсизлантиришга киришадилар. Бу жараёнда Дониёл ўз қувватлари билан эмас, балки Али Ризобек қўл остидаги қувватлар сафида иштирок этади. Бу жараёнда Дониёлнинг ёрдамчиси Макаров ҳам қатнашади. 3-батальон жангчилари гарнизон қўмондонининг буйруғини кўришгач, 120 дона милтиқни, 6 дона «Максимка» пулемётини, ўқ-дориларни, аслаҳа-анжомларни Али Ризо билан Дониёл ихтиёрига топширадилар. 3-батальон қуролсизлангирилгач, миллий ҳукумат вакиллари 2-батальон томон йўл оладилар. Бу пайтда тонг ёришиб қолган эди. Афсуски, 2-батальон жангчилари кечаси айбоқчилардан ҳамма гапни билиб олишган эди — шу сабаб миллий ҳукумат вакилларига қарата ўт очадилар. Ўртада жанг бошланиб кетади ва уч кеча-кундуз давом этади. Миллий ҳукумат вакилларининг режаси охиригача тугал амалга ошмай қолади.

Анвар пошонинг ҳамроҳлари бўлган Сами пошо ва Усмон афанди бир гуруҳ мужоҳидлар билан миллий ҳукумат қувватларига ёрдамга етиб келадилар: Иброҳимбек Анвар пошога Душанбега боришга рухсат бермайди. Мужоҳидлар Роҳати қишлоғида ўлжа олинган милтиқларни, ўқ-дориларни талашиб жанжал чиқарадилар. Низони Усмонхўжа ҳам қартираф этолмайди. Мужоҳидлар ўзбошимчалик билан миллий ҳукумат аскарларидан қурол-аслаҳаларни тортиб олади. Дониёлнинг аскарлари Сами пошо тарафга ўтиб кетади. Усмонхўжа, Али Ризо, Дониёл ўзларига содиқ қолган миллий ҳукумат қувватлари қуршовида Душанбени тарк этади. Улар 2-батальон жангчиларининг қаршилигини синдириб қочадилар. Хуллас, улар 800 нафарга яқин аскарлари билан Ҳисор туманидаги Метабон қишлоғига боришади; Кофирниҳон дарёси бўйлаб ҳаракат қиладилар.

Иброҳимбек бу вазиятда ўз аскарлари билан Кофирниҳонни кечиб ўтиб, Метабон қишлоғини қуршовга олади. Усмонхўжа, Али Ризо, Дониёл раҳбарлигидаги миллий ҳукумат қувватлари билан Иброҳимбек мужоҳидлари ўртасида кун бўйи қақшаттич жанг давом этади. Тунда эса Усмонхўжа тарафдорлари Боботоғ тараф чекиниб, Чайнар қишлоғига чиқиб кетадилар. Улар қурол-аслаҳаларининг асосий қисмини йўлда қолдириб қочадилар. Лақайлар ўлжани қўлга киритиб, Кўктошга қайтади.

Усмонхўжа билан Али Ризо ўз ихтиёридаги қувватлар билан Шаҳрисабз томонга йўл олишади. Улар билан жанжаллашиб қолган Дониёл эса 60 нафар аскар билан Сангардак тоғига чиқиб кетади.

Кўп ўтмай Усмонхўжа Шарқий Бухорони тарк этади — Афғонистонга муҳожирликка кетади<sup>2</sup>.

Ўша тарихий воқеа Партия архиви ҳужжатларида ҳам, бойсунлик Абдулла Ражаб

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР, КГБ архиви. Иброҳимбекнинг 577051-нўмерли жиноятномаси, 3-жилд, 218-219 бетлар.

<sup>2</sup> Тожикистон ССР, Компартия архиви. Фонд № 31, Опись № 1, Дело № 146, 128-129 бетлар.

афандининг «Туркистонда миллий мужодада» китобида ҳам атрофлича тасвирланган. Бу икки манбадаги рақамлар бир-бирига тўғри келмайди.

Биринчидан. Партия архивидаги ҳужжатда Душанбе воқеаси: «Тахминан, 1921 йилнинг 22 декабридан 23 декабрига ўтар кечаси бошланди», деб кўрсатилади. Абдулла Ражаб афандининг китобида эса: «1921 йилнинг 10 декабр оқшомида миллий ҳукумат вакиллари рус кўмондонлари шарафига зиёфат берди», деб кўрсатилади. Кун санасида 12 кун фарқ бор. Аввалги саҳифаларда келтирганимиз Душанбедаги рус қувватларининг раҳбарларидан Иброҳимбек номига йўлланган таклифномада эса «1921 йил 21 декабр» санаси кўрсатилган ва: «Руслар сизларнинг ишингизга аралашмайди. Сизлар ҳам бизни русларга қарши урушишга гиж-гижламанглар. Аввало, биз ўзимизнинг ўртамиздаги келишмовчиликни ўзимиз ҳал қилиб оламиз», дейилади. Яъни, улар Душанбе воқеалари бўлиб ўтганини эътироф этади. Менимча, Партия архивидаги ҳужжатда сана нотўғри кўрсатилган бўлса керак. Боз устига, унда муаллиф «тахминан» санани белгилаётганини алоҳида таъкидлайди. Биз учун Душанбе воқеалари қачон бошланганини аниқлаш шунинг учун ҳам зарурки, ўша сана маёқ ўрнида олиниб, Анвар пошо кун Кўктошда тўқунликда бўлганини аниқлашимиз мумкин. Ҳозирча тахминимиз бундай: Анвар пошо, чамамда, 20 ноябр куни Иброҳимбекка ўз ихтиёрлари билан таслим бўлади ва 15 декабрдан бир-икки кун олдин ё кейин, миллий ҳукумат қувватлари Душанбени ташлаб чиқиб кетишгач, Иброҳимбек томонидан озод қилинади. Демак, Анвар пошо бир ой чамасида асирликда яшайди.

Иккинчидан, Партия архивидаги ҳужжатда: «120 дона милтиқ, 6 дона «Максимка» пулемёти», ўқ-дорилар, аслаҳа-анжомлар миллий ҳукумат ихтиёрига топширилади», деб кўрсатилади. Абдулла Ражаб афандининг китобида эса: «Руслардан 18 дона пулемёт, 250 донадан ортиқ милтиқ, 28 қути ўқ-дори, ҳарбий асбоб-анжомлар мусодара қилинди», дейилади. Менимча, бу масалада битта манба мутлақо тўғри деб айтиш қийин. Чунки, руслар талофатни камайтириб кўрсатиш ва Москванинг вазабини кўзготмаслик учун бой берилган қуроллар сонини нотўғри акс эттириши турган гап. Мужоҳидлар қўлида кетган милтиқ ва пулемётлар ўрнини эса ўлжа олинган ва рўйхатларда қайд этилмаган қурол-аслаҳа ҳисобидан тўлдириб қўйиш мумкин эди. Бироқ, Абдулла Ражаб афанди келтирган рақамга ҳам тўлиқ ишониб бўлмайди. Негаки, Ҳисор экспедицияси таркибидаги русларнинг ишғол қувватларининг катта қисми 1921 йилнинг 15 август кун Шерқий Бухоро ҳудудидан олиб чиқиб кетилган<sup>1</sup>, Душанбеда доимий дислокация учун кам сонли ҳарбий бўлтак қолдирилган эди, холос. Агар 3-батальон тўлиқ таркибида, жанговар ҳолатда бўлса эди, унинг ихтиёрида 1044 нафар аскар, 1719 дона милтиқ ва 25 дона пулемёт<sup>2</sup> бўлиши керак эди. Ўз-ўзидан, мужоҳидлар ўлжа олган қурол-аслаҳа миқдори тўғрисидаги ҳар икки маълумот шубҳали экани маълум бўлади.

Учинчидан. Партия архивидаги ҳужжатда: «Улар билан жанжаллашиб қолган Дониёл эса 60 нафар аскари билан Сангардак тоғига чиқиб кетади», дейилади. Абдулла Ражаб афандининг китобида эса: «Туңда Усмонхўжа, Али Ризобек ўз қувватлари билан Шаҳрисабз томон жўнашга қарор қилдилар», дейилади. Аммо, Дониёлбек тўғрисида маълумот берилмайди. Ваҳоланки, Сангардак тоғи Шаҳрисабзга нисбатан бутунлай қарама-қарши йўналишда жойлашган. Демак, Бухоро миллий ҳукуматининг президент Усмонхўжага содиқ бўлган қувватлари орасида низо чиқиб, тарқоқлик бошланади. Бу дегани — Шерқий Бухоро доҳилинда рус ишғол қувватларига қаршилик кўрсатишга қодир бўлган ягона куч қолади: у ҳам бўлса, Иброҳимбек билан Анвар пошо ихтиёридаги мужоҳидлар қуввати бўлиши мумкин.

То Анвар пошо ўз ихтиёри билан Иброҳимбек қўлига асир тушиб, Афғонистондан тасдиқномалар, гувоҳлар келгунча ўзаро иттифоқ бўлишга Бухоро миллий ҳукумати тўғанок бўлиб турган эди. Энди ўша ҳукумат миллий мужодада сахнасида бутунлай тушиб кетади. Усмонхўжа тарафдорлари миллий ҳукуматнинг қонуний вакиллари сифатида қайта бош кўтармайди: уларнинг бир қисми Анвар пошо сафига қўшилса, бир қисми муҳожирликка кетади.

Демак, энди Анвар пошо билан Иброҳимбек иттифоқ тузиши мумкин. Мумкин эди. Ҳатто омонатгина иттифоқ вужудга келади. Афсуски, аъмолию эътиқоди, феъл-хўйи бир-бирига мос келадиган инсонлар мислсиз ровларни енгиб ўтганларидан кейингина бир-бирини тушунадилар.

Давоми келгуси фаслда.

<sup>1</sup> Юкоридаги манба. Дело № 67, 1-3 бетлар.

<sup>2</sup> Совет Армиясининг Марказий архиви. Москва. Фонд № 110, Опись № 3, Ед.хран. № 1142, 62 бет.



Фармон  
Худойбердиев

Кўнмал бир дам ором испайди

## Хурлик йўли

Катта йўлга бўлдим равона,  
Изларим ой кузатиб борар.  
Бошим узра мисли парвона,  
Қадамларим тузатиб борар.  
Манзилимиз бўлса-да йироқ,  
Хурлик йўли кўрмасин фироқ.  
Бахтимизга тўлин ой гувоҳ,  
Мангу ёнсин қалбларда чироқ.

## Юрак

Қиёсласанг олам сатҳига  
Шудринг каби митти бу юрак.  
Хар он турар берган аҳдида,  
Борлиққа кўз тутди бу юрак.  
Юрак шабнам каби мусаффо,  
Мисли осмон кўзни олади.  
Бунча гўзал, бунча дилрабо,  
У борлиққа қувонч солади.  
Шабнам ичра чексиз осмон бор,  
Юрак тонса дунё бўлар тор.  
Булбул янглиғ чертса созини,  
Чехраларда очилар баҳор.

## Мажнунтол

Уйимизнинг олдида бир жуфт  
Ошиқ каби турар мажнунтол.  
Сочларидан ҳалинчак ясаб,  
Чимилдиклар қураб мажнунтол

Икки ошиқ — Лайли, Мажнундай  
Ийманади сулув мажнунтол.  
Бири куёш, бири тўлин ой,  
Насиб этган уларга висол.

Шохларини кокилдай силаб,  
Қайноқ ўпич олади еллар.  
Жамолига шайдо бўлгандай  
Илдизларин ювади селлар.

Шамол ўйнаб, куёш чарақлар,  
Тебранади мажнунтол нафис.  
Мавжланади мовий денгиздек  
Дилга солиб аллақандай ҳис...

Ўн саккизга кирган малақдай  
Қирқ кокили белга тегади.  
Таъзим айлаб бири-бирига  
Астагина бошин эгади.

Ёмғир ёғса биллур балдоқлар  
Баргларида порлаб, жимирлар.  
Уй олдида икки мажнунтол  
Бир-бирига сирли шивирлар.

## Қиш

Уйкудадир чор-атроф, борлик,  
Оқ туш кўрар курраи олам.  
Қиш бобоси дур сочар кўқдан,  
Кўзи чакнаб, қувнар борлиқ ҳам.  
Дарё, ариқ, сойлар-да тиниб,  
Жамолига муз парда тортиди.

Баҳор келса нола қилай деб,  
Муз гумбазин елкага ортди.  
Чўллар, боғлар, қирлар, далалар  
Қор бағрига шўнғиб кетибди.  
Оппоқ либос кийган кекса тоғ  
Мағрур боши кўкка етибди.  
Киш қамчилар шиддат отини,  
Оқ пар тушди она тупроққа.  
Кўнгил бир дам ором истади  
Олам беланган чоғида оққа.

### Намозшомгул

Намозшомгул, сирларингни оч,  
Дилингда неки бор яширмагин, соч.  
Қуёш билан урушганмисан,  
Ё нур билан суришганмисан?  
Офтоб чиқса оламни безаб,  
Чаманзору даламни безаб,  
Ол юзингга чиммат тортасан,  
Ғам тошини дарҳол ортасан.  
Офтоб муҳаббатинг олдимини,  
Нурларидан кўзинг толдимини?  
Ё севгингга учкун эмасми,  
Ишқинг ўти шомда қолдимини?  
Сирларингни сувларга айтгин,  
Намозшомда ишқ бўлиб қайтгин.  
Тун ошиғи, тун гўзалисан,  
Ишқ рангига сен тўлиб қайтгин.

### Юрт фидолари

Ўтган шоҳлар, ўтган гадолар,  
Ўтган бағри куйган адолар.  
Эл ёдида мангу қолади  
Фақат юртга содиқ-фидолар.

Мен бағрингда куртақдек бўртдим,  
Тупроғингни кўзимга суртдим.  
Толеимга доим бўл омон,  
Ўзбекистон, эй она юртим.

### Тўртликлар

Эй қақнус юрагим, парвозга шайман,  
Вужудимни ёқиб оловга айлан.  
Инсонлар йўлини мангу ёритиб,  
Минглаб яхшиларнинг қалбига жойлан.

\* \* \*

Ўкинма ҳеч, ожизман дема,  
Ҳаёт — денгиз, биз унда кема.  
Қурашлардан иборат дунё,  
Ватанинг бор, асло ғам ема.

\* \* \*


Бир коса сув, парча нон керак  
Инсон нафсин қондирмоқ учун.  
Шундай экан, доим бўл зийрак,  
Бойлик деб умрни совурмоқ нечун?

\* \* \*

Бугун бир зум тинмайди қалам,  
Бахтдан ёзар, билмайди алам.  
Қалам бўлса агар қуёшим,  
Қоғоз бўлди бу чексиз далам.

Пастдаргом





Тошпўлат Аҳмад

Эзгуликнинг сувидан қадр  
ниҳоят юшай

### Бухорога етмоқлик учун...

Бухорога етмоқлик учун,  
Оқ тонгларин кутмоқлик учун,  
Унга сингиб кетмоқлик учун,  
Фақат орзу камлик қилади.

Бухоро — нур... Шафаққа она,  
Ҳар қаричи кутлуғ остона,  
Қучмоқ эрсанг, қуч ёна-ёна,  
Йўқса, туйғу камлик қилади.

Бунда ҳатто лайлақлар мулло,  
Ҳар юракка эш Каломулло,  
Тилда тақрор, «ё Аллоҳ, Аллоҳ!..»  
Буни еру осмон билади.

Бухорога ким етибди, айт,  
Унга сингиб ким кетибди, айт.  
Мен ҳам буткул қоришиб кетай,  
Тўлин ойдаё ёришиб кетай.

О, Бухоро, онажонгинам,  
Қадимийсан тарихлардан ҳам,  
Кошки эди сенга етолсам.  
Афсус, бунга менинг умриммас,  
Мангулик ҳам камлик қилади...

### Ассалом!

Осмонга учган одам эрта яна қайтади,  
Ерга оёқ қўйдими: «Ассалом», деб айтади.  
Ассалом деб айтмаса, оҳу зорлар ютади,  
Ерга кўзин тикканлар, сизга ассалом!

Биргина ширин сўздан кўнгилнинг кўнгли ўсгай,  
Эзгуликнинг сувидан қадр ниҳоли ўсгай,  
Бахилликнинг шамолин сахийлик кўли тўсгай,  
Меҳр гулин экканлар, сизга ассалом!

Илми борнинг илмидан юлдуз бағир очади,  
Ҳақгўйнинг каломидан ҳақ сўз наҳр очади,  
Кимки Қуръонхон эрса, шайтон ундан қочади,  
Жаҳолатни букканлар, сизга ассалом!

Оналар алла айтса, тушиб қуёш тинглайди,  
Оталар дуо этса, эриб тоғ-тош тинглайди,  
Қалбларини тигламанг, кўздаги ёш йиғлайди,  
Уларга тиз чўкканлар, сизга ассалом!

Устоз этагин тутган шогирд қачон хор бўлган,  
Ватаним деб ёнганлар қай замон ночор бўлган,  
Иймон туғин тутганга дунё қачон тор бўлган,  
Эл-юрт дардин уққанлар, сизга ассалом!

Ҳар дилга нур улашинг, завқ ҳилоли яшнасин,  
Ҳеч сўнмас кўр улашинг, бахт-иқболи яшнасин,  
Аҳмадийнинг жамоли ҳам камоли яшнасин,  
Жонга-жонни сукқанлар, сизга ассалом!

## Муножот

Улфати чор бўлиб суҳбат  
Қураркансан қилиб роҳат,  
Кўнгил боғинг айлаб хуфтон  
Чироқнинг ўчгани ёмон.

Қўлинг ошга етар чоғда,  
Тақдир гуллар тутар чоғда,  
Жисму жонинг ўртаб фиғон  
Омаднинг қочгани ёмон.

Дарё кечсанг сузиб-сузиб,  
Тўлқинларнинг авжин бузиб,  
Соҳилга етганинг замон  
Гирдобнинг қучгани ёмон.

Бегонани дўст фаҳмлаб,  
Дарду дилинг кўйсанг гуллаб,  
У бошинг ҳам бўлсин дебон  
Сирингни сочгани ёмон.

Номардга дуч келишдан қоч,  
Унга ҳамдард бўлишдан қоч,  
У зўр келса сотиб иймон  
Қасамлар ичгани ёмон.

Эй Аҳмадий, боғбонлик қил,  
Эл-юртингга посбонлик қил,  
Йўқса, ганим пайт пойлабон  
Яроғин санчгани ёмон...

## Хаёт фалсафаси

Бу дунёда кўп яшаган  
Кўп нарсани биларкан,  
Дейлик: ҳосид юрагига  
Қузғунлар ин кўяркан.

Ҳазаб келса, ақлу шуур  
Қочар экан миядан,  
Таъма кўрқиб юрар экан  
Андишаю ҳаёдан.

Саховатнинг юзи ёруғ,  
Шод боқаркан кўзлари,  
Қабоҳатнинг кўли қуруқ,  
Шувут экан юзлари.

Ифбат гулдай очиларкан  
Кўнгил деган боғларда,  
Қаҳр кулдай сочиларкан  
Меҳр сўнган чоғларда.

Нафаслари ичга тушиб  
Юрар экан миннатнинг,  
Қадди тоғдай юксаларкан  
Дийдаси тўқ ҳимматнинг.

Алқиссаким, бу дунёнинг  
Бош-охири ҳикматдир,  
Кимга гурур, кимга сурур,  
Афсус, кимга кулфатдир...

## Кипригинг-ла хокин ўп

Бухорога кирар бўлсанг, этингинни ечиб кир,  
Хаёлларинг шаффоф этиб, юрагингни очиб кир,  
Ҳар гардини кўзга суриб, соф тилагинг сочиб кир,  
Улуғларнинг руҳи сендан то абад рози бўлсин!

Бухорони кезар бўлсанг, иймонни ҳамроҳ айла,  
Нигоҳларинг шуур ёқсин, Қуръонни ҳамроҳ айла,  
Қадам боссанг, гуллар кўйгин, райҳонни ҳамроҳ айла,  
Бу саждагоҳ шаҳидларин гўрлари нурга тўлсин!

Бухорони севар бўлсанг, кипригинг-ла хокин ўп,  
Меҳробларин, равоқларин, гириҳларин, тоқин ўп,  
«Аллоҳ» сўзи нақш этилган гумбазлар хол-хатин ўп —  
Ки, бу Шариф юртнинг меҳри қалбингда муҳрлансин...





Мухтарама Туркой

Дарё дарё кунлим, дарё дарё оқ...



Қишлоқда бошқача отади тонглар,  
Қишлоқда ўзгача ботади куёш.  
Ойнинг шуълалари тушса жаранглар  
Ерга бағрин бериб ётган ҳар бир тош.

Қишлоқда майсалар қикирлаб кулар,  
Ниначини қувлаб шамол елади.  
Қишлоқ чуғурига ҳовлилар тўлар,  
Терак япроқлари қарсак чалади.

Келин бармоғидек нозик, серхусн  
Ишқомда ҳусайни узум ярқирар.  
Анорзор боғларда ўзгача фусун,  
Мусича боласин учурма қилар.

Кузнинг таровати, файзи бошқача,  
Жаннатга ўхшайди она қишлоғим.  
Бунда табарруқдир чўлдан толгача,  
Тоти ўзгачадир суту пишлоғин.

Дехқону боғбони саховатпеша,  
Юртпараст ўғиллар туғар аёли.  
Гулпараст қизлари суюқ ҳамиша,  
Номусин асрайди Барчин мисоли.

Қишлоқда бошланар тўйлар ўзгача,  
Ёр-ёру ўланлар айтар момолар,  
Элтади энг олис дала-тузгача,  
Жарчининг овозин субҳи саболар.

Бугдой нон бўйидан яйрайди димоғ,  
Болалар қўлида оймома-кулча.  
Одамларин кўнгли пахтасидай оқ,  
Қалбларида меҳр очади гунча..

Қишлоқда бошқача отади тонглар...

...

Маъюс нигоҳларим — кўнглим кўзгуси,  
Армонларим — сўқир, орзуларим — гунг.  
Бахтим кошонасин унсиз бузгувси  
Умидсиз тонгларнинг кўксидаги мунг.

Кувончсиз, ҳайратсиз яшаяпманми,  
Ҳасрат китобини ёпмоқми қийин?  
Қирғоқдан дарёдай толаяпманми,  
Ё кўлдай қуримоқ қисмати тайин?

Туйғулар уммони музликка дўнди,  
Шафқатсиз ҳаётдан кулдим далливор.  
Ичимда пўртана, тўфонлар тинди,  
Оғриқни ҳис қилмам тиг урса ағёр.

Дўстнинг хиёнати-ёвуз ва золим,  
Муҳаббатдан қалбда қолмишдир куқун.  
Ишончнинг ўлими, о қандай ўлим,  
Кўз ёши, оҳ-фарёд, афғон не учун,!

Туннинг юрагини кулиб юламан,  
Сийратим — жасорат, сувратим — тоқат.  
Мен кулиб ўтаман, кулиб ўламан,  
Телбаман дардлардан тополган роҳат.



\* \* \*

Қани эди, айланиб қушга  
Енингизга боролсам учиб.  
Соғинч, армон дўнсаю тушга,  
Меҳрингиздан қонсайдим қучиб.

Афу айланг, мунис онажон,  
Боролмасам кўргани тез-тез.  
Ёшим қирқдан ошса-да, ҳамон  
Мени ўйлаб хавотирдасиз.

Қилолмасам сизга кўнгирик,  
Гоҳи ортиб дардим ўзимнинг,  
Кўзингиздан оқмасин булоқ,  
Вақти йўқ деб шоир қизимнинг.

Дейсиз: «Болам, ҳушёр бўлиб юр,  
Атиргулнинг ҳам тикони бор...»  
Онажоним, хавфу хавотир  
Қалбингизга солмасин озор.

Соғингандай буғдой нонини,  
Қадоқ қўллар тафтин соғиндим.  
Ялангоёқ юрсам, силовчи  
Тупроқ йўллар кафтин соғиндим.

Жуда-жуда соғиндим, она,  
Қишлоғимиз одамларини.  
Кузатолсам қанийди яна  
Чумолилар қадамларини.

Гулдан-гулга кўнган капалак,  
Боларилар яйраган макон  
Осмонида ёйдир камалак,  
«Чечак отам»<sup>1</sup> чорлайди ҳар он.

Қани эди, айланиб қушга,  
Енингизга боролсам учиб...

\* \* \*

Дарё кўнглим, кўлмак, кўлга айланма,  
Дунё дилим, ёт дунёга бойланма.  
Юрагимнинг оҳларидир- охулар,  
Бевафо ёр, сайд этмоққа шайланма.

Меҳрмас, ёр ситамлари эл бўлди,  
Ишонч уйи нурай-нурай гил бўлди,  
Туркойнинг кўз ёшлари сел-сел бўлди,  
Дарё кўнглим, тиниқ-тиниқ лойланма.

Дунё бозор-ғами раста-растадур,  
Жафо гули боқсам даста-дастадур,  
Ишқли қалбим шикастадур, хастадур,  
Ўлим барҳақ бу йўлда ҳеч ўйланма.

Умидим бир умри қисқа кунмиди,  
Бахт тонгини банди этган тунмиди,  
Кўздан оққан ашқимми ё хунмиди,  
Дунё дилим, ёт дунёга жойланма.

Қирмизи гул-муҳаббатнинг жафоси,  
Мен — Оллоҳнинг гўзал битта хатоси,  
Дардларимни айтсам йўқдир адоси,  
Дарё кўнглим, дарёдай оқ, сойланма.

Дунё дилим, ёт дунёга бойланма.

\* \* \*

Кўнглимнинг кимсасиз кўчаларида  
«Ўв» тортиб йиғлайди тентак шамоллар.  
Урмимнинг юлдузсиз кечаларида  
Кўксимга ёғилар оғриқ малоллар.

Шаҳарнинг ташвиши, қувончи ўзга,  
Унга ҳеч қишлоқи қалбим кўникмас.  
Сийратим дўнса-да шаҳарлик қизга,  
Дард эзар дилимни кўзга кўринмас.

Бегоналик ҳисси кемирар жоним,  
Ишонганим ишонч ўйимни бузар.  
Тошшаҳарда ризқим, ҳаёт маконим,  
Бахту бахтсизлигим мен билан тўзар.

Тупроқли йўлларни тушимда кўрсам,  
Болаликка қайтгим келади серфайз.  
Қадрдон ота уй хаёлин сурсам,  
Ошиқ кўнглим — Лайли, қишлоқ бўлур  
— Қайс.

Бир меҳрибон йўқдир, дардкаш йўқ менга,  
Қишлоқдан келолмас онам ҳол сўраб.  
Юрагим ёрилиб кетмайди нега,  
Ғамдан эриб битмас жигарим, ё раб!

Соғинчим кўшиққа айланур бешак,  
Ёлғизлик қасридан чиқаман қочиб.  
Мени маҳкам босар бағрига эртақ,  
Бахт кезар теграмда нурларин сочиб.

Унутаман барин гоҳида шундай,  
Ширин орзуларга бўламан йўлдош.  
Онамни соғингум қайда яшамай,  
Қишлоқи кўнглим ҳеч тортмайди юввош.

<sup>1</sup> «Чечак ота» қишлоқнинг номи



Сафар Оллоёр

Расмина кўбим қораманда

## Ҳаёт

Сенда мен мавжудман, менда эса сен —  
Кўпчилик қатори битта жонзотман.  
Ҳамма вақт бир зайл дилкаш эмассан,  
Шу боис гоҳ маҳзун, гоҳида шодман.

О, Ҳаёт!

Онамсан, меҳрибонлиқда  
Сендан илиқ тафтни топа олмасман.  
Шу қадар мушфиқу шундай шикаста  
Танти сийловларинг бор умримга тан.

Баъзида отамга ўхшатдим, рости  
Тарбият беришнинг йўлин биласан.  
Ушбу сиринг билган тўнка ҳам ўсди,  
Ҳолин билмаганим бир кун эгасан...

Сени кимим дейин: онамми, отам —  
Баъзан била олмай овора бўлдим?!  
Ота-онамга-да ғамхўр бўлсанг ҳам,  
Гоҳида кўкардим, гоҳида сўлдим.

Бир кун қучоғингда кезаман нолон  
Ва фақат ўзингдан кутаман нажот.  
Бўлсанг гар энг гўзал, энг собит жонон,  
Менда муҳаббат бор, сенда-чи, Ҳаёт?!

## Кутиш

Келмадинг-а,  
сени кутгандим —

Интиқ бўлиб кўзларим толди.  
Сукут сақлаб қушлар бўлди жим,  
Борлиқ эса қовоғин солди.

Тийрамоҳнинг тийра кўзлари  
Сабрим қадар мени кузатди.  
Сўнг нажоткор дўстим сингари  
Булут чак-чак сувин узатди.

Ширин эди бу сув нақадар —  
Чанқоқ дилга гўё учрашув.  
Ўшардию чиндан ҳам дилбар,  
Лекин висол эмас эди у.

Билмам, нега бундай деяпман,  
Балки алам қийнаётгандир.  
Балки бу дам само бағридан  
Эгам юпанч ато этгандир...

Келмадинг-а, сени кутгандим!

## Жилвагар

Аввал янгилик деб ўйлаган эдик,  
Зотан, янги эди илк таассуротлар.  
Сўнг билдик: кимга тик,  
кимгадир эгик,  
Кимдан салом кутар,  
кимдан ҳолотлар.

Бир гапни тўрт жойда тўрт хил айтади,  
Одамига қараб тусланаверар.  
Гоҳ айтган сўздан дарҳол қайтади,  
Баъзан оёқ қолиб, тил билан юрар...

Тариф тополмадим мен ҳам унга мос,  
Ҳеч ким билолмади уни ичидан.  
Заминдан осмонга айланди ноҳос,  
Одамга ўшарди кўринишидан.

## Соғинч изтироби

I

Бир улуг хиссиёт қамради дилим —  
Оромим йўқотиб,  
Туrolмадим тинч.  
То ҳануз не сабаб ётган эдинг жим,  
Кўнглимни забт эдинг, азизим, соғинч!

Олис қишлоғимда йўлим пойлаган  
Муштипар онам бор  
Менга интизор.  
Олти ой бўлибди бир бор кўрмабман,  
Ҳар эсга тушганда баҳона тайёр.

Ахир, онамасми кўнгилга ҳамдард,  
Фақат онамасми энг яқин инсон?!  
Мурғак вужудингга юқтирмаган гард,  
Улғайган бўлсанг-да, мудом меҳрибон?!

II

Жавонимни титсам,  
Ушбу чала шеър  
Чала баҳонага турар ўралиб...  
Эҳ, Соғинч! Кечиргин,  
Минг бора узр,  
Бугун шу қоғоздан кетдим уялиб.

Юрагимни ҳануз забт этгансан, чин,  
Ҳалиям ўшандай кўпдир баҳонам.  
Ҳалиям қишлоғим кутади вазмин  
Ва лекин,  
Минг афсус,  
Энди йўқ Онам!..

## Каптар

Катта ўйингоҳда бир каптар учар,  
Ўзгарар дам сайин,  
Дақиқа сайин.  
Болалар қийқирса осмонлаб кетар  
Қарсақдан куч олган санъаткордаин.

## Тирмашқоқ

У мудом интилди фақат олдинга,  
Ҳаракатда бордир баракат, деди.  
Бу иши шон-шуҳрат келтирди унга,  
Чиндан-да у бахтли, омадли эди.

Тезда ўт оларди умид учқуни,  
Ҳеч вақт кўринмасди унинг сояси.  
Тепага муттасил кўтарди уни  
Ҳаётнинг ҳар битта пиллапояси.

Назар ташлаб ҳар ён, этгандек орзу  
Чўнг чўққи бошига тирмашди илдам.  
Бироқ ярим йўлда ҳайрон қолди у,  
Тушиб келар эди кимдир чўққидан!..

## Айро йўл

Саратоннинг сеҳри беқиёс,  
Кетар эдим куннинг тиғида,  
Ногоҳ кўрдим, турардинг қийғос  
Ора йўлнинг  
айролиғида!

Севолмасанг гуллама, дилдор,  
Расминг кўзим қорачиғида...  
Мен изладим сени неча бор  
Айро йўлнинг  
оралиғида...



## Дикоялар



Тилаб Маҳмудов

### Чўқай полвон

Катта Фарғона қурилишининг Куйганёр қишлоғида иш қизғин эди. Аввал канал қазилди, кейин ҳамма Куйганёр тўғонида чумолидай ёпирилди. Кечқурунлари Беркинбой Файзиев самоварига одам сизмас эди. Йўғон гавдали, енгини шимариб, чаққон-чаққон ҳаракат қиладиган Беркинбой аканинг «келгинди»лигини ҳеч ким билмас, таниганлар уни андижонлик деб ўйлар эди. Ўзи ҳам буздан оғиз очмайди.

Аслида Бўстонлиқнинг Хумсон қишлоғида туғилиб ўсган Беркинбой ака «қулоқ» бўлиб қамалиб кетишидан кўрқиб Андижонга қочиб келган. Андижонда уйланиб, баланд пардада ашула айтишда олдига ҳеч кимни туширмаган ҳофиз сифатида танилган. Беркинбой иягига ликобчани тираб авжга чиққанда унча-бунча ҳофизлар унга жўровоз бўлолмас эди. Беркинбойнинг ўпкаси бақувват бўлса керак, у билан тортишаман деган ҳофизнинг ичаги узилади, деб андижонликлар аския қилишарди.

Канал қазिशга Хумсондан ҳам бешта йигит — Ирисмат, Мадамин, Буварайм, Халил ва Муродлар келишган эди. Ҳамқишлоқлар бошқалар қатори Беркинбой ака самоварида чой ичишарди.

Усмон Юсупов, Йўлдош Охунбобоевлар келган куни Куйганёрда катта йиғин бўлди. Кимларгадир патефонлар беришди, тўн кийдириб, от миндиришди, қарсақ устига қарсақ, қийқириқ устига қийқириқ бўлди. Ярим кечагача мой қуйиб турилган машғала атрофида ўйин-кулги, ашула, рақс бўлди. Раққосалар чарчаб, ҳофизлар дам олаётган пайтда аскиялар қизиди. Кимдир Усмон Юсуповга шипшитган чоғи у оқсоқоллар орасидан чиқиб гулханга яқинлашди-да, «Биззи Фарғонада қўлингни чўзсанг фақат чойнакка эмас, ҳофизга ҳам тегиб кетади, чойхоначи Беркинбой аканинг қаймоқдек кўк чойини ичиб маза қилдиларинг, энди памил чойдай овозини ҳам эшитайлик» деб қолди.

Одамлар гувури тинмасдан чеккароқда омонатгина қурилган ёғоч сўри четида ўтирган баланд бўйли Норқул Усмон Юсупов сўзини аскияга буриб юборди.

— Усмон ака, гапингиз тўғри, — деди у, — Беркинбой акани айтгайсизми, эшитишимизча охирги пайтларда чойхўрлар камайиб ҳофизнинг дами пасайиб, алаmidан чойнак қопқоғини шақиллатадиган одат чиқарган эмиш.

Ловуллаган даврада ярим соатча чойнак пайров бўлди. Бир чеккада навбат кутиб турган Беркинбой ака танбурни бир-икки чертиб ҳаммани ўзига қаратди-да, ашула айтишдан аввал Норқулни бир «узиб» олгиси келди.

— Усмон ака, — деди у, — чойнак қопқоғини шақиллатадиган одатим ҳам бор. Яна ўйланиб қолдим. Канал қазувчилар кўп. Шовқин-сурон. Чойга чақирсам кетмон-

белкурак шарақ-шуруғидан чойнак қопқоғининг шақиллашини ҳамма эшитмаслиги мумкин. Шу менга битта ёрдамчи Нортуя керак бўлиб қолди. Бўйнига чойнак қопқоғини осиб канал айлантурсамми дейман, Норкул шунга жуда мос келади-да!

Чапак устига чапак, қийқирик устига қийқирик, Сўридан сапчиб ўрнидан туриб яна бир нималар демоқчи бўлган Норкул Усмон Юсуповнинг «Энди хофиздан эшитайлик» деган маънодаги қўл ишорасидан сўнг қайта ўрнига ўтирди. Беркинбой Файзиеннинг тўлкинли овози Куйганёр узра селдай оқа бошлади.

Ўша куни хумсонлик йигитлар ўз чайласига кетишмади. Беркинбой Файзиен деган ҳамқишлоғи борлигини эшитган бўлсалар ҳам ўзини кўришмаган эди. Мана, бутун ўз кўзлари билан кўришди, ўз кулоқлари билан эшитишди. Қандай қилиб унинг олдига боришни, танишиб «биз ҳам сизнинг қишлоғингиздан бўламиз, Беркинбой ака», деб қўлини олишни билишмас эди. Хумсондан кетиб қолганига анча йил бўлган Беркинбой ака ҳам йигитларни танимагани учун эътибор қилмас эди.

Ахийри, ичларидан довюракроғи бориб Беркинбой акани чақириб келди. Беркинбой ака «Хумсон» сўзини эшитиб, аввал кўзларини катта очиб ҳайрон бўлди, кейин йигитларни битта-битта бағрига босиб кўришди, ота-оналарини суриштирди. Лекин қовоғи ёришмади. Бир йигитчани чақириб, тезда гўшт қовуриб келишни буюрди. Қовурдоқ келгунча уч-тўрт чойнак чой ичилиб, Хумсон қишлоғидаги барча таниш-билиш, қариндош-уруғларни сўраб-суриштиргач, битта гап қилди: Сизлардан сўровим, — деди Беркинбой ака, — мани бу ерда кўрмадингиз, ман ҳам сизларни кўрмадим. Қишлоқдаям гапни чувалагиб юрманглар, бу ергаям қидириб келадиганлар топилади...

Шу куни ҳамқишлоқларда куш уйқуси бўлди. Хумсонликлар машҳур хофиз билан танишганларига хурсанд бўлсалар-да, унинг охириги гапидан юраклари зил-замбилдай оғирлашди. Улар эл назари тушган машҳур хофиз — ҳамқишлоғи шу ерда бўлганидан, Усмон Юсупов, Йўлдош Охунбобоев, Ҳалима Носирова, Тамарахонимларни шундоқ яқиндан кўришганидан, кечқурунги ўйин-кулгу, аския, базм таассуротларидан мижжа қоқишмади.

...Бешта хумсонлик бир жойда ишларди. Ирисмат билан Мадамин ер қовлар, тупроқ юмшатар, Буварайим бўлса Халил билан Муроднинг қопларига тупроқ тўлдирадди. Халил биринчи кунданок каттароқ қопда тупроқ ташимоқчи бўлар, иложи борича Муроддан илдамроқ ҳаракат қилишга, ўзини кўрсатишга уринарди.

Иш бошланишида Халил Муроддан кўра баракалироқ ишлаётгандай туюлди. Бир-икки кун ўтгач, Мурод ташиб чиқаётган тупроқ уюми тобора баландга кўтарилиб, Халилнинг қадами секинлаша бошлади. Халил теппага чиқиб тушгунча, Мурод икки марта бориб келарди. Пешин бўлмасдан Халил ўқтин-ўқтин қоп устида ўтириб дам олар, Муроднинг таёкдай букилмас бўйи-бастига қараб ютинарди.

Аслида Халил қишлоқда «Халил полвон» номини олган йигит. У курашларда кураги ер искамаган, тўй-томошаларда жанжални сотиб оладиган хилидан эди.

Қишлоқда Мирзааҳмадбойлар авлодидан ака-ука Мурод билан Зиёд йигитлик белбоғини бовлагач, ака-ука Халил билан Ҳамиднинг обрўсидан путур кетди. Мурод бир ўзи икки гектар бедани бир кунда ўриб ташлар эмиш, ботқоққа ботган эшакни юк-пуки билан кўтариб олган эмиш, деган гаплар Халилнинг жигига тега бошлади.

Арқитсойнинг тепасидаги катта яланглик Мирзааҳмадбойларга қарарди. Улардан пастроқда «Жалилнинг толи» деган жойлар Халилнинг отасига тегишли. Арқитсойдан келадиган бир тегирмон сув оқадиган ариқнинг уст томонига Халиллар буғдой экишарди. Халил айни кучга тўлиб, босар-тусарини билмай, орқаворотдан Мурод ҳақида қалати гаплар эшитиб юрган кезларда буғдойзорларда Мирзааҳмадбойнинг ола сигирини кўриб қолади. «Ана энди Мурод билан чўқишадиган пайт келди» дейди-да, сигирнинг думини таг-туғидан теша билан шартта чопиб ташлайди. Сигир гандираклаб-гандираклаб, бели қийшайиб-қийшайиб, чўккалаб қолади. Мол боқиб юрган Зиёдиннинг ўтакиси ёрилиб, тўпқайроғочга — акасининг олдига чопади. Унинг орқасидан Халил «Бор, полвон акангни чақириб ке» деб ўдағайлайди.

Шунда Мурод билан Халил биринчи марта юзма-юз келиб, Халил зўрға ўлимдан қутулиб қолган. Қирга лочиндай учиб чиққан Мурод Халил билан Ҳамидни икки қўли билан ушлаб бир-бирига урганда ака-ука чалпак бўлиб қапишган, Халил амаллаб Мурод чангалидан чиқиб жон сақлаган.

Халил билан Мурод ўрталарида бўлиб ўтган борди-келдидан кейин бирон марта иккаласи кураш тушмаган, Мурод кирган давранан Халил сирғалиб чиқиб кетарди.

Иккаласи Фарғона канали қурилишига бирга келишган, эски гина-қудуратлари унутилган, мусофрлик уларни бир оз яқинлаштириб қўйган бўлса ҳам, Халил Муродни ич-ичидан ёқтирмас эди. Муроднинг орқасига Буварайим қанор орқалатаётганда хўмрайиб қараб турар, канал зиналаридан пастга тушиб келаётганда Муродга йўл

бериш ўрнига унинг ияги тагида қопини силкитиб чангитиб ўтар, Мурод унга кун сайин чарчаш ўрнига кучга тўлиб бораётгандай туюларди.

Мурод зуваласи пишиқ, ўрта бўй, қорачадан келган, елкаси кенг, қишда ағдарма махси, ёзда чўқай кийиб юрадиган йигит. Унинг елкаси билан бўйни тутатиб кетган, калласи катта, доимо бўйнини эгиб юришидан биров уни букри деб ўйлаши ҳам мумкин эди. Кўкрак қафаси тасмадай тортилиб тургандай, керишса елкаси кенгайиб, яктаги ситилиб кетаётгандай туюларди. Гавдаси ерга ўтирганда унчалик кўзга ташланмаса-да, ўрнидан турганда бўйи чўзилиб шипга етгудек бўлиб қоларди.

Ўзидан катта қанорга елкасини тутиб, туяқопни орқалаган Муроднинг сомон кўтаргандай энгил юришини кўрган Халил титраб кетарди. Тан берай деса «Халил полвон» деган номи бор, тан берай деса ўзига-ўзи кучи етмай қолади... Бир кун аввал Беркинбой ака чойхонасининг ёнидаги майдонда кураш бўлармиш, Андижон, Наманган, Фарғона, Исфара полвонлари куч синашар экан, деган гап тарқалди.

Беркинбой ака самовари одига тумонот одам тўпланди. Давра атрофига сивмаган ёшлар пастқам томларнинг устига, дарахтларнинг шохига миниб томоша қиларди. Қўр четига тизилганлар чордона қуриб ўтиришди, кейингилар тизза чўкишди, орқадагилар бўй-бастига қараб тик туришарди.

Хумсонлик йигитлар ҳам иккинчи қаторда тик туришарди. Даврага биринчи бўлиб андижонлик новча уйғур йигит билан ўрта ёшлардаги мўйловли киши чиқди. Беш-ўн дақиқа ўтмай, мўйловли киши новча уйғурни чархпалак қилиб ташлади.

Наманганлик полвонга «мўйлов» бас келолмади. Давра қизигандан қизиб борарди. Фарғоналик полвонлар қатор бўлиб навбат кутиб қолди. Қизил белбоғли исфаралик тожик йигит кўп полвонларни ер тишлатди. Ахийри, Эшполвондан йиқилиб, оёғи осмондан келди.

Икки соатдан ортиқ давом этаётган кураш пайтида қанча-қанча полвонларнинг дами ичига тушиб, қанчалари соврин олиб, қанчалари тишларини фижирлатиб турарди. Бу учқўрғонлик йигит билан беллашишга ҳеч ким дов бермай қолди. Навбат кутиб турганлар аста чўккалади, чорси айлантриб юрганлар полвоннинг оёғи остига қизил гуллар сочди. Даъвоши овозини баланд қилиб «Қани, ичларингда кўкрагида ёли бор йигит борми?» деб бақириб чақирди.

Учқўрғонлик полвон давра ўртасида гердаийиб турарди. Бир йигит, ўзи учқўрғонлик бўлса керак, даъвошига қараб «Тоға, кураш тушиш қолдаги тушроқни кўтариш эмас, полвонларнинг бели синди шекили, биззи азамат билан беллашса онасини учқўрғондан кўришини билиб юрак ютиб ўртага тушолмаяпти» деди.

Кураш бошлангандан бери ҳали у полвонга, ҳали бу полвонга ён босиб, «иҳ», «оҳ», «ууу» деб безовта турган Халил даврага чиқиб ёнидаги Муродга кураш тушиш қанақа бўлишини кўрсатиб қўйгиси келдию, учқўрғонлик девқомат полвоннинг вазоҳатидан юраги дов бермади. Ўзи курашда ютиб чиқишига кўзи етмагач, Мурод полвон номини олган ҳамқишлоғининг бир ўсал бўлишини хоҳлаб қолди. У «Мана, биз талабгор» деди-да, Муродни қур ичига итариб юборди. Бадани дир-дир титраб, ўқтин-ўқтин кўкрагини кериб, чуқур-чуқур нафас олиб кузатиб турган Мурод Халилнинг бу қилиғини кутмаган эди. Муроднинг даврага қандай чиқиб қолганини пайқамай қолган даъвоши аввал унинг бўй-бастига разм солди, кейин «майли, бу йигитнинг ҳам сазаси ўдмасин» деган маънода унинг бошидан-оёғигача қараб қўйди.

Даврада аввал ҳайрон бўлиб, кейин «Нима қилардинг, бечора, ўзингни хароб қилиб» дегандай пиқирлаб қўйганлар ҳам бўлди. Ҳамманинг кўзи Муроднинг оёғидаги чўқайда эди.

Даъвоши келиб Муроднинг белига ҳошиясига ипак билан гир айлана гул тикилган белбоғ боғлади. Учқўрғонлик полвон секин-секин қадам ташлаб яқинлашди. Таомилга биноан ролиб полвон рақибига белини тутиб беради. Мурод учқўрғонлик полвоннинг икки биқинида белбонни қўлларига ўраб олди. Учқўрғонлик полвон рақибини бир силкашда оёғини осмондан қиламан, деган ниятда бўлса керак, «Ушладингми, чўқой полвон» деди одамларга эшиттириб.

Муроднинг вужуди бир лаҳза титраб, бутун аъзои бадани тариқдай тўкилиб кетаётгандай туюлди-ю, учқўрғонлик полвоннинг қўллари белига тегиб, йўрон бармоқларини биқинига найзадек санчмоқчи бўлганини сезиб бошидан оёғигача ёғочдек қота бошлади.

Полвонларнинг бўйи тенг бўлса ҳам учқўрғонлик Азимбой оёғидаги керза этигининг пошнаси баландроқ, Муроднинг чўқайи уни пакана қилиб кўрсатарди.

Азимбой бармоқларини рақибининг биқинига қаттиқ санчиб унинг нафас олишини қийинлатиб, сўнгра кўкрак уриштирамоқчи эди. Полвонлар давра айланиб бир-бирларини синаб кўришарди. Иккаласи тирсақларини букмасдан, белларини эгмасдан

аста-секин давра айлана бошлади. Азимбой қанчалик бармоқларини ботирмасин, бундай пайтларда одатда бармоқ нишидан салқийдиган биқин, аксинча, темирдек қотиб борарди. Азимбой бир-икки силтаб Муродни ўзига яқинроқ олиш, кейин пайт пойлаб ёнбош урушни мўлжаллаб кўрди. Аммо Муроднинг ўзи қадам ташламаса, унинг оёғини ердан узиш, ё белини букиб бўлмаслигини сезган сари Азимбойнинг қитиқ пати гимирлай бошлади. Мурод тобора замбарақдай оғирлашиб борар, Азимбой уни зарб билан ўзига тортган эди, Муроднинг ёнгоқ гўласидай оғир гавдасини бир қарич ҳам силжита олмади. Мурод тобора тошдай оғирлашиб, билаклари ёғочдай қотиб қолгандай туюлди. Даврани иккинчи бор айланишда Азимбой жунбушга келиб юлқинди. Мурод бамайлихотир уни ўзига торта бошлади. Бир-икки силтаб апил-тапил ҳаракат қилаётган Азимбойни ёнбошга олмоқчи бўлганда рақибни чаққонлик қилиб қолди. Худди шу пайтда бирдан Муроднинг белида бўшашиб қолган белбоғни маҳкам чангаллаган Азимбой уни даст кўтариб, оёғини ердан узди. Ҳамма икки оёғини Азимбойнинг қорнига ниқтаб олган Мурод энди осмонни кўрса керак, деб турганда Азимбой уни эплай олмади. Азимбойнинг кўкрагидан ерга отилган Муроднинг оёғи ерга тегар-тегмас у шундай эпчиллик билан ўнг оёғини Азимнинг чоти орасидан ерга тиради-да, бошидан ошириб ерга урди. Бунақа тезликни кутмаган Азимбойнинг кўзидан олов чиқиб кетди. У чўқай полвоннинг тагида ётганидан эмас, ичида бир нима узилиб кетгандай ҳушини йўқотиб қўйишига сал қолди.

Ҳеч ким ўйламаган иш бўлди. Мурод рақибини ердан даст кўтариб, оёққа турғазди, гуноҳ иш қилиб қўйгандай хижолатомуз даъвошига термулиб турарди. Азимбой даврадан этак қоқиб чиқиб кетди. Даврадаги одамлар тушунолмай қолди. Кўринишидан полвонкелбат бўлмаган, чўқай кийган йигитнинг не-не полвонларни ер тишлатган Азимбойни йиқитиши қийин бўлди. Бирдан чўқай полвонга талабгорлар кўпайди.

Даъвоши келиб Муроднинг елкасига тўн ташлади. Мурод тўнни Халиллар турган томонга узатиб юборди, белбоғини тўғрилаб ўртада жим тураверди.

Афтидан анчагина майдон кўрган бўлса керак, бир новча полвон даъвошининг олдига югуриб борди. Даъвоши бекорга «Мана, энди кураш қизийди» демаган экан. Полвонлар бир-бирининг белига қўл узатмасдан новча полвон типирчиллаганча Муроднинг белига ёпишди. У Муродни кучоқлаганча ерга улоқтириб ташлайман, деган шекилли, шунча питир-питир қилмасин, Муроднинг оёғини ердан узолмади. Новчанинг болаларча юлқиниши Муроднинг ғашига тегди ва у бир-икки силкилаб рақибини орқага итариб, суриб кетди. Мурод филдай бостириб бориб, «Ё, пирим» деди-да, елкасидан ошириб отди. Новча полвон кўғирчоқдай ерга учиб тушди.



Мурод билан олишувга навбат кутиб турганлар сафи тобора сийраклашиб борарди. У ўндан ортиқ полвонларнинг яғринини эзиб қўйган, одамлар орасида «йигит қаерлик, қаердан келган экан» деган саволлар болалай бошлаганда кўр атрофидаги одамларнинг «Э, баччағар, фирром, фирром бўлди» деган қийқириқлари оламини бузди. Мурод билан олишаётган полвон уни чалиб юборган, бунақа номардликни кутмаган Мурод бир оз мувозанатини йўқотган эди, тезда ўзини ўнглаб, рақибини шундай зарб билан силкидики, оқибатда иккаласи бирваракайига ёнбоши билан ерга гурсиллаб тушди. Ит йиқилиш бўлган эди.

Даъвоши полвонларнинг белбоғини яна бир бор кўздан кечириб:

— Сен фирромлик қилма, бола, — деди исфаралик полвонга қараб, — майдон — мардники.

Муроднинг ер тагидан рақибига хўмрайиб қараб туришидан унинг жаҳли чиққанини ҳам, аламини олмоқчи бўлиб турганини ҳам билиб бўлмас эди. Иккала полвон бир-бирининг белини ушлар-ушламас «Чўқай полвон»нинг жазаваси тутгани унинг дастлабки ҳаракатиданоқ сезилиб қолди. У аввал рақибининг елкасини бир-икки силтаб-силкилаб ташлади, сўнгра билакларига куч йиғиб, рақибининг обкаш белини ўзига торта бошлади. Исфаралик полвон иложи борича оёқларини кериб туриб мувозанат сақлашга ҳаракат қилса-да унинг икки биқинини қопқондай эзиб ташлаган Мурод чангалдан қутула олмади. Мурод уни чўнкайиб отдими ёки ёнбошлаб ерга урдими билалмай қолди. Ерга қапишиб қолган полвон ўрнидан туролмади. Оғзи-бурнидан варақ-варақ қон оқаётган полвонни жўралари кўтариб кетишди...

Кураш тамом бўлди. Полвон билан олишувга талабгор чиқмади. Куйганёр тўғони битиб, ҳашарчилар уй-уйига жўнаб кетганидан кейин ҳам анча вақт одамлар хумсонлик чўқай полвонни эслаб юришди.



## Ҳасан Манзуров Бойбува

Қишлоқнинг кимсасиз кўчаларини анча вақт кезган Рустам маҳалланинг тўридан чиқди. Сой ёқасидаги садалар остига қўйилган кароватда ёнбошлаб ётган Бойбува унинг қорасини кўриб қувонди:

— Манзур Тўранинг невараси, кел бу ёққа! — Рустам юришдан тўхтади. — Ўйланма, — деди қария. — Келавер, дардлашамиз.

Бойбува қачон қарасанг сада остидаги сўрида. Қўлдан берганга қуш тўймас, дейишади-ю, лекин оқсоқол давлатни мадад пулига қаноат қилади, ҳеч қачон ҳеч нарсадан нолимайди. Қария шахматни яхши ўйнайди, ўйинни билганларни қадрлайди, қўнглига ўтирган кишини ёнидан жилдирмайди. Узун-узун ривоятлар, лофу қоп аралашган ҳикояларни тўкиб солади.

— Ўтир, — деди Бойбува ёнидан жой кўрсатиб шахмат тахтасини олдига сураркан.

— Шахматни билмайман, — деди Рустам, кейин қариянинг назаридан тушмаслик учун, — карта бўлса бошқа гап эди, — деб қўшиб қўйди.

Бойбува унга ер остидан узоқ, синовчан тикилди:

— Юрган экансизда-а, йигит... — дея, кўрпачанинг қатидан тахи бузилмаган карта олди.

Чийлади, иккига бўлди, ўйин бошланди. Рустам ўқиб юрган кезлари қоровулчилик ҳам қилган, узун кечаларни картабозлик билан ўтказган, яхши ўйнарди. Ютиб олди. Бойбуванинг гаши келди, сўкинди. — Саплак, ёмон экансан-у... — Ҳеч ким унинг сўкинишларига ажабланмайди. Чол ўзига яқин олганни бўралаб, ағдариб сўқади, онасиниям аямайди, айниқса ўйин вақтида.

— Келишиб оламиз, онадан келиш йўқ, — деди Рустам. — Сўкиниш йўқ.

— Давлат қарияларнинг қадрини кўтариб қўйди, — чол ердаги карталарни битта қолдирмай йиғиштириб олди. — Ишлаганларга пул тополмаса ҳам, қарияларга беряпти. Болалари кўчага чиқариб қўймасин, деяпти шекилли. Онанга эр-пер қилгин деб, айтовмидинг?

Рустам қўлидаги карталарни ерга ташлади. Чуқур «ух» тортди.

— Расми шу, — давом этди чол. — Тул қолган онага ўғил уч бор эр қилинг, деб айтиши керак.

— Акамга ҳам қайсидир доно ўргатган экан, айтиб балога қолди, қайтиб уйга қадам босмади.

— Каркидонлик хотинларнинг ҳам ори бор, боласи бўлса, қайта эр қилмайди, қани, картангни қўлга ол.

Бойбува иккинчи қўлни тасодифан ютди. Картани Рустамнинг олдига отди:

— Иш топмадингми, болам?

— Иш йўқ, — жавоб қилди Рустам. — Айтган жойларига қатнаб ишласам, топганим йўл ҳақидан ошмас экан.

— Ўқитувчига қишлоқда ҳам иш йўқ эканми?

— Шундай дейишяпти.

Бойбува бир оз ўйланди, кўзлари айёрона сузилди.

— Бир-иккитасини танобини тортиб қўяман-у, лекин чўнтагинг кўтарармикан... Бундан эллик йил бурун ёмон отлик бўлиб қолганман... Раҳматли қишлоқдаги атаман ўқитувчийди,



ҳеч кимга бўй бермасди, тили ёмон эди, мараз. Биттайди-ю, юзтага татирди, ҳозир ҳамманг битта пичоққа соп бўлмайсан, ҳеч қаерга сўзинг ўтмайди, у тутган жойидан кесарди.

Рустам картани йиғиштириб Бойбуванинг олдига қўйди.

— Сизга бас келиб бўлмас экан.

Мақтов қарияга ёқди. Олдидаги сочиққа ўралган чойнакдан аччиқ чой қуйиб узатди. Бу манзират меҳмоннинг мезбонга ёқаётганлигидан далолат эди.

— Бойбува, Бобоев домлани сизлар тинчитганмисизлар? — эркалик қилди Рустам.

Ваҳоланки, чолдан қотиллик тарихини суриштиришга ҳамма ҳам ботинавермас эди.

Суҳбатдоши ундан юз ўгирди, сукут сақлади, сўнг:

— Бобоевни мен ўлдирмаганман, — деди салмоқлаб. — Унда ёш эдим, қонни кўрсам кўнглим айнирди, тухмат қилишган. Мен бор-йўғи мактабнинг қоровули эдим. Бобоев зўр эди, ундан ҳатто колхоз раислари ҳам ҳадиксирарди: ёзган одами қамалаверган, отилаверган, уни йўқ қилишмаса, кунлари туғмаслигини сезишган. Одамларини ишга солишган. Унинг бошини ўша вақтдаги раиснинг одамлари ейишган.

— Биз ёшмиз, — гап бошлади Рустам. — Кўп нарсани билмаймиз. Бириси у, бириси бу дейди. Янги мактабни ўша кишини номига қўйишмоқчийди... Арзимади шекилли қушнинг номини беришди.

— Беайб парвардигор, яхшики қушлардан қусур топиб бўлмайди. Йигирма беш йил ўтириб келиб ҳам мен ўлдирганман, десам ишонишмади. Бир вақтлар ишонишган, шафқатни ҳам унутиб қамаб юборишган, отиб юборишларига ҳам сал қолган...

Рустам Бойбуванинг жаҳли чиқшини кутгани, йўқ, ундай бўлмади. Қария ўрнидан туриб тўрқовоқдаги беданалардан бирини олиб келди, бошини силади, кейин бедана тутган қўлини энги ичига тортиб ўтирди.

— Бобоевни қотиллари ўшандаёқ ўлиб кетишган, — тўнғиллади суҳбатдоши. — Домланинг қариндошлари уларнинг бирини юриб келаётган поезднинг остига ташлашган, бирини Тошкентгача қувиб бориб, жазманининг уйидан тутишган... Сендақа домлаларга қайта қўл кўтармасин, дейишган бўлса керак. Ўшандан бери домлаларни ўлдирмай қўйишди.

— Билган экансиз, айтмаганмидингиз?

— Буларни барини Андижоннинг турмасида ётганимда отам раҳматлидан эшитганман. «Ўлганлар ўлиб кетди, балога сен қолдинг, болам», — деган. Турма эшигида туриб, юм-юм йиғлаган.

— Сизни қаматиш кимга керак бўлган?

— Ҳеч кимга. Сопини ўзидан чиқаришган холос. Мен мактабнинг қоровули эдим. Бобоев мактабнинг қоровулхонасида ўз қушандалари билан ошхўрлик қилган. Ўчоқбошида ошга билдирмай наша аралаштириб қўйишган, кайф зўр... Тарашадай қотган Бобоевни қоровулхонадан олиб чиқиб бўғизлашган. Ўша ошдан менга ҳам беришган эди...

Орага узоқ жимлик чўкди. Рустам узатган пиёла чолнинг олдига тўнтарилди. Бу суҳбатнинг тугаганини билдирарди. Ҳеч ким воқеанинг бу ёғини эшитмаган. Рустам сал сурлик қилди. Чолдан кўз узмай ҳикояни тинглашга иштиёқи зўрлигини сездириб тураверди.

— Кейин, — деди чол, — анча кейин, турмадан қайтганимда ўша балохўрларни ишга солган одамнинг ўзи хузуримга келди. Келмаса бўлмаслигини сизди. Сенга жабр бўлди, деди, узрини айтди, қаровсиз қолдирмасликка ваъда берди. Кетгандан кейин кўрпачанинг қатидан катта пул топдим. Умуман, мени зиёратимга келиб-кетиб туришади, йилда бир-икки... — Бува қулимсиради. гаплари ростмиди, сал ёлгон аралашганми, билиб бўлмасди. — Ҳалигача ўша пуллари ётиб еяпман. — Чол кўзларини олисларга тикди. — Бекорга гап қовлаштирдинг, бола.

У нарсаларини йиғиштиришга тушди. Бориб беданани тўрқовоғига солди. Пинак бузмай ўтирган Рустамга назар ташлади.

— Сен, бола, сур чиқдинг. Юр, Марям мастава қилган, озроқ ановудан бор, майдалашамиз, — деб уйига манзират қилди.

Ҳовлига йўлак бўйлаб анча юриш керак эди. Уйи шундай сой ёқасида: салқин, баҳаво. Томорқасининг кўп қисмига кунгабоқар экилган. Мевали дарахтлари анчагина. Йўлак тоза: чиннидай супурилган, сув сепилган, гўё хонадонда чилласи чиқмаган келинчак бордай.

Кўчаларида кўп юрадиган қизин Рустам шу ерда учратди. Қўйларга сув тутаётган экан. У Рустамнинг отаси билан кириб келганига ажабланмади, эски танишлардай қулимсираб, келинг, деди. Қизнинг челақ тутган қўллари узун, кўзлари чиройли, қомати келишган, юзи буваники каби тиниқ ва ёқимтой эди.

Чол Рустамнинг қизига маҳлиё бўлиб қолганлигини, унинг ўтли нигоҳларида ўзгариш зоҳир бўлганлигини пайқайди. Назарида қизи ҳам қизаринқирагандай туюлди. Чол ер остидан бир қизига, бир ҳамроҳига синовчан зеҳн солди, кейин иккисини ҳам лол қолдирди:

— Марям, берсам шу йигитга тегармидинг?

Қиз қовоғини солиши, жилла қурса аразлаши лозим эди. Қиз на отасини койиди, на аразлади, аксинча, жилмайди. Кўзлари тўқнашганда, Марям нигоҳини ерга олди.

— Бунинг онаси йўқ, сенинг отанг йўқ, майли десанг, мен сенга оталиқ қиламан, қизим онангни она қилиб келади, тўғрими, Марям?

Қиз шарақлаб кулиб юборди. Унинг қувноқ кулгиси Рустамнинг кўнглидаги гашликни аритди. Бу гапларни Бойбуванинг олди-қочди ҳазилларига йўйилди, чоғи. Қиз эса сув тўла челақларининг олдига чўк тушган кўйи қотиб-қотиб кулар, кулгининг зўридан унинг кўзларига ёш чиққанди. Қизининг кулгиси, Рустамнинг ўй суриб қолиши Бойбувани авжлантирди:

— Баҳонада сен эрлик, мен хотинлик бўлиб қолардим, сих ҳам, кабоб ҳам куймасди.

Қиз ўрнидан турди. Отасига қошларини чимирди:

— Шоли баҳона курмак сув ичаркан-да!

— Бунинг онаси йўқ, — қайтарди Бойбува. — Биз бир-биримизнинг эркалимизни кўтарамиз.

У қизига овқатни олиб келаверишни буюрди. Дастурхон солиниб, нон қўйилди, овқат тортилди. Чол эса худди икки ёшни атайин холи қолдирмоқчидай шийпон остидаги ертўлага тушиб кетди.

— Отамнинг кўнгли яримта, — деди қиз. — Гапларини кўнглингизга олманг.

Бир нафас ўтмай ертўладан аввал чолнинг боши, кейин кўзача тутган қўллари кўринди. Кўзача гулдор, нақшли, бунақасини у ҳали кўрмаган эди.

Бойбува кўзачани шундай ёнига қўйди-да, қизи артиб узатган жажоки чинни пиёлаларга памил чой каби куюқ, қип-қизил майни чулдиратиб қуйди. Майдан кейинги ичилган мастава иккисининг ҳам пешонасидан тер чиқарди. Ичкарига кириб кетган Марям отасига белбоғ, унга эса оҳори тўкилмаган оппоқ сочиқ олиб чиқди. Рустам қиздан миннатдор бўлди. Чойхўрлик аралаш майхўрлик давом этди. Бўй этган қизлар киши кўнглини қитиқлайверади. Рустамнинг қиздан кўз узолмаётганини пайқаган Бойбува:

— Сен, бола, қизимга кўп маҳлиё бўлаверма, домла бўлмаганингда ҳам бир нави эди, — деди у қизининг ортидан қараб қоларкан.

Ортиқча такаллуфни Бойбува ёқтирмаслигини сезган Рустам гапнинг ростига кўчди:

— Қизингиз чиройли бўлса, менда нима гуноҳ.

Чол маънодор кулди:

— Онасига ўхшайди, илоё умри ўхшамасин.

Чол қизига қайта чой келтиришни буюргач, бориб тўрқовоқларнинг биридаги беданани олиб келди. Май юқи лаблари билан унинг тумшугини намлади. Бу икки-уч бор такролангач, бориб жойига илиб келди. Бир нафасдан сўнг бедана сайрай бошлади. Унга бошқалари қўшилди. Бойбува мамнун жилмайди; юз-кўзлари ёришиб кетди.

— Бир куни, — деди Рустам, — ўттиз йил турмада ўтирган келбати келишган қарияларни кўрсатишди. Соқоллик, кўзойнакли, олимнамо кишилар, ҳарбий кеманинг матрослари бўлишган экан. Ёнида бўлганингизда роса гаплашарминдигиз...

— Улар ўриснинг турмасида ўтиришмаган, — ўйчанлик билан жавоб қилди чол. — Советнинг турмасида ўтиришганида, уларнинг олимнамо келбатларидан асар ҳам қолмасди. Мен ўттиз йилдан ошиқ ўтирдим.

— Қизингизга Марям...

— Қизимга Мария — ўрисча ном қўйганман, — қўшнилар ўзбекчалаштириб Марям дейишади.

Энди Бойбуванинг у кунлари мисоли бир эртақ эди. Эслаганда, болалару набираларга сўзланадиган, баданинг сесканадиган эртақ.

Уруш аллақачон тугаган, қама-қаманинг янги тўлқини бошланиб, қамоқхоналар немисларга кўнглили бўлиб ўтганларга, гуноҳли, гуноҳсиз ҳарбий асирларга тўлиб кетган, совет ҳукуматининг эски душманлари эсларидан чиқиб, душманлиги унутилган, назоратчилар уларга парво қилмай қўйишган, айрим ҳолларда ҳатто дўстлашиб ҳам кетишганди. Баъзан қуролларини бериб ўрниларига қоровуликка қўйиб кетишармиди-ей... Кулоғу қотил, ўғриларнинг куни туққанди. Улар энди лагердан четга чиқишмас, ўрмон кесишу кўмир, олтин қазиш каби машаққатли ишлар сиёсий маҳбуслардан ошмасди. Лагердан чиқмайдиганларнинг орасида, ўтинхонанинг рўпарасидаги ошхонада куйманиб юрадиган рангпаргина аёл — Марияни бугун Бойбувадан бўлак ҳеч кимса эсламайди.

Бойбува Мариянинг умрини сўнги йилларида ўзига дўст тутганлигини кейинроқ хотинидан ҳам сир тутмаган. Унинг айтишича, Мария эмас, Бойбуванинг ўзи унга суйкалган. Хотин нималигини билмай ўтиб кетмаслик учун ялинган. Жувон мийиғида кулган, сўнг оқшомдан кейин, йўқ, тунни яримлатиб унинг ҳузурига, қозонхонага кириб келган.

Аввал-бошда назоратчиларнинг, сўнгра маҳбусларнинг қўлига ўтган Мария шу тарзда Бойбуванинг тан маҳрамига, қозонхонанинг бекачига айланган.

Кейинроқ унга дард илашди, жувон унинг кўз ўнгига сўлий бошлади. Ҳамманинг назаридан четда қолди. Бойбуванинг қўлбола қилган дорилари кор қилмади, ахийри касалхонадан — тахта билан ўралган, тўшакларда бит болалаган бўлмадан чиқолмай

қолди. Ва ўша ерда бандаликни бажо келтиради. Унинг ўлганини ҳеч ким пайқамайди. У ерда марҳумларни қишда кўмиб ўтиришмасди, иложи йўқ, тангадек тупроқни кўчириш азобдан-азоб эди. Жасаалар лагердан сал наридаги чуқурликка итқитилар ва ер илигунча кутиларди...

— Марияни жасадини хўрламаганмиз, — дейди чол. — Кузнецов деган индамас назоратчимиз бўларди. Бир куни мени саҳарлаб йўқлаб келди. Иккимиз ўрмоннинг кунгай қисмида ўт ёқиб ер юмшатдик. Икки кун қабр қазидик. Учинчи куни ўтинхонага элиб қўйилган Мариянинг жасадини биргаликда жойига қўйганмиз. Унинг ёшлигини, онаси билан лагерда пайдо бўлган кунларини хотирлаганмиз. У ўшанда ўн етти-ўн саккиз яшар бокира қиз бўлган ва биринчи куниеқ турма бошлиғининг чангалига тушган. Тик турган қўйи бир-бир эслаганмиз. Кейин назоратчи сувдонига қўйиб келган ўтқир рус ароғидан тўйгунча торгганмиз. — Бойбува нигоҳини олис-олисларга олди. — Биласанми, — деди яна ҳам ғамгин тортиб, — қайғу-ҳасрат ҳаммани бирлаштиради...

— Ёшинг ўтиб қолибди, уйлансанг бўларди, — деди қария.

— Қизингизни берасизми?

— Қизимнинг қалини баланд, кучинг етармикан? Балки Манзур тўрадан қолган тиллолардан топарсан. Бобонгни жуда бой ўтган дейишади.

Кулишдилар. Сухбатдоши қизини чақириб қўлига кўзачани тутқазди. Ертўлага тушиб-чиқишни буюрди. «Оширвормадингизми, дада?» — кулди қиз, бироқ эътироз билдирмади. Гулдор кўзача яна ўрталаридан жой олди.

— Узумдан ўзим қўлбола қилиб тайёрлаганман. Беш йилдан бери хумда кутуриб ётибди, ҳали кучини кўрсатади, — кулди чол. — Кўтарсанг, ич.

Майхўрлик давомида Бойбува турмадан келганида амакиваччасидан бўлак кимсаси қолмаганлигини, отасидан қолган уй вайронага айланиб ўйингоҳ бўлиб кетганлигини, қишлоққа келганида уни ҳеч ким танимагани, одамлар уни ўлиб кетганга йўйишганини алам билан эслади. Элдан миннатдор бўлди. Улар ўзлари «худойи ҳашар» уюштириб айвону даҳлиздан иборат уйни битириб беришди, лекин Бобоевнинг қотили номини олган «қария»нинг кўксидан итаришмади, кимнингдир бевасидан ҳам сўз очишди. Бировнинг ҳасми бўлган аёлга Бойбуванинг кўнгли бўлмади. «Сабр қилай-чи, ғўрадин ҳалво битармикан», деб юраверди.

Ёзнинг чилласи эди. Тўнининг барини белбоғига қистирган Бойбува покляниб келиш учун Говасой оқиб ўтган жарликлар тарафга чиқиб борди. Жарликлар орасида, кўк капталлар уя қурган маконда, якка тут бўлар, ундан юқорида Урланбой Сотим, Тўйчи Идрис, Алиназар Охунлар бир бўлиб қовун-тарвуз экишганди. Қилт этган шабада йўқ, чопиқ қилаётганлар ўзларини панага олган, куннинг қиём вақти.

Якка тутга яқинлашган Бойбува кўз олдига намоеън бўлган манзарадан ҳайкалдай қотди. Не кўз билан кўрсинки, тутнинг соясида ечинган қиз, устида биргина енгил ич қўйлаги билан борлиқни унутган қўйи чўмиларди. Қизки ҳар сочи тақимини ўпади. Қиз чўмилар, Бойбува дамани чиқаришга кўрқарди. Йўқ, қизни ташлаб кетишга унинг кўзи қиймади, томоша қилган қўйи тураверди. Қиз сочини таради: нонини муздек сувга бўктириб еди. Ундан кейингиларини ўйласа, ҳалигача унинг мияси қизийди. Не қилсин, бўлмади, тик қизнинг олдига бостириб борди.

— Дод соламан, — деди унинг шарпасини кечикиброқ сезган қиз.

— Додингни ҳеч ким эшитмайди. Йигласанг ҳам, сиқтасанг ҳам ўзим оламан, мендан бўлак кимса оғиз солса, ўзим ўлдирман, — таъкидлади у.

— Бобоев домлани ўлдиргандай қилибми? — сўради қиз.

Ўшанда Бойбуванинг бурунги шаштидан асар ҳам қолмади, бўшашди.

— Бобоевни мен ўлдирмаганман, менга тўхмат қилишган, — жавоб қилди у.

— Бекорга ўтириб чиққан экансиз-да?!

Қиз эагидаги ўтнинг устига ўтириб йиғига тушди. Қиз боланинг йиғисини кўрмаган Бойбува эсанкиради, юпатгани сўз топмади. Илтижо қилиб ялинишга тушди: «Менга теккин! Умри қамоқда ўтган одамман, сени чертган номард, худо берса, фарзандли бўламиз, бўлмаса, йўлингга тўғаноқ бўлмайман».

Уруш бўлганлиги, қамоқда узоқ ўтирганлиги — унинг бахти. У буни тан олишдан уялмади. Қишлоқда йигит кўп бўлса, боя унга буй беришни истамаган қиз бир дам туриб, гапларингиз рост бўлса, отамга одам юборинг, деб айтармиди.

Бойбува одам қўйиб ўтирмади, қош қорайганда тўғри Тўйчи Идрис (уни Сиддиқ Пахта деб ҳам аташарди)нинг чорпоясига тушиб борган. Хотини инисиникига кетган экан. Ҳеч нарсадан хабари бўлмаган Сиддиқ Пахта уни хушнуд қаршилади, болаҳонасига жой қилди, қизидан чой чақиртирди. Чой иккавермагач, хушёр тортди. Ўзи пахта тушиб, дастурхон тузаб чиқди, қовоғи уюлди. Иккиси ҳам энди гап қовушмаслигини сезишди.

Бойбува белидаги Чуст пичоғини қини билан ечиб дастурхон четига қўйди.

— Бор бойлигим — шу! Қизингизга қулчиликка келдим, — деб сирни ошкор этди.

Чолнинг эсанкираб, довдираб қолишини, ғавғо кўтаргудай бўлса, қандай дамани

кесишни ўйлади. Ажабки, ундай бўлмади. Сиддиқ Пахта пичоқни қўлига олди-да, узоқ томоша қилди, эҳтимол, шу баҳона ҳаяжонини босгандир, қаҳру ғазабини ичига ютгандир, билмайди, фақат тагдор қилиб: «Бобоевни ҳам шу пичоқ билан сўйганмисиз, болам?» — деб сўрагани куни кечагидай эсида.

— Билмагандай гапирасиз, — деди Бойбува. — Бобоевдай басавлат одамга мендай мишиқининг кучи етармиди. Уни олдин заҳарлаб, кейин чавақлашган. Оми бир одамнинг боласи заҳарни қайдан топади?

«Гапингизда жон бордай кўринади», — деб чиқиб кетган Сиддиқ Пахта кечроқ қайтиб келди. Бадфеълроқ одам бўлганида қўлидаги пичоқ билан унинг кўксини ёриб юборган, Бобоевдай одамнинг бошини еган бир кимсанинг ўлими учун умрини меҳнатда ўтказган, шарти кетиб парти қолган қарияни қамоққа тикиб ўтирмасликларини яхши тушунган бўларди. Орада ор-номус деган нарсалар бор.

«Эркак кишининг иши қийин, хотин бўлмаса, мен ҳам бошимни йўқотиб қўяман», — деди Сиддиқ Пахта ортидан эргаштириб келган оғайнилари Абдулла Самоварчи билан Усмон Эшбага қарата. Сўнг ниятини айтди. Абдулла Самоварчи тасдиқлади. «Чиқ, — деди Сиддиқ пахта оғайниларининг олдида қизига, — ҳа, жувонмарг, гунажин кўз сузмаса, буқа ипини узармиди?».

Никоҳни Араббой домла ўқиди. Бойбуванинг бор бисоти — бир уй, бир даҳлизи аёлнинг маҳрига ўтди. Кўпни кўрган қариялар шуни мақбул кўришди. Сал кечроқ Сиддиқ Пахтанинг жиянлари икки кўрпа-тўшак, майда-чуйда ва янгалар билан қизнинг ўзини ташлаб кетишди. На ёр-ёр, на дўмбира садоси бўлди. Юракларнинг ҳар бир уриши дўмбира садосига айланди, оҳангика қулоқни ёргудек... Ундан кейингисини сўзлашга Бойбуванинг тили бормади.

Бойбува қаршисида ўйга чўккан йигитга яна нималар десин. Шунча йил қамоқхонада ўтириб кўзига ёш олмаган одам хотинини куча туриб йиғлагани, уни абадул-абад хафа қилмасликка оинт ичгани ҳамда қамоқхонадаги тан маҳрами — Марияни эслагани, агар қиз кўрса, исмини Мария қўйишини кўнглига туккани, буни хотинидан ҳам яширмаганлигини айтсинми?!

Булар хотин уйнинг чироғилигини, хотинсиз уй мазорга айланишини, Оллоҳнинг қарғишига қолган кимсагина хотиндан кейин қолишлигини, унинг бугунги юриши бировларга қилган жабру ситамларининг ўзига хос жазоси эканлигини ва шу билан бирга қамоқхона аталмиш зулм-зўравонлик уясидан эсон-омон чиқиб келишининг ҳам ўзи бўлмаганлигини билармикан?

Ҳозир, бир нима деб бўлмайди, мастликка йўйишади. Беайб Парвардигор, унинг ҳам гуноҳлари бордирки, кексаликда ёлғизланиб қоляпти. Ичкиликка муккасидан кетаётганлиги-чи? Бу бир кулфат эмасми? Бўй етган қизи туриб остонасига одам келмагани-чи? Буни ниманинг касрига йўяди?

— Катта амакинг сал калта ўйлаган, — деб қолди Бойбува тўсатдан. — Хотиним асли кичик амакиларингдан бири, сен уни эслолмайсан, Мирсаиднинг кўнгил қўйгани бўлган. Амакинг уйланмоқчи, тўй бошламоқчи ҳам экан. Мадийёр йўл бермаган.

Рустам бу маш-машаларнинг бир учини эшитганди. Мадийёр амакиси бир гал сўз очганда отасининг ёнида эди.

— Агар Мирсаид ўлмаганда қишлоқда унинг олдига тушадиган одам бўлмасди, ҳисобга жуда устайди, бу манфаатпараст кимсаларга юртнинг куни қолмасди. Сиддиқ Пахтанинг қизида кўнгли бор эди.

— Онамга совчиликка боринглар, деб қизнинг ўзи айтган экан, бу гап менинг қулоғимга етиб келгунча бир уй бир даҳлизни оқ шувоқ қилиб битказган. Отам менга маслаҳат солса, мен, хом сут эмган банда, қизиқмисиз, ота, акалари туриб уни уйлаймизми, дебман. Бир нимани билган экан. Пишиқ эди, ўша ёзнинг бошларидаёқ қирқ хумни буғдойга тўлдириб уйнинг тоқчаларига урдириб юборган экан. Уруш бошланган куни дўкондан хомуш кириб келди, эшикка сузаниб кулимсиди, нимадир демоқчи бўлди, хўрсинди-ю, айтмади, — амакиси қўш тавақали эшикка ишора қилди. — Шу ерда тик туриб туриши сира ёдимдан чиқмайди.

— Урушни туш кўрмагансиз-ку, — таскин берди отаси.

— Туш кўрмаганман, лекин...

Амакиси айтолмаган дардини ичига ютган. Кўзига ёш қалқиган. Отасидан қолган, инисининг қўли теккан иморатларга узоқ термулиб, бузиб юборманглар, тураверсин, деган».

Буларни Рустамнинг устози ҳам кўп такрорларди. «Рустамнинг Мирсаид исмли амакиси бўларди, ҳўп аломат йигит эди. Унга командирларнинг ҳам ғайирлиги қеларди, ғашига тегишарди. Бир сафар уни жаҳаннамга хабарчи қилиб жўнатишган. Ўлимга кетаётганлигини сезган Мирсаид, фалончининг қизига бориб айтинг, мени кутмасин, деган, тақдирнинг ўйинини қарангки, шундай йигитнинг ишқи тушган қиз орадан ўн йил ўтиб, биринчи устозимизнинг қотили Бойбувага тегиб кетди».

Урушга кетган тўрт оға-инидан омон қайтгани фақат Рустамнинг отаси эди. Лекин урушнинг асоратими, етган ажалми, эрта кетди.

— Отам сиз билан улфатчилик қилиб турарди, — эслаб қолди Рустам.

— Отанг улфат йигит эди, — кулди Бойбува, — мана, насиб экан, улфатимнинг ўғли билан улфатчилик қўйлапман.

Тинчлик учун, яхши кунлар учун улар ичишди, суҳбат қизигандан қизиди.

Ҳовли исиб кетди. Ташқарига, Бойбуванинг доимий макони, садалар остига қўйилган кароватга чиқиб ўтирдилар. Бойбува шиваланган оёқларини сувга солди. Димоғига қўланса буй урилган Рустам бурун жийирди.

— Ирганма, болам, — деди Бойбува. — Оёқларимни Ёқутистонда совуқ олдирганман, ёз келди дегунча мана шундай азоб беради. Меҳмондорчиликка ҳам боролмайман, борғудай бўлсам, маҳсимни ечмай ўтираман.

— Отам бурунгилардан Араббой домлани яхши кўрарди, — суҳбат мавзуини ўзгартирди Рустам. — У кишига ихлослари жуда баланд эди.

— У кишини мен ҳам яхши кўрадим. Матфозил домла менинг никоҳимни ўқимаган, ўртоғимнинг қотилиниқига бормайман, деб айтган. Шунда Араббой домла жонга оро қирган.

— Илми зўр, дердилар отам.

— Илми зўрлигига мен ҳам тан берганман. Марямнинг тоби қочиб қолган, докторлар йўқ, Араббой домланиқига кўтариб бордим. Дуо ўқиди, майиздеккина дори берди, эзиб ичирасан, ўзи тургунча ухлайверсин деди. Битта ўн сўмлигим бор эди, бердим, майдам бўлса, ярмини берардим, деб ҳаёл қилдим. Ўша кечаси қизим тинч ухлади-ю, тонг сахар Араббой домла остонамда пайдо бўлди. Ювинмаганимни сезди. Пулни эшикнинг ёндорига қўстирган кўйи кетиб қолди. Минг марта тавба қилдим, барибир, қайтиб пулимни олмади. Авлодини суриштирса, қуларди: «Қаердан келдик, қаерга борамиз, Эгам биледи», — дерди.

— Отам бирмунча вақт у киши билан бирга ишлаган. Сув остида узоқ турарди... Кейинги вақтда у киши ҳақида галати гаплар кўпайиб кетди.

— Унинг ўлганини ҳеч ким билмайди. Уйдан чиқиб кетиб қайтмаган. Амударё орқали Афғонистонга ўтиб кетган дейишади. Ҳажга ўша ёқдан бормоқчи экан.

— Қайдам, у вақтлар Афғонистон советлар қўлига ўтаётган паллайди.

— Муллаларимиз унчалик хуш кўришмасди.

— Биттаси ёмон оғринтирган дейишади.

— Оғринтирган. Араббой ака баддуо қилмаган-у, норозилигини билдирган, Худога солган.

— Кечирмаганми?

— Ўртага авлодини кўйиб узр сўраган, кечирмаган, туфлаган туфукни оғизга олиб бўлмайди, деган.

— Араббой домлани Сўфи билан чиқишади, дейишарди.

— Сўфи уни қадрларди. Иккиси бир бўлса, суҳбат ҳафталаб тугамасди. Яссавий, Сўфи Оллоёрлардан байтлар ўқишарди.

Кўйлагини липпа урган Марям қўлида челақдаги сув билан чиқиб келди, кўчага, каравот ён-верига сув сепди. Бошига танғиган сочининг бир тутами юзига тушди. Чол мамнун жилмайди:

— Қара, қандай яхши қиз бўлган, сенга берсам, тегармикан?..

Чол индамай ичкарига кириб кетди. Қўлида сув билан келган Марям Рустамнинг қаршисига келиб тўхтади, кулди:

— Сездингизми, — деди, — дадамнинг дарди мени сизга узатиш бўлиб қолди. Сиз дадамга ёқиб қолибсиз.

Рустамнинг юраги гурсиллаб уриб кетди.

— Сизга-чи?

— Мен дадамнинг измидаги одамман, дадам кексайиб, ёлғизланиб қолдилар, ўғил ўрнида бўлгулик куёв қадирадилар. Дадамнинг олдига кириб ўтиринг.

— Марям, — деди Рустам, — эртага онамни юбораман.

Марям майин кулимсираб челагини кўтарганча уйга кириб кетди...

Иккиси худди эски қадрдонлардай қишлоқнинг сокин кўчаларини айланишди. Ўн беш кунлик ой борлиқни нурафшон қилган, зулмат орқага чекинганди.

— Ишламаяпсизми? — суриштирди қиз.

— Иш топилмаяпти...

— Дадамга айтайми, дадамнинг сўзини икки қилмайдиган кишилар бор...

Рустам кулгига олди.

— У киши бошқа нарсани таклиф қилдилар.

— Дадам чўчитишни яхши кўрадилар.

Ортиқча тақаллуфсиз хайрлашдилар. Эрталаб тонг сахар уни Бойбува йўқлаб келди.

— Директорга учра, — деди у юзини буриб. — Мен сўрадим, у иш берадиган бўлди.

Бошқа бир сўз демаган Бойбува тўнининг барини белбоғига қўстирган кўйи ўрта

йўлга тушиб шаҳдам одимлаб кетди. Кейин бора-бора унинг одими секинлашди, тўхтади. Рустам чолнинг бир нима демоқчилигини сезди, олдига бориб қўл қовуштирди. Бойбуванинг авзойида бурунги шаҳд йўқ, бўшашган, ўйчан қиёфага кирганди. Сўзсиз бир зум бир-бирларига синовчан боқдилар.

— Мен гап очмоқчи эмасдим, — деди қария. — Бўлмади, кўнглим бўлмади?

— Нимага? — ажабланди Рустам.

— Сен мендан кейин Марямни хафа қилмасликка сўз бер. Мендан кейин уни сендан бўлак ҳеч кими қолмайди.

— Сўз бераман, бошимга кўтариб юраман.

— Бошингга-ку, кўтарма, лекин хафа қилма.

— .....

— Отанг Улкан Манзур яхши одам эди, отангни билмаганимда гап очмасдим, — кейин бир оз сукут сақлади, оғир хўрсинди. — Марямни бозорга олиб кетяпман, кийинтириб келмоқчиман.

Сўнг чол бир сўз демай йўлга тушди, бора-бора одими тезлашди. Олисда, тик кўчанинг бошида безанган қизнинг боши кўринди.

Каркидон.



## Асрор Низомов Абдулла

Онам Зоҳида Мулло Мурод  
қизи хотирасига

Аллоҳ таоло Холматбойга ботмон-ботмон еру мулк, ўнлаб чоракору етим-есир хизматкор, сурув-сурув қўй-қўзи ато этиб давлатини кўп зиёда қилган бўлса, бир томондан салгина, йўқ, пичагина сиқиб ҳам қўйганди. Бефарзанд эди фақир. Шу боисдан кўнглининг бир чеккаси ҳеч ёришмас, бу кўнгли қоралиғ ёши ўтган сари тобора қуюқлашиб бутун кўксини қоплаб олаётгандек бағри эзилса-да, ичидаги дардини ташқарига чиқармасди. Аммо ёлғиз қолган пайтлари, Парвардигор, овзи қийшиқ бўлса-да, шалпанг қулоқ бўлса-да биргина фарзанд ато этсанг, туганмас давлатинг камайиб қолармиди, деб илтижо қилгани-қилган эди. Худонинг берган куни беш вақт намозини қаңда қилмас, ғарибу гураболарга назр-ниёздан тортиб, фалончининг етимига манови, пистончининг есирига манови деб топганини бердириб юборар, гоҳо эринмасдан ўзи элиб ҳам берарди.

— Э, асло йўқ деманг, — дерди бой, баъзан расмият юзасидан қўлини қайтармоқчи бўлганларга, — бизга ҳам сизникидек ўғил берсин, қиз берсин, худо йўлида шутинани сизга атадик-да энди, бир ҳавас қилдик-да, хўп деяверинг!

Аммо йиллар бесамар ўтар, бойнинг ўзи қирчиллама йигитдан чолга, дуркун аёли кам пирга айланиб борарди. Унинг тўрт ака-укасидан тортиб, хизматкорларигача қўли оч-иқ бойбува билан оқ кўнгли бойбичанинг иззатини обдон жойига қўйишар, кўнгилиларини қабартириб қўймасликка ҳаракат қилишиб ўзларини ўтдан-чўққа уришарди.

Холматбой пайғамбар ёши баҳонасида элга дастурхон ёзиб, узоқ-яқиндан кўнгли етарларини чорлади: қўй устига қўй сўйдириб, дошқозонларда палов дамлаттирди. Эҳсон тариқасида бошланган маърака тўйга айланиб кетди. Бойнинг хўрмати учун бутун Оқтепа

халқи йиғилишиб, элнинг казо-казоларигача бел боғлашиб хизмат қилишди. Холматбойнинг бобо юрти, Илонлисойдан бир дуркун отлиқлар келаётганини эшитган бойнинг ҳиммати жўшиб, офилхонада трамадан буён қантариб боқилаётган тўрт яшар новвосгача сўйдирди.

Зиёфат кеч, не паллагача қизигандан-қизиб меҳмонларнинг кетгани кетиб, қолганлари ётиб гурунғ қилишди. Тортиқ қилинган саруполарини елкаларига ташлаган меҳмонлар бойни роса алқашиб, унга кўчқордек ўғил тилаб бирин-кетин тарқалишганларига ҳам мана уч-турт кун бўлиб қолди. Холматбой ўша хушвақтлик билан ўтказган маъракасани эслаб савр ёмғири себалаб ўтган ям-яшил қирга кўтарилиб борарди.

У тепалик сари ўр-қирда суяги қотган асил даштликлар каби шошилмасдан одимлар, ўнғ оёғини олға ташлаганда бурнидан чуқур нафас олиб, чап оёғини ердан узганда оғзини хиёл очиб ўпкасини бўшатарди. Бир меъёрда такрорланаётган бу ҳаракатдан бойнинг олғмиш уч баҳорни кўрган улкан гавдаси заррача толиқмас, тикка кўтарилган тепалик сари кечгача бўлса-да, нафас ростламасдан ўрлайвериш чоғи бор эди гўё. Орқага ташлаб олган кўлининг белиги, бели узра дўппайиб турган тутунга тегиб турар, бундан бой роҳатланар: ҳар замон-ҳар замонда оёқларига энган бардамликдан завқланарди. Белига тутун боғлаб юриш асли отаси Мулкомонбойдан қолган одат. Худо раҳмати уни бедана халта дегувчи эди кампирига ҳазилашиб. Бедана халта — бу оғзи маҳкам турмакланган гулдор чарм ҳамён бўлиб, бой уни ҳар замонда темир сандикдан олиб у қўлидан-бу қўлига ташлаб салмоқлаб кўрар, кейин шошилмасдан оғзини очиб кўрпача устига секин ағдарар, шақирлаб бир-бирининг устига тўкилаётган сариқ, қизил тилло тангаларнинг товланиб ярқирашини бир зум томоша қилиб тургач, қайта-қайта санаб «бедана халта»га қайтариб солиб, ма, қафасга ташла, дерди кампирига ёки малла бўз белбоғини қатлаб «бедана халта»ни яктагининг ичидан белига боғлаб оларди. Шу кўйи тутун кун бўйи бойнинг белидан тушмас, тўйга борса тўйда, далага чиқса далада зилдеккина бўлиб Мулкомонбойга ҳамроҳлик қиларди.

Тилло белнинг қуввати, дерди Мулкомонбой ўғли Холматта, кейин ўзи суйган жумаларни балким минг биринчи бора қайтаришни яхши кўрарди раҳматлик:

— Белингда тилло,

Тилингдаир бурро.

Қадамнинг тетик,

Ечмагин этик.

— Тилинғ бурролиги, қадамнинг тетиклиги тиллодан эканлиги майли, ечмасанг этик, деганинғиз нимаси? — қизиқсиниб сўрарди отасидан Холматбой.

— Э, болам, ётиб еганга тоғ чидамайди, тиллом бор экан, деб оёғингни узатиб еб ётсанг, ҳолингга вой, «ечмасанг этик», деганим меҳнат устига меҳнат қил, ана ўшанда кўрасан ҳузурини деганим, машойихларнинг қайси гапи нотўғри эдики, энди буниси номаъқул бўлса, — дердилар.

Шундай одамлар ҳам ўтиб кетди, во дариг, дея ўйга чўмган кўйи сап-сарик кўзигулларни оралаб бораркан, бу чечакларни ҳам беҳисоб сочилган олтин тангалар каби эҳтиётлаб, тупроққа қориштириб қўйишдан чўчиб, қадамини саралаб босарди. Оқтепасойда баҳорнинг кишини энктирувчи латофати қирдан боққанингда билинади. Холматбой яшил ўтлоқлар оралаб офтобда ятираганча иланг-биланг из солиб оқаётган Оқтепасойни томоша қилиб бир оз тик туриб қолди. Кейин теварак-атрофда бош кўтармай ўтлаётган кўй-кўзиларнинг «ба-а, бу-у»си, тўрғайларнинг чулдираши, қир бўйлаб эсаётган шамолнинг майин нафасига маст ҳолда бўзга ёнбошлади. Сал нарида оппоқ кўзичоқ мунчоқдек кўзларини жовдиратиб илинган совлиқнинг бутига бошини тикар, туртки еб нари кетар, яна зорланиб-зорланиб маърарди.

— Ҳой, Жомонқул, — деб чақирди чўлиғини бой, — нима бало бўлди, манови кўзинг мунча қақшайди, энаси қаерда?

— Эрталаб сўйдим, бой бова, айланма бош бўлди шекилик жонивор, ҳовлига элтиб берувдим-ку, сизга айтмагандир-да.

— Э, бу ўша кўйнинг боласими? Етим қолди де. Етимчаллиги курсин, бу дунё ўзи шундай, бир томони кемтик, бири энага зор, биров болага... — менга ўхшаб, кўнглидан ўтказди бой.

Хаёл таъсир қилиб кўзларидан дув тўкилган ёшни чўлиққа кўрсатмаслик учун ўгирилиб ёнбошлаган бўлди. Энди бойнинг бояги кўнғилхушигидан асар ҳам қолмаган, боягидек ўзини йигит ҳам чоғламас, белидаги дўппайган тутун ҳам хуфтон кўнғилига чироқ ёқолмасди. Бой шу алфозда бир оз ётди. Осмонда сузиб юрган кўрпачадек оқ булутни томоша қилди, кўзининг юракни эзувчи маърашидан юраги баттар ғашланди. Оббо жонивор-эй, ҳали ўтлашни ҳам билмайсан шекилли, ҳозир анови елиндор қашқа совлиқни ушлаб таппа босамиз-у, сенинғ қорнингни тўйдирамиз-да, деб туришга энди чоғланаётган эди, нарироқдан эшитилаётган кўнғироқ товуши хаёлини бўлди. Ҳадемай қир бўйлаб ўтган йўл бошида туя карвони кўринди. Қулбег ханғи минган сарбон ана-мана дегунча бойга рўбарў келиб, уловда бўлганлиги учун Холматбойдан аввалроқ салом берди.

Мусулмоннинг яхшиси дастлаб салом бергани, алик олар экан ўйлади бой, яхши одам чоғи, кейин дашгликларга хос оққўнгиллик аралаш қизиқиш билан гап қотди:

— Ҳа-а-ай, Жўлчи бово, жўл бўлси-ин?

— Ҳе-е-й умр деган мўл бўлси-ин! Насиб қилса Нурота ошиб кетамиз. Ҳафта бурун Термиздан чиққан эдик, кеча Каттақўрғонда тунадик, пешинди Мойбулоқда ўқиб, кечки чойни Қўшработда ичкиз худойим, деб кетаяпмиз-да.

Кулбет хангги пилдираб қадам ташлар, эшакнинг тўрт одимини бир қадамда ўтаётган нор туялар қўнғироқ товушига ҳамоҳанг салмоқ билан одимлар, той-той юклар устига ўтириб олган йўловчилар атрофга бефарқ назар ташлаб боришарди. Сарбон хангисини тўхтатмасдан сўйлай-сўйлай узоқлашмоқда эди. Шундай бўлса-да бой ўтирган кўйи яна гап қотди:

— Нелар опкетяспизлар, ўзи?

— Э, не десангиз баридан бор. Хўжаиконнинг асил тузидан дейсизми, Ўратепанинг испарак, рўян ўтдан олинган сариқ, қизил бўёғидан дейсизми, Пайшамбининг парвардасио новвотидан тортиб, Қўқоний атласгача баридан бор. Ҳатто бештагина қулбачча ҳам обкеляпмиз, пул бўлса бас, асл мол сизники, бой бова.

Шундагина карвон ортида олти-етти яшар болаларни олдига солиб ҳайдаб келаётган кимсага кўзи тушиб, кўнгли алланечук бўлиб кетди Холматбойнинг. Юз-кўзлари чанг-чунг, оёғига кишан урилган болалар карвондан ортада қолмаслик учун чаққонроқ қадам ташлашга уринишар, аммо уларнинг энг орқада келаётган кенжароғи кишан шилиб ташлаган оёғини авайлабми, ёки чарчоқданми анча орқада келар, кузатиб келаётган давангирдан хивич еб сакраб кетар, бир пас оқсоқланиб югурар, яна ортада қолар, яна хивич еб изилаб йиғларди.

Оқ кўзининг зорланишидан кўнгли бузилиб ўтирган бойнинг дили бу манзарадан баттар вайрон бўлди, бир оз каловлангач, чидаб тура олмади:

— Ҳой қулбон!

Давангирнинг бир мўйи ҳам қилат этмади, ҳатто ҳўкизникидек йўғон бўйнига ўрнашган сатилдек бошини бир томонга биргина буриб қарашни ҳам эп билмай, гапиравер дегандек товуш келган томонга кўз қирини ташлаб қўйди, холос.

Феъли ҳам турқига яраша шекилли, хаёлидан ўтди бойнинг қулбоннинг совуқ назарини илгар экан. Шундай бўлса-да, яна сўз қотди:

— Боланинг (қулбаччанинг дегиси келмади) нархини айт.

— Тошингни термайсанми сассиқ чол, иштонингга ямоқ тополмайсан-у, қул суриштиришни ким қўйибди сенга, — тўнғиллади у.

Шундагина бой оқ сурп иштонининг бир парча йиртиғидан жуңдор оёғи кўриниб турганига кўзи тушди.

Шамол кираётгандек бўлаётганди савил, ўйлади бой, бутоқ-мутоқ илиб кетибди шекилли-да, ҳеч қиси йўқ, эътибор бермади Холматбой.

Бу орада карвон ҳам, қулбон ҳам анча нари бориб қолганди.

— Тўхта! — бўқирди Холматбой, — тўхта!

Карвондагиларнинг ҳаммаси бирваракайига орқага бурилишиб қарашди, аммо қулбон ҳамон пинагини бузмай одимлайверди,

— Гарангмисан, нархини айт деяпман сенга.

Энди бой ҳам карвоннинг кетидан қорама-қора юраверди.

— Қайси бири? — тўнғиллади давангир.

— Орқада йиғлаб кетаётган кокилдори.

— Минг кумуш танга.

— Ма, юз тилло танга, санаб ол! — белидаги белбоғини тугуни билан қулбоннинг кўлига тутқазди Холматбой.

Кулбон зилдай ҳамённи салмоқлаб кўраркан тук босган тунд юзининг ярмисини эгаллаган япалоқ бурни бир-икки жийрилиб, сўйлоқ тишли ўрадек оғзидан қип-қизил тилини чиқариб, тарс-тарс ёрилган лабларини ялаб тамшанди.

— Камлик қилади.

Бу орада қулбоннинг шериги ҳам келиб орага суқилди.

— Кам де, берма.

— Ўзинг минг кумуш танга деб лафз қилдингми? — қайта сўради бой.

— Ҳа.

— Қўлингдагини кумушга чақсанг қанча бўлади?

— Бир минг юз, барибир кам, — ҳирқиради қулбон.

— Устига бир совлиқ кўзиси билан, бўладими?

— Кам.

— Икки совлиқ кўзиси билан.

— ...

— Жомонқул, ҳо-о-ов Жомонқул манову одамга икки совлиқни кўзиси билан ажратиб бер. Ана, айтганинг бўлди, энди кишанни еч!



— Керак бўлса ўзинг ечиб оларсан, — шундай деб болани бой томонга ноҳос итариб юборди.

Шу вақтгача неча иссиқ, неча совуқни, қанча-қанча яхши-ёмонни кўравериб кўзи пишиб кетган Холматбойнинг бунақа суллоҳга ҳечам иши тушмаганди. Унинг айтган нарҳида турмай белафзлик қилгани бир сари, кекса кишига беҳурматлик қилиб сенсирати етмагандек, одам боласига қул дея шунчалар бағритошлик қилиши бойга ёмон таъсир қилди, вазабдан кўз олди қоронғилашиб кетди. У ўзини зўра босиб, туртқидан мукка тушиб йиқилган боланинг шилинган тиззаси, тупроққа беланган юзини чопонининг бари билан артиб кўтариб оларкан, аста қаддини ростлади. Қулбоннинг чағрайган кўзига кўзи тушди. Мунчалар беорлик.

Холматбойнинг энг ёмон кўргани ҳақсизлик, энг ёмони мана шундай беор, беандиша қараш эди.

Бойнинг чап қўли (у чапақай эди) ногаҳон оқори кўтарилиб, оқ яктагининг чопондан чиқиб турган энги ҳавода бир дам лип этди-да, рапидадек кенг, залворли қафт шарақлаб қулбоннинг офтобда қорайган гарданига тушди. Кутилмаган зарбдан оёғи ердан узилган давангир кесилган терақдек қулаётиб боши билан пакана шеригининг қулоқ-чаккасига бориб урилди. Бир зарбдан бирварақайига ағдарилган икки савлат чангиб кетган тупроқ йўлда пича чўзилиб ётишганларича, не бўлганига тушуна олмай бир-бирларига тикилиб туришгач, каловланиб ўринларидан қўзғолишиб, бойга ташланишга шайланди. Аммо рақибнинг важоҳати ва унинг ёнида чўқмор бошли чўпон таёғига суяниб турган Жомонқулга кўзлари тушиб, бўзарганча ноилож ерга қарашди.

— Камми?

Бой нимани камми, деб, сўраётибди тиллоними ёки калтакними, улар унча яхши тушунишмади. Аммо иккови бир овоздан, биз розимиз, дея тўнғиллашди. Юввошгина кўринган бу қорамағиз қариянинг шижоати олдида иккала жангари анг-танг қолганди.

Холматбой чуқур тин олди.

— Шундай бўлгани рост бўлсин, еч кишанни!

— ... Роҳат! — дарвозадан кирмаёқ қичқирди Холматбой. — Сен туғмасанг, мана ўзим туғиб келяпман, қара боланга.

Куви пишаётган Роҳат бойбича пишкакни қурт юмалоқлаётган чўри қизга тутқазиб, чолининг истиқболига чиқди. У Холматбойнинг ҳазил-хузуллари кўнглига олмас, майли, ўзининг димоғини ўзи чоғлаб юраверсин, дерди. Шунинг учун ҳозир, сен туғмасанг, деганига хафа бўлмади.

Роҳатой бир чолига, бир унинг қўйнида кўзларини мўлтиратиб қараб турган қорамағиз, қоракўз, чуйдасидаги биртутам кокили бўйнига тушиб турган болага ажабланиб тикилди.

— Вой, ўзим айланайин қора қўнғизимдан, кимнинг боласини кўтариб юрибсиз? Отинг нима?

— Қўявер, кампир, ҳозирдан бошлаб ўзимизнинг боламизни кўтариб юрибман. Оти Абдулла, муни бир чўмилтириб, қорнини тўйдир. Кучукбаччадек оч кўринади шекилли, кейин биласан кимнинг боласи эканини.

— Вой, бунинг... кокиларинг бунча чиройлик бўлмаса, — ҳамон гиргиттон бўларди бойбича болани гоҳ қучоқлаб, гоҳ неча вақтлардан бери сув кўрмаган юзидан ўлиб.

— Ҳой, муңча ялаб-юлқаламасанг, ахир у меҳмондорчиликдан келаётгани йўқ-ку, ўғлимни ҳам энка-тинкасини қуритиб юбординг. Аввал мунигини қурсоғини яхшилаб тўйдиргин, — бой бир пахса кўтарилган супанинг раҳига беҳолгина ўтириб-туриб гўдраниб қўйди. — Кейин бафуржа гурунг қилиш бўлса, қочмас.

«Бечора кампир, эсини буткул йўқотиб, тентак-пентак бўлиб қолмаса гўрга эди. Бунинг ҳам тўғри тушуниш керақдир, балким. Шу шўринг қурғур умид билан мени эр деганига ҳам мана қирқ йил бўлибди. Айтишга осон. Қирқ йил-а, бир йигитнинг умри, қирқ йиллик изтироб, қирқ йиллик тоқат, қирқ йил кутиш осонми? Дўст бор, душман бор, қанча балад-паст гап-сўз дегандек, ҳаммасига чидади, биргина оғиз очиб юзимга солмади, улимиз йўқ, қизимиз йўқ демади, ҳеч нарса демасам ҳам ўзи яхши билади».

Эзилиб турган бағрини яна миғзилаб не қиламан, не бўлса барчаси Яратгандан, деб юрганини бой сезади. Балким шунинг учундир кампирига ўзини баттар яқин тутати, кўнглини қабартмайди, аммо диладаги меҳрини ташқарига чиқармайди ҳам, пинҳон тутати. Кампири қурғур ҳам гўл эмас, ҳаммасига ақли етади, бойнинг ҳар бир нигоҳи, ҳар бир ҳаракатию шарпасини унсиз ўқийди шекилли... Барибиром оғир экан бу савдо. Бирон жойинг оғриси уқалаб, малҳам қўйиб жонингни тиғчангирсанг бўлар, аммо бу дарди қурғур ўнгингда ҳам, тушингда ҳам сени изма-из, қадамба-қадам қузатар экан. Бошинг оғримайди, қорнинг оғримайди, юрак-бағринг ситилиб оқади. Шундай палла кампири танига оро киради. Бой, дейди чолига, бари худодан, не бўлса эгамнинг иродаси билан. Асли кампири қурғур ўктам, гаплари таъсирли, чечак изи қолган чўтир юзида алланечук нури бор аёл. Сухбати кишини ром қилади. Холматбой ҳам бир оз овунади. Аммо фикран аёлга ўзидан ҳам қийин эканлигини сезиб туради, мардлиги тутиб, бутун иродасини йиғиб хотинига аста қарайди.

— Сенга бир нима бўлдимиз ўзи, ҳе йўқ, бе йўқ не дейсан сира?

Ясама иддао қилади. Аммо барибир қийин. Бир куни қирчиллама қиш, рўза пайти эди. Эр-хотин сахарлик қилишди.

— Қуртобанг тоза оби-тобида бўлибди, — деди Холматбой косадаги қурт юқини чой қуйиб чайиб ичаркан, — гапиравер, не гап?

Кампир ҳам асли дашт қизи эмасми, айлантириб ўтирмади, чолининг юзига бир назар солиб, кейин кўзини четга олди:

— Сизни ўйлаб қўймоқчиман.

Бой бир кўзғалиб олди, кейин деворга суянди. Алланечук жилмайиб кулди, бу яхшилик аломати эмас эди. Бойнинг феъли торган бўлса, шундай кулгич одати бор эди.

Бойга бу тақлид таклифлар кўп бўлган. Ёр-дўст, оғайни-қариндош, қари-қартанглардан... Аммо бой уларга бир хил жавоб берар, ҳа ёки йўқ демас, бир гап бўлар, деб қўя қоларди. Аммо суҳбатдош англар эдики, бу хил суҳбат бойга унча ёқмади. Жуда яқинларига айтар эдики, эй фалончи қўш хотинликнинг тоши оғир, сабр қилайлик, не бўлса барчаси Оллоҳдан.

Холматбой сездик, ўша гапни айтганлар энди кампирини ишга солган. Чунки унчалик саводхон бўлмаса-да, ўлгудек такводор бой бу масалада хотинининг розилигисиз битадиган бу ишни шариат ёқламаслигини яхши биларди.

Бой чойдан ҳўплади, кейин деди:

— Кампир, бу сенинг фикринг эмас.

— Менинг фикрим.

— Ундай бўлса, сенга аввалги бор не деб эдим.

— Бўлмайди, кампир, деб эдингиз.

— Сенга гап ўргатганларга-чи?

— Уларга ҳам. Аммо қизиқ... ўзимнинг гапимга ўзим эгалик қила олмай, мункир кетиб ўтириш менга эпми?!

Бой гапирса-да, бойбича жим қолди. Чунки эътирозга ўрин қолмаган эди. Холматбой бир сўзлик, ётган томондан турмайдиган феъли борлиги унга яхши аён.

Касал халқи тузалиб кетаман, деб умид қилгандек Холматбой ҳам Оллоҳим менга ҳам бир фарзанд берар деб ноумид бўлмас эди. Қирқ йил кутди. Мана шуни бугун Худо берди. Энди Холматбойнинг ҳам ўғли бор. Бойнинг дийдасидан иссиқ бир нима куйдириб, қалқиб чиқди, кўзларидан дув-дув ёш қуйилди. Айланайин Яратгандан, деди. «Тувгон бўлмаса-да, тувганимдай кўрайин. Менам одам бўлиб, бола етаклаб юрайин, менам бир мириқиб бола суяйин, ота деса, ҳа, деяйин, одамлар ҳам бу бола фалончининг ули десин, Холматбой улига тўй қилаётганмиш, қани боринглар, журунглар, десин», бойнинг юзидан дув-дув тўкилаётган кўзёши оққан сари бағрини эзиб ётган ўша зил-замбил тош эриб, кичрайиб, енгиллаша бораётгандек бўларди. Бой ҳамон ун чиқармасдан соқоллари секин титраб йиғлар эди.

— Вой ўлай, сизга не бўлди, отаси.

Бой чўчиб тушди. «Не дейди бу, отаси дийдима?!» У кампирга ҳайрон қараб тургач, энди баттарроқ, худди ёш боладек ўкраб йиғлаб юборди. Қирқ йилдан буён кутган шу «отаси» деган сўз унинг бағрида бўғилиб ётган эди, бирданига рўёбга чиқариб юборди. Бойга кўшилиб бойбича ҳам кўз ёшларини тия олмади. Холматбой секин ўрнидан турди, юз-кўзини артиш учун каловланиб белбоғини еча бошлаган эди, ерга тап этиб тушган бўм-бўш «бедана халта»ни на бой, на бойбича сездди.

Эртасига қишлоқ аёллари Ойтош куноч арвоқларга атаб ёққан чироққа кўлларини тутиб, юзларига обдон суриб, товуқ сўйиб, хамир қилиб пиширилган момоошига тўйишга, Абдуллани Роҳат кампирнинг ёқасидан солиб, этагидан чиқариб олишди-да, туғди-туғди, деб чувиллашиб овоза қилишди.

Бу воқеадан кейин бир йил ўтиб, яна савр ёмғирлари дала-даштни кўмкўк майса, лолақизгалдоқларга буркаган бир паллада Оқтепада дув-дув гап тарқалди. «Роҳат бойбича туққан эмиш, туққанда ҳам ўғил туғибди. Вой тавбангдан кетай, шу ёшида-я? Нима бўпти, энди Элик еттигага кирди, холос, худо бераман деса эрта-кечи бораканми?! Ишқилиб умри билан берган бўлсин! Буям Холматбойнинг бахти!»

Олтамиш тўртга кириб топган ўғлининг қулогига Холмуродбой деб, ўзи азон чақирди. Чақалоқнинг қирқи чиқар-чиқмас ҳўкиз сўйиб ақиқа қилдирди. Яна оқтепаликлар Холматбойнинг ҳовлисига йиғиди, ош тортилгач, ҳовуз бўйидаги супага хизматкорлардан бири ҳўкизнинг чопилмасдан ошга босилган илгини лаганга солиб, бойнинг олдига келгирди. Бой унинг бир учидан ўзи тутиб, бир учини асранди ўғли Абдуллага бериб, элга юзланди:

— Эй, оғайнилар! Шу болани мен қулигида сотиб олувдим, қулим эмас, улим девдим, шу ишимиз худойимга ёқдим, ишқилиб менга ҳам қартайганимда бир ул берди. Бу болани мен Абдулла деб эдим, (Абдуллох, худонинг қули) биз ҳам у сингари ҳаммамиз Оллоҳнинг қулимиз. Буниси ҳам Оллоҳга қул бўлсин! Бу тўрт кун ёлгончи дунёда шу уларим ҳам сиз-биз каби яшаб юрсин, умрига, ризқига ўзи барака берсин. Бир овмин денглар!

Эл гувилади:

— Омин!

## «ВАЛИЙЛИК ДЕНГИЗИНИНГ ГАВҲАРИ...»

«Мен макорими ахлоқни такомиллаштириш учун юборилганман», деб эътироф этган, одоб-ахлоқнинг юксак намунаси бўлган Расулulloҳ (с.а.в.)нинг тарбиясини кўрган Ҳазрат Али (р.а.) ўзида устозининг ушбу сифатларини мужассам қилди ва буни шеърларида ҳам ифодалади. Ҳазрат Али (р.а.)бу мавзуда фикр билдирад экан, «фарзандларни ёшлиқдан одоб-ахлоққа ундаш, қизиқтириш кераклигини», «айни ёшлиқ чоғида тўпланган илм тошга ўйилган нақш каби бўлишини», айтди. Шунингдек, у, «хусн бизни безаб турган кийимларда эмас, балки ақл билан тарбияда», деб билди ва тақвони инсон учун энг яхши тарбия деб ҳисоблади.

Биз ушбу мақолада унинг шеърияти ҳақида тўхталишни лозим топдик, Ҳазрат Али (р.а.)шу пайтгача шоир сифатида эътироф қилинмаган эди. Шунингдек, унинг шеърий девони ҳам тадқиқ этилмаганди. Ваҳоланки, Ҳазрат Али (р.а.)ўз даврида кўзга кўринган шоир бўлган ва Расулulloҳ (с.а.в.) томонидан ҳам эътироф этилган. Буни бир ҳадис орқали ҳам кўришимиз мумкин. Унда айтилишича, саҳобалар Расулulloҳ (с.а.в.)дан Али (р.а.)га мушрикларни ҳажв қилиш учун изн сўраганларида, Расулulloҳ (с.а.в.)«Йўқ, у ундай эмас», деб жавоб берадилар ва уларни Ҳассон ибн Собитнинг ҳузурига юборадилар. Бу ҳадиснинг мазмунига эътибор берадиган бўлсак, унда икки жиҳат кўзга ташланади. Биринчидан, саҳобаларнинг Расулulloҳ (с.а.в.)дан Али (р.а.)га мушрикларни ҳажв қилиш учун изн беришларини сўраганлари Ҳазрат Али (р.а.)нинг кўзга кўринган, эл назарига тушган шоир бўлганлигини кўрсатади. Иккинчидан, Расулulloҳ (с.а.в.)нинг: «Йўқ, у ундай эмас», яъни, «Йўқ, у ҳажв қилмайди», деган жавобларидан Ҳазрат Али (р.а.)ҳажвчи шоир бўлмаганлиги англашилади. Ҳақиқатан ҳам Ҳазрат Али (р.а.)нинг девонида бирорта ҳам ҳажвий шеърни кўрмаймиз.

Юқоридаги ҳадисни Ҳазрат Али (р.а.) шеъриятига берилган муносиб баҳо дейиш мумкин. Ҳазрат Али (р.а.)шеъриятига яна бир юксак баҳони фазал мулкининг султони Алишер Навоий берганлар. Улар умрлари охирида ёзган «Маҳбуб ул-қулуб» асарининг «Назм гулистонининг хушовоз қушлари тўғрисида» фаслида шундай дейдилар: «Улар бир неча гуруҳдир. Биринчи гуруҳи — илоҳий маърифат хазинаси жавоҳирлари билан бойиган ва халқнинг таърифига эҳтиёж сезмаганлар бўлиб, қиладиган ишлари маънолар хазинасидан жавоҳирлар йиғмоқ ва у жавоҳирларни эл эзулиги учун назм ипига термоқликдир. Назмларнинг ифодаси, ниҳоятда қутлуғ, гоят ёқимли ва улўғдир. Истаган одам буларнинг шеърларидан сўз мўъжизаларини топа олади. Буларнинг назмлари шундай табаррук каломларки, ҳурмат юзасидан уларни шеър дейишга ҳам элнинг тили бормайди.

Мана шу азиз ва шарофатли зотлар гуруҳининг энг улўғ пешвоси ва энг биринчиси ва энг сараси, валийлик денгизининг гавҳари ва қаромат пешаларнинг энг буюқ юлдўзи — мўъминларнинг амири Ҳазрат Алидирларким, Ҳақ у кишидан рози бўлсин ва юзларини ёруғ қилсин. У кишининг шеърий девонлари бор бўлиб, унда яширинган сир ва маъноларнинг чегараси йўқдир».(Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1983, 26-бет.)Алишер Навоийнинг бу баҳосидан кўринадики, у Ҳазрат Али (р.а.)шеъриятидан яхши хабардор бўлган.

Алишер Навоийнинг Ҳазрат Али (р.а.)ни «мана шу азиз ва шарофатли зотлар гуруҳининг энг улўғ пешвоси ва энг биринчиси ва энг сараси» деб таърифлаши бежиз эмас.Дарҳақиқат, Ҳазрат Али (р.а.) ислом шоирларининг энг улўғ пешвоси ва энг биринчиси, шунингдек, энг сарасидир.

Ҳазрат Али (р.а.) жамиятда бўлгани каби шеъриятда рўй берган ижобий ўзгаришлардан четда қолмади. У узундан-узун қасидалардан кўра, ўз фикрларини кичик шеърларда ифодалашни афзал билди. Унинг шеърлари қисқа ва лўнда, лекин

мазмунан теран ва бўлиқ, тили равон, тушунарли ва ёқимлидир. Ҳазрат Али (р.а.) шеърятдаги янгилини қабул қилиш билан бирга, исломгача бўлган жоҳилия даври шеърятидан ҳам бебаҳра қолмади. У жоҳилия даври шеърятда истеъмолда бўлган аруз вази баҳрларини яхши билар ва уларни ўз шеърларида қўллар эди. Ҳазрат Али (р.а.) девонида қўлланилган баҳрлар тартибининг жоҳилия даврида қўлланилган баҳрлар тартиби билан мос келиши фикримизни тасдиқлайди. Унинг девонида исломий ахлоқ-одоб, яхши хулқ-атворлар, фазилатлар улуғланади. У инсонларни шундай хусусиятлар эгаси бўлишга ундади, чин дўстлик ва биродарликни мақтади. Ҳазрат Али (р.а.) Аллоҳ ва банда ўртасидаги, шунингдек, инсонлар орасидаги муносабатлар борасида сўз юритди. Ҳазрат Али (р.а.) яна ўлим ва ҳаёт, дунёнинг ўткинчилиги, тақдирнинг бевафолиги ҳақида гапирди, инсонларни қийинчиликларга сабр қилишга чақирди ва уларга қийинчиликлар кетидан яхши кунлар келишини уқтирди. Умуман олганда, Ҳазрат Али (р.а.) барча ҳаётини масалаларни исломий нуқтаи назардан ёритиб берди ва ўз фикрларини билдирди. Унинг бу фикрларини Алишер Навоий таърифлаганларидек, «маънолар хазинасининг жавоҳирлари» дейиш мумкин.

Ҳазрат Али (р.а.)ни ҳақли равишда, ислом даври шоирлари ва шеърятининг пешвоси ва устози дея оламиз. Бу фикримиз шу жиҳатдан ҳам ҳақиқатга тўғри келадики, ислом даври шоирлари муайян мавзуларда Ҳазрат Али (р.а.)га эргашган эдилар. Ислом даври шоирлари дейилганда: араб, форс ва туркий шоирларни тушунмоқ керак.

Ҳазрат Али (р.а.)га эргашган ислом даври араб шоирлари сирасига Абу-л-Атоҳия ва Ал-Мутанаббиларни киритиш мумкин. Аббосийлар даврида яшаган бу икки шоир ижодида мурожаат қилсак, уларда ўлим ва ўлимнинг ҳақлиги, ўлган одамнинг қайтмаслиги, бу дунёда ҳеч ким ва ҳеч нарса абадий эмаслиги, ўлим олдида ҳамманинг ожизлиги ҳақидаги, одамлар ўртасидаги муносабатлар, дўстлик, чин дўстлик, тақдирнинг бевафолиги, ҳаёт тўғрисидаги фикрлар ёритилган шеърларни ўқиймиз. Лекин мазкур мавзулар бу икки шоирдан бурун илк ислом даври шоири Ҳазрат Али (р.а.) шеърятда ҳам ўз ифодасини топган эди. Абу-л-Атоҳия ва Ал-Мутанабби эса, бу борада Ҳазрат Али (р.а.)га эргашганлар.

Ўлим ва ўлимнинг ҳақлиги, бу дунёда ҳеч ким ва ҳеч нарса абадий эмаслиги, ўлим олдида ҳамманинг ожизлиги мавзуларидаги шеърлар Ҳазрат Али (р.а.) шеърятда муҳим ўрин тутди. У бир шеърда шундай дейди:

2 — Кишида ўлимдан кейин яшаши учун ўлимдан олдин қурган уйдан бўлак уй бўлмайди.

3 — Агар у уйни яхшилик билан қурса, уй яхши бўлади. Агар ёмонлик билан қурса, қурувчиси муваффақиятсизликка учрайди.

4 — Подшоҳ деб эълон қилинган шахслар қани? Уларга ўлим соқийси ажал шаробини ичирди.

5 — Биз бойликларимизни меросхўрлар учун тўплаймиз ва уйларимизни замона (зайли) билан бузилиб кетиши учун қурамиз.

6 — Дунёда бунёд қилинган қанча шаҳарлар харобага айландилар. Ўлим эса уларнинг яқинида бўлганларни айблади.

(Дивену-л-имам Али ибни Аби Талиб. ал-Қоҳира, дару-л-кутуби-л-илмийа лин-нашр ва т-таъвиз, 1993, 126-бет. Кейинги мисоллар ҳам шу манбадан олинди.)

Ҳазрат Али (р.а.)нинг бошқа бир шеърда шундай фикрларни ўқиймиз:

1 — Йўқ бўлиб кетган элатлар ҳақида шу (ўтаётган)вақтдан сўра. Зеро, (бу элатлар қолдирган) излар, белгилар сенга улар ҳақида хабар беради.

2 — Ажал маконида абадиятни хоҳлайсан. Сенинг хоҳлаётганингни сенга ўхшаганларнинг қанчаси хоҳлаган.

3 — Бепарвосан, лекин ажал сенга бепарво эмас. Ажални кўрмайсанми, эй сен бепарво?

4 — Фано (йўқлик)ка суяниб, унинг орқасидан вақтичоглик қилдинг. Ваҳоланки, ўзинг ҳам ўласан, йўқ бўласан. Дунёда ҳеч нарса давомли эмас.

5 — Эрга-индин ўларсан. Сен эса ўткинчи нарсаларга хурсандсан. Гўё уларнинг қаърида сузарсан.

Ҳазрат Али (р.а.) яна бир шеърда шундай дейди:

1 — Хизматкорлар ва соқчилар билан ҳимоялансанг ҳам бир зум ўлимдан бехатар бўлмайсан.

2 — Билгил, ажал ўқлари бизлардан ҳар бир совут кийган ва қалқон тутганини шикастлайди.

Ҳазрат Али (р.а.)нинг бошқа бир шеърда қуйидаги сатрларни ўқиймиз:

1 — Ўлим на отани ва на болани қўяр. Бу йўл оқибатида ҳеч кимни кўрмассан.

2 — Пайгамбар ҳам ўз умматига боқий бўлмади. Агар Аллоҳ одамларни боқий қилганида ул зотдан олдин боқий бўлардилар.

3 — Бизга ажалнинг беҳато ўқлари отилган. Агар кимга бугун ўқ тегмаса, эртага тегади.

Ўлим ва у билан боғлиқ фикрлар яна биз айтиб ўтган икки араб шоиридан бири — Абу-л-Атоҳия шеърятида ҳам ўз аксини топган. Унинг қазо қилган дўстига бағишланган қасидасида шундай сатрлар мавжуд: «Тақдир унга қўққисдан ҳужум қилди ва уни секин-аста хиёнат билан қўлга киритди. Унинг атрофидаги кўшин ҳам, унга ёрдамга шошилганлар ҳам ёрдам бера олмадилар. Эртасига у аллақачон узоқ манзилга, ўз қабрига борарди... У қурган саройларини хувиллатиб қолдирди, ўзи эса, қабр учун қазилган чуқурга жойлашди. Энди у қайтиши мумкин бўлмаган йўловчидир: у ўз шаҳрида бўлса ҳам чет эллиқдир». Абу-л-Атоҳия яна бир шеърда шундай дейди: «Узоқ вақт менинг ҳаётим ширин ва ёқимли бўлди, узоқ вақт мен ғурур билан этагимни судраб юрдим, узоқ вақт ўз аҳмоқлигимга ва бемулоҳазалигимга итоат этдим, узоқ вақт ичишга берилдим! Узоқ вақт мен севги ўйинини ёқтирдим, лекин мана тақдир ўқ отди ва уни нишонга тегизди! Ҳэй, баланд саройлар қурувчиси! Қаёққа интиляпсан? Наҳотки булутларга етишни хоҳлайсан? Сен, ахир, фақат тақдир водийсидадирсан: агар ажал сенга ўқ отса, тегизса керак. Эй вақти билан бузилиб кетадиган (бинолар) қураётган! Хоҳлаганингни қур, барчасининг харобага айланганини кўрасан...»

Абу-л-Атоҳиянинг бу шеърини сатрларини Ҳазрат Али (р.а.)нинг юқорида келтирилган шеърини сатрлари билан қиёсланса, улар ўртасида мутаносиблик ва ўхшаш ўринлар борлигини кўрамиз. Ҳазрат Али (р.а.) уй қуриш ва уй қурувчиси ҳақида сўз юратади. Абу-л-Атоҳия эса, баланд саройлар қурувчиси, (бинолар) қураётган ибораларини қўллаган. Лекин, Ҳазрат Али (р.а.)дан келтирилган мисолларнинг биринчиси аввалги икки байтидаги уй Абу-л-Атоҳиянинг саройидан фарқли ўлароқ, бу дунёда у дунё учун қурилган уй ёки кишининг бу дунёда у дунё учун кўрган тадоригидир. Шунга кўра, мазкур сатрларда кишига у дунёда кўрсатиладиган муносабат бу дунёдаги тадорикига боғлиқ, деган маъно англашилади. Ҳазрат Али (р.а.)нинг бу шеъри бешинчи байтидаги уйлар бу дунёда кишилар яшаши учун қурилган уйлардир. Ҳазрат Али (р.а.)уларнинг замона (зайли) билан бузилиб кетишини айтади. Шу билан бирга, Ҳазрат Али (р.а.) «дунёда бунёд қилинган қанча шаҳарлар харобага айландилар», дейди. Абу-л-Атоҳиянинг «эй вақти билан бузилиб кетадиган (бинолар) қураётган! Хоҳлаганингни қур, барчасининг харобага айланганини кўрасан», деган сатрлари Ҳазрат Али (р.а.)нинг юқоридаги сатрларига ўхшашдир. Ҳазрат Али (р.а.) бир шеърда «бизга ажалнинг беҳато ўқлари отилган. Агар кимга бугун ўқ тегмаса, эртага тегади», дейди. Бошқа бир шеърда эса, «билгил, ажал ўқлари бизлардан ҳар бир совут кийган ва қалқон тутганни шикастлайди», дейди. Абу-л-Атоҳияда эса шу сатрларга ўхшаш «лекин мана тақдир ўқ отди ва уни нишонга тегизди» ва «агар ажал сенга ўқ отса, тегизса керак», деган сатрларни ўқиймиз. Шунингдек, Ҳазрат Али (р.а.)нинг «ўлим на отани ва на болани қўяр», деган сатри Абу-л-Атоҳиянинг «на ота ва на унинг ўғли абадий яшайди», деган сатрига ўхшашлигини ва бу икки шоир шеърларидаги бошқа ўхшаш ўринларни кўришимиз мумкин.

Энди Ал-Мутанабби шеърларидаги Ҳазрат Али (р.а.) шеърятидаги фикрлар билан ўхшаш жиҳатларга назар ташлайлик.

Одамлар ўртасида адолат, меҳр-оқибат, вафо ва бошқа фазилатларни сингдиришга ҳаракат қилган, лекин уларнинг бир-бирига бўлган ёмон муносабатларини йўқ қилиб бўлмаслигини билган Ҳазрат Али (р.а.) бу ҳақда ёниб шеърини сатрлар айтди. Масалан, у бир шеърда шундай дейди:

1 — Кечаги кун каби вафо йўқ бўлди. Одамлар ёлгончи ва риёкор бўлиб қолдилар.

2 — Ўзаро меҳр ва самимият билдирадилар. Лекин уларнинг қалблари чаёнларга тўла.

Ҳазрат Али (р.а.) бошқа бир шеърда шундай дейди:

1 — Меҳр ва дўстлик ўзгача бўлиб қолди. Ростгўйлик камайди. Умид йўқ бўлди.

2 — Тақдир мени ўта хиёнаткор, дўстликка риоя қилмайдиган дўстга йўлиқтирди.

3 — Кўп бор дўстимнинг ҳаққини адо этдим. Лекин у ўз аҳдига вафо қилмади.

4 — Агар дўстларингга муҳтож бўлмасанг, улар сенга дўст бўладилар. Агар бошингга мусибат тушса, душманга айланадилар.

5 — Улар мени кўриб турсалар, меҳрибон бўладилар. Бу меҳр биз учрашганда бор, бўлмаса йўқ.

6 — Агар уларнинг бирортасидан бой бўлсам, мени ёмон кўради ва менга «жазо» бериб, бундан қониқиш ҳосил қилади.

7 — Уни мендан бой қилган мени ҳам бой қилади. На камбағаллик ва на бойлик абадийдир.

8 — Аллоҳга бўлган ҳар бир меҳр-муҳаббат самимий бўлади. Фисқ-фасод бор экан, дўстлик чин бўлмайди.

9 — Ҳар бир жароҳатнинг давоси бор. Лекин ёмон феъл-атворга даво йўқ.

10 — Бахт-саодат абадий эмас. Шунингдек, бахтсизлик ҳам боқий эмас.

11 — Агар сен қадрдон дўстинга нисбатан аҳд-паймонингни инкор қилган бўлсанг, менинг кўнглимда (дўстлик аҳд-паймониға) олийҳимматлик ва уялиш ҳисси бор.

12 — Агар аҳли байт (Муҳаммад (с.а.в.) оиласи)нинг боши бурилса, яъни, омади кетса, уларга одамлардан бераҳмлик етади.

Ал-Мутанаббӣ шеъриятида ҳам юқоридаги каби фикрларни кўрамиз. Масалан, у шундай дейди: «Агар бамаъни киши одамларни синаган бўлса, у ҳали уларни татиб кўрибди, мен эса тўйдим, мен уларнинг бор меҳри ёлғондан иборатлигини, уларнинг бор ишончи риёкорлик эканлигини кўрдим». Яна у шундай фикр билдиради: «Вафо камайди, сен уни ваъдалардан топмайсан, хабарлар ва қасамларда ростгўйлик кам бўлиб қолди».

Ҳазрат Али (р.а.) ва Ал-Мутанаббӣ шеърларидаги ўхшашликни биз яна уларнинг ҳаёт ва унинг бевафолиги ҳақидаги фикрларида ҳам кўрамиз. Ҳазрат Али (р.а.) бу хусусда шундай ёзади:

1 — У (ҳаёт) ёрдамлашад экан, ундан (ҳаётдан) завқлан. У сендан узоқлашса, (бундан) сенинг кўнглинга ташвиш етмасин.

2 — Агар у сенга мулойим бўлса, ундан сўнг сендан бошқага ҳам мулойим бўлади.

3 — Агар у ваъда берса, ваъдаси узоққа чўзилмайди. Бармоқлари бўялганда ваъда(га вафо) бўлмайди.

Юқоридаги учинчи байтда «бармоқлари бўялган» дейилганда, аёлга ишора қилинган. Чунки аёллар бармоқларини хинага бўйидилар. Шу ўринда Ҳазрат Али (р.а.) истиора қўллаган. У ҳаётни бевафолиги туфайли «бармоқлари бўялган»га, яъни, аёлга ўхшатган.

Ал-Мутанаббӣда ҳам ҳаёт ва унинг бевафолиги ҳақидаги сатрларни ўқиймиз: «Бу дунё ҳаёти унинг барча макр-ҳийласига қарамай, ваъдасида турмаса ҳам, ўз меҳру муҳаббатига содиқ бўлмаса ҳам севишадиган бир гўзал аёлдир. Унда гўзалларга хос барча хусусиятлар мавжуд, билмадим, балки шунинг учун одамлар уни муаннас жинс (аёлга тегишли) исм билан аташгандир».

Иккала шоир ҳам ҳаётни аёлга, унинг бевафолигини аёлнинг бевафолигига ўхшатишган.

Ҳазрат Али (р.а.)га эргашган форсийзабон шоирлардан бири сифатида Саъдий Шерозийни айтса бўлади. Чунки Ҳазрат Али (р.а.) шеърлятидаги фикрлар Саъдий Шерозий шеърларида ўз аксини топган. Буни мисоллар орқали ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, Ҳазрат Али (р.а.)да фарзандлар тарбияси ҳақида шундай сатрлар мавжуд:

1 — Қариган чоғингда мамнун, шод бўлишинг учун фарзандларингни ёшликда одоб-ахлоққа унда, қизиқтир.

2 — Айни ёшлик чоғида сен тўплайдиган одоб-ахлоқ тошга ўйилган нақш каби бўлади.

Саъдий Шерозий эса бу ҳақда шундай дейди:

*Кимга ёшлигидан берилмас одоб,  
Улғайгач бўлади бахтсиз, дили гаш.  
Ҳўл новда эгилар қай хилда эгсанг,  
Қуруқни тўғриллар фақат ўт-отаи.*

Ҳазрат Али (р.а.) ўз шеърлятида инсоннинг лой, тупроқдан яралганлиги ва яна тупроққа айланиши ҳақида фикр билдирган. Форс шеърлятида бу борада Ҳазрат Али (р.а.)га Умар Хайём эргашган. Умар Хайём Ҳазрат Али (р.а.)га эргашибгина қолмай, балки у билдирган фикрни ижодий ривожлантирган. Мисолларга мурожаат қилсак. Ҳазрат Али (р.а.)да, жумладан, қуйидаги сатр мавжуд:

— Биз ер фарзандларимиз ва унда яшаймиз. Биз ундан бунёд бўлганмиз ва унга қайтажамиз.

Умар Хайём бунга ҳамоҳанг тарзда шундай рубоийлар ёзади:

*Йўқликдан пок келиб, нопок бўлдик биз,  
Шўху қувноқ келиб, ғамнок бўлдик биз.  
Кўзимиз тўла ёш, юракда олов,  
Умр елга кетди ҳам хок бўлдик биз.*

ёки:

*Хушвақт бўл, ғуссанинг чеки йўқ бир он,  
Бу чарх юлдузларга солади қирон.  
Сенинг тупроғингдан ясалган ғиштлар  
Бўлар ўзгаларга манзилу макон.*

Туркий шоирлар орасида «Ҳибат ул-ҳақойиқ» асарининг муаллифи Аҳмад Югнакий Ҳазрат Али (р.а.)нинг шеърлятидан қаттиқ таъсирланган. Унинг тил ва сўз одоби ҳақидаги

фикрлари Ҳазрат Али (р.а.)га эргашганлигини кўрсатади. Аҳмад Югнакийнинг шеърий сатрларини Ҳазрат Али (р.а.)нинг шу тўғридаги шеърий сатрлари билан қиёсласак, масала равшан бўлади.

Ҳазрат Али (р.а.) шеъриятида сукут ва оз сўзлаш, кўп сўзлашнинг зарари ҳақида фикрлар билдирилган шеърий сатрлар мавжуд. Ҳазрат Али (р.а.) бир шеърида шундай дейди:

1 — Сўзнинг ози ўз эгалари учун яхшидир, кўпи эса ёмондир.

2 — Камгап хато қилмайди, сергап эса хатодан қутулолмайди. Ҳамда камгап танбеҳ эшитмайди.

3 — Агар сўзлаётгани кумушдан бўлса, сукут ёқут безаган дурдир.

Ҳазрат Али (р.а.)нинг бошқа бир шеърида шундай сатрларни ўқиймиз:

1 — Бемавруд кўп сўзлама. Ақлни безовчи сукут сақлашни одат қил.

2 — Киши оёғи билан қоқинса ўлмайди, тили билан қоқинса (яъни, хато қилса) ўлади.

Аҳмад Югнакийда шунга ўхшаш қуйидаги сатрлар мавжуд:

*Сафех эр тили ўз боши душмани,  
Тилингдин тўкулди телим эр қони.  
(Аҳмоқ кишининг тили ўз бошининг душмани,  
Кўпларнинг қони ўз тили туфайли тўкилади).  
Ўкуш сўзлаганда ўкунган телим,  
Тилин беқлаганда ўкунган қани?  
(Кўп гапирувчилар ичида ўкинганлар кўп,  
Тилини тийганлар орасида ўкинганлар қани?)  
Неким келса эрга тилитин келур,  
Бу тилтин ким эдгу, ким ақир бўлур.  
(Киши бошига нима ёмонлик келса, тили туфайли келади,  
Тили туфайли бировлар эзгулик, бировлар хорлик кўради.)*

Ҳазрат Али (р.а.) яна сир сақлаш ҳақида фикр билдиради. У бу ҳақда шундай дейди:

*Сир сақла ва сақлан ҳар сўровчидан,  
Эҳтиёткорликсиз донолик бекор.  
Сиринг асирингдир агар сақласанг,  
Сен унга асирсан бўлса гар ошкор.*

Аҳмад Югнакий шу фикрни қуйидагича ифодалайди:

*Қатиф кизла розинг, киши билмасин,  
Сўзунгдин ўзунгга ўкунч келмасин.  
(Сирингни қаттиқ яшир, киши билмасин,  
Сўзингдан ўзингга пушаймон келмасин).  
Эшим теб инониб сир айма, сақин,  
Неча ма ишончлик эш эрса яқин.  
(Яқиним (дўстим) деб ишониб сир айтма, эҳтиёт бўл,  
Дўстинг қанчалик ишончли ва яқин бўлса ҳам).  
Сериб сенда розинг, сингиб турмаса,  
Серурму эшингда, муни кед сақин.  
(Сиринг ўзингда сақлаиб, сингиб турмагач,  
Дўстингда саланармиди, буни яхши ўйлаб кўр).*

Туркий шоир Аҳмад Югнакий, форс шоирлари Саъдий Шерозий ва Умар Ҳайём ҳамда араб шоирлари Абу-л-Аттоҳия ва Ал-Мутанаббӣ шеърларини Ҳазрат Али (р.а.) шеърлари билан қиёслаш ва уларнинг Ҳазрат Али (р.а.) бошлаб берган йўлда унга эргашганликларини кўрсатади. Умуман олганда, Ҳазрат Али (р.а.) ислом шеърияти пешвоси бўлиш билан бирга, мутафаккир ва олим ҳам бўлган эди. У илм энди куртак ёзаётган бир пайтда, илмининг ҳар хил соҳалари билан қизиқди ва ўзининг бебаҳо фикрларини баён этди. Шу сабабдан уни ҳақли равишда ислом даврининг илм ва шеърият пешвоси дея оламиз.

Сарвар Очилов



Хуршид

## «Девони Шоҳидий»дан

\* \* \*

Мени маҳзунлигимга ишқ бир дилбар эрур боис,  
Халос ўлмоққа бу дарддин менга соғар эрур боис.  
Кўнгил қошонасида оташи ишқ ошиён айлаб,  
Дилим вайрона ўлмоқига бу ғамлар эрур боис.  
Дилимдан ишқ дуосини таркин истарам лекин,  
Хаётимга умид васл жонпарвар эрур боис.  
Бу даҳр айвонига келдум, ҳеч шод ўлмадим, яъни,  
Дилим мағмумликина ишқ ёр афсунгар эрур боис.  
Кўнгил қушина тушди неча бетоқатлик ишқиндан,  
Ки, мужгон кирпикиндан анга юз наштар эрур боис.  
Чинин Фарходдурман кўҳ ғамдаман ғариб доим,  
Ки, мухаллис этгай ғамдин майи аҳмар эрур боис.  
Хазон ўлмиш гул умрим ул ойни офати бирлан,  
Мани Шоҳид жунунимга ишқ савдогар эрур боис.

\* \* \*

Эй сабо, ҳолимни қил ул шўх жононима арз,  
Оху афғонимни ҳам ул шоҳ-султонима арз.  
Кўш айла арзима бирдам сабо раҳм айлаю,  
Хаста ҳолим айлагил ул боғ-бўстонима арз.  
Лаҳза-лаҳза мен ғариба ҳажр тугён айлади,  
Айлагил маҳзунлигим ул номусулмонима арз.  
Нори ишқи дилға тушти ман ғариб зор этуб,  
Кўш этуб арзимни қил ул дилбар-и жонима арз.  
Байтул — аҳзон ичрадурман, зори-чун Яъқубдек,  
Ҳолими, зорим айлагил Юсуф Канъонима арз.  
Булбули зор ўлмишам ҳижрон ўтида беқарор,  
Эй сабо, ҳолими қилгил гулистонима арз.  
Шоҳидий саргаштаям бу водийи ғурбатдаким,  
Муддаоми айларам халлоқ Яздонима арз.

\* \* \*

Фурур(и) хусн бирлан ноз-истиғноларинг бордур,  
Мудомо бошим узра шўриш(и) ғавғоларинг бордур.

Лаб(и) лаълинг майидин журъа эҳсон айлагил, жоно,  
Муяссар хусн ўлмаским рақиб(и) ошноларинг бордур.

Агар қилсанг табассум жумла олам бўлғуси хуррам,  
Висолингга анинг-чун волае шайдоларинг бордур.

Менга ҳар дам жафодан эдар яктонадур мақсуд,  
Дамодам бошим узра турфа бир савдоларинг бордур.



Қилиб агёр бирлан кечаларда базм ила суҳбат,  
Висолингдин аларға соғар(и) сахболаринг бордур.

Дилимиз шод айларди, нигоро, нутқ гуфторинг,  
Хароб этган дилимни наргис(и) шахлоларинг бордур.

Руҳ моҳинг умиди-ла суҳанд бор айладим мактуб,  
Жавоб хат этарга монёсиз доноларинг бордур.

Хашти хол рахинг лавҳ(и) дилимда ошиён айлаб,  
Мени ошуфталар қилган қад(и) зеболаринг бордур.

Алифдек қоматингдин рашк этар сарв(и) гулраёно,  
Отарга ошиқинким ғамзадин ороларинг бордур.

Нетай, Шоҳид, даво истабод дард(и) сўз ҳижрони,  
Шифойи қалб учун лаъл(и) лаб хумроларинг бордур.

\* \* \*

Қотил ушшоқ эрур чун тиф буррон кўзларинг,  
Дилни ғорат айлади, эй офати жон, кўзларинг.  
Офат ўлмиш тўтий-и жонларга мужгонинг ўти,  
Айламиш бисмил каби оламни яксон кўзларинг.  
Раҳм этиб бир сўрмадинг, эй зор аҳволинг на деб,  
Айлади қалбим хароб чоки гирибон кўзларинг.  
Етмади васлинг майидин журъайи ман хастаға,  
Ҳар дами ҳижрон ўтида қилди бирён кўзларинг.  
Соати ҳамсуҳбат ўлмай доимо кўрдим жафо,  
Иштиёқи-ла қилур-чун булбул афгон кўзларинг.  
Лозим эрмас мунча зулм этмоқ, нигоро, ошиқа,  
Тир истиғно-ла қилмиш дилни вайрон кўзларинг.  
Тилсими дилни бузуб, жоду кўзинг афсун ила  
Айлади ҳар номусулмонни мусулмон кўзларинг.  
Оҳким, ишқинг йўлида сарф ўлубғам(и) шабоб,  
Чун қарилик вақтида этсунки дармон кўзларинг.  
Найлайин, бу ғам аро Шоҳид ажаб маҳжурмен  
Бир боқиб, вайрон дилим қилсун гулистон кўзларинг.

\* \* \*

Ақл-хушни ғорат этди дилбар(и) айёрлар,  
Ишқ ўтида доимо ўртаб қилур беморлар.  
Боқмайин, бир сўрмайин ҳол(и) хароб хастани,  
Жисмими сад чок айлар зулм ила дилдорлар.  
Дилни мулкин лашкар-и ғам бирла барбод айлаюб,  
Оҳ(и) афгон этдилар коримни ул таррорлар.  
Олдилар ақлимни аввал нозанинлар лутф этуб,  
Охири зулм этдилар бунёд ул маккорлар.  
Лаҳзае тинмам фиғондин ул парилар ёдида,  
Ўзгаруб шом-и саболарни бўлуб бедорлар.  
Лоф этар ул дилбарлар ваъдае васли ила,  
Ҳар дами зулми ила айлар мани афгорлар.  
Ҳажр ила ўртаб мани ҳолим сўрага ор этуб,  
Қатл этар ҳижронда ул дилбар-и беорлар.  
Жон яқин парвоз қилса тан уйидин.....  
Қилмадилар раҳм жонон қилсам оҳ-и зорлар.  
Оҳким, лутф етмади ул ёрлар ман хастаға,  
Журъае шахд лабина бўлмишам хумморлар.  
Назм ила ёзди хуруф номини Шоҳиди ғариб,  
Гарчи манзур ўлмағай маҳбубиға ашъорлар.



Маҳбуби олам бир тараф, ул шўх барно бир тараф,  
 Шамси қамардур бир тараф, ул моҳ сиймо бир тараф.  
 Форат қилурга қалбими жаллодлар қасд айлаюр,  
 Тир мижадур бир тараф, абрўйи зиё бир тараф.  
 Зулм айлашурлар ҳар дами агёр ила дилдорлар,  
 Жаври рақибдур бир тараф, ул ёр тарсо бир тараф.  
 Базм айлашуб то субҳидам ул шўхлар агёр ила,  
 Шаҳд вислои бир тараф, соғари саҳбо бир тараф.  
 Зулмат хижрони аро ман зор хайрон қолмишам,  
 Агёра лутфи бир тараф, васли муҳайё бир тараф.  
 Ул шўхларнинг зулмидин жон бўлди парвоза яқин,  
 Зулм-жафолар бир тараф, фитнау гафво бир тараф.  
 Рашк ўтида сўзон этуб ман хастани ул ёр жон,  
 Кетмишдур ақлим бир тараф, бу жон шайдо бир тараф.  
 Гарчанд, қотиллик иши маҳбублар кори эрур,  
 Бу кори олам бир тараф, ул чашми шахло бир тараф.  
 Хижрон ўтини ул пари ҳар дам зиёд айлар менга,  
 Мен хаста Шоҳидга қачон бўлғай бу савдо бир тараф?

\* \* \*

Мен нечун зор ўлмайин бўлғач нигоримдан жудо,  
 Паришон ҳол эткучи дилдор — ёримдан жудо.  
 Лоладек пурхун этуб қалбимни бу золим фалак,  
 Махв этуб ақлимни қилди гулузоримдан жудо.  
 Икки букди қаддимми ғам бирла меҳнат боридин,  
 Охирида айлади сабр-и қароримдан жудо.  
 Ох, афғон айлаюрман кечалар чун андалиб,

### «Девони Шоҳидий» қўлёзмаси ҳақида

«Девони Шоҳидий» собиқ Қўлёзмалар институтининг қўлёзмалар фондида 3096 инвентар рақами остида сақланади. Девон 1981 йилнинг 15 апрелида хоразмлик Сиддиқов томонидан топширилган.

Девонга 133 та ғазал, 1 та соқийнома, 1 та мустаҳзод, 2 та мусаддас (олтилик), 3 та мухаммас ( 2 таси Бедил ғазалига боғланган), 30 та рубоий, 6 та муҳтамалоти Шоҳидий ва 1 та фард киритилган.

Девон шундай бошланади:

*«Ул оқшомики, чиқти Жаброил ҳамроҳ меърожа  
 Ва лекин топмади ул шоҳ сайридин вуқуф асло,  
 На хуш давлатки, менга тартиб этсам остонида,  
 Паямбар чорлағайму умматим кел, деб мени фардо.  
 Дегиш наътини Шамсиддин Шоҳид борича қувват,  
 Шафоат қилса шояд ҳаширда ул саййид барно.*

Қуйидаги тахлитда яқунланади:

#### Таърихи девон

*Дўстлар, сиздин таманномудур мани ошуфта ҳол,  
 Шейри бе вазнимдин олманг қалби хотирга малол.  
 Гарчи менга лойиқ эрмас назм этмоқлик вале,  
 Шейрга шуғул этдум истаб аҳли ноқисдин камол.  
 Ҳар ишиким банда қилса холийи хат, айб эмас,  
 Пок айб нуқсдин лек ҳазрат-и вожиб таол.  
 Жустжў қилдим таассуф бирла соли таърихин,  
 Оламе сайр айладилар мардум фикр-и хаёл.  
 Уч ададни айлаюб исқот Шоҳид баъдаз он,  
 Гунчаи гулзор чи— деб айлади таърихи сол.*

Бўлмишамким гулшан фасл-и баҳоримдан жудо.  
Ҳасрат ўти бирла ўртандим висолин кўрмайин,  
Найлайин бўлдумки шоҳи тождоримдан жудо.  
Моҳ ҳуснидин жудо бўлгунча мен маҳзуни дил,  
Кошки, бўлсам бу жони жисм-и зоримдан жудо.  
Дуд-и оҳим бирла ўртанмишдур аҳзони хонам,  
Токи бўлдум васли ул чобуксуворимдан жудо.  
Чарх зулми издиёд ўлди, даҳра айлади...  
Ман ғарибни хору қилди эътиборимдан жудо.  
Айладим ашкимни тўфони-ла бу оламни ғарқ,  
Ким бўлуб ул моҳзулф, мушкборимдан жудо.  
Нозанин ёрим фироқида қилибман ихтиёр,  
Кўҳ-и хижроне бўлиб мулки диёримдан жудо.  
Ихтиёр ул Шоҳид барноға ман бермиш эдим,  
Айлади бу чархи соҳиб ихтиёримдан жудо.

\* \* \*

Эй дило, кўб қилма афғон, ёр-и жононинг келур,  
Кулба-и аҳзонингга ул моҳ-и Канъонинг келур.  
Ҳасрат-и андуҳ ўтида куймағил парвонадек,  
Қошингга шоядки ул шамъи шабистонинг келур.  
Меҳнат-и андуҳига қил сабр, эй қалб-и хароб,  
Сабрдан охир сени уммид қилғонинг келур.  
Дард-и сўз ила тўқуб ашқингни хок роҳига,  
Қилмағил чок гирибон қошингга мастонинг келур.  
Айлағил арзи муҳаббат ул парига ажз ила,  
Шаҳд-и васл ёрдан то дард-а дармонинг келур.  
Нола қилгун андалиб ишқида то ким лутф ила,

Ушбу 1331 йилинда 18 нчи раббиал аввалда ушбу девон бе авзон итмомига етди».

Девон 64 варақдан иборат бўлиб, варақлари турли рангда, ёзуви қора сиёҳ билан битилган. Варақларнинг ҳар икки бети тўлдирилган. Жигар рангдаги қалин қоғоз билан муқоваланган. Сақланиши жуда яхши. 17,5х27,8 см. шаклда.

Девонни кўздан кечириш мобайнида негадир мазкур девон Хуршид қаламига мансуб эмасмикин, деган фикр ҳаёлимизга келди.

Маълумки, Хуршид (бу таҳаллус билан ижод қилгунга қадар) бошқа бир қанча таҳаллусларда қалам тебратган. Масалан, Хоиб, Шукрий, Доий, Шарафзода Тошкандий шулар жумласидандир. Бу таҳаллуслар ўз даври, тарихи ва ўзига хос маъноларга эгадирлар, албатта.

Шоир илк шеърларини Хоиб таҳаллуси билан битган. Шоир таҳаллуслари борасида санъатшунос Бахриддин Насриддиновнинг «Хуршид» номли китобида кенг маълумотлар берилган.

Ушбу маълумотларга кўра, шоир Шамсиддин Шарафиддинов— Хуршиднинг «Шоҳидий» таҳаллусида ҳам ижод қилгани маълум бўлди:

«Шамсиддин Шарафиддинов Андижонда истиқомат қилган вақтларида халқ ҳаёти, деҳқонлар, бева-бечораларнинг оғир турмушини ўз кўзи билан кўрди, бою бойваччаларнинг айш-ишратда яшашларининг гувоҳи, шоҳиди бўлди. Шоирнинг «Шоҳидий» таҳаллуси ҳам худди шу йилларда пайдо бўлган (Бахриддин Насриддиновнинг «Хуршид» китоби, 213-бет).

Шу китобнинг 19-бетида яна қуйидаги фикрлар келтирилган:  
«Шамсиддин Шарафиддинов бу пайтларда яратган ғазал ва қўшиқларидан «Девони Шоҳидий» (1912 й.), «Девони Шарафиддин Тошкандий» (1913 й.) девонларини тузди.»

Юқоридаги далиллар ҳамда девоннинг бошланишида шоирнинг исми (Шамсиддин) келтирилганлиги, шунингдек девоннинг ёзиб тугатилиши (ҳижрийда 1331) 1912 йилга тўғри келиши ҳам фикримизга далил бўлишига умидимиз бор. Мазкур девонга кирган ғазаллардан намуналар бераётимиз.

Раҳима Шарафиддинова,

Алишер Навоий номли Адабиёт  
музейининг илмий ходими.

Ул қад-и тўбий юзи гул зулфи райҳонинг келур.  
Кечти Шоҳид хаста дил умринг фиғон оҳи-ла,  
Ёр ўлўб томъ қачон ул лаби хандонинг келур.

\* \* \*

Менга лутф этмайинг жонон қилибдур ёрлар пайдо,  
Ки, мужгонидин ўлди қалбим ичра хорлар пайдо.  
Ҳадиси лаб лаълин доимо истаб фиғони-ла,  
Кўзум дурида ашқимдан ўлуб анҳорлар пайдо.  
Муқаррар бўлди фоний бўлмоқим жононни ҳажрида,  
Нечунки ул пари этмишдурур ағёрлар пайдо.  
Дамодам издиёд айлаб манга андух меҳнатни,  
Хазон журм ишқимга қилибдур дорлар пайдо.  
Висол ваъдасин айлаб ман маҳзунга ҳар доим,  
Вафо айларга аҳдига қилибдур орлар пайдо.  
Неча арзи суҳбат айлабам ул ёр жононга,  
Вафодин манъ этарга бўлдилар ғаддорлар пайдо.  
Ул ойни иштиёқ ҳажрида ман хастадил Шоҳид,  
Етолмай васлига оҳимдан ўлмиш норлар пайдо.

\* \* \*

Оҳким, ҳажр ўтида жисмим аро жон ўртанур,  
Оҳ оташноким ила байтул-аҳзон ўртанур.  
Ҳасрат ўти бирла ўртанди дил исон мардуми,  
Зарра тушса агар дашти биёбон ўртанур.  
Оҳ-фиғонлар чекарман то саҳар ёди била,  
Шаме изҳор қилсам булбул афгон ўртанур.  
Гарчи ишқи бирла бўлдум чун гадои ош-нон,  
Лек шарори оҳима тахт узра султон ўртанур.  
Юсуфим деб йиғлар эрди байтул-аҳзонда мудом,  
Кўрса ул ойни нисомен пири Канъон ўртанур.  
Ногаҳон қилса ҳарамдин ул пари маҳдек тулуъ,  
Куфр зулнорин тақибон Шайх Санъон ўртанур.  
Орзуи боғ-бўстон қилмазам ман хаста дил,  
Чунки оҳим шиддати бирла гулистон ўртанур.  
Ҳажр зиндонига туштум Шоҳидо йўқтур илож,  
Лекин афгоним ила бу чоҳи зиндон ўрнатур.

\* \* \*

Оҳким, ул ёр-и жонон бегона бўлди оқибат,  
Ҳажр бирлан дил уйи вайрона бўлди оқибат.  
Қатра-қатра ашқ-и хуним сочдим ул ёр ишқида,  
Хол-и зорим даҳр аро афсона бўлди оқибат.  
Неча-неча ақл-и дониш лофин урганлар, кўринг,  
Ул париваш ишқида девона бўлди оқибат.  
Ул паридин истар эрдим доимо меҳру вафо,  
Бож-и қатлимга ул жонона бўлди оқибат.  
Соқиё, дур эт қадаҳлар мен ғариб овораға,  
Эҳтиёжим соғар-и паймона бўлди оқибат.  
Ҳажр ўлди ҳар дами ман хаста дилга издиёд,  
Жон куши дил уйи-ла бирёна бўлди оқибат.  
Ул пари ишқида ман маҳзун Шоҳид оҳким,  
Бўлмишам хуммор дил сўзона бўлди оқибат.





Пу Сунглинг

## Осмондан тушган пуллар

Бир олим ҳар доим бошини кўтармасдан илм билан машғул экан. Бир куни китоб ўқиб ўтирса, дарвозани кимдир тақиллатибди. Дарвозани очса, қадимги кексаларнинг кийимини кийган қария дарвоза олдида турганини кўрибди. Олим дарров қарияни уйига таклиф қилибди. Шунда қария ўзини таништирибди: «Менинг исмим Ху, тулки зотларининг пири бўламан. Эшитишимча, сен билимнинг орқасидан қувиб жуда кўп китоб ўқир экансан, шу боис сенинг суҳбатингни олиш ниятида келдим», дебди. Шу тарзда олим қария билан суҳбатни давом эттирибди. Суҳбат жараёнида олим қариянинг билимдонлигига қойил қолган бўлса-да, лекин унинг пирлар зотиданлигига умуман аҳамият бермаган ҳолда уни ўз уйида қолишига ва суҳбатдош бўлишига кўндирибди.

Бир қанча кунлар ўтгандан сўнг, суҳбат жараёнида олим аста-секин ўз дарди, мақсадига ўтиб қарияга қарата гап бошлабди: «Сиз билан биз жуда ҳам яхши муносабатда бўлиб қолдик, гапнинг очигини айтганда, менинг шарт-шароитимни кўриб турибсиз. Мен жуда камбағал яшайман, бундай аҳволдан чиқиш учун сиз менга озгина ёрдам бериб юборсангиз ёмон бўлмас эди! Чунки, сиз — тулкилар пири, қобилиятингиз шунчалик юксакки, агар қўлингизни бир силтасангиз борми олтин пуллар сизга қараб ўз-ўзидан ёпирилиб келади».

Буни эшитган қария ўйга толибди ва узоқ сукутдан сўнг жилмайиб: «Албатта, бу ишнинг мен учун ҳеч қандай қийин жойи йўқ, фақат ўн сардан ортиқроқ пул дастмойси бўлса кифоя», деб жавоб қайтарибди.

Дастмойини олим дарров топиб келибди. Бундан қаноатланган қария олим билан бир бўш хонага кирибди. Қария ўтириб кўзларини юмганча, кув-суф ўқиб, илтижо қила бошлабди. Бир оз вақт ўтар-ўтмас сон-саноксиз пуллар «жаранг-журинг» қилиб шаррос ёмғирдек туша бошлабди. Сал фурсатда тепадан ёғаётган пул турган олимнинг тўпигигача етибди. Пулнинг ичида кўмилиб қолмайин, деган андиша билан олим эндигина оёғини пулдан чиқариб олган экан, пул уни яна кўма бошлабди ва бирпасда тиззасигача етибди. Буни кўрган қария: «Энди етар?» деб олимдан сўрабди. «Етади, етади», деб бақирибди олим. Олимнинг жавобини эшитган қария қўлини кўтариб бир силтаган экан, ёғаётган пул тўхтабди. Қария ва олим хонадан чиқишибди. Уйни қулфлаётган олим шунчалик кўп бойликни кўриб хурсанд бўлиб: «Мен бирдан давлатмандга айландим-а!» деб ширин хаёлларга берилибди.

Иккинчи куни эрталаб олим харажатга бир оз пул олайин деб хонага кирса кеча кўзини қамаштириб, ялтираб ётган пулларни кўрмабди. Унинг ўрнида фақат ўзи дастмой қилиб берган пулларгина бор экан. Бундан ғазабланган олим қария билан жанжаллашиб, уни ҳақоратлаб, «кўзбўямачи» деб айблабди. Олимнинг бу қилмишлари қариянинг ғазабини кўзгабди ва у олимнинг уйини тарк этишга мажбур бўлибди. Олим билан хайрлашаётиб унга: «Сени қидириб келишимнинг боиси, сен билан бирор-бир жиноятга қўл уриш эмас, балки илм-фан ва баъзи бир ижодий

ниятлар борасида изланиш ва фикрлашиш эди. Сен эса, мени ўзининг ёмон мақсадларининг амалга ошириш учун гуноҳга чорладинг. Нафсининг кетидан юрмоқчи бўлсанг, ўзингга ўхшаганларни топ, мен сен каби нокасларга ёрдам беролмайман», дебди-да, йўлга равона бўлибди.

## ЙИНГ НИНГ

Қадим-қадим замонларда Ванг деган бир талаба бўлган экан. Уни одатда Вэнг Шэнг деб ҳам атар эканлар.

Унинг отаси ёшлигида вафот этган экан. Онасининг якка-ю яғонаси бўлгани учун уни еру кўкка ишонмас, ҳатто ҳеч ким билан ўйнагани кетишга ҳам рухсат бермас экан.

Бир йили «Юан Шао байрами»<sup>1</sup> куни Вангнинг бўласи<sup>2</sup> У Шэнг уни ўзи билан бир шаҳар чеккасидаги қишлоққа бориб, байрамни нишонлашга таклиф қилибди. Улар қишлоққа етар-етмас, У Шэнгнинг уйдан келган одам уни чақириб кетибди. У Шэнг ноилож уйига қайтишга мажбур бўлибди. У Шэнг кетгач, байрамни нишонлаб тўда-тўда бўлиб юрган одамларнинг орасида Ванг Шэнгнинг

<sup>1</sup> «Юан Шао байрами» — «Чироқлар байрами» қамарий тақвим бўйича янги йилнинг дастлабки 15 кунини ўз ичига олади.

<sup>2</sup> Тоғанинг, холанинг, амманинг ўғиллари.

## ХИТОЙНИНГ БУЮК ҲИКОЯНАВИСИ ПУ СУНГЛИНГ

Хитой адабиёти уч минг йилга яқин тарихга эга бўлиб, ўзининг узок машаққатли ҳамда шарафли ривожланиш жараёнида юзлаб турли жанрдаги санъат асарларини яратган, адабиёт намояндаларини шакллантириб, хитой ва жаҳон халқларига тақдим қилган. Шундай ижодкорлардан бири ҳикоянавис ёзувчи Пу Сунглингдир.

Пу Сунглинг 1640 йилда Хитойнинг Шандунг ўлкаси Зичуан туманида туғилиб, 1715 йилда, 76 ёшида вафот этган. Унинг ёзувчилик таҳаллуси Лю Чуанжюши ва Ляожай бўлган, лекин асарларининг кўп қисми Ляожай таҳаллусида чоп этилган. Пу Сунглингнинг асарлари халқ орасида тарқалган афсона ва ривоятларга асосланган. Бу афсона ва ривоятлар ёзувчининг қаламига тушгандан сўнг замон талабига мос равишда сайқалланиб, бадий тус олган. Шу сабабли, унинг ўзига Ляожай деб таҳаллус бериши бежиз эмас. Чунки, бу исм хитой тилида «суҳбатхона» ёки «нонушта вақтидаги суҳбат» маъноларини англатади. Ёзувчи ўзининг ҳар бир асарини кўп изланишлар жараёнида меҳнаткаш омма билан суҳбатлашиш ва унга ижодий ёндашишлар орқали яратган.

Пу Сунглинг асарлари орасида ёрқин кўзга ташлангани бу «Ляожай Жэйи», яъни «Ляожай ривоятлари» номли асаридир. Бу асар 16 жилддан иборат бўлиб, 491 ҳикояни ўз ичига олган ва биринчи маротаба 1766 йилда чоп этилган.

Пу Сунглинг ижоди Хитой жамиятининг энг оғир инқирозга юз тутган даврига тўғри келади. Бу даврда Хитойга ёт бўлган Манжур-Чин сулоласи ҳукмронлик қилар эди. Бу жамиятда миллий зиддиятлар авж олган, шу билан бирга Хитой халқи феодал ҳукмронлар зулми остида оғир ҳаёт кечирарди.

Моддий жиҳатдан инқирозга учраб тушкунликка тушган феодал оиласидан чиққан Пу Сунглингнинг бутун умри қишлоқда ўтади. У меҳнаткаш халқнинг дардини яхши тушунган ва улар ҳаётини ўз ижодида жонли тасвирлаб бера олган. Лекин у ўзининг ҳаётини қувғин ва хавф остида қолдирмаслик мақсадида бош қахрамонларига ҳаёлий тус берар, жин ва тулки сиймолари орқали ифодалаб, жамиятда бўлаётган ноҳақликларни, порахўрликни ва зўравон қишларнинг халқ устидан олиб бораётган ишларини қоралар ва, айни пайтда, адолатни, айниқса, ёшларнинг соф муҳаббатини улуғларди. Пу Сунглинг асарларидаги аёл қахрамонларда ташқи гўзалликдан кўра ички гўзаллик дужассамдир. Пу Сунглингнинг феодал Хитойда ҳукм сурган адолатсизлик, порахўрликка қарши ғазоби бутун эзилган Хитой халқининг ғазоби эди. Ёзувчи

бир ўзи қолиб кетибди. Унинг кайфияти чоғ, бу дунёда гўё ундан бахтли одам йўқдай эди.

Тўсатдан унинг кўзи жуда гўзал бир қизга тушиб қолибди. У қиз қўлида олхўрининг гуллаган шохини ушлаганича, табассум билан Ванг Шэннинг ёнидан ўтиб кетибди. Ванг Шэнг шу пайтгача бундай гўзал қизни ҳеч кўрмаганидан, у бир онда қарахт бўлибди-қўйибди. Ванг Шэннинг қизга узоқ тикилиб қолганидан унинг хаёлидан ҳамма нарса кўтарилганлиги яққол сезилиб турарди. Қиз Ванг Шэннинг олдидан ўтиб кетаётиб, унинг ўзига тикилаётганини сезибди ва ёнидаги хизматкор қизга дебди: «Қара, анави йигит мунча тикилмаса, худди ўғриларга ўхшаб тикилади-я!» Қиз қўлидаги олхўри гули шохини ташлабди-ю, кулганича, нари кетибди. Ванг Шэнг қизнинг узоқлашганини кўриб, тезда ердан олхўри шохини олибди ва хаёлида бир қимматбаҳо нарсани йўқотгандек бўлибди. Ванг Шэннинг бутун қалби севги оташи билан қамраб олинганди. У чуқур ўйга ботиб, уйига қайтиб келибди. Ётоғига кириб, гул шохини ёстиғи остига беркитибди ва уйқуга кетибди. Бир неча кунлар ўтибди, у ҳеч ким билан гаплашишни истамас, туз тотмас, ранги-рўйи ҳам кун сайин сарғайиб, озиб-тўзиб кета бошлабди. Онаси унинг аҳволидан хавотирга тушибди ва табиб чақиртирибди. Табиб Ванг Шэннинг аҳволи ёмонлигини кўриб, нимага бундайин бўлаётганини сўрабди ва у ҳам ўз саволига жавоб ололмабди.

Кунлар шу тариқа ўтиб борарди. Кунлардан бир кун У Шэнг келиб қолибди. Онаси У Шэнгни Ванг Шэнгдан ҳол сўрагани чақиртирган эди. Ванг Шэнг бўласини кўрганда, юзидан маржон-маржон кўз ёшлари тирқираб оқиб кетибди. У Шэнгга ўша кун гўзал қизни учратганидан кейинги аҳволи айтиб берибди. У Шэнг эшитиб, дарҳол овути бошлабди: «Сен жуда аҳмоқ экансан-ку. Арзимаган

асарларида хитой жамиятидаги ёвузлик, адолатсизликка асосий сабабчилар золим, калтабин ҳоким ва амалдорлардир, деган ғояни илгари суради. Улар қобилиятли, ақлли одамларни давлат имтиҳонидан йиқитиб, ношуд ва калтабинларга давлат хизматига йўл очиб бераётганлигини бадиий бўёқлар орқали кўрсатиб беришга ҳаракат қилади. Ижодкор ўзгача фантастик дунё яратади, унинг қахрамонлари ана шу фантастик дунёга равона бўладилар ва у ерда уларга гўзал парилар дуч келиб, бахт, фаровонлик ато этишади. Ҳақиқий ҳаётга ғайриоддий кучлар қўшилади. Пу Сунглинг яратган фантастик дунё инсон ишларига ҳаққоний, адолатли баҳо беради. Ёзувчининг фантазияси билан яратилган кўплаб кучлар кўрқоқ, сотқин, ёлгончиларни жазолаб, ўқимишлти, эзгу қалб эгалари бўлган ҳақиқий толиби илмларни улуғлайди. Пу Сунглинг ҳикояларида асосий қахрамонлар сеҳргар-роҳиблар ҳисобланади. Муаллифнинг ихтиёри билан улар материянинг бир шаклидан бошқа шаклига ўтишиб, сеҳргарлик сирларини билиб, ҳақиқат ва адолат тарафидаги одамларга ёрдам бериб, ёвуз зулмкорларни жазолайдилар.

Пу Сунглинг даврида ҳозирги замонавий адабий тил (Бай Хуа) вужудга келган бўлса-да, у ўзининг «Ляожай ривоятлари»ни классик хитой тили (Вэнян)да ёзган. Чунки ўша пайтда классик тил ҳукмронлик доирасида расмий равишда қўлланилиб, бу тилда ёзилган асрларни чоп этиш анчагина енгил бўлган.

«Ляожай ривоятлари» кўп тилларга таржима қилинган. Фарб ва рус адабиёти тарихчилари ҳам Пу Сунглинг ҳикояларига юқори баҳо берганлар ҳамда ёзувчининг юздан ортиқ ҳикоясини ўз тилларига таржима қилганлар. Г.Джайлз ёзувчининг ҳикояларини «Минг бир кеча» эртақлари билан тенглаштиради. Италиян ёзувчиси Ди Гиура эса, Пу Сунглинг асарларини таржима қилиб, «Ляожай ривоятлари» асарини Хитойнинг «Декамерон»и дейиш мумкинлигини айтади. Ўзбек тилига илк бора таржима қилиниб, журналхонлар ҳукмига ҳавола этилаётган ушбу ҳикоялар Пу Сунглингнинг 1984 йили Пекин Тиллар институти томонидан тайёрланиб, чоп этилган «Ляожай ривоятлари» китобидан олинди.

Жасур Зиямуҳамедов,

Тошкент давлат шарқшунослик  
институти аспиранти.

нарсага кўз ёши қилиб ўтирсанг. Менинг ўзим ўша қизни топиб бераман. Бу ишнинг сенга оғирлиги ҳам тушмайди. Агар у ҳали никоҳланмаган бўлса, ишимиз ўнгидан келишига ишончим комил. Лекин бунинг учун сен ўз соғлигинг тўғрисида ҳам ўйлашинг керак». Ванг Шэнг бу гапларни эшитиб, беихтиёр табассум қила бошлаганини ҳам билмай қолибди ва ўзини анча енгил ҳис қила бошлабди. У Шэнг уйга қайтгач, Ванг Шэнгнинг аҳволи кўз ўнгидан ҳеч кетмабди. Қандай қилиб унга ёрдам берсам экан, деб анчагача у соҳибжамол ҳақида маълумот тўплаш билан машғул бўлибди. Лекин, ҳаракатларининг ҳаммаси зое кетибди.

Кунлар ўтгач, У Шэнг яна Ванг Шэнгни кўргани келибди. Ванг Шэнг бўласидан ўша қиздан хабар борми-йўқлигини сўрабди. У Шэнг нима деб жавоб қилишини билмасдан, уни алдашга мажбур бўлибди. «Аллақачон топган эдим, — дебди У Шэнг. — Биласанми у ким? У холангнинг қизи экан, қариндош экансизлар. Бир неча кундан сўнг мен совчиликка бориб, албатта, ишни пишитиб келаман». Ванг Шэнг буни эшитиб, жуда хурсанд бўлибди ва қизнинг уйи қаерда эканлигини сўрабди. У Шэнг нима деб жавоб қилишини билмай қолибди ва бир амаллаб бунинг ҳам йўлини топибди: «Қизнинг уйи бу ердан тахминан 30 чақиримча узоқликдаги жанубий ғарбий томондаги тоғ этагида экан». Ванг Шэнг қизнинг висолига тезроқ етишни истарди. У сабрсизлик билан бўласини иложи борица тезроқ совчиликка боришга қистарди. Ванг Шэнгнинг саломатлиги тезлик билан яхшилана бошлабди, лекин бўласи нимагадир бошқа келмай қўйибди. Ванг Шэнгнинг юрагига гулгула тушиб қолибди ва бўласига хат ёзибди. У Шэнг унинг сўзлари ёлғонлигини билиб, турли ишларни баҳона қилиб, уни кўргани келолмаётганини айтибди. Ванг Шэнг бўласининг лоқайдлигидан жуда ҳам аччиқланибди ва ўзича тахмин қилиб, 30 чақирим йўл унча узоқ эмаслигини ўйлабди. «Бировга ишониб нима қилдим», дебди-ю, ўша қизни излаб кетибди.

Ванг Шэнг 30 чақиримчадан кўпроқ юргач, нафасини ростлаб олиш учун тўхтабди, ён-берига қараса, яланг бир тоққа келиб қолибди. Йўл сўрай деса, ҳеч бир жон кўринмасмиш. Ногаҳон, кўзи тоғ этагидаги кичкинагина бир қишлоқчага тушиб қолибди. Қишлоқда яккаю-ягона хонадон бор экан. Ванг Шэнг ўша томонга йўл олибди. Хонадон дарвозаси олдига бир туп тол дарахти экилган экан, ҳовлисида эса сон-саноксиз шафтоли ва ўрик дарахтлари гуллаб ётган экан. Ванг Шэнг бу кимнинг боғи экан, деб ўйлабди. «Бир пас кутай-чи, бирор кимса чиқса, холамни қидириб келдим деган баҳона билан сўраб оламан» деб фикр қилиб, дарвоза олдидаги катта харсанг устига ўтирибди. Тўсатдан, кун ботар томондан бир қиз келаётганини кўрибди, қўлида бир даста ўрикнинг шохини бошига тақмоқчи бўлиб келарди. У бошини кўтариб, Ванг Шэнгни кўриб қолибди. Бошига гулни тақмабди ҳам ва кулганча қочиб ҳовлига кириб кетибди. Ванг Шэнгнинг кўз олди ёришиб кетибди, у ўз кўзларига ишонмасдан: «Наҳотки, бу ўша кечалари билан ухламай, ўйлаб чиққан қиз бўлса?» Ванг Шэнг хурсандлигидан боши осмонга етибди, лекин: «Нимани баҳона қилиб, у билан кириб учрашсам экан? — деб ўйлаб қолибди. — Агар, холамни кўргани келдим десам, илгари бир марта ҳам холамни кўрмаганман, таниёлмасам, нима қиламан?» У, ниҳоятда қийин аҳволда эди. Ванг Шэнг овқат ейишни ҳам, сув ичишни ҳам эсидан чиқариб, дарвоза олдидан кетолмабди. Ана шундай вазиятда ўша қиз дарвозани очиб бир қараб, ҳайрон бўлиб, яна уни ёпиб кириб кетибди.

Ахийри, қоронғу тушганда дарвоза очилибди. Бир кампир чиқиб, Ванг Шэнгдан ҳол-аҳвол сўраб, дебди: «Эй яхши йигит, сиз қаердан келгансиз, билишимча, сиз эрталабдан буён шу ерда экансиз, бу ерда нима ишингиз бор? Қорнингиз очмадими?»

Ванг Шэнг дарҳол салом бериб, жавоб қилибди: «Мен қариндошимни қидириб келдим». Кампирнинг кулоғи оғирлиги туфайли яхши эшитмабди, Ванг Шэнг яна бир марта баланд овозда гапини қайтарибди. Кампир яна сўрабди: «Қариндошингни исми-шарифи нима?» Ванг Шэнг нима деб жавоб қилишини билмай, довдираб қолибди. Кампир кулгани ҳолда: «Қизик, исмини билмасанг, яна қанақа қариндош излайсан?! Кўринишингдан эсли-хушли болага ўхшайсан. Яхшиси, ичкарига кир, қорнингни тўйгазиб ол, менинг уйимда бир кеча ётиб қол. Эрталаб уйингга қайтиб бориб, қариндошингнинг насабини билиб келиб, яна изласанг ҳам кеч бўлмайди», дебди. Ванг Шэнг ҳақиқатдан ҳам қорни очганини сезибди ва дарҳол кампирга эргашиб, ҳовлига кирибди. Улар ҳамма ерга гул экилган ҳовлидан ўтгач, катта бир меҳмонхонага кирибдилар. Бу ер кундузгидай ёруғ, ёғ тушса ялағудек тоза эди. Утиришгач, кампир ташқарига қараб, қаттиқ овозда: «Меҳмон келди, тезроқ егулик келтир», деб кимнидир чорлабди. Шунда ташқаридан хизматкор қизнинг: «Хўп бўлади», деган овози эшитилибди. Кампир эса Ванг Шэнгдан насаби,



оилавий шароити ҳақида сўраб-суриштирибди. Ванг Шэнг бирма-бир жавоб бера бошлабди. Тўсатдан, кампир Ванг Шэнгнинг галини бўлиб, сўрабди: «Онангнинг исми-шарифи У эмасми?» Ванг Шэнг тасдиқ ишорасини қилибди. Кампир ҳайрон қолгани ҳолда: «Ие, сен менинг жияним экансан-ку, сенинг онанг менинг туғишган синглим. Менинг уйимда эркак киши бўлмагани туфайли, қариндошлар билан анча йиллардан буён борди-келди қилмаётган эдим. Буни қара-я, сен жуда ўсиб кетибсан», дебди. Ванг Шэнг дарҳол: «Менинг келишимга сабаб — холамин кўриб, ҳолидан хабар олиш эди. Келаётганимда жуда шошилганим туфайли онамдан сиз ҳақда сўраш эсимдан чиқибди», деб жавоб қилибди. Кампир: «Поччангнинг исми Чин эди. Ҳозир менинг уйимда битта қиз бор, лекин уни мен туққан эмасман, уни эримнинг чўриси туққан. Поччанг оламдан ўтгач, мен чўрини узатиб юбордим, қизни олиб қолиб ўзим катта қилдим. Бу қиз жуда ақли, лекин жуда эрка қиз. Кун бўйи шўхлик қилиб, гапга қулоқ солмайди, бир оздан сўнг уни ҳам кўрасан», дебди. Худди шу пайт хизматкор қиз овқат олиб кирибди. Кампир унга Инг Нингни чақириб келишни буюрибди. Ҳеч вақт ўтмай, ташқаридан кулги товуши эшитилибди. Товуш тобора яқинлашиб келарди, кампир ташқарига қараб, баланд овозда дебди: «Инг Нинг, бўланг келибди!»

Эшик орқасидан тўхтовсиз кулгу овози эшитиларди. Хизматкор қиз Инг Нингни хонага бошлаб кирибди, у ўзини кулгудан тўхтата олмас, оғзини беркитиб олиб, тинимсиз хирингларди. Кампир қизга ўқрайиб қараб, дебди: «Уйга меҳмон келганда бу нима қилиқ?» Инг Нинг ўзини кулгудан базўр тўхтатиб, онасининг ёнидаги кўрпачанинг бир четига омонатгина ўтирибди. Кампир Ванг Шэнгнинг кўрсатиб, Инг Нингга дебди: «Бу сенинг бўланг бўлади, холангнинг ўғли». Ванг Шэнг кампирдан: «Синглим неча ёшда?» деб сўрабди. Кампирнинг қулоғи оғир бўлгани туфайли яхши эшитмабди. Ванг Шэнг баланд овозда гапни қайтарибди. Инг Нинг Ванг Шэнгнинг бу сўроғини эшитиб, уялганидан бошини энгаштириб олибди ва яна кулишини бошлаб юборибди. Кампир Ванг Шэнгга дебди: «Мен сенга айтган эдим-ку, бу қиз шўх деб, кўриб турганингдек, аллақачон ўн олтига кирган бўлса ҳам, ёш боладан ҳеч фарқи йўқ». Ванг Шэнг дебди: «У мендан бир ёш кичик экан-да». Кампир сўрабди: «ўн етти ёшга кирган бўлсанг, хотин олгандирсан?»<sup>1</sup>

«Мен ҳали бўйдоқман», деб жавоб қилибди Ванг Шэнг. Кампир сўрабди: «Сен ақли, тарбияли кўринасан, 17 ёшда экансан, нимага ҳалигача уйланмадинг?» Ванг Шэнг жавоб қилмабди, у Инг Нингга тикилиб қолганди. Хизматкор қиз Инг Нингнинг қулоғига пичирлаб дебди: «Сен унинг ўғриларча қарашига боқ, ҳеч ҳам ўзгармаган». Инг Нинг эшитиб, яна кулиб юборибди. Кулги аралаш хизматкор қизга: «Юр, боққа чиқиб, бир пас сайр қилиб келайлик», дебди-ю, энги билан оғзини беркитганча, югуриб, тез чиқиб кетибди. Эшикка етмасдан қаттиқ кулиб юборибди. Кампир ўрнидан тураётди, Ванг Шэнгга: «Сен меникига шунча йўл босиб, овора бўлиб келибсан, бир неча кун меникида меҳмон бўлгин, уйингга кейин қайтарсан. Бу ерда китоб ўқишинг, боғда дам олишинг мумкин», дебди ва хизматкор қизга Ванг Шэнг учун хона тайёрлашни буюрибди.

Эртаси куни эрталаб Ванг Шэнг боққа сайр қилгани чиқибди. Боғда кўм-кўк ўтлар сабза урганди, нафис турфа гуллар барқ уриб очилганди. Боғ шу қадар чиройли эдики, унга қараб кишининг баҳри-дили очилар эди. Ванг Шэнг боғнинг ўртасида сайр қилиб юрса, бирдан дарахт тепасидан кимнингдир шарпаси эшитилибди. У бошини кўтариб қараса, дарахтда Инг Нинг ўтирган экан. У Ванг Шэнгнинг кўриб, кулиб юборибди ва йиқилиб кетишига озгина қолибди. Ванг Шэнг ҳовлиқиб бақирибди: «Кулма, эҳтиёт бўл, йиқилиб тушасан-ку, ахир!»

Инг Нинг дарахтдан тушаётди, нуқул куларди. Ерга етар-етмас, эҳтиётсизликдан йиқилиб тушди. Энди унинг кулар ҳоли қолмабди. Ванг Шэнг уни қўлтиғидан тутиб, туришига ёрдамлашибди ва секин қўлини силаб қўйибди. Инг Нинг яна кулиб юбориб, мувозанатини йўқотибди ва дарахтга суяниб қолибди. Ванг Шэнг қиз кулидан тўхтагач, қўнтағидан олхўрининг гуллаган шохини олиб, унга узатибди, сўнг дебди: «Синглим, бунга ўша «Юан Шао байрами» куни ташлаб кетган эдингиз, мен уни ҳозиргача ўзим билан олиб юрибман». Инг Нинг гулшохини олиб: «Ие, бунингиз қуриб қолиб-ди-ку?!» дебди. Ванг Шэнг бунга жавобан: «Мен бу билан ўзимнинг сизга бўлган муҳаббатимни изҳор қилмоқчи эдим. Сизни кўрган кунимдан буён тинчимни йўқотдим. Сизни ўйлайвериш, ҳатто касал бўлиб қолдим.

<sup>1</sup> Ўрта асрларда: айнан Сунг сулоласидан то Чинг сулоласи ҳукмронлик қилган даврларгача яъни, X асрдан XX асрнинг бошларигача Хитойда қонун бўйича эркалар 16 ёшдан уйланишига, аёллар эса 14 ёшдан узатилишига руҳсат берилган.

Мен сизни яна қайта кўраман деб умид ҳам қилмагандим», дебди. Шунда Йинг Нинг: «Биз қариндошмиз, муҳаббат ҳақида гапирсак, қандай бўларкин? Кетар чоғингизда боғимиздаги гулдан сизга бир даста бериб юбораман», дебди. Бу сўзни эшитган Ванг Шэнг дебди: «Синглим, сиз нега бунча соддасиз-а?!»

«Мен соддаманми?»

«Ахир, мен гулни эмас, менга шу гулни тақдим этаётган қизни севаман».

Йинг Нинг дебди: «Биз қариндошмиз, албатта, бир-биримизни севишимиз керак». Ванг Шэнг дебди: «Мен айтган севги қариндошлар орасидаги севги эмас, балки эр-хотинлар орасидаги севгидир».

«Бу икки севги ўхшаш эмасми?» деб сўрабди Йинг Нинг яна. Ванг Шэнг унга: «Эр-хотин орасидаги севги бу бир ёстиққа бош кўйишдир», деб жавоб берибди.

Бу гапни эшитган Йинг Нинг хаёлга чўмиб, бир оздан сўнг дебди: «Мен бегона одам билан ёта олмайман».

Гап охирига етмасдан, Ванг Шэнг хизматқор қизнинг келганини кўрибди ва шошилганча кетиб қолибди. Бир оздан сўнг, у Йинг Нинг билан яна кампирнинг хонасида учрашиб қолибди.

Кампир Йинг Нингдан сўрабди: «Қаерда эдинг?»

«Бўлам билан боғда суҳбатлашиб қолдик».

«Нонушта аллақачон тайёр бўлган эди-ку, шунча кўп вақт нимани гаплашдинглар?»

Йинг Нинг иккиланмасдан: «Бўлам мени ўзи билан бирга ухлашимни хоҳлаяпти», деб жавоб қилибди. Бу гапни эшитган Ванг Шэнг, қизга кўзи билан жим бўлишни ишора қилса ҳам, Йинг Нинг кулимсираганча гапида давом этаверибди. Бахтига кампир яхши эшитмасди, қизнинг гапларини англамай қолибди. Ванг Шэнг секин Йинг Нингни туртиб кўйибди. Йинг Нинг сўрабди: «Ҳозирги айтганларингни айтиб бўлмайдими?»

«Бу фақат яширин гапириладиган сўзлар-ку!» деб шонинч жавоб қилибди Ванг Шэнг.

Йинг Нинг айтибди: «Ҳеч кимга айтиб бўлмаса, онамга ҳам айтиш мумкин эмасми? Дарвоқе, бирга ухлаш одатдаги иш-ку, шуни ҳам яшириш керакми?» Ванг Шэнг унинг шу қадар содда эканлигидан жуда хафа бўлибди, буни яна қандай қилиб бошқача тушунтиришни билмай қолибди.

Овқатланиб бўлгач, Ванг Шэнг қараса, хачир етаклаган бир киши: «Сизни уйга олиб кетгани келдим», деб келиб қолибди. Бу одамнинг гапига қараганда, Ванг Шэнг уйдан чиқиб кетганида онаси уни кун бўйи кутибди. Ундан дарак бўлавермагач, бутун қишлоқни суриштириб чиқибди, лекин уни тополмабди. Шунда онаси У Шэнгнинг уйига бориб, суриштирибди. У Шэнг Ванг Шэнгга айтган ўша ёлғон гапини эслабди, ўша иш қандай бўлганини оқизмай-томизмай айтиб берибди ва тезроқ жанубий гарбий томондаги тоққа одам юборишни маслаҳат берибди. Шундай қилиб, Вангнинг уйдан келган одам Ванг Шэнгни топибди. Ванг Шэнг холасидан ўзи билан бирга Йинг Нингни бир неча кунга ўйнаб келгани юборишни сўрабди. Кампир Ванг Шэнгнинг таклифига жон-дили билан рози бўлибди ва Йинг Нингни чақирибди. Йинг Нинг кулганча югуриб келибди. Кампир унга: «Бўлар-бўлмасга ҳадеб кулаверасанми? Агар ҳадеб кулавермаганимда аллақачон яхши қиз бўлар эдинг», дебди. Унга қараб яна: «Бўланг сени ўзи билан бирга олиб кетмоқчи, тезроқ тайёр бўл», деб айтибди.

Ванг Шэнгнинг уйдан келган киши овқатланиб бўлгач, кампир уларни кузатиб чиқибди ва яна Йинг Нингга тайинлабди: «Жоним қизим, холангникига боргач, анча кун у ерда яшайсан. У ерда ўқи, урф-одатни, муомала қилишни ўрган. Келажакда турмушга чиқсанг, қайнота ва қайнонанинг хизматини қилишингда кор келади, қизим, юзимни ерга қаратма. Холангга малол келса ҳам сенга куёв топсан».

Йинг Нинг онаси билан хайр-хўшлашиб, Ванг Шэнг билан бирга кетибди. Анча узоқлашишгач, орқасига ўтирилган эди, кампирнинг хаёл сурганча уларга қараб турганини кўрибди. Йинг Нингнинг қалби энтикиб кетибди. У юрагининг бир парчасини ташлаб кетаётгандай эди. Гўё у энди онаси билан бошқа учрашмаслигини билгандек эди.

Улар Ванг Шэнгнинг уйига етиб келишгач, онаси ўғли билан бирга келган соҳибжамолни ҳам кўрибди. Кўрибдию ваҳимага тушганини яшира олмабди, шошилиб сўрабди:

«Бу кимнинг қизи?»

«Бу холамнинг қизлари», жавоб берибди Ванг Шэнг.

Онаси хайрон бўлиб, яна сўрабди: «Бўлангнинг сенга айтган ҳамма гаплари ёлгон. Менинг ҳеч қандай синглим ҳам йўқ, қандай қилиб у холангнинг қизи бўлиши мумкин?».

Йинг Нинг дебди: «Мен бу онадан туғилмаганман, отамнинг исми-шарифи Чин экан. Туғилган пайтимдаёқ отам оламдан ўтган экан, шунинг учун менинг кўп гаплардан хабарим йўқ».

Онаси қизнинг гапларини эшитиб, Ванг Шэнга дебди: «Ҳақиқатан ҳам, менинг бир опам бўлган эди, у Чинлар оиласига турмушга чиққан эди, лекин у ҳаётдан ёш кўз юмган эди, сен қандай қилиб уни учратдинг?».

Ванг Шэнг ўша кампирнинг ташқи кўринишини тасвирлаб берибди. Онаси энди ўша аёл ўзининг опаси эканлигига ишонч ҳосил қилибди. Улар суҳбатлашаётган вақтда У Шэнг келиб қолибди. Йинг Нинг эса, уялганидан дарров хонага кириб беркинибди. У Шэнг уларнинг сирли суҳбатларини эшитиб, жуда хайрон қолибди. Онаси ўйланиб туриб, бирдан савол бериб қолибди: «Бу қизнинг исми Йинг Нинг эмасми?» Ванг Шэнг тасдиқ жавобини қайтарибди. Онаси: «Тавба, бу иш хайрон қоларли даражада ҳақиқатдир. Опам оламдан ўтгач, поччанг қайтиб уйланмади, лекин бир тулки аёл тусига кириб олиб, ҳадеб унинг олдига бораверар эди. Кейинчалик поччанг ҳам оламдан ўтди, у тулки эса бир қиз туғди. Қизнинг исми Йинг Нинг эди. Поччанг оламдан ўтгач, ўша тулки ҳар куни қизини кўргани келиб турарди. Тулки ҳар келганида уни қувиб юборадиган бўлишди. Тулки қизни ўзи билан бирга олиб қочиб кетишга мажбур бўлибди. Балки, бу қиз ўша тулки олиб қочиб кетган Йинг Нингдир?».

Ҳамма хайрон эди. У Шэнг Йинг Нингни кўрмоқчи бўлибди. Онаси уйга кириб бўласи қақираётганини Йинг Нингга айтибди. Буни эшитган Йинг Нинг деворга ўгирилиб, кулиб-кулиб олибди-да, ўзини босиб олгач, кейин хонага кирибди. У Шэнгга таъзим қилиб, у билан танишибди, ундан сўнг қайрилиб ичкарига кириб овози борича яна кулибди. Уйдагилар ҳам унинг бу қилиғидан кулиб юборишибди.

Ҳар куни эрталаб, бир вақтда туриб холасига салом беришни Йинг Нинг ўзига одат қилиб олибди. Йинг Нинг бу хонадонга келганидан буён ўзини фақат яхши томонлама кўрсатибди. У чаққонгина эди. Чеварчиликда қўли шу қадар гул эдики, ҳеч ким унинг олдида ип эшолмасди. Ҳамманинг унга ҳаваси келарди. Лекин, бир одатини, яъни, кулишини ҳеч ташламабди. Шунга қарамай, унинг кулиши ҳам табиий, ҳам ширали эди. Атрофдагиларга, жумладан, Ванг Шэнгнинг онасига ҳам унинг бу табиати жуда ёқарди. Онаси уни ўзининг ўғлига олиб беришни хаёлидан ўтказибди-ю, лекин, у жодугар эмасмикан, деб хавотирланибди. Айтишларича, қоқ пешинда жодугарнинг сояси йўқолар эмиш. Онаси Йинг Нингнинг ҳовли ўртасига чиқишини пойлаб юриб, бир куни мўралаб қараса, унинг сояси ҳамманики каби оддий эмиш. Энди унинг кўнгли жойига тушиб, ҳеч иккиланмай ўғлига қизни олиб беришни қарор қилибди ва тўй тараддуларини бошлаб юборибди. Тўй куни унга жуда чиройли, нафис тўй кўйлагини кийгизишибди. Бу кўйлак унинг чиройига чирой, хуснига хусн, лагофатига лагофат қўшибди. Энди эса, эгилиб, салом бериш кераклигини айтишса, Йинг Нинг ҳеч ўзини тутолмай, тинимсиз куларди. Шу сабабли эгилиб салом ҳам беролмабди.

Тўйдан сўнг бу хонадон янада тотувлашибди. Бунинг сабаби ҳам Йинг Нингга эди. У оғирни енгил қилар, низо чиқса бартараф этар, хафачиликни бостираар эди. Масалан, онасининг кайфияти нохуш бўлиб турган пайтларда, Йинг Нинг келиб, бир кулиб юборса, нохуш кайфиятдан асар ҳам қолмас эди. Ёки бўлмаса, хизматкорлар бирон айб иш қилиб қўйсалар, жазодан кўрқиб, Йинг Нингдан онасини хурсанд қилишни сўрашарди. Бу фурсатдан фойдаланиб эса, хизматкорлар бекаларидан узр сўрашарди ва бека ҳар доим уларни кечирарди.

Йинг Нинг жуда ҳам гулларга ўч, уларнинг ишқибози эди. Бир неча ойдан сўнг ҳовли ранг-баранг, нафис, дилга хузур бахш этувчи, қарасанг кўзинг тўймайдиган анвойи гуллар билан бурканибди. Йинг Нинг айниқса, ичкаридаги ҳовлида ўсган гул дарахтини жуда ҳам яхши кўрарди. Ҳар доим у дарахт устига чиқиб, дарахт гулларини терар эди. Уни кўрган қайнонаси: «Дарахтга чиқадиган одатингни ташла», деб койиб бераркан. Йинг Нинг ҳам «Хўп» деркану дарахтни кўрганда, яна онасининг гаплари эсидан чиқиб кетар экан.

Кунлардан бир кун Йинг Нинг ўша дарахтдан гул тераётган пайтда, кўшни йигит кўриб қолибди. Йинг Нингнинг хусни жамолини кўриб, ақлдан озаё деб қолибди. Устига-устак Йинг Нинг ҳам қаҳқаҳа отиб кулиб юборибди. Бу кулгини кўшни йигит «Йинг Нингнинг менда кўнгли бор экан», деган маънода тушуниб жуда хурсанд бўлибди. Кўшни йигит Йинг Нингнинг дарахт остига қараб-қараб,

қулиб тушиб кетганини кўриб, у менга шу жойда кўришишни ишора қилди, деб ўйлабди. У хурсанд бўлганидан боши осмонга етибди. Ярим кечада қўшни йигит Йинг Нинг билан кўришиш учун девордан ошиб тушибди ва қаттиқ инграб юборибди. Бу инграшдан ҳамма уйғониб кетибди. Югуриб келиб қарашса, қўшни йигит дарахт остида ётган эмиш. Йигитни чаён чақиб олган экан. Уни ота-онаси уйга олиб кетишибди ва нима бўлганини сўрашибди. У бўлган воқеаларни айтиб берибди. Бир оздан сўнг оламдан кўз юмибди. Унинг отаси туман қозихонасига бориб, Ванг Шэнг устидан арз қилиб, унинг хотинини жодугар, у одам ўлдирди, деб айблабди. Туман қозиси эса, Ванг Шэнгнинг яхши оиладанлигини, бу каби ноқасликлар унинг оила аъзоларига хос эмаслигини яхши биларди. У Ванг Шэнгнинг қўшнисини гапирган гапга ишонгиси ҳам келмабди ва Ванг Шэнг устидан жиноий иш қўзгамабди.

Бу воқеалардан сўнг онаси Йинг Нингга насиҳат қилиб: «Қизим, энди бу шўхликларингни ташлагин. Сенинг шўхликларинг эртами-кечми бирор фалокат олиб келиши турган гап. Яхши ҳам бахтимизга туман қозиси адолатли киши, агар бирор аблаҳга учраганимизда, бошинг галвадан чиқмай қоларди. Унда қайси юз билан одамларга қарардинг?» дебди. Бу гаплардан сўнг Йинг Нинг онасига қасам ичиб: «Бундан буён ҳеч ҳам кулмайман», дебди. Онаси яна насиҳатини давом эттириб: «Қизим, дунёда кулмайдиган одам йўқ, ҳамма кулади, фақат ўз ўрнида ва вақти-соатида кулиш керак», дебди.

Шундан кейин Йинг Нингни жўрттага кулдиришмоқчи бўлишса ҳам, сира кулмайдиган бўлиб қолибди, аммо унинг чехрасида ҳеч қандай хафалик аломати кўринмасди.

Бир кун ичун Ванг Шэнг туятдан хўнграб йиғлаб юборибди. Ванг Шэнг бундан хавотирга тушиб, ундан дарров бунинг сабабини сўраганида, Йинг Нинг шундай жавоб қилибди: «Илгари мен сизлар билан кўп яшамаганим туфайли ҳақиқий гапни гапиришдан қўрқардим. Энди эса, ишондимки, сиз ва онам мени жуда яхши кўраркансизлар ва ишонаркансизлар. Шунинг учун мен сизларга ҳақиқатни гапириб бермоқчиман. Мен, аслида, тулкининг қизиман. Отам ўлгач, ўз онам бошқа эрга тегиб кетди. Мени эса, бир соҳира<sup>1</sup>га беришди. Шу соҳира — сенинг холаңг. У мени боқиб, тарбиялаб, мана шу ёшга етказди. Ҳозир эса, менинг соҳира-онам қаровсиз, бир ўзи тоғлар орасида қолиб кетди. Шу соҳира-онам ўлиб кетган бўлса, унинг жасадини отамнинг ёнига кўмса эдинг, мени ҳам, соҳира-онамнинг руҳини ҳам шод этган бўлардинг. Унда менинг ҳам соҳира-онам олдида юзим ёруғ бўларди». Ванг Шэнг рози бўлибди.


Эртаси кун Йинг Нинг билан Ванг Шэнг жанубий ғарбий томондаги тоққа боришса, ҳақиқатан ҳам, Йинг Нингнинг соҳира-онаси аллақачон оламдан ўтган экан. Унинг қабрини топиб, жасадини Йинг Нингнинг отаси қабри ёнига қайтадан кўмишибди. Шундан кейин ҳар йили, «Чинг минг байрами<sup>2</sup>» кунларида эр-хотин ота-оналарининг мазорини зиёрат қиладиган бўлишибди.

Бир йил ўтгач, Йинг Нинг ўғил туғибди. Бола бирор кимсани кўрса онасига ўхшаб нуқул кулаверар экан.

Хитой тилидан мақола муаллифи таржимаси.

<sup>1</sup> Яхшилик қилувчи пари.

<sup>2</sup> Камарий тақвим бўйича апрелнинг дастлабки 15 кунини ўз ичига олдувчи кунлар.



Роза Азизова

## МУНАВВАР

**Қатагон сиёсатининг аёвсиз усуллари ва уруш пайтининг заҳматларига дучор бўлган онам Мунаввар Султонова ва дадам Матёқуб Девонларнинг азиз хотираларига бағишлайман.**

1930 йил сентябр ойининг тонги. Тошкент вокзалининг перрониди ўн олти ёшли қиз қўлида ихчам чемодан билан атрофга аланглар эди. Қиз ҳозир ўқишини давом эттириш учун Москвага жўнаш тараддуиди. Ҳарир қўйлаги ўзига ярашган, икки ўрим узун сочи этагигача тушган, ҳилпирар, унга кўзи тушган одам, яна қарагиси келар эди. Матёқуб маҳлиё бўлиб қолди, юраги жиз этди.

— Нимадан безовтасиз? — дея сўради йигит.

— Ўқишга кетаётувдим, билет тутапти, — деди қиз таҳликада.

— Иложи топилар, юринг, — деди Матёқуб ва қизни охириги вагон томон ундади. —

Исмингиз нима?

— Мунаввар.

— Шу ерда кутиб туринг, — дея, келишган Матёқуб вагон ичида ғойиб бўлди.

Ҳамкасб шериклари Матёқубнинг ёш ва нотаниш қизни олиб кетиш шайига жилмайиб қўйишди. «Майли, чиқа қолсин», деди шерикларидан бири.

Мунаввар поезд тўловини кимга беришни билмай бир зум саросимада қолганини пайқаган Матёқубнинг ўртоқлари мийиғида кулиб қўйишди.

Вагон ичи Мунавварга кошонадек кўринди: катта зал, ўртада стол, атрофида стуллар, бахмал креслолар турар, уч-тўрт хона эшиклари орқали саришта кароватлар кўринар эди.

Бу оддий вагон эмаслигини Мунаввар дарҳол пайқади. Ҳақиқатда, бу махсус вагон бўлиб, Коминтерн аъзолари сафида Матёқуб ҳам Тошкентдан Москвага қайтаётган эди.

Шундай шароитда Москвага кетишга Мунаввар ҳамон ақли бовар қилмас, бундай муҳит ёш қиз учун афсонани эслатар эди. Мунаввар Вера исмли рус аёли билан бир купега жойлашишди, Вера Мунавварга анча нарсалар ҳақида сўзлаб берди. Мунаввар ҳам умумий суҳбатлар пайтида четда қолмади, қимтинса-да, ўз мулоҳазаларини тортинмай-нетмай айтди, мунозараларга аралашиб кетди. Ўзбек оиласида тарбия кўрган, паранжи-чиммат остидан эндигина чиққан, одатда ийманиб турадиган Шарқ қизининг дадиллиги кўпларни ҳайратда қолдирди.

Поезд гарчи Москва томон елар, лекин (у пайтларда) бир ҳафтага яқин йўл босаётган эрса-да, Мунаввар тажанг бўлмади — вагондаги ҳамжиҳатлик, самимийлик ва энг муҳими — тенглик, энди ҳаёт сабоқларини ўзлаштириб келаётган Мунаввар учун ўта мароқли эди. Кўп нарсалар ёш қизни ажаблантирар, у энтикиб қулоқ солар эди: суҳбатдан маълум бўлишича, Матёқуб Хоразм хонининг Юсуф Девон исмли вазирининг ўғли экан, отаси Юсуф Девон инқилобдан сўнг ёш, севимли хотинини олиб Эронга қочибди. Матёқубнинг

айтишича, отаси маърифатли инсон бўлиб, адабиётдан хабари бор, зиёли, ўзи ҳам шеър битар экан. Фазллари хоннинг кенжа хотинига бўлган ишқ туфайли юзга келган, охир-оқибат Юсуф Девон хон вафотидан сўнг севимлисига етишишга муяссар бўлган ва орқа-олдига қарамай, уни олиб Эронга қочган экан. Матёқубнинг волидаси — оқ юзли, майин табиатли аёл вазир Юсуф Девоннинг тўртта хотинининг энг каттаси, пошша ойи экан, беш зурриёд кўриб, иккитаси ўғил, учтаси қиз экан. Тўнғич Матёқубга онаси ҳам, отаси ҳам алоҳида ихлос билан қарашган, билим беришган, бир неча тилларни ўргатган.

Матёқуб зоти-мартабасини ҳеч қачон рўқач қилмас, камтар эди.

Матёқуб ўсмирлик пайтиданоқ янги давр ғоялари, тенглик ва озодлик тушунчалари билан қизиқар, Хива комсомолларига яқиндан ёрдам берар, 1920 йиллардан бошлаб Хоразм ёшлари ҳаракатига етакчи сифатида раҳнамолик қила бошлаган эди. 1927-28 йилларда эса Ўзбекистон Комсомоллари Қўмитасининг котиби даражасига кўтарилган, шу кезларда ёш, саводли ва ақлли комсомол йўлбошчисининг раҳбарлик қобилиятини пайқаб, Москвада фаолият кўрсатаётган Коминтерннинг Яқиншарқ ёшлари бўлимини бошқариш лавозимини топширадилар. Ёш, ташаббускор Матёқуб олдида яна улкан вазифалар гавдаланди, у жонини аямай ишга шўнғиди. Бироқ жонажон Хива шаҳри, унинг бетакрор кўчалари, муштипар онасининг илиқ қўллари, меҳрибон кўзлари, ука-сингилларининг хушчақчақ қиёфалари Матёқубни ўзига тортар, кўз ўнғидан аримас, иши зиклиги туфайли йигит Хоразмга бориш имкониятига эга эмас, ҳатто Тошкент сафарига келганида ҳам Хивага бора олмай, Москвага қайтиб кетган пайтлари неча марта бўлган. Ҳозирги Москва поездида кетиши шундай тигизликнинг бир кўриниши эди. Бироқ вагонда ҳамма нарсага ҳавас билан қарайдиган гўзал қиз ўтирибди, у Матёқубнинг буткул ўй-хаёлини эгаллаган, дилида интиқ эзгуликни уйғотган эди. Матёқуб ҳар қанча турёнини яширишга уринмасин, кўзларидаги мажв синрини ошкор этар, биродарлари Матёқубнинг «дардини» сезишар, табассум қилишар, ноўрин ҳазилдан ўзларини тутишар эди. Мунаввар эса шундай хушрўй, камтар, одобли йигитни тақдирнинг улғу каромати, деб қувнар, «кўз» тегишидан чўчир эди. Ҳамма нарса кўнгилдагидек кечаётгани, ҳатто Москвадаги ўқишига ўз вақтида етиб боришидан тортиб, кутилмаган бу бахтли учрашув Мунавварнинг дилига баҳр ато этар, қиз истиҳола тортар, омади тушдек туюлар эди. Дераза ортида ўтаётган ажиб манзарага тикилар экан, Мунаввар яқиндагина Самарқандда онасининг изми-ихтиёри билан уни мутлоқо нотаниш кишига узатиш, аслида эса мажбурий равишда эрга беришга қарор қилганликларини беихтиёр эслар эди. Бўлажак эрининг турқини ҳам кўрмай турмушга чиқиш одат бўлиб, ҳамма бу тадбирга кўникиб кетган, ҳеч ким ёзғирмас, амакиваччаси Ҳайдарнинг онаси ўн бир яшар қизалоқ пайтидаёқ узатилган бўлиб, бу Назокатга ҳеч эриш туюлмас, у ҳатто бўлган воқеаларни ҳазил-мутойиба тарзида сўзлаб, дугоналарини кулдирар эди. Бундай воқеаларни кўп кўрган Мунаввар, нотаниш кишига турмушга чиқишини ҳал бўлган масала билиб, эътироз ҳам билдирмади, лом-мим демади, бу — розилик аломати эди. Совчилар келганида, нон ушатилди, фотиҳа ўқилди, тўй тараддуди бошланди кетди. Тасодифми, йўқми — Мунаввар акасиникига бориб, бўлажак эрини эшик тирқишидан кўрди — келинойиси уюштирган тадбир эди. Аслида, келин куёвни фақат тўй оқшомида, яъни гушангада кўриши лозим эди. Кўзи «куёвга» тушиши билан Мунаввар бўшашиб кетди. Супадаги дастурхон четига бадбашара бир унсур ўтирар, Мунаввар «куёвнинг» сумбатидан, ҳатто кўрқиб кетди, бурчақда ғужанак бўлиб йиғлай бошлади.

Мунавварнинг дилига нафрат уйғонди, устига-устак ЗАГСдан эрининг фамилиясига ўтган паспорт келтиришди. Мунаввар нима қилишини билмас, аламини йиғидан олар эди. Шу вазиятда Тошкентда ўқиётган бир дугонасининг гапи беихтиёр эсига тушди — дугонаси Тошкентдаги рабфакка, яъни ишчилар факультетига бориб ўқишни Мунавварга маслаҳат берган эди. Илинж топилаганидан қиз тетиклашиб, истаги қарорга айланди, ҳушёр тортиди — Тошкентга жўнаши қатъийлашди. Бироқ нияти оқилми, онаси ёзғирмасмикан, деган шубҳалар қизни изтиробга солар, расмий жиҳатдан номига ўтган эрининг турқи Мунавварни баттар иргангирар, қочиши бежиз эмасдек туюлар, ўз тақдирини ўзи ҳал қилиши муқаррар эди. Мунаввар аҳдини ҳеч кимга очмай, тўйга зарур нарсалар олишни баҳона қилиб, тўппа-тўғри вокзалга равона бўлди.

Ўша кезларда ёшларни ликбез (савобсизликни тугатиш) ва рабфакаларга (ишчилар факультетига) жалб қилиш кенг кўламда қўлланар, бироқ қизлар паранжларини ташлаб, очиқ ҳолда ўқишга қатнашдан чўчишар, хурофийлар бундайларга нисбатан шафқатсиз тарзда жазо қўллашар, айниқса қизларни аяшмас эдилар. Шундай муҳитда ёш қиз паранжини, унаштирилган куёвни тарк этиши, анъанавий одат-қондани бузиши, она измига чап бериши, ўз хоҳиши билан Тошкентда келиши ҳатто у ердаги маърифатпарварларни ҳам лол қолдирди, улар қизни иккиланмай қабул қилишди. Бир йил ўтиб-ўтмай укувли ва лаёқатли Мунавварни Москвага йўллашди. Агар Самарқанд вокзалида содир бўлган ўша тасодиф учрашув рўй бермаганида, қизнинг тақдири қандай кечар эди, тасаввур қилиш қийин эмас. Москвага етгунга қадар ўтган бир ҳафтали

муддат Мунаввар учун ҳам, Матёқуб учун ҳам омадди чиқди. Ҳали улар бир-бирига ҳеч нарса демаган бўлсалар-да, уларнинг кўзидаги эзгу мавж ҳар қандай сўздан кучли, улар бири бирисиз яшай олмасликлари аён эди.

Мунаввар ҳаяжон туйғусида вагон деразаси орқали рус ўрмонларига боқар экан, шамолда чайқалаётган маъсум оқ қайинларга ўзини қиёс қилгиси келар, келинчақдек химоя қўмсар эди.

Ҳаёлларга чўмган Мунаввар ортида келиб тўхтаган Матёқубни пайқамасди, фақат у охириги станцияда териб чиққан бир ҳовуч дала гулларини узатганида, қиз ҳушига келди. Қизил, сариқ, кўк гуллар дастаси изҳор ифодасининг унсиз белгиси эди.

— Менга тегасизми? — деди Матёқуб, гулларнинг шаҳодатига ишонмай. Ҳаяжондан йигитнинг юзидаги ранг қочган эди.

Мунаввар Матёқубнинг кўзларидаги илтижо ва туёндан таъсирланиб дарҳол бош силкиди.

Бир ҳафтали сафар давомида икки қалб бир-бирини англашди, севиб қолишди. Матёқуб станцияларда поезддан тушган пайтларида, Мунаввар тоқатсизлик билан уни кутар, хавотир чекар, назарида йигит поездга чиқишга улгурмаса, тушдек туюлган манзара тутагандек, фавқулодда намоён бўлган бахт узилиб қолиши мумкиндек кўринар, чўчитар, бироқ йигит охириги дақиқада қайтар, ҳушнудлик давом этар эди.

Кечки тамадди пайтида Матёқуб Мунаввар билан бўлган паймонини шерикларига билдирди ва биринчи имконият яралиши биланоқ қариндошлариникига бориб, ниятларини ошкор қилишларини айтди. Икки ёшнинг турмуш қуриш ҳақидаги эълони ҳеч кимни ажаблантирмади — ҳаммалари шунақа бўлишини кутишган эди, улар «келин-куёвни» қутлашди, омад, бахт ва фарзандлар тилашди.

Мунаввар Самарқанд муҳитини тарк этиши, яширин тарзда Тошкентга қочиб кетиши ва кейинчалик ўқишни давом эттириш учун Москвага жўнаши, ўзбек оилаларида шарият тусини олган эски усуллардан воз кечиши, ҳатто она измини тан олмаслик, қандайдир совчилар, қавму қариндошлар таллаган куёвни рад этиши — «уларнинг» назарида одобга хилоф, беҳуда, ориятсиз исён бўлиб, Мунаввар ўз тақдирини ўзи тузиш қасди ҳеч қанақа «қолипга» сигмас эди. Мунаввар бу «қоидани» эътироф қилгиси келмасди, бир умр эрнинг зуғумига бўйсунуш унга эриш туюлди. Албатта, бунда истиснолар ҳам бўлиб туради, умуман бир-бирини кўрмаган бегона ёшлар турмуш қуришиб тотув-иноқ яшаб ҳам кетишади. Бироқ аксарият оилалар эски усулга риоя қилиб яшашга мажбурлар. Бу — Мунавварнинг ҳурриятга мойил табиатига тескари эди. Унинг учун энг муҳим ва масъулиятли муаммо — ҳаёт сафдошини дил садоси билан танлаш, хато қилиш — тақдирни яқсон қилиш билан баробар эди. Мунаввар олдида мураккаб синов турар эди. Қиз масала ечимини ўзи ҳал қилди. Шубҳасиз, Мунаввар бу йўлда кўп ўйлади, шубҳаларга борди, бироқ кўнгил овозига қулоқ солмаслик — бахтдан юз ўгиришдан бошқа нарса эмаслиги муқаррар эди. Мунаввар дил ихтиёрига хиёнат қилмасди, бахт нашидасига эришди ҳам.

Матёқуб хотинини беҳад севар, эъозлар, уни ҳатто расмий учрашувлар, қабул зиёфатларга ҳам ўзи билан олиб борар, бисотидан нуфузли ташрифга муносиб янги либос танлар, қандай кийиниш ва такаллуфни Мунавварга ўргатар эди.

Матёқуб Москванинг диққатга сазовор обида, музей ва кўрсатмаларига ёш хотини билан борар, унинг болаларча самимий ҳушчақчақлиги, айниқса Мунавварнинг мушоҳадаси, кўрган нарсалари ҳақида аниқ ва теран луқмалари эрига ёқар, сайрга тароват бағишлар, Матёқуб ҳаёт жиололарини эндигина кашф эта бошлаган қаллиғига тикилиб тўймас, унинг қалби бир дунё эканидан ғурурга тўлар эди. Биринчи марта улар Большой театрга боришганда бионинг салобатли ҳашамати, башанг кийинган томошабинлари ёш жувонни эсанқиратди. Айниқса биллур қандилларнинг нури оҳиста ўчиб, оркестрнинг дабдабали наъраси янграгач, Мунаввар бошқа томошабинлар қатори муסיқа сеҳрига чўмди, сахнадаги афсонавий манзара қизни лол қилди, Мунаввар кўзидан сеvimли Самарқанднинг қуёш нурига чулганган улғувор обида ва феруза гумбазлари беҳос ўта бошлади. Унинг эҳтиросли мўлтирашини ва ҳаяжонини пайқаган Матёқуб шундай қиз билан учрашганидан беҳад сеvинар, шу танҳо ва масъум зот унинг ёри эканидан мислсиз ғурурланар эди. Мунаввар соҳибжамол жувонгина эмас, зукко ва маънавий дунёси бой инсон эканига ичиди таҳсин ўқир эди.

Машаққатли кунлар охирида Матёқуб бўлиб ўтган воқеаларни эслар, қизик туюлганларини сўзлаб берар эди. Хусусан бугунги юмушларидан бири: Москвада сабоқ олаётган Мумтоз Муҳаммедов, Матёқубнинг Самарқанддаги ошнаси, Коминтернга келаётғиб, йўл-йўлакай магазинга кириб, паловбоп гуруч сотиб олипти, қўққисдан шаррос ёмғир қуйиб, қоғоз халтани бўктиришти ва халқаро қоида бўйича ҳушбичим кийинадиган Коминтерн ходимлари рўпарасида шалаббо тусда Мумтоз пайдо бўлипти. У башанг йигитлар олдида ўзининг ҳўл қиёфасидан ийманар, пальто тагидан ивиган гуруч доналари оёқ остига тўкилар эди. Ўсал дўстини ноқулай аҳволдан қутқариш учун Матёқуб



ҳамшаҳарига кўмак берипти, усти-бошини эпақага солипти, «гурунч ошга тайёр, уйитмаса ҳам бўлаверади», деб, ҳазилга айлантиришти.

Матёқуб яна битта кулгили воқеани эслади: Коминтернга Ўзбекистон ёшлари орасида келган Норжон Абдусаломова бўлиб, бу қиз бир спектакль пайтида ҳушидан кетиб қолган экан. Гап шундаки, Матёқуб ўсмирлик даврида ҳаваскорлар тўғарагида иштирок этган экан. Хивада ижро этган спектаклида Матёқубга «ўқ тегади», яраланган йигитнинг жароҳатидан «қон тизғийди», бу пуфак ичидан чиқаётган қизил бўёқдигини билмаган қизалоқ залдан:

— Вой-дод! Матёқубни ўлдирдилар! — деб қичкиради ва шу заҳотиёқ ҳушидан кетиб йиқилади.

Матёқуб шу кунни Ўзбекистондан келган Норжонни театрга тақлиф қилди, кечада Мунаввар самарқандлик оқбадан, дўмбоқ қиз билан танишди ва унинг Матёқубга тикилган илтижоли, маҳлиё кўзларини кўриб, биринчи марта эрини қизғанди.

дилида рашк губори уйғонди, бироқ ғашли туйғусини Матёқубга ҳам, Норжонга ҳам сездирмади. Танафус пайтида улар буфетга киришди. Норжон атрофдагиларни сезмай, турли кремлар билан безалган пирожналарни момик қўли билан ушлаб кўрар, крем юққан бармоқларини ялар, қизнинг ноҳўя ҳаракатидан Матёқуб ноқулай жилмаяр, Мунаввар эса кўнглида қизни мазах қилар, унинг бачкана ношуддигидан яйрар ва эрига мазмундор, қасоскорона нигоҳ ташлар эди.

Мунаввар билан Матёқубнинг Москвада ўтган даврини ҳаётларидаги энг тотув пайти, деса бўлади. Матёқуб иши билан бутунлай банд бўлар, чунки бажараётган вазифасини муҳим ва зарур ҳисоблар, Мунаввар эса ўзи учун янги бўлган билим ҳамда маданиятни ташналик билан ўзлаштирар эди.

Иккала ёш таътилни фойдали ўтказиш, бирйўла Самарқанд билан Хивага бориб, ота-оналарининг оқ фотиҳаларини олиб, уларни тинчитиб келишга қарор қилишди. Мунаввар ўз шаҳрида уни қандай қабул қилишларини таҳликада ўйлар эди. Онаси, ака-укалари Мунавварни кечирिशармикан? Ёзғиришмасмикан? «Гуноҳидан» ўтишармикан? Қандай кутиб олишар экан? Мунаввар Матёқуб олдида изза бўлмасмикан?

Мунаввар Самарқанднинг Регистон даҳасигача тинч етиб борди, бироқ таниш маҳалласига яқинлашган сари гулгулага туша бошлади, ҳатто ортига қайтиб кетиш ҳаёлига ҳам борди, лекин Матёқуб далда берди: «Ташвиш қилманг, ҳамма нарса кўнгидагидек бўлади».

Ниҳоят эшикка яқинлашгач, Матёқуб ичкарига назар ташлади: токлари уйқашган узум сўриси остидаги супада чувақдек аёл нимадир тўғрар, ёшроқ жувон нарида ҳовли юмушини бажарарди, аввал-охир уларни кўрмаган Матёқуб дарҳол таниди: улар Мунавварнинг онаси ва келинойиси эдилар. Эшикнинг гийқиллашига икковлари қарашди, остонада хушсуврат йигитни, унинг панасида Мунавварни кўришди, бўшашиб кетишди. Мунаввар айтмаса-да, бу йигит кимлигини дарров пайқашди, лекин мулозамат учун Мунаввар Матёқубни расмий равишда таништирди.

Мунавварнинг онаси Қўзи хола туришни ҳам унутиб, кўксига пиқиллаётган қизини қарахт ҳолда силар, кенг енги билан кўзига келган қувонч ёшларини артар эди. Кейин сўхбат чоғида Қўзи хола Худо етказган куёвигача кўз қирини ташлар экан, Матёқубнинг онага нафақат қиёфаси, балки одоби, вазминлиги, қизига меҳр-оқибат билан боқиши маъқул кўринди. «Қизим адашмапти, дуруст экан», деб ўйлаб, кўнгли тасалли топди. Шу тарзда Матёқуб ёш хотинининг хешу ақраболари билан тутиниб чиқди.

Мунавварнинг отаси бир неча йил аввал дунёдан ўтган бўлиб, тириклигида барча аждодлари каби қандолатчилик қилар, маҳсулотини Регистон бозорига сотувга чиқарар эди.

Матёқуб бу хонадонда ҳаммалари иноқ яшашларию ҳазил-мутойиба билан бир-



бирларига тегажаклик қилишлари ва гина сақламасликларини кўрди, миннат йўқлигига амин бўлди.

Бу аҳил оила аъзолари Матёқубни эҳтиром билан қабул қилиб олганидан Мунаввар ўзида йўқ хурсанд бўлди. Энг муҳими: онасининг ризолиги, куёвини тан олгани Мунаввар учун катта илтифот эди. Бу қизининг «гуноҳи»дан ўтгани эди.

Мунаввар билан Матёқуб бир неча кун Самарқандда «меҳмон» бўлиб, Хивага жўнашди. Бу шаҳарда эса Матёқубнинг бир талай уруф-авлодлари яшар, Матёқуб «кетворган» қизга уйланишини ва ёш келинни олиб келаётганини билишар, қизиқиб кутишар эди. Кутганлари бежиз чиқмади — келин ҳақиқатда хушсурат эди. Учрашувлар тантананага айланиб кетди, шоду хуррамликнинг кети узилмади.

Матёқубнинг онаси Бегойим тўнғич ўғлининг қалиғига атаб қўйилган оилавий қимматбаҳо зийнатларини дарҳол тортиқ қилди. Бироқ Мунавварнинг совғага бўлган мулоийм, ҳатто хотиржам муносабати хонадон аъзоларини ҳайрон қолдирди, улар «менсимаси», деб ўйлашди.

Айниқса зиёфат пайтидаги келиннинг «таманноси», инжиқлиги, қатиқ ўрнига сузмани маъқул кўриши, сузма келтирилгач, яна қатиқ кўмсаши атрофдагиларга таннозлик бўлиб туюлди, хархаша сабабини пайқашмади. Сабаби эса бор эди. Гап шундаки, Москвада бўлган пайтларида Мунавварнинг рашкини қўзғаган Норжон ҳам зиёфатда ўтирар, уни бу ерга ким таклиф қилганини «келин» билмас, ғашини тантиқлик усули билан ифода этар эди. Атрофдагиларга бу «сир» қоронғу бўлиб, Матёқуб танноз ва ўжар қизга уйланипти, деган қарорга келишди. Буни сезган Матёқуб биринчи таассурот хунук чиқмаслиги учун ва — энг муҳими — ёш хотинини авайлаш ниятида келиннинг эркалигини ҳазилга айлантирди: «Зани бе ноз, оши бе пиёз», яъни «нози йўқ аёл пиёзи йўқ ошдек», деган матални келтириб, ҳаммани кулдирди.

Матёқубнинг сингиллари билан Мунаввар тезда тил топти. Қанча вақт Мунаввар Хивада бўлмасин, улар келинпошшанинг атрофида гиргиттон бўлишар, зериктиришмас, айниқса Матёқубнинг кенжа синглиси ёнидан жилмас эди.

Матёқубнинг насли қадимий қавмга мансуб бўлиб, учта ака-ука Харратовлар ҳам шу сулолага кирар эди. Машҳур мусиқачилар, бастакорлар бор эди.

Москвага қайтгач, Мунаввар билан Матёқуб Самарқанд ва Хива таассуротларини хотирлашар, Москвадек улкан шаҳарда улар ўз юртининг заррадек вакили эканидан фахрланар эдилар.

Хукумат қарори билан Коминтерн тугатилгач, Матёқубни аввал Янгийўлга юборишди, кейин Тошкентдаги районларнинг бирига биринчи котиб қилиб тайинлашди.

Ўз ўлкасига қайтиш, айниқса Мунавварга маъқул тушди: унинг «боши қоронғу», яъни ҳомилдор, қариндошларига яқин бўлиши маъқул эди. Тошкентда жойлашишлари биланоқ Мунаввар онасини Самарқанддан чақириб олди ва Қўзи хола умрининг охиригача кизи олдидан жилмади. Матёқубнинг синглиси ҳам ўқиш учун Тошкентга келиши аини мудоао бўлди.

Хонадондаги муҳит иноқ ва илиқ бўлиб, ҳазил-кулги аримас, Қўзи опага Матёқубнинг феъли ёқар, ихлоси ортар, Матёқуб ўта такаллуфли, ҳатто болаларни ҳам «сиз», деб атар, ҳеч кимнинг дилини огритмас, бошқалар ҳурматини ўрнига қўяр, кимдадир нуқсон пайқаса ҳазилга айлантирар эди. Қўзи опа пиширган чучварани Матёқуб ёқтирар, овқат пайтида қайнонасининг пазандалигини мақтар, Қўзи опанинг дили яйрар, Шарқ одати бўйича ўғиллари билан яшаш лозим бўлган она куёвниқанда бўлса-да, ўзини эркин тутар, сиқилмас эди.

Шу зайл ҳаёт оқар, бўш пайтини Матёқуб ҳам, Мунаввар ҳам бекор ўтказишмас, меҳмон чақирар, ўзлари меҳмонга боришар, театр премьераларини қанда қилишмас, бу икки ёш эру хотинни кўп театр артистлари танишар, Матёқуб уларни янги роль билан табриқлар эди.

Қайсидир кун Матёқуб ҳадеганда келавермади, Мунаввар эрини рашк қилиб бир неча театрни айланиб чиқди, бироқ уйига қайтгач, ишдан толиққан Матёқубни кўрди, ўзининг гумонидан хижолат чекиб, эрини қидириб чиққанини кула-кула гапириб берди.

Эри, онаси ва қайнсинглисининг меҳри билан чулганган ёш, дилкаш Мунаввар ўзини хушнуд сезар, фақат алланечук номаълум ғусса баъзан дилини сиқар эди.

Интиқ кутилган бола чала туғилди. Етти ойлик қизалоқ муштдек нарса бўлиб, рангсиз, нимжон, қилтириқ эди, йўргаксиз ёта олмас, совқотар эди. Роза Люксембург номига атаб қизалоққа Роза исмини беришди. У пайтларда болаларни доҳийлар номи билан аташ урфга айланган, кўп болаларни Сталина, Лениана, Мэлс ва шу каби исмлар билан аташ одатга кира бошлаган эди. Ҳамманинг ғамхўрлиги остида митти Роза тетиклашиб, дўмбоқ гўдакка, суюкли арзаңдага айланди. Уни ерга ҳам, кўкка ҳам ишонишмас эди.

Кунардан бир куни қизалоқ икки ёшга тўлганида фавқулодда ҳодиса рўй берди: оила аъзолари таҳликага тушиб қолишди. Бир лаҳза қаровсиз қолдирилган қизча ғойиб бўлиб қолди. Кейин аниқ бўлишича, дўндиқ қизалоққа маҳлиё бўлган бир рассом

сувратини чизиш учун эргаштириб кетган экан. Ниҳоят, кечга яқин рассом қизчани олиб келганида, уйдагилар бўшашиб кетишди, кейин, бола омон-эсонлигини кўргач, уларнинг қувончи кўкка етди. Рассомни таъналаш ҳам эсдан чиқди.

Ёш она бахтдан энтикар, бутун дунё унга жозибали кўринар, қувончи дилига сифмас, ҳузурини яшира олмас, кўча-кўйдаги йўловчилар ҳам унга ҳавас билан боқар эдилар. Бироқ замона қалтислигидан Мунаввар ўқтин-ўқтин гуссага тушар эди. Ўғил кўриш ниятида яна ҳомила тортган ёш она, боласи дунёга чала келишидан хавотирланар эди. Бироқ бу қадар рўшноликка «кўз теги».

Эрталаб ҳамма ёқ тинч, фалокат яқинлашаётганини ҳеч ким билмасди, қўлида боласи билан Мунаввар бўсағада эрини ишига кузатди. Матёқуб қизчаси билан хотинини ўлиб, қайнонасига севимли чучвара пишириб қўйишни илтимос қилиб, хизматига жўнади.

Бир оз вақт ўтгач, Мунаввар билан Қўзи хола чой ичишга ўтиришди, шу онда уларнинг суҳбатини бузиб, эшик тақиллади, эшик очлишини ҳам кутмай, тўрт киши эшикни тешиб, ичкарига киришди. Мунаввар билан Қўзи хола ҳанг-манг бўлиб қолишди. Нотаниш кишилар ҳеч нарсани тушунтирмай, Матёқуб ишхонасида ҳибса олинганини ва улар тинтув учун келганликларини айтишди. Олдинига эътиборга молик бўлмаган нарсаларни ағдар-тўнтар қилишиб, таҳликага тушган уй эгаларига ҳам парво қилмай, кейин «важли» маълумотлар, яъни расмий қорозлар, хатлар ва китобларни титкилашга тушишди, бирон нарса топишдими-йўқми, қандай келган бўлишса, шундай ғойиб бўлишди.

Ўтган важсиз дағал ҳаракатдан гангиган Мунаввар қайнсинглиси билан сўраб суриштириш учун Тоштурма томон ошиқшди... Ҳеч нарсани англамаган Қўзи хола уй юмушлари билан банд бўлди, ҳодисага англашилмовчилик оқибати деб, куёви сўраган чучвара тутишга унади. Қош қорайганда толиқиб Мунаввар кириб келди. Чиройли кўзлар киртайган эди. Турма ходимлари Мунаввар билан гаплашишни ҳам исташмади, фақат Матёқуб турмадалигини айтишди, холос.

Мунавварга ўхшаганлар қамоқхона олдида кўп экан, ҳаммалари юз берган фалокат ҳақида бир-бирига айтишидан маълум бўлдики, Мунавварникига ўхшаган кулфат бошқа аёллар бошига ҳам тушган бўлиб, ҳибса олинган маҳбуслар расмий амалдор ва мартабали кишилар экан: газета редакторлари, партия ва комсомолнинг фаол аъзолари, ёзувчи-шоирлар, врач ва олимлар... Баъзи бир танишлари олдин ҳам қамоққа олинганликлари Мунавварнинг қулоғига етган, Мунаввар хавфга туша бошлаган, бироқ қамалганларнинг бирон гуноҳи бордир, деб фараз қилар, эрини бунақа шубҳалардан истисно этар, қамоққа олинишини кўз олдига ҳам келтирмас эди. Унинг назарида Матёқуб партия ишига ўта содиқ, ўзи покиза, халқ гами билан яшайдиган инсон эди. Матёқубнинг қамоққа олинишини Мунаввар хато, адашиш, деб билар, эрининг айбсиз эканига шубҳа келтирмас, тез орада чиқариб юборишди, деб ўйлар эди. Бу ишончга Мунаввар бир умр шак келтирмай ўтди. Эрини оқлаш учун Мунавварнинг қилган барча тиришқоқлиги ҳеч қандай самара бермади. Ҳибса олинганларнинг биттаси ҳам озод қилинмагач, мусибат муқаррар эканини тан олишга мажбур бўлди. Ҳеч ким унинг додига қулоқ солмади. Радио садоари, газета мақолалари «халқ душманлари»ни аёвсиз қоралар, бунақалар орасида Матёқуб Девононнинг ҳам номи тилга олинар эди. Устига-устак, атрофдагилар Мунавварга ғалати қарайдиган бўлиб қолишди. Кечаги аҳил туюлган дугоналари бутун Мунавварни кўрса, кўзини олиб қочишар, кўчада учраса, нариги томонга ўтиб кетадиган бўлишди. Тез орада Мунаввар оиласи билан яшаб келаётган ихчамгина, лекин алоҳида уйни тортиб олиб, алақандай коммунал уйдан бир хонали қоронғу, қуёш тушмайдиган хона беришди. Турма соқчиларига Мунаввар алақачон таниш бўлиб қолган, ҳеч қандай дўқ-пўписа, тазйиқ ва ман қилиш усуллари ёш жувонга қор қилмас, эрини ўз кўзи билан кўриш, унинг далилларини эшитиш Мунаввар учун ягона мақсадга айланган эди. Мунавварнинг кўп вақти турма бўсағаси олдида ўтадиган бўлиб қолди. Бироқ жувоннинг шунча абжирлиги, уруниши самара бермади. Шунақа кунларнинг бирида погонли соқчи чиқиб: «Энди сен бу ерларда сарсон бўлма, деди, бир гуруҳ маҳбуслар тунда отилди, орасида сенинг эринг ҳам бор эди». Бу ҳодиса 1938 йилнинг 5 октябрида содир бўлган эди. Мунаввар эти увушиб, қарахт бўлиб қолди. Тинкаси қуриган, мусибат азобидан кўзларида ёши қолмаган Мунаввар уйига кириб келганида, Қўзи хола бир ликоп чучварани Матёқуб суврати олдига қўйиб, йиғи аралаш: «Ол, е, болам! Яхши кўрган чучвараларинг!» дея, илтижо қилар, унинг ҳолати девонани эслатар эди. Шу мискин-муштишар онасига Мунаввар мудҳиш хабарни қай тили билан айтади? Багтар абгор қилади-ку!

Айни шу пайтларда тўлғоқ тута бошлади. Онаси ва қайнсинглиси кўмагида Мунаввар туғруқхонага шошилишди, лекин «халқ душмани» хотинини ҳеч қаерда қабул қилишмади. Бола кўчада дунёга келди.

Мунаввар турмушга чиққанданок Матёқубга ўғил туғиб беришни орзу қилар, ўғилча

кўрса, дунёда энг бахтли она бўлишини ўйлар эди. Ҳақиқатда, туғилган зурриёд ўғил эди; лекин Мунаввар дунёда энг бебахт аёл эди.

Мусибат билан бўлиб, Мунаввар яхши қарай олмади, бола касалга чалиниб, тез орада қаза қилди. Бошига тушган кулфатдан адо бўлган Мунаввар нима қилишни билмай, кечалари мижжа қоқмас, хаёлида Матёқуб кириб келаётгандек, «мана мен, туш эди, энди бирга бўламиз», дегандек кўринар, баъзан кўзи бир дам уйқуга кетгач, ҳатто унинг ҳидини сезгандек бўлар, ёнида ётгандек туюлар, Мунаввар талвасада чойшабни пайпаслар, ўрин кимсасиз бўлар эди.

Мунаввар Матёқуб билан атиги етти йил турмуш кўрди, бироқ шу етти йил жувон ҳаётининг энг ёрқин кунлари бўлиб қолди, ўша бахтли кунларни Мунаввар зинҳор унутмади. Ўшанда Мунаввар йигирма уч ёшли, қалби орзуларга тўла нозанин, Матёқуб эса навқирон ғайратли йигит эди.

Мунавварнинг ихтиёрида қизчаси ва қари онаси бор, бирон иш билан шуғулланиши лозим эди, лекин у пайтларда «халқ душмани», деган номга эгри қарашар, ёрдам беришдан чўчишар, шунинг учун Мунавварни, қанча сарсон бўлмасин, ишга олишмас, у билан гаплашишдан ҳам бош тортишар эди. «Дўстлар», деб аталган барча танишлар бир зумда ғойиб бўлишди. Шунча пайт ичида «Политотдел» колхозида ишлайдиган бир корейс киши совға-салом билан Матёқубнинг бетоб қизчасидан хабар олиб кетди ва ҳамиша Мунавварнинг рашкани кўзғайдиган Норжон Самарқанддан командировкага келганида, ҳол-аҳвол сўрагани кирди.

Табиатан қаққон Мунаввар, вазиятни тўғри тушуниб, Тошкентдан чиқиб кетиш қарорига келди. Матёқубнинг синглисини Хоразмга, онасини Самарқандга йўллаб, ўзи қизчасини олиб Москвага жўнаворди. Янги тутинган танишларига Мунаввар эри ҳақида ҳеч нарса айтмади, бинобарин Мунаввар эрининг номини олмай ўз фамилиясида қолган (Султонова) эди. Болалик она сифатида Москва медицина институтига кириш қийин бўлмади. Машғулотларга берилиб кетди. Шунинг билан бирга Москва — Мунавварнинг дастлабки бахтли кунларининг шоҳиди — қадрдон туюлар, улар биргалашиб юрган кўчалари кўп лаззатли онларини эслатар, шаҳар ўзиникидек кўринар эди. Бу эслашлар ўтмиш хотироти бўлиб, бугунги кун билан яшаш майда-чуйдалардан ўзини баланд тутиб, улуғ ният йўлида тинимсиз ҳаракатга берилган эди. Мунаввар институтдан одам скелетининг баъзи қисмларини келтириб, машғулотга берилганида, қизчаси қўрқувдан қалтираб, аёл ёпиниб олганини пайқайди ва «ўқув дастурларини» хонадан чиқариб, қизининг ёнига ётди. Мунаввар ўз ташвишлари билан аралашиб, хушчақчақ ва беғам қизчаси камсухан ва тортинчоқ бўлиб қолаётганини, сўлиётганини пайқайди. Қизчага эътибор бериш, у билан шуғулланиш, кўпроқ бирга бўлиш керак эди. Мунаввар Роза билан хиёбону паркларга, цирк ва ёшлар театрига борадиган бўлди, қизи яшнаш бошлади, ўзининг ҳам руҳи тикланди. Беихтиёр она-бола бир-бирига мадад берганларини сезмай қолишди.

Бироқ шу кезлари уруш бошланиб, институтни тугатишга имкон қолмади. Ҳар бир хонадонга хатар кириб келди. «Ҳаво тревогаси» эълон қилинганда, Мунаввар бошқалар қатори бино томларида навбатчилик қилар, деразаларни қора мато билан бекитар, уруш пайтида қўлланадиган барча тадбирларни бажарар эди. Немис қўшинлари Москвага яқинлашгач, болалик аёл ва қарияларни эвакуация қилиш бошланди.

Москвани тарк этиш ва Тошкентга жўнаш ҳақида буйруқ олгач, Мунаввар Москва четигадаги боғчада яшовчи қизчасини олиб келиш учун йўлга тушди. Ниҳоят Розани топгач, Мунавварнинг кўнгли ўрнига тушди — бу тўполонда бир-бирларини йўқотиб қўйиш, бир умр ажралиб кетиш эҳтимоли ҳам бор эди. Мунаввар ўзига келгач, боғчанинг қайсидир бурчагидан скрипка товушини эшитди. Скрипка садоси нола чекар, ҳасрат билан йиғлар, қўққисдан наъра кўтарар эди. Машшоқ ўта қобилиятли эди. Скрипка чалаётган машшоқ 12 яшар нимжон бола бўлиб, айтишларига қараганда ўлимга маҳкум экан. «Тавба, деб ўйлади ўшанда Мунаввар, — фалак нега шунчалар бераҳм, нега шундай қобилиятли бола ўлиши керак? Нега Мунавварнинг новдадек, беайб эрини қамоқхонада судсиз отиб юборишлари керак? Ахир, бу адолатдан эмас-ку! Нега шу нурафшон, гулларга бурканган, муаттар ҳидлари оламни тутган диёрдан яқиндагина дилини абгор этган манфур ўлкага қайтиши керак?»

Мунаввар таҳликада қолган эди. Бироқ уруш вазиятининг ўз қоидалари бўлиб, унга буйсунмаслик ҳам мумкин эмас эди. Уруш машаққати фақат унинг бошига тушгани йўқ, кулфат ҳаммага ёғди. Бу қиронда омон қолишни ўйлаш керак. Мунаввар қизчаси билан Тошкентга кетиш учун вокзалга ошиқди.

Жўнаётган одамларни мол ташийдиган поездга тиқишди. Мунаввар қизчаси билан биринчи вагонга жойлашди, бу, кейин маълум бўлишича, омад эди, чунки охириги вагонлар йўл-йўлакай немис авиациаси ҳужумида вайрон бўлди. Поезд тўхтаганда йўловчилар сув олиб чиқшар, ерлик аҳоли нон, картошка, қарам берар эди. Оддий одамларнинг

иссиқ жойини ташлаб, узоқ ўлкага қувғин бўлган бенаволарга кўрсатган баҳоли қудрат муруввати бир умр Мунавварнинг эсида қолди.

Тошкентга етиб келгач, Мунавварни Ўрта Осиё темир йўллар бошқармасининг кадрлар бўлимига ишга олишди. Бу ерда айнан саводли, уч тилни, яъни русча, ўзбекча ва тожикчани биладиган одам керак эди. Бошқарма ўзига қарашли бинодан Мунавварга уй берди ва Мунаввар дарҳол Самарқанддан онасини олиб келди. Қўзи хола ёнида бўлгани маъқул эди: кун бўйи ишда бўладиган Мунаввар уйига қарай олмас, Розани ёлғиз қолдириб бўлмасди. Қўзи хола дарров уй юмушларига киришиб кетди. Барча оналар каби у ёрдамга муҳтож қизи ва невараси ёнида бўлишни маъқул кўрди. Шундай қилиб Мунаввар кичик оила бошлиғи ва боқувчисига айланди.

Мамлакатда таъминот масаласи қийинлашгач, озиқ-овқатни паттага бериш тартиби ўрнатилди, русчасига «заборная карточка», маҳаллий аҳоли «заборний» деб атар, бериладиган озуқа чекланган бўлиб, аранг етар, очлик изғий бошлаган эди. Бироқ вазият оғирлигига қарамай, мактаб болаларига дарснинг охирида перашка (пончик), бўтқа, бир чақмоқ қанд ёки бир қошиқ шакар улашишар, шунинг илинжида болалар дарсларнинг охиригача кутишар эди.

Қўзи хола қўшниларидан қандлавлари қайнатиб ширин таомлар тайёрлашни, қуритилган сабзидан чой дамлашни, картошқадан чучвара пиширишни, ўтдан сомса ёпиш каби очарчилик «ихтиролари»ни ўрганди. Бу аҳвол фақат шу оилада бўлмай, бутун мамлакатнинг миллионлаб аҳолисига таалуқли, бундан ҳам оғир аҳволга тушган оилалар сон-саноксиз эканини Қўзи хола билар эди.

Файратга тўла Мунаввар тез орада темирйўлчилар орасига киришиб кетди, ҳатто ташаббус кўрсата бошлади. Танг аҳволни енгиш, унча-мунча моддий ёрдам олиш учун Мунаввар темир йўл ишчиларини аксарият ташкилотлар қатори, кўмак хўжалик ишларига сафарбар қилишда қатнашди. Ажратилган ерда етиштирилган маҳсулот ходимлар орасида тақсим қилиниб, «жон улоғига» айланди. Бундан ташқари, икки вагондан иборат поездга ўтириб Мунаввар қизчаси билан балиқ овига жўнашар, бир вагонда ишчилар бўлиб, иккинчи вагонга «ўлжа» ортилар эди. Бу ҳам жон улоғи эди.

Бундай тадбирларнинг ташаббускори сифатида Мунаввар эркаклар билан тенг гаплашар, ҳазиллашар, ишни ўз маромида олиб борар, биронта безори «хунар» кўрсатса, Мунаввар дарҳол танобини тортиб қўяр, ҳеч ким унга бас кела олмас эди.

Мунаввар доим танг аҳволга тушиб қолган ёки муҳтож одамлар вამини ейишга, кўмак беришга уринар, «нони бўлмаса, забони билан кўнглини кўтарар эди. Яқиндагина Тошкентга келаётиб ўз бошидан кўп иссиқ-совуқни ўтказган Мунаввар ҳамиша ўзгалар дардини тушунишга интилар эди.

Яшаш жойи, иши йўқ одамларни Мунаввар тўппа-тўғри уйига олиб келар, қўлидан келган кўмагини кўрсатар эди. Вера исмли жувон қизчаси Машенька билан узоқроқ туриб қолди, Розага дугона топилди. Машенькага Розанинг «Маллавойи» ёқиб қолди, мушукча сипо бўлса-да, уй эгаси келгач, унинг олдида орқа оёқчаларида туриб ўйнашар, Роза хафа кўринса ёки йиғласа, мушук унинг елкасига чиқиб кўз ёшларини яларди, мушукларни ёқтирмайдиган Мунаввар, жониворнинг «меҳрини» кўриб, кўнгли ёзилди ва «оила аъзоси» сифатида яшашга рухсат берди.

Ишга жойлашгач, Вера бу уйдагилар билан «ажрашиши» лозим эди, бироқ Машенька Розадан ҳам, мушукчадан ҳам айрилишни истамас, пропискадан ўтмаган кишилар бу уйда яшashi мумкин эмаслигини тушунмас эди.

Муҳтож одамларнинг кўнглига қараш, уларнинг жонига оро кириш, қийин, иложсиз вазиятларда ҳам чора топиш қобилияти Мунавварнинг яхши фазилатлари бўлиб, жувон буни табиий одамгарчилик деб билар эди. Унинг зийраклиги, иқтидори, ташаббускорлиги сезилмай қолмади. Мунавварнинг файрати ва ишбилармонлиги, уқуви салмоқли вазифаларга сафарбар қиладиган даражага етди чоғи, уни етакчи лавозимларга тавсия қилишди. Аввалига Мунавварни Енгил Саноат Вазирлигининг кадрлар бўлимини бошқаришга, кейин Совнархозга, сўнгроқ «Новинка» трикотаж фирмаси директорлигига тайинлашди. Уйда онаси бўлгани учун Розадан, рўзғордан тинч Мунаввар буткул ишга берилган, ўзини аямас эди.

Бироқ онаси ўқтин-ўқтин Самарқанддаги катта оиласини, бола-чақаларини қўмсай бошлади. Мунавварнинг ўзи ҳам сеvimли шахрини соғинар, ака-укаларини кўргиси келарди, шу баҳонада у онасини Самарқандга элтиб, бир неча кун турди. Қўзи хола Тошкентга қайтишни истамади, оёғи тортмади, Мунаввар қаровсиз қолиши мумкин бўлган Розани ҳам, онасини ҳам Самарқандда қолдириб, ўзи Тошкентга қайтишга мажбур бўлди — иши бошидан ошиб ётар эди.

Бир ойдан кейин Самарқанддан хунук хабар келди — онаси Қўзи хола дунёдан ўтипти. Демак, Қўзи холанинг Самарқандга шошилиши бежиз эмас экан, кунлари омонатлигини сезиб, барча жондош уруғ-аймоқларини сўнгги марта кўриб, видолашишга ошиққан экан. Онасининг вафоти Мунавварни гангитиб қўйди. Қўзи хола Мунаввар

учун фақат онагина бўлиб қолмай, дўстга ҳам айланган, Мунавварнинг яхши кунларида ҳам, оғир ва мудҳиш кунларида ҳам ёнида бўлган муштитар, мулойим аёл эди. Кўп аёллар каби Қўзи хола тақдирга тан берган, ҳеч нарсага шак келтирмас, Худо қаҳридан қўрқар, ими-жимиди, қизининг соясида яшар, ёзғирмас, Мунавварнинг аврасидек эди. Марҳума ҳеч ким ҳақида ёмон гапирмас, ийманиб яшар, қизи учун мадад эди. Шу пайтга келиб Роза хийла чўзилиб, рўзгорга қарайдиган бўлиб қолган эди, уй юмушлари унинг зиммасига тушди. Онаси аввалгидек ишга муккасидан кетган, уйда нима бўлаётгани билан қизиқишга ҳам вақт йўқ эди.

Ашхобод зилзиласида бошпанасиз қолган болаларни интернат ва тарбияга олишга тайёр оилаларга тақсим қилиш пайтида Мунаввар ҳам қизимга дугона бўлар, деб Лида исми 13-14 ёшли қизчани қарамоғига олди. Ёзги тағтил туташи билан Лида расмий хужжатлари биттач, Роза билан мактабга қатнаши керак эди. Ўқишнинг биринчи кунидек мактабдан қайтган Роза уйларининг бўм-бўш бўлиб қолганини кўрди. Оғир жиҳоздан ташқари ҳамма нарса уйдан олиб кетилган эди. Қўшниларга Лида, «Мунаввар опа Роза билан бошқа уйга кўчишмоқда», деб шериклари кўмағида бир машина мол билан ғойиб бўлиб қолипти. Шериклари тажрибали ўғрилар бўлса керак, чунки милиция уларни топа олмапти, қўшнилари машина номерига қарашмапти ҳам.

Офат кетидан офат келади, деганларидек, ҳеч қанча вақт ўтмай Мунавварнинг неча йиллик ўртоғи Мукаррам келиб, Мунаввар омонатга қўйган нарсалари — қайнонаси совға сифатида берган тилла тақинчоқлари, Матёқубнинг соати ва бошқа буюмларини ўғрилар олиб чиқиб кетишганини айтиди. Тез-тез сафарда бўладиган Мунаввар эътиборга молик ноёб мулкни дутонасига омонат топириб қўйган эди. Мукаррамнинг уйда доим одамлар ивирсиб юришар, унинг устига эри ҳам урушдан қайтган эди. Тунда кулф солинган хонанинг деразасини ўғрилар кўчириб, бору йўқ қиммат мулкни олиб кетишипти. Милиция ходимлари буларнинг ҳам изини топа олишмади.

Бу ҳодисалар Мунаввар учун нохуш бўлса-да, жувон қаттиқ куёнмади — молпараст, суллоҳ эмас эди. Мунаввар чиройли ва дид билан кийинишни ёқтирар, лекин бу ҳаваси биринчи ўрида турмас эди. Албатта, Матёқуб номи билан боғлиқ нарсалар йўқолгани кўнгилсиз, лекин эри, ўғилчиси ва онасидан жудолити олдида ҳеч нарса эмас эди. «Муҳими — қизим омон, ўзим соғлом, қолгани қўл кири, деб ўйлади Мунаввар ва унча изтиробга берилмади.

Матёқубнинг қамоққа олишганига ўн икки йилдан ошди, яқин танишлари ва дугоналари Мунавварга янги турмуш қуришни шама қила бошлашди. Кўчада эркаклар Мунавварга аланлашганини тез-тез сезар, ўз атрофида Мунаввар билан яқинроқ танишиш кўйида юрганлар ҳам кам эмас, аммо жувон биттасини ҳам яқинлаштирмас эди. Оилали, оиласиз эркакларнинг муттасил шилқимлиғидан чарчаган Мунаввар ҳам оила қуриш ҳақида ўйлай бошлади. Айни шу кезларда Мирза исми таниш тез-тез Мунавварнинг рўпарасидан чиқадиган бўлиб қолди. У фронтга кўнгиллилар қаторида кетиб, омон қайтган, фақат танасида ўқ зарраси, ҳамон сақланар эди. Урушдан қайтгач, Мирза хотини ҳақида бўлар-бўлмас гапларни эшитиб, икки боласи билан хотинини ташлаб уйдан чиқиб кетган, «боши очик» эди. Қайсидир мажлисда Мирза Мунавварнинг нутқини эшитиб, шайдо бўлди, Мунавварнинг изидан қолмади, унинг эри йўқлигини билгач, масалани кўндаланг кўйди — Мунаввар рози бўлишга мажбур бўлди. Ҳаёт азобларидан толиққан Мунаввар кимгадир таяниши, умр йўлдоши ишончли бўлиши шарт эди. Мирза муносиб кўринди. Албатта, Матёқуб билан бўлган тотувли кунлар жозибаси энди ҳеч қачон қайтмаслигини ҳам Мунаввар билар, бироқ оиласиз яшаш йўсини, айниқса Шарқ аёли учун қанчалар мураккаб эканини ҳам тан олар, ғийбатдан чўчир эди.

Мунаввар кейинги эри Мирза билан қирқ йилдан зиёд яшади. Уларнинг қизи Лола Розадан ўн олти ёш кичик эди. Таъналар бўлмаслиги учун Мунаввар бошидан ўтган барча воқеаларни яширмай-нетмай Мирзага айтиб берган, ҳатто унинг олдида Матёқуб ҳақида гап очилса-да, Мирза тоқат билан тинглар, ғаш кўрмас эди. Уларнинг орасида ўрнатилган илиқ муносабат, ихлос ҳеч қачон бузилмади. Бироқ Роза янги отани тан олгиси келмас, Мирзанинг барча уринишлари жавобсиз қолар, Роза ётсирашини қўймас эди. Ҳатто Мирза янги уй қуриб, Мунаввар билан Лолани у ёққа кўчириб ўтказганида ҳам Роза ёшларга хос қайсарлик билан яшаётган жойидан жилмади. Мунаввар Самарқанддан келган акасига қизи устидан ўпкалади: «Роза биз яшаётган уйга кўчгиси келмаяпти», деганида, акаси: «Парво қилма, — деди. — Ҳаммаси ўз жойига тушади. Қизинг катта бўлиб қолди, яқинда мактабни битиради. Ўз бахтини топиб кетар». Ростдан ҳам Роза мактабни тугатиб МГУнинг филология факультетига кирди, ўқишни давом эттириш учун Москвага жўнади. Энди беш йил давомида негадир дили ёқтирмайдиган ўғай отадан нарида яшайди, Москвада ҳеч ким унга зимдан қараб, «Халқ душманининг боласи», демайди.

Онаси Розага муттасил пул, озиқ-овқат юбориб турар эди. «Москва — Тошкент»

поездининг вагон-ресторанида Софа исмли жувоннинг ишлаши унга жуда қўл келди. Бир неча йил бурун Софа мушкул аҳволга тушиб қолганида (пули ва ҳужжатларини олдириб қўйганида) Мунаввар уйдан Софага бошпана берган, ҳужжатлари тиклангач, ишга ҳам жойлаган эди. Шу Софа мана энди қора кунига асқотди, мушкулини осон қилди.

Ҳар чоғ, унча-мунча мадад берган одамлари яхши ўрнашиб, тузук яшаётганликларини кўрган Мунаввар беҳад қувонар эди. Шунақалардан бири Софа эди. Кейинчалик Софа грек йигитига турмушга чиқди, Грецияга — эрининг ватанига кўчиб кетди.

Турсуной деган қизнинг ота-онаси қатагон қилиниб, қиз бувисининг қўлида қолган эди. Мунаввар унга ёрдам қўлини чўзди: студент пайтида моддий кўмак бериб турди, эрга тегишида ҳам бевосита қатнашди. Турсуной Мунавварнинг етагида институтни тугатди, мустақил ҳаёт кечира бошлади, ҳатто бир институтда доцент даражасига кўтарилиди.

Мунаввар кишиларга беминнат мурувват кўрсатар, «берган ютади, бермаган ютқизади» майлида фикр юритар, амалига қарамай дўст орттирар эди. У доим дил садосига кулоқ солиб иш тутар, дили пок, кенг ва шафқатли эди.

Мунаввар эрининг фарзандларига ҳам мурувват қилди, итармади. Қаҳрамон билан Назира техникумда ўқиб юрган даврларида онаси дунёдан ўтди, лекин улар отаси билан юз кўрмас бўлиб кетишган, оғир яшашар эди. Унинг устига Вазира — Назиранинг дугонаси, Қаҳрамондан ҳомила орттириб, чақалоқни туғруқхонада қолдирмоқчи бўлди — қашшоқ оилада болани тарбиялаш мушкул эди. Бундан хабардор бўлган Мунаввар, ҳеч ким билан маслаҳат қилмай, туғруқхонага ошиқди, барча иримларини бажариб, чақалоқни ҳам, Вазира билан Қаҳрамонни ҳам уйига олиб келди, бир ҳафта ўтар-ўтмас, ёшларни никоҳдан ўтказиб, тўй қилиб берди. Тўйда ҳамма қариндош-уруғ қатнашди, гўдак қонуний фарзанд ҳуқуқига эга бўлди. Тез орада Назирани ҳам турмушга беришди. Икки йиллар чамаси ўтгач, онаси вафот этган уйни таъмирлаб, Қаҳрамон билан Вазира ўз уйларига кўчиб ўтишди, мустақил яшай бошлашди.

Кўпинча Роза таътилга чиққач, Тошкентга курсдоши Закия билан келар эди. Закия тожикистонлик бўлиб, қариндошлари узатмоқчи бўлганликларида, ўқиш баҳонасида Москвага жўнаб қолган эди. Закиянинг ота-онаси ўлган бўлиб, қиз Москвада стипендияга яшар, таътил пайтида Тожикистонга боришга оёғи тортмас, Роза курсдоши Лола билан Закияни Тошкентга даъват қилишар эди.

Мунаввар қизда бир талай ўзгаришлар рўй берганини пайқади. Стедентлик муҳити ўз таъсирини кўрсатган, Роза бир мунча дадил, дилкаш ва очиқ бўлган эди. Энди у қатагон қилинган «халқ душмани»нинг қизи эканидан тортинмас: ҳамма қатори хушчақчақ ва тенг эди. Университет машғулотлари Розага катта мамнуният бағишлар, фанларни яхши ўзлаштирар, ҳатто унинг диллом ишини нашр қилишга тавсия этишган эди.

Мунаввар қизининг муваффақиятидан шодланар, бироқ Роза онаси танлаган куёвларга қиё боқмас, Мунаввар истиҳола тортар, қисташга ботина олмас эди.

Кейин маълум бўлишича, Розанинг эътиборини тортган йигитча бор экан. Йигитчанинг исми Турғун бўлиб, бир пайтлар Роза билан бир мактабда ўқиган, ҳозир эса Тошкент театр ва рассомчилик институтининг актёрлик факультетида сабоқ олар экан. Мунаввар артистларнинг маиший турмуши ҳақида ҳар турли уйдирмалар эшитгани учун, қизининг танловига гумон билан қаради. Устига-устак — Розанинг Москвадаги Франгиза исмли ўзбек дугонаси польшалик йигитга тегиб кетгани Мунавварни таҳликага солди. Шундай яқундан чўчиган Мунаввар қизи танлаган йигитга, Турғун Азизовга, бўлажак актёрга Розани беришга кўнди. Тўй тарядуди бошланиб кетди. Келин томондаги тайъргарликларга ўзбекка турмушга чиққан, ҳамонки ўзбек урф-одатларини ўзбеклардан кам билмайдиган Мунавварнинг қадим дугонаси арман аёли Ася опа бош-қош бўлди. Мунаввар Ася опа айтганларини оғишмай бажо келтирар, бинобарин тўй



ҳашаматлари билан боғлиқ расмий тартиб-қоидаларни Мунаввар унча билмас, эътибор ҳам бермас, муҳими—қизи фақат тўй кунларидагина мамнун кўринмай, бир умр бахтли бўлиб ўтишини истар эди.

Тўй кезлари қатагон қилинган маҳбусларни оқлаш пайтига тўғри келди. Йигирма йиллик қамоқ муҳлатидан кейин собиқ маҳбуслар қайтиб келаётганлари ҳақида хабар Мунавварнинг қулоғига чалина бошлади. Масалан, Матёқубнинг дўсти ҳисобланган Мажидий сургундан қайтган эмиш. Мунаввар уни ўз кўзи билан кўрди: Мажидий энди мутлақо бошқа, кўзларидан нур қочган, лоқайд одам эди. Яна ўз ҳолига қайтиши учун қанча вақт талаб қилинаркин? Ёки энди аввалгидек бўлиши қийинмикин?

Яна гаплар тарқалдики, асирликда ўлди деб ҳисобланган бандилар ҳам қайтиб келишаётган эмиш. Беихтиёр Мунавварнинг ҳам дилида умид уйғонди — иттифоқо Матёқуб ҳам тирик қолган бўлса, ўлими ҳақидаги гаплар бўҳтондир, балки бадарга бўлган Сибирнинг бирон лагерида юргандир. Қизи Москвадаги КГБ идораларидан отасининг реабилитацияси, яъни оқланиши ҳақида ҳужжат олиб келди-ку. Ҳужжатда шундоққина ёзилган: «СССР Олий Суди Матёқуб Девонювага нисбатан чиқарган фармони бекор қилинади, фаолиятида хоинлик бўлмагани учун айбсиз, деб билади ва Матёқуб Девонювни фуқаро сифатида мутлақо оқлайди».

Мунаввар, ҳатто хаёлида келажак учрашувини тасаввур қила бошлади, Матёқубни кутмай, эрга тегиб кетгани учун ўзини койиди ҳам. Албатта, замон оғир эди, Матёқуб таъна қилмайди, таъна қиладими — кечирадими, аҳамияти йўқ, муҳими соғ-омон экан. Мажруҳми, оқсоқми, кўзи ожизми — майли, келса бас. Мунаввар ёзган аризасига жавоб кута бошлади, бироқ жавоб ҳадеганда келавермади. Бу ерда эса тўй билан боғлиқ машаққатлар кўп, тўй қувончли ҳодиса бўлса-да, қанча райрат ва ҳаракатни талаб қилади. Устига-устак ҳар кунни Мунаввар олдидан янги, аслида эса қоқоқ, даъволар чиқар, даъволар эмас — бажарилиши шарт бўлган урф-одат машамшалари эди. Вазира, Назира, Турсуноиларнинг тўйи ими-жимиди ўтгани туфайли, Мунаввар бунақа данғиллама тўй русуматидан узок эди, ҳадиксираб қолди. Кечалари уйқуси қочарди, тонгтача мижжа қоқмай чиқадиган бўлди. Тўйга бир ҳафта қолганда, тишлари тўкилиб кетди. Зудлик билан оғзини эпқага солиш лозим эди.

Тўй кунни фавқулодда Мунаввар ёзган аризасига жавоб келиб қолди. Атрофдагилар кайфиятини бузмаслик учун Мунаввар шум хабарни айтмади. Лекин хатда ёзилган хабар Мунавварни ларзага солди: 1942 йилда Матёқуб Тошкент турмасининг касалхонасида юрак касалидан вафот этган экан. Демак, олдинги хабар ёлғон бўлиб, шўрлик йигит яна беш йил яшаган, беш йил шундоққина хотини билан қизи ёнида бўлган экан. Мунаввар эса Матёқубни ўлдига чиқариб, тақдирга тан берган, уни ишташи ҳам тўхтатган эди. Турма соқчиси ўшанда Матёқуб отиб ўлдирилди, дегани қандай мўдҳиш алдов бўлиб чиқди. Балки соқчи ёш жувонга ачиниби, бекорга овора бўлишини истамай шу «важ»ни айтгандир. Ахир, Мунавварнинг барча ҳаракатлари ҳеч қандай натижа бермаслиги аён эди-да!

Матёқуб Девонюв қамоққа олинганидан йигирма йил кейин оқланди. Мунаввар эрининг ўлими ҳақидаги хабарни ўз аризасига биноан расмий тарзда олди, йигирма йиллик муддатдан сўнг аза очиш беҳуда кўринди. Ижобий анъаналар руҳида тарбия тошган куёви Турғун Азизов Мунаввар ва Розанинг кўнглига қараб, бундай вазиятда адо этиладиган барча маросимларни бажарди, қайнотасига бағишлаб юртга ош берди, Хоразмга қилинган гастрол сафарига маҳаллий идоралар билан келишиб, Хива кўчаларининг бирига Матёқуб Девонюв номини бердирди.

Қизини беришга дили чопмаган Мунаввар куёви Турғунга муносабатини ўзгартиришга мажбур бўлди, унга меҳри ортди. Тўйдан олдин куёвининг бўлажак касби Мунавварга ёқмас, ундан ташқари Турғун оиланинг тўнғичи бўлиб, уч укаси ва тўртта синглиси бор эди. Озчиликка ўрганган Мунавварни бу ҳол ғулғулага солар, катта оилада қизининг тақдирини нима кечаркин, деб ўйлар эди. Лекин оила Розани ўз қизидек кутиб олди. Кўп нарса қайнонага боғлиқ эди, Турғуннинг онаси келинига муносиб ҳурмат билан қаради. Розанинг сахийлиги, дунёга кўп меҳр қўймаганлиги, қолаверса назари тўқлиги каби фазилатлари қайнонага маъқул тушганди.

Мунаввар қудаси Комилахон билан тезда иноқлашиб кетди. Комилахон дилкаш, меҳмондўст аёл бўлиб, ҳеч кимнинг орқасидан гийбат қилмас, ўртоқчиликнинг қадрига етар, Мунавварни очиқ чеҳра билан кутиб олар, бир-икки ҳафта кўрмаса, ўзи истаб борар, тўйиб-тўйиб гаплашиб келар эди. Оила катта бўлишига қарамай Комилахоннинг уй-рўзғори ҳаминша саранжом ва озода сақланар, шунча юмушнинг уйдасидан чиққани Мунавварни ажаблантирар эди. «Келинингиз яхши одамнинг фарзанди, — дерди Мунаввар қудасига, — агар ҳаёт бўлганида, шунча офат бошга тушмаганида, мен ҳам сизга ўхшаб кўп болалик бўлармидим». Иккала қуда-анда бир-бирларига ўхшашмаса-да, қандайдир жиҳатлари билан ўзаро аҳил эдилар. Мунавварнинг абжирлиги, райрати



Комилахонга ёқар, ҳақиқатда, Мунаввар ўз олдига қўйган мақсадни оришмай матонат билан бажарар эди.

Роза Москва университетиде ўқиб юрган кезларида Мунаввар учта путёвка топиб, қизчаси Лола ва Комилахон билан Сочига, денгиз бўйида дам олишга жўнашди. Сочиде ҳордиқ чиқариб улар Москва орқали қайтишди, Розани ҳам Тошкентга олиб келишди. Маҳалласидан нари, чиқмаган Комилахонга бу сафарот бир дунё таассурот

бағишлади. Аввалига нотаниш жойларга боришдан тортинган Комилахон сафардан қайтгач, боришга рози бўлганини мамнуният билан эслади.

Роза икки фарзанд кўрди: Нигора ва Аброр. Мунаввар невараларини ерга ҳам, кўкка ҳам ишонмас, меҳрини аямас, ардоқлар эди. Ниҳоят Мунаввар орзусига етгандек бўлди, қизи, куёви ва неваралари қуршовида яйради. Айниқса Роза Мирза акани «дада» деганида, Мунавварнинг дили ҳузур топди. Мирза аканинг Мунавварга бўлган раҳматлиги, меҳрини пайқамаслик мумкин эмас эди.

Мунавварнинг кенжа қизи Лола опаси изидан бориб, у ҳам филолог бўлди, Турғун таништирган, ўша пайтнинг таниқли машшоғи, скрипкачи Марлис Юнусоновага турмушга чиқди. Бироқ бу никоҳ ҳам ҳадиксиз ўтмади. Марлис олдин уйланган бўлиб, биринчи турмушидан қизи бор эди. Лола бу жиҳатдан чўчимади, Марлидан бошқасига кўнмади — тўй бўлди. Лола Марлиснинг қизига ўтайлик қилмади: у Москва консерваториясини тутатиб, қандайдир мураккаб мусиқий программа тайёрлаётганида, унга шароитларни яратиб бериш учун, Лола ишидан бўшаб, уч йил мобайнида Марлиснинг гўдак неварасига қаради.

Мунаввар қизларининг турмушидан мамнун эди. Бироқ Лола ҳамон фарзандсизлиги онани ғашлантирар эди. Розанинг қизи Нигора мактабга қатнай бошлади, бир ярим ёш кичиклигига қарамай, Аброр ҳам опасига эргашиб бир синфга борадиган бўлди. Мактабдагилар Роза билан Турғунни тинчитишди, Мунақа воқеалар бўлиб туради дейишди, бир-икки ой ўтар-ўтмас, мактаб жонига тегеди, яна болалар боғчасини эслайди.

Бироқ Аброр қийналса-да, мактабга боришни қанда қилмади — ўжарлиги енгиб чиқди, опаси билан бир қунда ўрта мактабни битирди. Мунаввар опа неварасидан «Мактабда энг ёқадиган нарса нима?» деб сўраганида, Аброр: «Танаффус», дер эди. Албатта, опаси Нигоранинг кўмаги бўлмаганида Аброр дарсларни керакли даражада ўзлаштира олмас эди — Нигора синф топшириқларини укасига ёзиб берар, қўлидан келганича укасини «тортар» эди.

Дилкаш Мунаввар опа қари кўринишни истамас, шунинг учун невараларига: «Мени қатта ойи, бобонгни қатта дада, деб аташлар», деди. Бироқ, бошидан шунча ташвиш ва маломатларни ўтказган Мунаввар опа қаришни тан олмас, соғлом бўлиш учун ўзини аямас, совуқ сувга тушар, гимнастика билан шуғулланар, крем билан этини ишқар эди.

Нигоранинг турмушга чиқиш пайти келганида, Мунаввар опа ҳамон тетик эди, тўй тадбирларида қатнашди. Розанинг тўйида арман аёли Ася опа ҳамма нарсани бошқарган бўлса, Нигоранинг тўйида Мирза аканинг синглиси Мукаррам опа мутасаддилик қилди. Қўшниси Азиза опа билан Мукаррам опа барча урф-одатларни яхши билишар, ҳамма дастёрларга билиб топшириқлар беришар эди. Тўйга Нигоранинг дугонаси Лия ва Лалининг онаси Гуржистондан келди, бу ерда одат бўлиб қолган «олинг — беринг»ни кўриб, таажжубланди: «Нега тоғораларда қудаларниқига шоколадди конфетлар юф оряпсизлар? У қудалар ҳам жавобан сизларга шоколадди конфетлар жўнатишади. Бунда қанақа маъно бор?» деб ажабланган эди. «Бу — одат, — деган Мунаввар опа, — шу тамойил қоидага айланган. Бажармаслик мумкин эмас. Кўпларга бу урф эриш туюлади, лекин ўзгартиришга ҳеч ким ботина олмайди».

Тўйдан кейин Мунаввар опанинг соғлиғи кескин ўзгара бошлади, гангренини



гўхтатиш учун докторлар бир оёқни кесиш керак, деган қарорга келишди. Мунаввар опанинг қизи Роза билан куёви Турғун айна шу пайтда Германия сафарида эдилар, улар сафардан қайтишлари билан Мунаввар опа операцияга розилик берди: бошқа чора йўқ, танаси заҳарлана бошлаган эди. Атрофидаги қариндош-уруғлари ташвишланишар, фарзандлари йиғлар, кўз ёшларини яширишар, Мунаввар опа эса ғулғуласини сездирмас, ваҳимага берилмас, ўзини тутар, фақат эс-хушини йиғиб, нималарнидир ўйлар эди. Диабет, яъни қанд касали, оғир дард бўлиб, операция кўнгилдагидек туташига кўзи етмас эди. Мунаввар опа жарроҳлик столига ётишдан олдин эри ва қизлари билан гаплашиб, васиятларини айтди, қариб бораётган Мирза акани эҳтиёт қилишларини уқтирди.

Мунаввар опа хавотирлиги бежиз чиқмади, операция яхши ўтган бўлса-да, ундан кейин танага юбориладиган дорилар омихтасини ҳамшира глюкоза асосида тайёрлапти, яхшиямки унинг олдида турган беморнинг катта қизи бу хатони сезиб қолади, дарҳол дориларни физраствор суюқлиги билан алмаштиради. Агар Роза шуни пайқамганида, Мунаввар опа ҳушига келмаслиги, жони узилиши муқаррар эди.

Операциядан кейин Мунаввар опа тез орада ўзига кела бошлади. Яшашга бўлган нияти ва иродаси шу қадар кучли эдики, Мунаввар опа кенжа қизи турли ўт-гиёҳдан тайёрлаган суюқликларни косалаб ичар, бир талай дориларни қандасиз қабул қилар эди. Матонат ва бардоши қаттиқ Мунаввар опа, ким бўлмасин, биров ўқинишини ёқтирмас эди. Мирза аканинг синглиси Мукаррам касалхона палатасига ҳўнграб кирганида, Мунаввар опа уни тинчитишларини сўради. Нигоранинг қайноғаси Адҳам ака Мунаввар опанинг тинч-осоишта ётганини кўриб, лол бўлиб қолди. Кўргани келган одамларга Мунаввар опа касали ҳақида гапиришни истамас, улар ҳақида кўпроқ ўзи сўрар, ҳатто ҳазил-мутойиба қилар, уларнинг кўнгли ёзилиб палатадан чиқиб кетишар эди.

Институтни битираётган невараси Аброрга:

— Сенинг тўйингни кўриш учун ўлмадим, — деди Мунаввар опа. — Тўйни чўзма, шошил, мен кўриб қолишим керак.

Роза билан Турғун бўлажак қудалари тўйни салқин тушганда ўтказишмоқчи эди, вазиятни кўриб, улар тўйни июл ойида ўтказишга рози бўлишди.

Тўйда Мунаввар опага айвондан жой қилиб беришди — бутун тўй Мунаввар опанинг кўз ўнгида ўтди. Неварасининг уйланиш тўйини кўриш ато қилганидан Мунаввар опа беҳад хурсанд бўлди, ҳатто гаштини яшира олмай,\* ўтирган жойида ўйнай бошлади, бахтдан қиёфаси ҳам яшаргандек кўринди, хиромон эгилган билак ва нозик бармоқларининг салмоқли елиниши ҳамманинг ёдида қолди. Бу кун Мунаввар опанинг энг бахтли кунларидан бири эди.

Шу рўшнолик мадад берди шекилли, Мунаввар опа неварасининг тўйдан кейин яна беш йил яшади. Ҳар кунни Мунаввар опа ҳақдадек билар, ҳеч қачон ҳеч нарсадан ёзғирмас, дилкаш бўлгани учун қиз-куёвлари уйда йиғилишса, айниқса неварачевараларининг ғала-ғовурида шодланар, меҳр тўлқинлари паймонасига сиғмас, ҳаммаларининг кўнглини топиб, илоқ сўз айтишга уринар ва Нигоранинг фарзандлари кенжа Роза ва Нодирбек, Аброрнинг фарзандлари Чарос ва Шерозларнинг шўх-шодонлигидан мароқланар эди. Аброрнинг хотини Гули эса Мунаввар опанинг дилидан алоҳида ўрин топди.

Мунаввар опанинг хонадонида қиз жияни Гулсара иккита дуғонаси билан яшаб институтда ўқишар, бўш пайтларида уй юмушларига қарашшар эди. Гулсара институтни тўртинчи курсини битиргач, уни турмушга чиқаришди, Гулсара институни тугатиб, фан кандидати диссертациясини ёқлади ва фармакология институтида доцент бўлиб ишлай бошлади.

Мунаввар опани даволаш учун стационарга ётқизишганда, эри Мирза ака ҳам палатага жойлашиб, Мунаввар опага ўзи қаради. Мирза аканинг садоқати, шунча малакали шифокор ва ҳамширалар бўлишига қарамай, хотини ёнидан жилмаслиги, меҳри-оқибати касалхона ходимларини таъсирлантирди.

Мунаввар опа билан қарийб қирқ йил яшаган Мирза ака ўздан бурун хотини дунёдан ўтишини истамас, бирон дақиқа ҳам ундан ажралмас, Мунавварнинг умрини чўзишга интилар эди.

Роза ўз отаси, Мунаввар опанинг кўз очиб кўрган эри Матёқуб ҳақида чиққан мақолани олиб келганида, кўздаги ёш ва ҳаяжондан ҳеч ким мақолани ўқий олмади, Мирза ака Мунаввар опа ва Роза олдидаги креслога ўтирди, кўзойнак тақиб, Матёқуб Девонов ҳақидаги мақолани шошмай ўқиб берди. Мунаввар опанинг нигоҳи олдида Матёқуб Девоновнинг қисқа ва ёрқин ҳаёти ўтди. Матёқуб гуркираган пайтида уни жонидан жудо қилишди. Мана энди унинг беназир номи оқланди: унинг номи билан кўча аталди, мамлакат тарихига бағишланган илмий диссертацияларда унинг фаолияти таҳлил қилинмоқда: китоблар саҳифаларида сиймоси ибрат сифатида қахрамон деб, тан олинмоқда, расмлари музейларда намоиш қилинмоқда... Ўзи эса фитна оқибатида

ажалга гирифтор бўлди, фарзанд ва неваралари вояга етишини кўра олмай кетди. Мазкур мақола эълон қилинганидан сўнг Мунаввар опа ҳам қазо қилди — инфарктдан, яъни юрак танглигидан, дейишди. Ҳеч нарса айтишга Мунаввар опа улгуролмади, юраги тўсатдан тўхтаб қолди. Бир умр ёдида сақлаган сеvimли эрининг, Матёқубнинг расми ёстиғи остидан чиқди.

Мунаввар опа азиз эри 1938 йил 4 октябрда отиб ўлдирилганини билмай ҳаётдан видолашди. Ҳар қалай, қамоқ дарвозасини қўриқлаган соқчи тўғри айтган кўринади. Демак қизининг тўйи куни келган хабар ғирт ёлғон экан, Матёқуб юрак хасталиги нагижасида жон берди, деган гап уйдирма ва бўҳтон экан. Бу каби алдамчи хабарларни қанчадан-қанча ташна оилалар, фарзандлар олмаган. Вафотини ҳам яширишипти, қотилликларини бошқа важ, малъун ниқоб билан ёпишипти. Мунаввар опа Матёқубнинг яна бир қарра олижаноблигини намоён қилганини билмай у дунёга кетипти: Матёқуб хотини ва қизини авайлаб, тергов-сўроқларда Мунавварнинг Султонова фамилиясини ўзгартириб Сатторова депти. Балки Мунаввар қизи Роза билан кўпларнинг бошига тушган офат ва маломатларга гирифтор бўлмай қолганликлари шунинг учундир? Матёқуб ҳаётини қурбон қилиш эвазига қадрдонларини сақлаб қолгандир?..

НКВДнинг махфий ҳужжатлари (П-22958) қатагон маҳбуслари хотирасини тиклаш Комитетига маълум бўлишича, 1938 йил 4 октябрда ўтказилган судда Матёқуб Девонов кўйилган айбларни рад этган ва олдинги тергов (қийнов остида) пайтида айтишга мажбур бўлган «далиллар»дан воз кечган экан. 1937 йил 28 сентябр куни Матёқуб Девонов ҳибсга олиниб, бир йилдан озгина ўтгач, яъни 1938 йил 4 октябрда унинг устидан суд ўтказилган ва ўша куниёқ жазони ижрога келтирилган — отиб ташлашган экан. Узоқ муддат эмас. Аммо шу оз вақт Матёқуб учун қандай укубатга айланган. Барча «айбни исботловчи далиллар» туҳматдан бошқа нарса бўлмай, унинг сохталиги кўра ҳам аён эди. Бу разилликни тасдиқлаш учун 1938 йил 4 октябрида отиб ўлдирилган Матёқуб устидан НКВДнинг 1938 йил 5 октябрида отиб ўлдириди, деб тузилган протоколини келтириш етарли. Бу НКВДнинг тергов пайтида қўллаган усуллари қай йўсинда ўтгани бу ҳужжатда йўқ албатта, бироқ қанақа «усуллар» қўлланганини тахмин қилиш қийин эмас. Олдин отиб ўлдирилган, кейин айбловчи важлар топиб, протокол тузишган. Яъни «отиб ўлдириш ҳукмини» ўзларига қулай тарзда «ижод» қилишган.

Қатагон даврида Матёқубга ўхшаган минглаб кишилар қурбон қилинган. Ундайларнинг аксарияти нега қамоққа олинганликларини умуман англашмаган, адашиш, ҳато, деб ўйлашган, охирги нафасгача адолатга ишонишган. Афсуски, адолат жуда ҳам кеч қарор топди — ёвузлик ўз ниятини бажаргач. Одам бир марта яшайди, қатагон офатини тан олиш адолатлидир, бироқ чил-парчин бўлган, мажақланган қисматлар товонини ким тўлайди? Мажруҳ оилалар додини нима билан ёпиб бўлади?

Матёқуб тик турган ҳолда ҳаётдан жудо бўлганида энди ўттиз бир ёшга тўлган, умидлари улкан эди.

Мунаввар опа вафотидан кейин Мирза ака беш йил умр кўрди. Бошқа турмуш қуришни тасаввур қилмади. Мунаввардек аёлдан кейин тасаввур қилиш ҳам мумкин эмас эди.

Ўғай бўлса-да, Мирза аканинг қабрига Мунаввар опанинг невараси Нигора эсдалик тоши ўрнатди. Мунаввар опанинг қабр тоши ёнида яна битта тош пайдо бўлди — мусибат рамзи.

Мунаввар опанинг қизи Лола онаси вафотидан сўнг бир йил ўтгач, қизчасига Мунаввар, деб исм берди. Бу дунёда Мунаввар опанинг фарзандлари, неварачеваралари, дилдан сиймосини аритмайдиган қадрдонлари қолган эди.





*Ўлмас Умарбеков таваллудининг 70 йиллигига*

Азиз Қаюмов,  
академик

## ГЎЗАЛ ИНСОН ВА БАРКАМОЛ ИЖОДКОР

Тарихда шундай мухтарам зотлар бўладики, улар ўз ички дунёсининг бойлиги, гўзал суврати, хатту ҳаракатининг мазмундорлиги билан халқига ҳусн ва оро бағишлайди. Бундайлар билан халқ ифтихор қилади. Миннатдор авлодлар улардан ибрат оладилар. XX асрда халқимиз орасидан етишиб чиққан ана шундай мўтабар сиймолар орасида мен Ўлмас Умарбековни ҳам кўраман. У ўзининг ҳикоялари, қисса ва пьесалари билан XX аср ўзбек адабиётининг тараққиётига улкан улуш қўшди. Талантли ташкилотчи сифатида ўзбек адабиёти, санъати ва маданиятининг ривож топмоғи учун имкониятлар яратиш, лозим шароит туғдириш учун тинмай ҳаракат қилди. Янги ёш ижодкорлар авлодини шакллантириш ва камолга етказиш учун ғамхўрлик кўрсатди. Бу соҳада ҳам унинг хизматлари самарали бўлди.

Менинг Ўлмас Умарбеков билан шахсан танишувим кутилмаган ҳолатда содир бўлган.

1958 йил ёзи. Мен у вақтда УзФА Тил ва адабиёт институтининг директори этиб янги тайинланган эдим. Институт Тошкент марказида, ҳозирги Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчасидаги тўрт қаватли иморатнинг иккинчи қаватида жойлашган. Бу иморат аслида «Ўзпромсовет» деб аталмиш идора учун қурилган эди. Аммо иморат қурилиб битган пайтда «Ўзпромсовет» бошқа бюрократик идоралар қатори йўқ қилинди. Янги қурилган бино эса Фанлар Академиясига берилди. Фанлар Академиясининг Президиуми бу бинонинг биринчи қаватига Шарқшунослик, иккинчи қаватига Тил ва адабиёт, учинчи қаватига тарих, тўртинчи қаватига эса фалсафа ва ҳуқуқ институтларини жойлаштирди. Тил ва адабиёт институти директори хонасининг деразалари ҳовлига очилади. Ҳовлининг нариги томонида ўзбек эстрада театри жойлашган. Гоҳо у томондан репетиция вақтидаги ижро этилаётган кўшиқ ва мусика наволари ҳам келиб қолади.

Мен одатдагидек эрталабдан ўз иш хонамда хизмат юмушлари билан бандман.

Тўсатдан эшик очилди ва бир ёш йигит салом бериб кириб келди. У башанг кийинган, кўримли. Мен дарҳол саломлашиб уни яхши кутдим ва ўлтиришга таклиф қилдим. Лекин кимлигини билмас эдим. Меҳмоннинг ташқи кўриниши, одобли мулмаласи жуда ёқимли. У худди таниш киши билан гаплашгандай ўзини эркин тутар, кўзларида ишонч, овозида қатъият сезилиб турар эди. Қисқача умумий гаплардан сўнг меҳмон максадга кўчди:

— Менинг рафиқам шу бу йил Университетнинг филология факультетини битирган. Агар имкон бўлса уни Тил ва Адабиёт институтига лаборантликка ёки шунга ўхшаш бирон кичик лавозимга хизматга олсангиз.

Йигитнинг авзойида бу таклифнинг қабул этилишига умид сезилиб турар эди.

Мен ёш кишининг шундай умиди тараддуд ёки иккиланишга алмашувини истамадим. Шунинг учун дарҳол жавоб бердим:

— Ҳўп, оламиз. Қачон фурсатлари бўлса келсинлар.

Орадан бир-икки кун ўтди ва институт директори қабулига кўхли ёш аёл кириб келди. Саломлашдик. Сўнгра у ўзини танитди:

— Мен Ўлмас Умарбековнинг рафиқаси бўламан. У киши менинг тўғримда сиз билан гаплашган эканлар.

— Хабарим бор... «Ҳозирги замон ўзбек адабиёти тарихи» бўлимида кичик лаборант бўлиб ишлайсиз. Агар рози бўлсангиз, ҳозирок буйруқ чиқади.

— Раҳмат, розиман, — деди.

Шу билан, Зуҳра Умарбекова Тил ва Адабиёт институтига хизматга қабул қилинди.

Зуҳра Умарбекова жуда қобилиятли ва меҳнатсевар олима бўлиб етишди. У «Лермонтов шеърятининг ўзбек тилига таржималари» тўғрисида гўзал бир диссертация ёзиб ёқлади. Институтнинг илмий фаолиятида яхши иштирок этди. Ҳозир филология фанлари номзоди,

доцент Зухра Умарбекова Тошкент санъат институтида кафедра мудирини бўлиб ишлайди. Яқинда унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий» фахрий унвони берилди.

Ўша 1958 йили Ўлмас Умарбеков Университетнинг филология факультетини битиргач, Ўзбекистон радиосида хизматга киришган эди ва бир неча мазмундор ва гўзал бадиий эшиттиришларни тайёрлаган эди. Ўлмас Умарбековнинг ижодкор сифатида шаклланишида радиодаги адабий ва мусиқали эшиттиришлар редакциясининг таъсири кучли бўлган. Хусусан, Ўлмас Умарбеков билан ёш режиссёр Дамир Шокировнинг ижодий ҳамкорлиги жуда баракали бўлган. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам ўз соҳасининг фидоий, заҳматкаш ва истеъдодли вакиллари эдилар. Уларнинг биргалишиб яратган ижод маҳсуллари алоҳида суҳбат мавзуи бўлиши мумкин. Айни замонда бу ёш ижодкорларнинг ўсиб камол топишида ўша йиллари радио комитет бошлиғи бўлган муҳтарам Файниддин Нажимовнинг кўрсатган ҳомийлиги ва раҳбарлигининг ҳам ўрни сезиларлидир.

1959 йили «Шарқ юлдузи» журналида Ўлмас Умарбековнинг «Севгим, севгилим» қиссаси нашр этилди. Бу ёзувчининг илк катта асари эди. Қиссанинг мавзуи ўша вақтларда энг кенг кўлам ота бошлаган мавзудир. Унда катагон даври қурбонлари хотираси ҳурмат билан ёдланади. Айни замонда асар қаҳрамонлари, ёш йигит ва қизининг муҳаббати гоят илҳомли тасвирга эга. «Севгим, севгилим» ўз мазмуни жиҳатидан номига лойиқ чин ёшлик муҳаббати ҳақидаги қисса эди. Икки ёшнинг самимий, ҳароратли, фидокорона муҳаббати асарнинг туб моҳиятини ташкил этади.

Ёш ёзувчининг биринчи бу катта асари китобхонлар томонидан қизгин қарши олинди. Унинг муаллифи Ўлмас Умарбеков — етуклик имтиҳонини муваффақият билан топширди.

Кейинчалик «Севгим, севгилим» қиссасини Муҳаммаджон Мирзамуҳамедов ўзбек тилидан рус тилига таржима қилди. У алоҳида китоб сифатида нашр этилган.

1963 йили мен Маданият министрининг биринчи муовини бўлиб ишлар эдим. Ўшанда менда бир гоё туғилди. «Севгим, севгилим» қиссаси асосида балет яратиш керак. Шу мақсадда ёш ёзувчи Ўлмас Умарбеков ва эндигина консерваториянинг композиторлик бўлиминини битириб чиққан ёш композитор Энмарк Солиховларни чақирдим. Ҳар иккаласига шу вазифани тушунтирдим. Улар мамнуният билан розилик билдиришди. Ўлмас Умарбеков либретто ёзиши, Энмарк Солихов мусиқасини яратиши керак. Иш бошланиб кетди. Энмарк Солихов либретто бўйича ёзилган айрим мусиқа бўлақларини бизга чалиб ҳам берган. Лекин айрим объектив ва субъектив сабабларга кўра бу иш охирига етмай қолди.

Ўлмас Умарбеков радиодаги хизмати вақтида ўз ҳамкасабалари ичида таланти ва меҳнатсеварлиги билан ажралиб турар эди. Ёзувчи Тоҳир Маликнинг гувоҳлик беришича, радиода охиригача давом этиб келаётган «Табассум», «Дугоналар», «Гулшан» каби радио журналларнинг пайдо бўлишида унинг хизматлари катта бўлган.

Ўлмас Умарбеков бир умр хизмат юмушлари билан банд эди. У радиода мусиқали ва адабий эшиттиришлар редакциясини бошқарди. Кинематография, маданий қурилиш, ёзувчилар иттифоқи системасида раҳбарлик лавозимларида ишлади. Лекин ҳеч қачон у бадиий ижоддан узилган эмас. Ўлмас Умарбековнинг биринчи китоби болалар учун ёзилган ҳикоялардан иборат эди. Сўнгра у деярли қирқ йил давомида ўнлаб ҳикоялар ёзди, драматик асарлар, кинофильм сценарийлари яратди. Ўлмас Умарбеков қаламига мансуб қиссалар замонавий адабиётимизнинг қимматли намуналари бўлиб қолди. Ҳозирги замон ўзбек насрида «қисса» номини тиклаган ёзувчи Ўлмас Умарбеков эди. У вафотидан кейин ҳам ижодий жараёнда иштирок этаётган ёзувчидир. Ўлмас Умарбековнинг «Фотима ва Зухра» асари вафотидан сўнг нашр этилган. Бу асар Тошкентдаги Муқимий номи мусиқали драма театрида спектакль қилиб қўйилди ва томошабинларнинг эътирофига сазовор бўлди.

Ўлмас Умарбеков асарларининг асосий қаҳрамони бугунги ўзбек. Унинг миллий характери. Унинг одамларга меҳрибонлиги, соф кўнгилли, холис, пок тийнат инсон экани бу асарларда аққол кўзга ташланади.

«Куз ҳавоси» ҳикоясидаги Сарви хола бутун ҳаётини меҳнатга бағишлаган. У ёлғиз. Ўғли фронтга кетган эди. У қайтиб келмади. Эри ҳам дунёдан ўтган. Сарви хола, уруш аллақачон тугаган бўлса-да, ўғлининг фронтдан қайтмоғини кутади. У пиширган ошидан ўғлининг насибасини олиб қўяди. У ёлғизлик машаққатини чидам билан енгади. Яна Сарви хола ногирон Собиржонга гамхўрлик кўрсатади, унга оналик меҳрини бағишлайди. Бу том маънодаги инсонпарвар, меҳр-оқибат эгаси бўлган зот.

«Бобоёнғоқ» ҳикоясининг қаҳрамони Фуломқодир ота ўзи экиб ўсдирган, меваларидан одамлар баҳра олиб турган ёнғоқ дарахтларига ўз фарзандидек қарайди. Ёнғоқлар кесилиб, ер очилмоғи ва йўл тушмоғи керак бўлганда ота қаттиқ изтироб чекади. Ёнғоқни кесмоққа қўли бормади. Ниҳоят, ёнғоқ дарахтлари кесилмайдиган, аксинча улар сақланиб остига ўриндиқлар қилинадиган бўлганда отанинг қувончи чексиз эди.

Ҳалол меҳнат билан ўсдирилган ёнғоқзорнинг сақланиб қолмоғи шу меҳнатларни қилган, боғни яратган отанинг тантанаси эди.

Ўлмас Умарбеков ҳикояларининг қаҳрамонлари ана шундай соф, пок тийнат, меҳнатсевар, ҳалол одамлардир. Бу ҳикояларда миллий характернинг турли кўринишлари ўз бадиий ифодасини топган.

Ўлмас Умарбеков ўзбек адабиётининг халқаро ижодий алоқаларини мустаҳкамлашга

ҳам ўз улушини қўшди. Унинг Булғория мамлакати, бу мамлакат халқининг ҳаёти, меҳнати, кураш ва галабаларига оид асарлари кенг шуҳрат топган эди.

«Булғор қўшиқлари» Ўлмас Умарбеков яратган XX аср ўзбек насрий шеърятининг гўзал намуналаридир.

Севгиласидан ёвуз босқинчилар хуружи туфайли маҳрум бўлган Людмила ўзини қурбон этади. Унинг қони Марица дарёсига қуйилади. Шундан бери бу водийда қизил гуллар ўсармиш. Шундан бери бу водийни гул водийси демишлар...

XX аср 70-йиллар боши эди. Мен хизмат командировкаси билан Булғорияга борган эдим. Эрта куз пайти, пойтахт Софиянинг гўзал окшомларидан бири. Биз беш киши — уч мосқалик меҳмон, мен ва булғориялик ҳамкасабамиз Софиянинг сўлим кўчаларида сайр этиб юрибмиз. Вақт ярим кечга яқинлашмоқда. Ҳаво илиқ. Марказий кўчаларда одам кам. Улар яхши ёритилган. Майин шаббода юзни сийпаб ўтади. Кўчалар холи ва тинч бўлганидан, биз эркин чақчақлашиб, суҳбатлашиб борамиз. Катта кўча биз тўхтаган «Плиска» меҳмонхонасига олиб боради. Узокдан икки кишининг қораси кўринди. Улар бизга қараб келишмоқда эди. Биз бепарво йўлимизда давом этдик. Орадан кўп ўтмай, рўбарўмиздан келаётганлар яқинлашишди. Бир-биримизга дуч келгандан кейин, мен улар билан қизгин саломлашдим. Шундан кейин шерикларимга уларни таништирдим:

— Бу киши атоқли ўзбек ёзувчиси Ўлмас Умарбеков. Иккинчилари эса таниқли ёзувчи ва кинорежиссёр Учқун Назаровдир.

Ҳаммалари бир-бирлари билан қўл бериб сўрашдилар.

Ўлмас Умарбеков Булғорияга Ёзувчилар союзининг таклифи билан келган экан. Булғория Ёзувчилар союзининг мукофоти бор экан. Бу мукофот Булғория мамлакати ва унинг халқи ҳаётини ўз асарида ёритган хорийжий ёзувчиларга берилар экан. Ўзбек ёзувчиси Ўлмас Умарбековни шу мукофот билан тақдирлапти. Шунинг учун уни Софияга таклиф этиб, мукофотни топширмакчи эканлар. Учқун Назаров эса рафиқаси билан сайёҳ сифатида келган ва эртаси куни қайтар экан. Биз бир оз суҳбатлашиб тургач, хайрлашдик.

Мен ватандошим Ўлмас Умарбеков Булғория адабиётининг шундай катта мукофотига сазовор бўлгани учун ўз ҳамкасабаларим қаршисига фахрланар эдим.

1976 йил. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Катта иморатнинг зинасидан кўтарилиб кирув эшигига яқинлашмоқдаман. Шу вақт қаршимдан ўша пайтдаги ўзбек кино комитетининг икки бошлиғи чиқиб қолишди. Мен улар билан саломлашдим. Зина устида ўртамизда қисқача суҳбат бўлиб ўтди. Улардан бири ҳозир киностудияга кетишаётган эканликларини ва янги директорни «Ўзбекфильм» жамоасига таништиришини айтди.

— Ким «Ўзбекфильм»га директор бўлиб тайинланди? — деб сўрадим.

— Ўлмас Умарбеков, — деган жавоб бўлди.

Мен бехосдан:

— Э, аттанг, — деб юборибман.

— Нега бундай дейсиз? Рози эмасмисиз?

— Албатта. Чунки «Ўзбекфильм» киностудияси жуда мураккаб ва ҳар томонлама фаолият кўрсатувчи муассаса. У ерда шундай ёш ва таланти кишининг фаолият кўрсатиши анча оғир, — дедим.

Ўлмас Умарбеков «Ўзбекфильм»га деярли ўн йил директор бўлди. Бу ерда кўп ишларни амалга оширди. Киностудия унинг раҳбарлигида яхши фильмлар ишлаб чиқарди. Халқаро ижодий алоқалари ривож топди.

Бир куни Ўлмас Умарбековни Москвада «Домодедово» аэропортида учратдим. У одатдагидек бардам, ғайратли ва шахдам эди. У менга ўзининг Ҳиндистонга кетаётгани, Ҳинд кинематография арбоблари билан ҳамкорлик ишларини уюштирмакчи эканлигини айтди. Унинг сўзларида қатъият, мақсади амалга ошмоғига ишонч порлаб турар эди. Мен унга муваффақият тиладим. Унинг ҳар бир сўзи, ҳаракати, кайфиятида ўз ишига жиддий киришиб кетгани, уни яхши бажармоққа ҳар доим интилаётгани очик-ойдин сезилиб турар эди. Шунинг учун Ўлмас Умарбеков директор бўлган йиллари «Ўзбекфильм» киностудиясининг фаолиятида катта ижобий ўзгаришлар рўй берган.

XX асрнинг саксонинчи йиллари. Бу вақтда Ўлмас Умарбеков Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси эди (1985-1989). Ўзбекистон адабиётчиларининг сардори сифатида у ўзбек адабиётининг тарғиб доирасини имкон борича кенгайтирмакча ҳаракат қилди. Оз фурсат ишлаган бўлса-да, бу вазифада ҳам ёрқин таассурот қолдирди.

Ўлмас Умарбеков айни кучга тўлган, ижодий қобилияти ва ташкилотчилик фаолияти айни гуллаган бир пайтда 1994 йилда 60 ёшида дунёдан ўтди. Бу улкан ижодкорнинг фазлу камоли, ижодий мероси ўзбек адабиётининг ривожига алоҳида ўрин тутади. У гўзал инсон ва баркамол адиб сифатида эл кўнглида яшаб қолади.



Зухра Умарбекова

## БАҒРИ БУТУН ИНСОН

Ўлмас ака доим яхши, тартибли кийинишга, ўзининг юриш-туриши, хатти-ҳаракатига эътибор бериб қарарди. Қирқ йилга яқин вақт бирга ҳаёт кечириб, Ўлмас аканинг бирон пайт ўзини зиёли, маданиятли кишига номуносиб тутганини эсламайман. Унинг яна бир хислати, кимгадир яхши бир иш қилса-ю, ўша киши суюнса, ўзи ҳам суюниб кетар эди. Мен, деб кўксига уриш Ўлмас акага ёт эди, ижод борасида сўз очилса, бутун адабиёт ҳақида гапирарди. Мабодо кимдир уни мақтаса, қизарар ва беозор кулиб кўярди. Ижодкор дўстлари, биродарларига меҳрибон эди. Керак бўлса, улар учун хизмат қилишга ўзини тайёр сезарди. Шу боисдан, фақат тенгдошлари эмас, жуда кўп ундан ёш ижодкорлар ҳам Ўлмас акани яхши кўришарди.

Тақдир экан, ёши олтишга яқинлашганда қаттиқ хасталаниб қолди. Аввалида бир сўз-ярим сўзни азобланиб гапирарди, кейинчалик умуман гапиролмайдиган бўлди. Баъзан ён дафтарга, баъзан шунчаки кафтдек қоғозга ўйлаганларини ёзиб борар, мен билан қизимиз Умидага айтадиган гапини ҳам хат қилиб берарди. Шу пайтда у қанчалик таъсирчан, эҳтиросли бўлса, шунчалик матонатли эканлигини кўрсатарди. Аҳволи офир эканлигига қарамай, тинмай ишлар, ўйлаган асарларини ниҳоясига етказгиси келарди. «Фотима ва Зухра» романини, «Қизимга мактублар» қиссасини ёзди. Ижодий режалари ҳали кўп эди. Ўлмас ака «Шошма, қуёш» асарини бекорга ёзгани йўқ, ҳаёти сўниб бораётганини чуқур ҳис этарди. Лекин ўзининг аҳволи эмас, эртага, кейин мен билан Умида қандай яшашимиз уни жуда ташвишлантирарди. Мени рўпарасига ўтқазиб, кўпинча мен ёрдам беролмайман, энди сизлар қандай яшайсизлар, ночор, ҳимоясиз холга тушиб қолмайсизларми, дер, куюниб қайғурарди. Мен тузалиб кетасиз, ҳаммаси яхши бўлади, деб уни тинчлантиришга уринардим. Лекин унинг бутун хаёли шу фикр билан банд эди. Шу кунлардаги Ўлмас аканинг баъзи бир кечинмалари, изтироблари «Қизимга мактублар» асарида акс этган.

Мана, орадан ўн йилча ўтди. Тирик бўласалар, шу кунларда 70 ёшга тўлардилар. Насиб этмаган экан.

Ўлмас аканинг ҳаёти сўнгида ёзган хатлари ва ўша кунлари ёзиб қўйган бир-икки шеърини журналхонларга таклиф этайпман. Булар шахсий ёзувлар, лекин бир ёдгорлик сифатида аҳамияти бўлса керак.





## ХАТЛАРДАН

Зухрам, азизам, севиклим!

Нарсаларимни йиғиш-тираётиб, сени, қизимни шундай кўргим келиб кетдики... Қандай ҳолатга тушганимни ўзим биламану Худо билади. Нега мен сизлардан узоқдаман, айрилиқда? Нарсаларимни йиғаётиб, булар менга энди керак бўладими, йўқми, билмайман. Яна киярмиканман буларни? Ўзимча ҳар бирини кийиб, сизлар билан, учовлон айланиб юрганимизни тасаввур қилдим. Сизларни қанчалик яхши кўришимни билсанг экан, 10-12

кундан кейин Худо хоҳласа кўришамиз, мен унгача овозимни сал тартибга келтириб, бир неча сўзни айтишни машқ қилишга уриниб кўраман. Сизлар учун яшагим келади.

Ўлмас  
27.V. 91.

Жоним, Зухрам, сен менинг ягонаам! Мен албатта, яшашни истайман, даволанишдан эринмай тузалишга ҳаракат қиламан. Лекин кўнглимда умрим битганини сезиб турибман, илож қанча. Ойнага қараб, ўз афгим ўзимга ёқмаяпти. Сенинг қўлингни тутиб ухласам-у, уйқумда узилсам яхшироқ бўларди. Жоним шундай қийноқдаки, менга бу азобдан мангу уйқуга кетиш осонроқ туюлади. Мен умримда сени учратганим, топганимдан сўнгги нафасда ҳам ўзимни бахтли сезаман.

Сен меҳрибонсан, самимий. Яхши уй бекасисан. Уйни энди тўлиқ қўлга ол. Қийналсанглар, менинг ижод хонамни ижарага топшир. Сен билан Умидага бу ёқдаги хона туришга етади. Умида сени жуда яхши кўради, лекин у ҳали ёш, бир оз қизикқон. Сен унга тарбия бер, чидам билан, бардош билан, меҳр билан, эркалаб. Мен сендан миннатдорман, жоним.

Сизларни қучиб: Ўлмас  
31.VIII.94.

Эркам, бу касалхонада ҳамма нарса пул билан ўлчанади, одамий муносабатни билишмайди. Бир қон топшириш учун 3-4 соат кутиш, илтимос қилишга тўғри келади. Кўпинча бемор қаровсиз қолиб кетади...

Кўриб турибсан, мен булар нима деса қилаяпман. Ҳамма нарсага чидашга иродам етади. Ҳаёт учун курашаман. Лекин насибадан қочиб қутулолмаслик ҳам бор. Сен бундан рофил қолмаслигинг керак. Мен учун, менинг хотирам учун, қизимиз учун сен яшашга мажбурсан (менинг ўрнимда ҳам). Мен сени яхши кўраман, менинг бор-йўғим сен...

Бу ҳақда гап очилдими, айтмоқчиман:

— Мени (Чигатой деб юрмай) ота-онам дафн этилган қабристонга қўйинглар.

— Театр, дегандек дабдабали видолашувларнинг ҳеч кераги йўқ. Умуман, расмият бўлмасин.

— Кейин ҳам камтарин иш тут. Ҳашам бизга ҳеч нарса бермайди.

— Ўлимдан кўрқмайман. Ўзи берганини Ўзи олади. Лекин ҳозир шундай азобдаманки...

...

Она қизим, Умидам!

Мен оғир хасталик, чидамсиз азоб билан олишиб, яна бир неча йил яшаш, сенинг тўйингни кўришга жон-жаҳдим билан ҳаракат қиламан... кейин, майли, ҳар нарсага розиман. Лекин бу фақат менга боғлиқ эмас, буюргани бўлади, насиба, қисмат. Бундай

ҳолда сенга ҳозирдан  
кўнглимдаги баъзи тилакларимни  
айтмоқчиман.

Биласан, ойинг билан мен то  
шу кунга қадар сен кам-кўстсиз,  
бахтиёр, ўйнаб-кулиб ўсишинг,  
улғайишинг учун ҳамма нарсани  
муҳайё қилишга уриндик. Аммо  
энди шароит бошқа,  
кутилмаганда ҳаётимиз издан  
чиқди. Сенинг ёнингда менсиз,  
ёлғиз қолаётган ойингга анча  
қийин бўлади. Сендан  
илтимосим:

— Бу ёғи ойинг билан бор  
имкониятга қараб яша, сендан  
шароити яхши ҳеч кимга рашк  
билан қарама, бировни  
кўролмаслик ҳеч қачон одамга  
бахт келтирмаган.

— Бор куч-ғайратингни билим олишга қарат, қийинчиликдан қўрқма, шунда барча  
ишинг яхши бўлади.

— Бир кун келиб мустақил ҳаётга қадам қўймагунингча, сенинг биринчи тарбиячинг  
ҳам, дўстинг-сирдошинг ҳам ойинг, менинг сенга оталик меҳрим ҳаққи, уни асра,  
ранжитма, ўкситма, яккалатиб қўйма.

— Чиройли уст-бош, қиммат нарсалар инсоннинг ақли, билими, бағри кенглигини  
кўрсатмайди, фазилат бўлолмайди, бундай нарсалар изидан қувма.

— Атрофингдагилар билан дўстлаш, дўстликнинг қадрига ет.

— Соғлиққа бепарво қарама, кўчадаги уч-тўртта дугонанг кулгани учун  
кўзойнагингни ташлаб юборма, кўзинг чинакам ёмон бўлиб қолса, улар сенинг  
ўкинчинга шерик бўлишмайди, бунинг устига, кўзойнак сенга жуда ярашади.

— Ойинг яхши аёл, кўнгли очик аёл, кимдир унга озор етказишига йўл қўйма,  
ҳимоя қилишга ўрган.

— Яна нима демоқчи эдим? Иложи бўлса, мени унутма.

Даданг  
21.IX. 94.

## ШЕЪРЛАРДАН

(Баъзилари таржима бўлиши мумкин)

Шошма, қуёш,  
тайёр эмасман  
Тунни ҳали кутиб олишга.  
Ҳали куним тугагани йўқ,  
Виждоним-ла баҳсим бор ҳали,

Ҳаққим йўқдир дамга, ўлишга.  
Сўзлашишга энди ўргандим  
Бу оламнинг тош-тоғи билан.  
Ҳали фикрим тўлмади, улар  
Ақли билан, сабоғи билан.

Гоҳ ботинмай, гоҳо улуғвор  
Йўл оласан чўққилар томон.  
Уларга сен! Нуринг таратиб,  
Яллуғланиб тантана билан  
Ботишгами шайланмоқдасан?  
Тушунишга вақтим қолди оз —  
Бу ташвишли дунё сирларин...



Денгиз тушди оқшом тўрига,  
Борлиқ — сезгим кўйнида фақат.  
Сокин бу кеч Калиакрада  
Ёлғиз маёқ ёнади ялт-ялт.  
Битдими кун,  
Кун ёки ҳаёт?

Йўқ, бу тунги денгиз гўёки  
Олиб кетди бутун борлигим.  
Аммо маёқ ёниши билан  
У қайтадан бўлади бунёд.  
Қизиқ ўйин!  
Бир беркинмачоқ!  
Ўласан-у, тирилишингни  
айни пайтда кўрасан мутлоқ...

Бир табассум,  
бутун борлиқ гуллади-кетди —  
пушти ранг олди.  
Бир табассум,  
шодикларга тўлди коинот,  
Ўзгарди-қолди.  
Осмон мовийлашди кўзни олгудек,  
Қаҳ-қаҳ отди ҳаво маст бўлиб.  
Ҳатто тоғлар кучоғин очди  
Бир-бирига. Севинчга тўлиб.

Ҳеч нарса керакмас, бир табассум-ла  
Хато бўлмас,  
бахтлиман, десам.  
Бир табассум қалбимда ҳамма —  
ҳаммасини қилди мужассам.

Уфқ кўринмайди,  
сут каби ялаб  
булутларни коинотга берибди денгиз.  
Кўринмайди уфқ,  
фақат нимранг из —  
коинотда, пастда денгизда.  
Қаердаман?  
Қани, ханжардек  
Денгиз кесган у қора терак?  
Қани, мени денгизга кўшиб,  
қайтарилмас гўзаллиги-ла  
ютган нигоҳ?  
Йўқ ҳеч нарса. Ҳамма-ҳаммаси  
Уфқларда кетди бедарак...

Жаҳонни титратди Исақдар,  
Лек ўтгиздан ошмади умри.  
Олтишдан ошдим мен. Ишларим  
Балки, кўпмас. Бўлгани тўғри.

Бир маромда зирқирар оғрик,  
На боши бор ва на охири.  
Ташқарида куз, шамол, ёмғир!  
Борми дардинг бундан оғири?

Ўлим, қанча чертма ойнани,  
Қиртишлама эшикни туни —  
Оллоҳ истагани бўлар, шубҳасиз,  
Чўчимай, шукр ила кутаман уни...



Бир пайтлар Ф.Ғулумми,  
билмайман, қапта  
одамдан эшитманман,  
ўзбек шифурларинини  
кўли нозик бўлади.



## СЎЗ ВА МАЪНО СЕҲРГАРИ

Биз ушбу мақоламизда Бобур ижодида қўлланилган икки санъат борасида фикр юритмоқни мақсад қилиб олдик.

Бири — тафреъ санъати. Бу шундай зўр санъатки, энг кучли шоир ўзи билиб олса — шогирдига ўргатмайди, сир сақлайди. Нега? Чунки бу усул юксак таъсирчанлик ва бадиийлик яратувчи самарали омилдир.

Бу усулни Бобур Алишер Навоийдан ўрганган. Тафреъ санъати моҳияти шундайки: шоир кўриниб турган нарсани рад ва инкор этиб, унинг ўрнига бир ўхшатиш келтиради. Тасаввур этинг, сиз лозорда турибсиз Алишер Навоий келиб, елкангизга қўлларини қўйиб, шундай байт ўқийдилар:

*Лолазор эрмаски, оҳимдин жаҳонга тушти ўт,  
Йўқ шафақким, бир қироқдин осмонга тушти ўт.*

Бу усулни Алишер Навоий ўз ижодида жуда кўп маротаба қўллаб, юксак санъаткорлик намуналарини кўрсатган.

Бобур ҳам шу усулга бир неча маротаба мурожаат этган. Чунончи:

*Сел эмастур, ер юзин тутқон кўзумнинг ёшидур,  
Рабд эмастур, кўкка чирмашқон кўнгул афғонидур.*

Бобур шеъриятидаги навбатдаги энг кучли маънавий санъат ийҳомдир. Ийҳом сўзи «гумон-сиратиш», «шубҳага солиш» маъноларига молик бўлиб, истилоҳнинг моҳиятида байтда бир ёки бир неча сўзни икки маънода қўллаш сеҳргарлиги борки, иккинчи маънолари йироқроқ ва ўта таъсирчан эканлиги назарда тутилади.

Бу усул Лutfий шеъриятидаги бош фазилат эди. Шунинг учун ҳам шоир ўзига «лутф» сўздан «Лutfий» тахаллусини кашф этиб олгандирлар, деган тахминлар бор. Агар Лutfийгача асосан «сўрмоқ» (сўрамоқ ва сўрмоқ) маъноларидаги сўзда ийҳом қўлланилиб келинган бўлса, Лutfий «Девон»ида бундай санъат қўлланилган сўзлар жуда кўпдир. Олимлар аксарият унинг қуйидаги байтига мурожаат этадилар:

*Кун тушти кўргали сени тушти заволға,  
Ой тонга қолди кеча боқиб ул жамолға.*

Биринчи мисранинг икки хил мазмунига аҳамият берайлик, бу ҳол «туш» сўзини икки маънода қўллаш туфайли юзага чиққандир:

*Кўёш сени туш пайтида кўриш учун қуйилашиб туша бошлади.  
Кўёш сени тушида кўриш учун ботди.*

Иккинчи мисранинг икки хил мазмуни «тонг» сўзининг икки хил маъно ифодасига қўл келгани туфайли содир бўлгандир:

*Ой кечаси унинг жамолига боқиб тонггача кўкда қолиб кетди.  
Ой кечаси унинг жамолига боқиб ҳайратда қотиб қолди.*

Бу байтни биринчи маротаба муҳтарам устоз Ҳоди Зариф «Фозиллар фазилати» китобларида келтирган эдилар. Бу байтнинг аҳамияти шундаки, бир байтда икки ийҳом кўрсаткичи иштирок этгандир.

Ёки қуйидаги байтда Лутфий «демадим юзунда лом» гапидаги «лом» сўзи орқали «зулфини ломга ўхшайди демадим» ва «юзига миқ этмадим, гинг демадим» маъноларини ифодалай олган:

*Ул алиф бўйлуқ санамнинг ҳалқа-ҳалқа зулфидин,  
Нечаким чектим балолар демадим юзунда лом.*

Бундай ийҳомли мисолларни Лутфий девонидан юзлаб келтириш мумкин.

Алишер Навоий ижодида ҳам ийҳомли байтлар жуда кўп. Чунки Алишер Навоий ийҳом санъатининг «хосса маънолар» ифодалайдиган энг нозик усул эканлигини махсус уқтирган ва, айни пайтда, фахрия тарзида ёзганларки:

*Агар хосса маъни гар ийҳом эрур,  
Анинг кунда юз байти ҳалвом эрур.*

Шоирнинг бундай гурурланишида икки асос бор: биринчиси ўзбек тилидаги ҳар бир сўзнинг кўп маъно ифодалашга мослиги бўлса, иккинчиси Навоий маҳоратининг мислсизлигидир. Биз мумтоз шоирларимизнинг бирортасида бу соҳада Навоий кўрсатган маҳорат тантанасини учрата олмаймиз. Алишер Навоий тубандаги байтида тўрт сўз («қўй, рангин, сўрдум, ол») ийҳом кўрсаткичи сифатида қатнашганини профессор Анвар Ҳожиаҳмедов қайд этганлар:

*— Бош қўй, — дедим оёғи туфроғига. Деди: «Қўй».  
Бўса истаб лаъли рангин сўрдум эрса, деди: «Ол».*

Бу байтдаги биргина «қўй» сўзи ҳам «қўйгин», ҳам «қўйма» маъноларини ифодалаган. «Рангин» сўзи «алвон» ва «рангин» маъноларидадир. «Сўрдум» сўзи «сўрадим» ва «сўрдим» маъноларида. «Ол» сўзи эса, розилик маъносидан ташқари «қизил» маъносида қўлланилгандир.

Агар бошқа шоирлар ийҳом санъатини асосан ғазалда қўллаган бўлсалар, Алишер Навоий маснавий-дostonларда ҳам буни кўп бора қўллагандир.

Бобур ижодида ҳам мазкур инжа санъат билан маъно ва мазмун зийнатланган байтларни кўплаб учратамиз. Айниқса, унинг бу соҳадаги анъанавий ийҳом кўрсаткичидан фойдалангани кишини лол қолдиради:

*Лабинг бағримни қон қилди, кўзумдин қон равон қилди,  
Нега ҳолим ямон қилди, мен ондин бир сўрорим бор.*

Муаллиф «сўрорим бор» бирикмасида «сўрамоқчиман» ва «сўрмоқчиман» маъноларини ифодалаганки, назарда тутилган ушбу ҳар иккала маъно мисра мазмунига жуда мувофиқ келади, айни пайтда, иккинчи «сўрмоқ» маъноси ўта таъсирчанлиги билан диққатга моликдир.

Байтнинг биринчи идрок этиладиган мазмуни: сўник, ёлбориш оҳангида ўқилганда:

Лабинг бағримни қон қилди. Кўзимдан қонлар оқизди. Нега ҳолимни ёмон қилди-а? Мен ундан буни бир сўрамоқчиман...

Байтнинг иккинчи хил мазмуни шўхчан ва ҳатто жилла қасоскорона оҳангда ўқилади:

Лабинг бағримни қон қилиб юборди! Кўзимдан қонлар оқизди! Нега ҳолимни бундай ёмон қилди?! Мен ундан бир сўрмоқчиман!

Бобур халқ лутфларидан жуда яхши хабардор эканлигини шундан ҳам аниқ билиш мумкин-ки, унинг бир фарди қуйидаги халқона байт таъсирида яратилгани сезилади:

*Том бошида нигорима сан бўса бер десам,  
Туш бера бераман, деди.  
Иккинчи мазмуни:  
Том бошида нигорима санбўса бер, десам,  
Тушбера бераман, деди.*

Маълумки, чучвара сўзи аслида «тушбера» эди, ҳозирги «сомса»нинг асли ҳам «санбўса» эди...

Энди Бобур байтини ўқийлик:

*Санбўса сенинг кўнглунг, гар истаса андоқ бил,  
Санбўса керак бўлса, санбўса иноят қил.*

Бобур девонидаги ийҳомлар байт ва мисра бўйлаб икки маъноликнинг эркин, табиий, сунъийликсиз, зўриқишсиз юзага чиқиши билан китобхон қалбини ром этади, фикрини ҳайрат билан қитиқлайди:

*Телба кўнглумким сенинг чангингдадур, ёд айлагил,  
Бир навозиш бирла кўнглумни менинг шод айлагил.*

Мазкур байтда «чанг» ва «навозиш» сўзларида ийҳом санъати қўлланилган. Биринчи мисрадаги «чангинг» «сен чалаётган чангинг» ва «қўлингда, измингда» маъноларидадир. Иккинчи мисрадаги «навозиш» сўзини «чалмоқ» ва «алқамоқ, эркаламоқ» маъноларида тасаввур қилсак, Бобура икки хил ажиб мазмунни байтдан чиқара оламиз:

Телба кўнглум, сенинг измингдадир, эслаб қўй. «Бир алқов билан кўнглимини қувонтир».

Иккинчи мазмуни:

Телба кўнглим сен чалаётган чангинг асиридир, эслаб қўй. Бир яхши куй чалиб мени хурсанд қил.

Ийҳом санъати ўқувчида шоир билан биргаликда фикрий кашфиётлар қилиш уқувини ҳам тарбиялайди, дейиш мумкин. Қуйидаги байтда Бобур қўллаган ийҳом санъати табиати билан яқиндан танишайлик:

*Сочию кўзию қошидин бошта ҳаводур,  
Не бошта ҳаво, ҳар бириси бошқа балодур.*

Матндаги «бошқа» сўзининг асл етакчи маъноси «бошга»дир. Бобур шу сўзда ийҳом санъатини қўллаган ва унга «бошқа» «ўзгача» маъноларини ҳам юклашга муваффақ бўлган. Байтнинг биринчи мазмуни:

Ёрнинг сочи, кўзи ва қоши орзуси бошимдадир. Булар бошимдаги орзуларгина эмас, бу бошимга балолар ҳамдир.

Иккинчи мазмуни:

Ёрнинг сочи, кўзи ва қоши орзуси бошимдадир. Бу бошимдаги орзу эмас, ҳар бириси бошқа-бошқа балодир.

Мазмун кўп маънолилиги ихтирокорлигида Бобур яна бир қизиқ маҳорат кўрсатади. У тажнис қатнашган байтларда ҳам атайлаб яна ийҳом санъатини қўллайди. Маълумки, шоир байтда икки сўзни икки ҳар хил маънода ишлатса, тажнис санъати бўлади. Агар байтда бир сўзнинг ўзи икки маънода келса-ю, мисра мазмуни иккала маънога мувофиқ бўлса — ийҳом санъати бўлади.

*Тош урар атфол мени, уйда фориғ ул пари,  
Телбалардек қичқирурмен ҳар замон тошдин яна.*

Байтдаги «тош» ва «тошдин» сўзлари шаклан бир хил, ammo ҳар хил тушунчаларни ифодалагани учун тажнис санъати қўлланилган. Чунки «тош»нинг биринчиси —табиий қаттиқ жисм, кейингиси — ташқари маъносидадир.

Энди байтнинг биринчи мисрасидаги «тош»ни инobatта олмай туриб, иккинчи мисрадаги «тош» маъноларига қизиқсак: яна бир санъат — ийҳом борлигини сезамиз. Чунки иккинчи мисранинг икки хил мазмуни қуйидагичадир:

*Ҳар лаҳза менга тегаётган тошлардан телбалардек қичқираман.  
Ҳар лаҳза мен ташқарида туриб телбалардек қичқираман.*

Бобур «Вақоеъ» — «Бобурнома» асарида тожик тилидаги «говгум» сўзида ийҳом санъатини қўллаган. Ушбу мисол ийҳом санъатининг шеъргагина эмас, насрга ҳам хослиги нуқтаи назардан эътиборлидир. «Говгум» сўзи «мол йўқолди» ва «қоронғу тушди» маъноларини билдирадики, қуйидаги гапдан ана ўша икки маънога мувофиқ икки хил мазмунни идрок этиш мумкин: «Мен дедимки: «Бу йўл қаён борур экан? Ўйга кўз солинг, ўйни итурманг, то йўлнинг қай сари чиқари маълум бўлғай». Хожа Асадуллоҳ зарофате қилди, дедимки: «Говгум шавад, чи кор кунем?» (Бобур. Бобурнома. «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси бош тахририяти. Тошкент — 2002 йил. 117-бет)

Тожик тилидаги матннинг таржимаси: «Қоронғу тушиб қолса, нима қиламиз?» Матннинг иккинчи варианты:

*«Гов гум шавад, чи кор кунем?»*

Таржимаси:

*«Мол йўқолса, нима қиламиз?»*

Ийҳомдаги қулай усуллардан бири матндаги атоқли от ва унинг маъносидан фойдаланиб икки маъноликдан икки хил мазмун чиқаришдир. Бобур Самарқанд ҳокими Фўлод шоҳ исми шарифи асосида қуйидагидек икки мазмунли байт яратган:

*Раҳм айлабон соғинмади, Бобурни, бор умид  
Солғай худой раҳм Фўлод кўнглига.*

Матннинг иккинчи ҳолатини кузатайлик:

*Солғай худой раҳм Фўлод кўнглига.*

Кўриняптики, ижодкор Фўлод шоҳ исмининг лугавий «пўлат» маъносидан фойдаланиб, матнда ийҳом санъатини яратган. Чунки араб ёзувида бош ва кичик ҳарфлар айирмаси йўқ.

Бобур рубойлари кўпроқ таржимаи ҳоли билан алоқадорлигини олимлар яхши билдилар. Нафақат рубойларга, бу хусусият Бобур девонидаги барча жанрларга ҳам хослигини филология фанлари доктори профессор Абдурашид Абдуғафуров ўринли қайд этган эди. «Кейинчалик «Бо-

бурнома»да бутун кўлами билан кўринган етакчи хусусият — ўз ҳолати ва кечинмаларини, кайфияти ва таассуротларини, шодлик ва ташвишларини, интилиш ва орзуларини баён этиш — Бобурнинг илк газал ва рубойларидаёқ тўла-тўқис юзага чиққан. Бадий сўзга, шеъриятга Бобур ўзлигини, ўз руҳий оламини «очиш» воситаси деб қараган. Худди шунинг учун ҳам муаллиф шахсий ҳаёти лавҳалари ҳамда унинг реал руҳий кечинмалари билан бевосита боғлиқлик Бобур лирикасининг хос белгиси даражасига кўтарилган.

Бобур бир рубойида ўз жуфти ҳалоллари исми шарифлари билан ҳам кўп маъноликни юзага чиқарганлиги маълум:

*Ҳижронда, сабо, етти фалакка оҳим,  
Гар ул сори борсанг бугурур дилхоҳим:  
Ким, арзи дуо ниёз ила қилвайсен,  
Гар сўрса мен хастани гулруҳ, моҳим.*

Муштарий, ҳайрон бўлаяпсизми? «Қани Бобур шоҳ жуфти ҳалолларининг исми шарифи?» деб. Марҳамат, охирги мисрани қайта такрорлаймиз:

*Гар сўрса мен хастани Гулруҳ, Моҳим.*

Кўрдикки, Бобуршоҳ дуои саломи Гулруҳ бегим ва Моҳим бегимларга йўланган. Ва ийҳом санъати қўлланилган экан...

Бобур асарларида ийҳомли байтларнинг кўплиги ва ҳатто насрий асарида ҳам бот-бот учраб туриши унинг мазкур сўз санъатида ҳам мумтоз санъаткор эканлигини кўрсатади.

**Ваҳоб Раҳмонов,**  
филология фанлари номзода, доцент



# АДАБИЙ-ТАНҚИДИЙ МАКТУБ

(Фафур Фулом ижоди мисолида)

Адабий-танқидий мактубда муаллифнинг адабиёт, бадий асар ҳақидаги холис мулоҳазалари, асосий ўринда туради. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, адабий-танқидий мактубнинг ўзига хос жанрий белгилари қуйидагиларда кўринади:

1. Адабий-танқидий мактуб жанри ижодкорга, асар қаҳрамонларига, танқидчиларга мурожаат қилиб ёзилади, адабий-танқиднинг бошқа жанрларидан фарқли ўларок, унда мурожаат руҳи, таъкид оҳанги етакчилик қилади.

2. Адабий-танқидий мактубда, асосан, объект сифатида танланган асар ҳақида фикр юритилади, шу нуқтаи назардан у тақриз жанрига ўхшаб кетади. Танқидчиликнинг барча жанрларида бўлгани каби, мактуб жанрида ҳам мунаққиднинг истеъдоди муҳим аҳамиятга эга, чунки у адабиётдаги, асардаги гўзалликни ҳис қила олиши керак, шундагина асарнинг ютуқ ҳамда камчиликларини холис ва тўғри кўрсата олади.

3. Адабий-танқидий мактуб ёзиш орқали мунаққид бошқа жанрларга нисбатан ҳар қачонгидан кўра ижодкорга, китобхонга яқинроқ бўлади, улар билан бевосита алоқа қилади.

4. Адабий-танқидий мактубда қисқалик, лўндалик устуворлик қилади. Бундан ташқари, таъсирчанлик, ишонтириш кучи юқори бўлади, чунки мунаққид кўнглидаги барча фикрларини бевосита ёзувчининг ёки китобхоннинг, танқидчининг ўзига айтади.

5. Адабий танқидчиликнинг барча жанрлари: адабий жараён, китобхон ва ёзувчи, демак, уч томонлама таъсир кучига эга бўлса, адабий-танқидий мактубда ҳам бу жиҳатлар кўринса-да, у аниқ объектга қаратилганлиги туфайли биринчи ўринда кўпроқ унгагина шахсан таъсир кўрсатиш доирасида чегараланади.

Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида бу жанрни ривожлантиришга ижодкорлар ҳам катта ҳисса қўшадилар. Хусусан, академик шоир Фафур Фуломнинг бу борадаги фаолияти эътиборга лойиқдир. У ўзининг ихчам тақриزلари ва сиқик адабий-танқидий мақолалари, мактуб ва нутқлари билан моҳир мунаққид сифатида кўринади ва бу жанрларнинг ривожига таъсир кўрсатади.

Ижодкорнинг ҳозирги замон танқидчилигида ҳам, Фафур Фуломшунослиқда ҳам

деярли эътибор берилмай келинаётган 70 дан зиёд мактублари бўлиб, унинг 40 таси шоир асарлари 10 жилдлигининг охириги жилдидан ўрин олган. Мазкур мактубларни мазмун-мундарижасига кўра қуйидагича гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Шоирнинг яқинлари, қариндошларига ёзган мактублари (Баҳри Фуломовага, Улуф Фуломовга):

2. Фафур Фуломнинг ижодкор дўстларига ёзган мактублари (Лоҳутийга, Улфатга, Собир Абдуллага, Асқад Мухторга, Сотим Улуғзодага, Мирзо Турзунзодага, Ҳамид Фуломга):

3. Адабиётшунос олимлар ва журналистларга ёзилган мактублар (В. Мирзаевга, А. Шораҳмедовга, В. Рўзиматовга):

4. Ўқувчилар ва ёш газетхонларга йўлланган мактублар:

5. Рассомлар, олимлар, турли касб-ҳунар эгалари, деҳқонларга ёзилган мактублар:

6. Қардош халқлар вакилларига ёзилган мактублар (тожик, туркман, озарбайжон, козоқ, украин).

Мактублар ҳар хил муносабат билан турли кишиларга ёзилган, баъзилари жуда қисқа, баъзилари шеърый шаклда, барибир, уларнинг ҳаммаси Фафур Фуломнинг ижодий ва инсоний қиёфасини ёрқинроқ очиб беришда аҳамиятга молик.

Шоирнинг шундай мактублари борки, улар кўпроқ адабий-танқидий йўсинда бўлиб, Фафур Фуломнинг мунаққидлик сиймосини намоян эътади. Масалан, унинг «Садриддин Айнийнинг 80-йиллик юбилейи тантаналари иштирокчиларига» мактуби тантаналарига шахсан ўзи иштирок эта олмаган, «йирилган дўстларининг чеҳрасида ўз муаллими, узоқ йиллик қадрдони улуғ устознинг сиймосини яна бир бора кўра олмаганидан» афсус чеккан шогирдининг қалб изҳорларидир. Унда «зуллисонайн устод» Садриддин Айнийнинг ижодидан фахрланиш туйғуси кучли.

Фафур Фуломнинг баъзи мактубларида зукко ва теран нигоҳли адабиётшунос, адабиётнинг юксаклиги учун қайғурувчи жонкуяр мунаққидни кўрамиз. Шундай мактублардан бири адабиётшунос Валижон Мирзаевга газетада эълон қилинган «Нафасдек табиий, рост сўз» мақоласидаги баъзи ўринларга библирилан мулоҳазаларга жавоб тарзида ёзилган бўлиб, унда адабиётнинг муҳим масалаларига эътибор берилган.

Шоир Бедил байтларидан мисол келтириш билан мактубнинг бадийлигини таъминлаган. Унда аниқлик, илмийлик тамойили кучли, шу билан бирга ўз фикрида собитлик ва адабиётга, адабиёт аҳлига қатта муҳаббат сезилиб туради. Айниқса, Фафур Фуломнинг таҳлилдаги адабиётнинг ўлмаслиги, шоирликнинг битмаслиги ҳақидаги хулосалари ҳам эътиборлидир.

Фафур Фулом баъзи мактубларида адабий жараёни сезгир кузатиб бориб, ўзбек танқидчилигининг ҳаётдан анча орқада қолаётганини, ҳолбуки, етук танқидсиз бадий адабиётнинг кўнгилдагидек юксакликка эриша олмаслигини таъкидлайди. Ўзи ҳам кемтикликни тўлдириш ниятида адабиётнинг юксаклиги учун курашади. Унинг «Ёш шоир Амин Умарийга ўртоқлик хати» шу муносабат билан ёзилган. Адабий-танқидий характердаги мазкур мактубда шоирнинг учта шеъри таҳлил этилади.

Фафур Фулом ёш шоир ижодига ўта эҳтиёткорлик билан ёндашади, «ўзаро бир-биримизга маслаҳат берсак қалай бўларкан?» дейди камтарлик билан. Мактубни ёзишдан мақсади уч тарафлама эканини баён этади: «... бир ўқувчи сифати билан танқид қилмоқчи, бир шоир сифати билан ўзимдаги тажрибаларни ўртоқлашмоқчи ва, айниқса, бир ўртоқ бўлиш билан «коймоқчи» бўламан».

Мунаққид, энг аввало, «шоирнинг ютуқлари: «Икки ёшлик» шеърининг мазмуни яхшилиги, сюжет жиҳатидан ҳам яхшилиги, аммо анчагина жиддий камчиликларга эга эканлигини кўрсатиб беради. У шоирни образнинг мантқий муносабатлари тўғрисида жиддий ўйламаганликда айблайди, «кўпроқ тил ва умуман сифат учун «коймоқчи» бўлади. Ёш шоирнинг вазн ва қофияларига эътибор қилиши талабчан мунаққидга ёқади:

*«Уҳдасидан чиқай ватаним берган —  
Жону дилдан севган улуғ қарзимни...»*

сатрлари қандай яхши, унда соддагина қилиб айтилган бир самимият бор. Шеърда шунақа байтлар кўп бўлсин. Шуларга қарамай бу шеърда изчил давом йўқ. Айрим жуглалар эгасиз...».

Фафур Фулом шоир сифатида Амин Умарий шеърларидаги қофия, вазни бузилган ўринларни ҳам бирма-бир кўрсатади. Кўпроқ тил масаласига эътибор қаратишни маслаҳат беради: «Мен бу билан сизнинг умуман ижодингизга баҳо бермоқчи эмас эдим. Бу адабиётни баланд даражада кўтаришни, унинг бадий содда, шу билан бирга анъатча қунт билан ишланган, эмоционал бўлишини истаган бир ўртоқнинг самимий мактубидир». У ўз сўзларини ижодининг юксалиши учун Амин Умарийнинг дўстлик маслаҳатларига қулоқ солишига ва яхши асарлар ёзишига умид билан тугатади. Ушбу

мактуб бугунги ёш шоирлар ва танқидчилар учун дастуруламал бўла олиш вазифасини ўташи билан ҳам аҳамият касб этади.

Фафур Фулом мактубларининг сифатлари — қисқалик, аниқлик, мулоҳазани очиқ-ойдин ўта маданият ва камтарлик билан баён этишда намоён бўлади. Уларнинг матний қурилиши ҳам шунга мос. Кўпчилик мактублар мурожаат, байтлар билан далиллаш, фикрларни асослаш каби қисмлардан иборат.

Албатта, бир мақола доирасида бу мактубларнинг барчаси ҳақида фикр юритишнинг имконияти чекланган. Аммо, шуниси муҳимки, энг аввало, танқидчи ва адабиётшунослар, ёш ёзувчилар, бугунги кун ўқувчилари мазкур мактублардан жуда кўп илмий ҳамда инсоний фазилатларни ўрганишлари, шубҳасиз.

Шоира Аҳмедова.

Бухоро.



## «МЕНГА СУЙМАКЛИКНИ ЎЗИБДИ ХУДО»

Шоира Қутлибека Раҳимбоеванинг «Кўксимдаги Тангритоғ» китобини ўқиб

### Биринчи мутолаа

Юрак ростликни соғинганди. Рост дардни соғинганди Юрак. Хиёнатлардан чарчаган, мунофиқликдан безиған, риёдан тўйган Юрак табиийликни, самимийликни, чинликни қўмсаётганди жуда. Топди!

Китобдан топди, шеърдан топди, шоирнинг руҳидан топди. Аниқроғи, бу китобда, бу китобдаги шеърларда, шеърлардаги соғлом руҳда ана шу улуғ неъматлар бор эди, бозиллаб турарди.

Ютоқиб ўқиди, суюниб ўқиди, соғиниб-соғиниб ўқиди.

Алал-оқибат жунбушга тўлди Юрак. Кўнгил деганлари осмон қадар юксалди. Ва бу юксақликда туриб, ватанни, миллатни, ҳурликни суйишнинг, иймонни, инсонни ардоқлашнинг, Ҳақиқатга топинишнинг чин сувратига боқди — термулди. Термулдики, руҳ-жони яппа-яхлит нигоҳга айланди.

Тилу дил эса китобдаги жон қадар суюк ва дилором мисраларни бирма-бир айтар эди, такрорлар эди.

*Озод Ўзбекистон, озод ўзбеклар,  
Айтсам, ҳар товишимдан сачраб чиқар чўғ.  
Ҳар товишим кўксимда Тунгритоғ тиклар,  
Дунёда бундан-да, гўзал унвон йўқ...*  
«Ўзбекистон»

*Мен Сизни соғиндим, ҳазрати Чўлпон,  
Соғиндим бир ичкин, соғиндим чуқур...  
Ватанга Ватанда ҳар нарса етар,  
Бир буюк ишқ етмас Сизларникидай.*  
«Чўлпон»

*Кўнглингда Гурўғли, Авазларинг бор,  
Оқ либос киймоқлик ҳавасларинг бор.  
Изларингда райҳон нафаслари бор,  
Турарсан, айланай туришларингдан!*  
«Ўнглиниш чоғи бу»

...Ўқир эди. Тўлиб-тўлиқиб ўқир эди у. Мисралар эса борган сари ўқтамлашар, улуғлашар, қутлуғлашар эди. Ногоҳ, нигоҳ:

*Чўлда қолсанг ёмғир бўлиб ёғарман,  
Дўлда қолсанг, ўзим қуёш туғарман...*

деган бетакрор ва безавол мисраларга тушди.

Ё, Қодир Оллоҳим, ўзингга шукур Ўзинг берган ёруғ ва улуғ Юрагингга шукур! Ахир, яхшиликнинг, эзгуликнинг, фидойиликнинг, суюб-ардоқламоқликнинг бундан ортиқ сийрату суврати бўлиши мумкинми? Бу улуғ неъматларнинг бундан зиёда таърифу тасвирини топиб бўлармикан?!

Шу аснода китоб варақланаверди. Унинг ҳар саҳифасидан... шеърлар, уларнинг қату-қаватида ўтлиг, ёруғ ростсўз оқиб келаверди.

Кўнгил уларнинг жонсўз, жонмеҳр қувватини олиб... ўқийверди:

*...Мана бу пичирлаш— пастнинг овози,  
Мана бу ғижирлаш— қасднинг овози.  
Қайда, ахир, Мажнун, Тоҳирлар қайда,  
Муҳаббат ўчоғи кўмик қай жойдан?  
Гунчалагинг келар, кўкаргинг келар,  
Малика, Султонлар, кўтаргинг келар.*

«Тоҳирлар қайда?»

Ўқийверди-ю... Энди нигоҳнинг қаршисида бир лаҳза фаҳшу кир, кинларга тўла пастлик дунёси пайдо бўлди. Лекин илоҳий муҳаббат, бокира, топ-тоза бир Дунё барини итариб, супириб юборди. Бахтли, суюкли, толеидан масрур сулув келинчакнинг тонгги супир-супирлари бўлиб, супириб юборди барини.

Энди нигоҳга тўла бошлаган гўшангадаги келинчақлар суюклашдилар, ҳаёю ибога тўла хумор кўзларидаги соғинччи ҳар не покизаликдан покиза, ҳар не беғуборликдан беғубор, ҳар не шириндан ширинроқ гўдаккина қондирадиган бахтли лаҳзалар суюклашдилар.

... Саҳифалар нигоҳ қаршисига яна бир улуғвор руҳни — инсонни бош ҳарфлар билан ёзилар даражада кўтариб турур руҳиятни намоён этди:

*... Ўқинсам, пастлар деб ўқиндим.  
Тўқилсам, номус деб тўқилдим,  
Юқинсам, тикларга юқиндим,  
Ўзинг мард яратдинг,  
Худойим, минг шукур!  
Сўз айтсам, пичирлаб айтмасман,  
Тиғ отсам, елкадан отмасман,  
Дўст туғул ёвмни сотмасман,  
Сен баланд яратдинг,  
Худойим, минг шукур!  
Дардларим ичига чўкса бўлади,  
Шу қадар тозадир, ўпса бўлади,  
Гўдақлар бошидан тўкса бўлади,  
Сен бекин яратдинг,  
Худойим, минг шукур!*

«Сен мени»

Бу ва бу каби мисраларни Юрак сув бўлиб, сел бўлиб... ўқийверди. Дил кутганини, излаганини, ҳамфиқру ҳамдардини топди улардан. Шу боис ҳам... Бир лаҳза ортга қарагиси келмади, олдга юргиси йўқ. Ҳар не дард-ташвишлар, ўйлар майдалашдилар бу дам.

Топгани билан яктан — якжаҳон бўлиб учмоққа шайланди.

Шундай улуғвор Руҳни — Руҳиятни бериб қўйган Қодирул Ҳақнинг дийдори томон талпинди. Улуғ Дийдорга юқинди, унга интилди Юрак.

## Иккинчи мутолаа

Юрак бир сирли, бир нозик, ифорли сўзни соғинганди. Топди. Бир жўнгина манзара, ваз ят тасвирида топди уни. Китобни ўқиркан, у манзара, вазият жўнлигидан «тонди». Оҳорли либос кийди, виқор касб этди. Соғинч қадар сарғайиб, кўнгил қадар нозиклашди. Кўклам қадар ифорли, мўъжиза қадар сирдорлиги билан мафтун этди ўзига. Алал-оқибат муҳаббатдай порлоқ туйғунинг бўйдор бир суратини ўзида пайдо қилди:



*Атиргулни қучган шаббода мастми,  
Сувга тушиб кетди, сой чайқалади.  
Тўлқинда тўп бўлган юлдузлар акси,  
Олтин балиқчадай «дув» тарқалади.  
... Келинг, қувонайлик шу кеча учун,  
Бир жуфтнинг бахти ҳам чиройли. Бахтдир.*

«Ойдин кеча»

Лекин бу муҳаббатдан улғувроқ ўлмасу қаримас яна бир туйғу — яна бир муҳаббат ҳам бор. Бу муҳаббатсиз юрак тош, тириклик файзсиз, мазмунсиз. Бу туйғусиз инсон тонг-ла маҳшарда хору ҳайрон.

Бу муҳаббат инсонга, элу улусга, ватанга, юртга, Ҳақу адолатга муҳаббатдир:

*... Кўзи ёшлиларни кўравераман,  
«Қимлар йиғлатди», деб сўрайвераман,  
Жонимни ўтларга уравераман,  
Менга куймоқликни ёзибди Худо.  
Битта учқуним йўқ— дудли, қароли,  
Давоси адолат, даврон яроли,  
Ўзбаки юрагим— ишқнинг ороли,  
Менга суймакликни ёзибди Худо.*

«Куймакни ёзибди»

Лекин саҳифаларнинг созли сўзи, жонбахш, жонмехр руҳияти, ҳам руҳу равонлиги булар билан тугамас, тугамайди. Қай бир саҳифага келиб, баҳорнинг бадиаси бағрингга кўкламнинг мастона насимини уфуради:

*Қуёш яна султон этиб сайланади,  
Камалаклар кўкка камон— бойланади,  
Қалдирғочлар, қўриқчи қуш— айланади,  
Ўзбекистон тупроғига баҳор келди.*

Қай бир саҳифага етганда эса, дўмбиранинг сеҳркор овози руҳингга кираётганини ҳис қиласан. Олис чўпон ўтовларию, тоғу даралар тўлади «нигоҳ»ингга. Бир лаҳза гулхан атрофида ўтириб, Гўрўели достонини эшитаетгандай бўласан. Фирқўкнинг дупур-дупурига ҳамоҳанг кўзларингни мастона юмиб, чайқаласан. Лабларинг беихтиёр тарзда жонбахш мисраларни пичирлайверади:

*У қошинг бу қоша туташма, иним,  
Ҳушинг ўз уйингдан адашма, иним,  
Шу дилором қизга кўнглинг кетдима,  
Оғзингдаги «оҳ»инг оташма, иним.*

«Талаба укаларимга»

\* \* \*

*...Жонидан жон узиб юрган энаман,  
«Энам»ласанг тов ортидан келаман,  
Сең боланинг бир гапинг бор, биламан.  
...Йигит ўлмай тиклигини берама,  
Эр ётса, эли тикка турама,  
Ётган элни, ахир, биров кўрама,  
Оҳ болам-а, оҳ жоним-а, тўрам-а...*

Юрак ана шу кўйи, саҳифадан-саҳифага гўзаллик шаробини сипқора-сипқора, кўчиб борар экан, китоб уни саҳифалар сайин улғайтиб-юксалтириб, тозариш, баркамоллик оламига бошлаб кетаётганини ҳис қилади...

**Салима Умарова,**  
Навойи вилояти «Дўстлик  
байроғи» газетаси ходими

# РОМАННИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

Ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб, мамлакатда рўй берган жиддий сиёсий-иқтисодий ва маънавий бўҳронлар оғир карвон роман жанрининг ривожини, дастлаб, бироз сусайтириб қўйгандек туюлди. Бу сусайиш унинг инсон турмуши ва ижтимоий жамиятда юз бераётган тезкор воқеа-ҳодисаларни дабдурустдан идрок этолмай қолганлигида эмас, балки роман жанри табиатан кенг қамровли, кўп тармоқли, имконияти ва миқёси катта ҳамда ранг-баранг кўринишли мураккаб санъат асари бўлганлигидан атрофда кечаётган воқеаларни саралашни, таҳлил этиши, халққа қайта ҳикоя қилиб бериши лозим бўлган жиддий муаммо ва образларни танлаб олишидаги мураккабликлар билан ўлчанади.

Ўқувчилар эса чанқоқлик билан роман кутарди. Бу эҳтиёжни қондириш истагида аксар адиблар ўзларини таржимага урдилар. Таржима икки томонлама фойда келтирди: биринчидан, қисқа муддатда ўзбек китобхонлари А.Камю, Ф.Кафка, Г.Маркес, Б.Пастернак, М.Булгаков сингари ёзувчиларнинг юксак бадиий ва фалсафий асарлари билан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Иккинчи томондан, бу асарлар адибларимизнинг ижодий лабораториясига Ғарб адабиётига хос ифода усуллари ҳамда нутқ шакллари олиб кирди. Кўп йиллар мобайнида ўзбек адабиёти учун эшиги тақатақ беркитилган модернизм ҳазинасига йўл очилди. Натижада ўзбек насрида ҳам қисқа муддатда кашфиётнинг турфа ранглари билан жилоланган катта-кичик асарларнинг дунёга келишига имконият яратилди.

Истиқлол даврига келиб, роман жанри ўзининг тарихий тажрибаларига таянган буюк Шарқнинг бадиий ва фалсафий анъаналарини ижодий давом эттирган ҳолда баён ва тасвирлаш усулларида жиддий ижобий натижаларга эришди. Сўнгги йиллар романлари воқеалар тизимининг қутилмаган тасодифларга бойлиги, мифлар, афсона ва ривоятлардан ўринли ҳамда унумли фойдалана билиши, маданий-маънавий ва диний қадриятларимизнинг барҳаётлигини исботловчи тасаввуфий қарашларни сингдиришга уриниши билан эътиборни тортмоқда. Бу борада Шукур Холмирзаев, Омон Мухтор, Тоғай Мурод, Хуршид Дўстмуҳаммад, Асад Дилмурод, Шойим Бўтаев кабиларнинг хизматини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Чунки улар яратган романлар ўзининг баён услубидаги кўп овозлилик, тасвирдаги мажозийлик фазилатлари билан аввалги босқичда яратилган асарлардан тубдан фарқланиб туради.

Негаки, ўзбек романи кейинги йилларда ўзининг Шарқ адабиётига хос азалий фазилатлари ҳисобланган шартлилик, рамзийлик тамойилларига қайтиши туфайли тасвир имкониятларини беқиёс даражада кенгайтди. Мажозий тил билан ҳикоя қилинган асарларда ўтмиш билан бугун, фано билан бақо, замон билан макон бир нуқтада бирлашади, бир пайтнинг ўзида ҳаракатланаверади. Бу ҳолат битта қалб драмаси орқали аён бўлади. Бу, аслида Шарқ фалсафаси бўлиб, унинг тасвир йўналишига, менимча, Ғарб модернизмнинг дахли йўқдир.

Дарҳақиқат, истиқлол туфайли ўзбек романлари бағрига бадиий адабиётнинг азалий фазилатларидан шартлилик, мажозий тасвир қайтиб келди. Бундай тасвирлаш усуллари ўзимизнинг бой ва ранг-баранг халқ оғзаки ижодига ҳам, мумтоз адабиётимизга ҳам хос эди. Халқ эртақлари ва дostonларидаги қаҳрамонларнинг кўплаб ғайритабиий воқеаларга, масалан, сафарга кетаётган йўловчининг парилар, девларга дуч келиши, қудуқдан сув олмоқчи бўлганда пақирга одам ёки ялмоғизнинг илашиб чиқиши, қудуқнинг ичига тушиб, аллақандай саргузаштларни бошидан кечириши, Фарҳоднинг деу аждаҳолар билан олишиб, уларни бир зар билан енгиши, Мажнуннинг саҳрода ваҳший ҳайвонлар билан «дўстлашиб» бирга яшаши ўқувчини ажаблантирмайди.

Шу нақтаи назардан таниқли ёзувчи Омон Мухторнинг бири-биридан қизиқарли, бири-бирига ўхшамайдиган «Минг бир қиёфа», «Кўзгу олдидаги одам», «Ффу», «Тепаликдаги хароба», «Афлотун», Шукур Холмирзаевнинг «Динозавр», Асад Дилмуроднинг «Фано даштидаги қуш», Хуршид Дўстмуҳаммаднинг «Бозор», Улуғбек Ҳамдамнинг «Мувозанат» романлари характерлидир. Уларда рамзий тил, мажозий тасвир воситалари ўзаро қоришиб кетганлигидан айрим ҳодисалар ўқувчи тасаввурига сигмай ҳам қолади.

Истиқлол йилларида дунёга келган романлар ўзининг сюжет ва композицион қурилишидаги хусусиятлари билангина эмас, балки нутқий кўринишлари жиҳатидан ҳам ранг-баранг ва қизиқарлидир. Ҳозирги ижод аҳли ҳар бир сўзнинг ички

имкониятларидан, маъно қудратидан унумлироқ фойдаланишга алоҳида эътибор бермоқда. Эндиликда маънавий-маърифий жиҳатдан янгилашиб бораётган халқимизнинг ҳозирги авлоди бадиий нутқнинг бундай янги кўринишларини тўғри қабул қилолмас экан, у ҳолда ҳеч ким, шу жумладан, ҳар қандай таланти ёзувчи ҳам бундай нутқ шаклларини кундалик адабий истеъмолга олиб киролмайди ва унинг яшаб қолишига кафилик беролмайди. Афсуски, адабиётимизда ана шундай нутқий инфляцияга учраган асарлар ҳам аҳёнда бўлса-да, учраб турибди.

Аввало, шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ҳозир яратилаётган айрим романларда тилга олгудек муаммо, кейин ҳузур қилиб айтиб бергудек сюжет йўқ. Шу боисдан уларда тасвирланаётган қахрамонлар (агар улар шу номга лойиқ бўлсалар...) ё нуқул гапирадилар, ўйлайдилар ёки фақат ҳаракат қиладилар, холос. Аммо гапларида на мантиқ, на маза-матра бўлмаганидек, ҳаракатларида ҳам на тартиб, на ишонч мавжуд. Сўнгги йилларда яратилган ва айрим адабиётшуносларнинг таҳсинига сазовор бўлган Тўхтамурод Рустамнинг «Капалаклар ўйини», Солиҳ Қаҳҳорнинг «Дайди қизининг хасрати», Олимжон Холдорнинг биратўла уч романдан иборат трилогияси каби асарлар юқорида айтилган камчиликлардан холи эмас.

Энг муҳими, уларда романбоп муаммо етишмайди. Маълумки, роман халқнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётида ва қалбида рўй берган инқилобий ҳодисаларни тасвирлашга мойил жанрдир. Сўз билан семиртирилган ҳар қандай асарни роман деб тавсия этиш ижодга енгил-елпи қараш оқибатидан бошқа нарса эмас. Ўнлаб қиссалари билан жаҳонга танилган Чингиз Айтматов «Нега роман ёзмайсиз?» деб сўраганларида ҳали роман ёзишга тайёр эмасман, деб жавоб берган эди. Адабий жамоатчилик томонидан роман сифатида тан олинаётган «Шайтанат» асари муаллифи Тоҳир Малик уни қисса деб эълон қилди. Бу фақат санъаткорнинг камтарлиги эмас, балки юки оғир роман жанри олдидаги масъулиятни ҳис қилиши ҳамдир. Юқорида номлари тилга олинган адибларимизда эса, ана шундай масъулият етишмаслиги сезилиб турибди.

Аслини олганда, бутунги кун адибининг кундалик ташвишлари, уни қийнаётган ўй-фикрлар, айтмоқчи бўлган гапи, ёзилажак романдагидан ўн чандон қизиқарлироқ ва муҳимроқдир. Фақат улар ана шу айтиладиган гапнинг энг сарасини танлаб, тартибга солиб, чегаралаб олмоқлари, манзилни аниқ кўзламоқлари шарт. Акс ҳолда, кашфиётлар денгизининг пўртаналари уларни четга улоқтириб юбориши табиий. Ушбу асарларда кўзга ташланадиган бош камчилик воқелик инфляциясининг кучлилигидир. Бу қусур айниқса, «Капалаклар ўйини»да аниқ сезилади. Баён қилиш усули асар номига мос равишда капалакларнинг учишига ўхшайди. Бироқ капалаклар маълум мақсад билан учсалар, баёнда на тартиб бор, на мақсад аниқ эмас. Ёзувчи ҳаёлига нима келса, тартибсиз тарзда киритаверади. Натижада на макон, на замон, на қахрамон ўқувчининг кўз ўнгида аниқ намоён бўлмайди.

Романга зироат ва зираворшунослик факультетининг (муаллиф уни «куллиёт» деб беради) талабаси Бадал Армоннинг «Кетаман! Барибир бош олиб чиқиб кетаман!» деган сўзлари асос қилиб олинган. Аммо қахрамоннинг ўзи учун «беъмано туюлган ҳаётдан бош олиб чиқиб кетишга аҳд» қилганлиги ёзувчи томонидан бадиий жиҳатдан кўрсатиб берилмайди. Бора-бора баён шу қадар бачканалашиб кетадики, сўзгина эмас, балки бутун-бутун иборалар қайта-қайта такрорланаверади. Одатда такрорнинг ҳам ўзига яраша вазифаси бўлгучи эди, афсуски, бу баёндаги такрорлар ортиқча гапвозликни вужудга келтиради, холос. Масалан, китобнинг 205-208 саҳифаларида маҳалла болаларининг Эшим иш-ш оғилига киришлари ҳақидаги ҳикоя асарнинг умумий ғоявий мундарижасига нима дахли бор?

Онг оқими асосига қурилган бу роман воқеалари орқали айтимокчи бўлган фалсафани профессор Санжар Содиқ зукколик билан таъкидлаганидек, «Бирон танқидчи синчиклаб ўқиш натижасидагина тушунтириб бермаса, оддий китобхоннинг англаб етиши амри маҳол кўринади.» Аксинча, тадқиқотчи З.Пардаева «Капалаклар ўйини»ни «бутунги ўзбек романи эришаётган мўъжиза ютуқлар сирасига» киритади ва уни сал бўлмаса XX-асрнинг сўнгги ўн йиллигида яратилган энг оригинал асар деб баҳолайди.

Ўқувчига етказиладиган фикр қанчалик аниқ бўлса, санъаткор шунча кўпроқ маънони илгари сура олади. Ноаниқлик, мавҳумлик бадииятнинг душманидир.

Шуниysi эътиборга лойиқдирки, кейинги йилларда яратилаётган романларда бадиий нутқнинг янгича кўринишлари асарнинг жозибадорлигини ошироқда, унга узоқ умр бағишламоқда. Шу нуқтаи назардан деярли ҳар бир асарида янгиликка интилиб, шакл ва мазмун ҳамда бадиий тил имкониятларидан унумли фойдаланиб, ўқувчилар меҳрини қозонаётган Хуршид Дўстмуҳаммад, биринчи романи «Мувозанат» билан китобхонлар ва адабий жамоатчилик назарига тушган Улуғбек Ҳамдам асарлари характерлидир. Хуршид Дўстмуҳаммад ўзининг «Бозор» романи билан ижодий баркамоллик сари яна бир дадил қадам ташлади. Олдиндан айтиб қўйишим мумкин: ҳали романда чуқурроқ, кенгроқ

ишланишга муҳтож ўринлар бор. Хусусан, менга Фозилбек ҳозирча характер даражасига кўтарилмагандек туюлди. Боз устига, у романда фаол эмас, шунчаки муносабат воситаси, холос. Инчунун, Фозилбек ҳам «Оромкурси» қиссасидаги Кўклам Тонготаров сингари ўз кўзлаган мақсади йўлида дадилроқ бўлганида роман, шубҳасиз, ютарди. Яна шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, адибнинг ҳикоя ва қиссаларида исмлар зиммасига маъно юклаш маҳорати романда тагин ҳам кенгайган ва чуқурлашган.

«Бозор» романи сиртдан қараганда муаллиф-ёзувчи томонидан ҳикоя қилингандек туюлса-да, аслида, баёнга асосий қаҳрамон Фозилбекнинг қарашлари, муносабати, ҳис-туйғуси сингдириб юборилган. Шундан келиб чиқиб, ушбу асар баёни ёзувчи ва қаҳрамон овозларининг чатишувидан ташкил топган полифоник роман дейиш мумкин. Ҳикоячи-муаллиф бозорга, одамларга, жамиятга, нарса ва ҳодисаларга Фозилбек кўзи билан қарайди, унинг фикрлаши орқали муносабат билдиради, қарашлари орқали баҳолайди. Қаҳрамонининг исми ҳам бежиз Фозилбек деб (олим, билимдон) аталмаган. Шу боисдан ўқувчи романдаги иккиовозли нутқнинг ўта фалсафий мушоҳада асосига қурилганидан ажабланмайди. Фозилбек ҳеч қаерда ишламайди, фақат бозор айланади, холос. Унинг бозор айланиши боблари сингари савдо-сотик билан шуғулланишга ёки отаси каби мансабдор бўлишга ишқибозлигидан эмас. Аслида, отаси Қосимбек ҳам уни бошқа ўғиллари қатори кўп марта бозорга аралашшига, пул топиш йўллари ни ўрганишга ундаган. Фозилбек эса: «Бу ёруғ дунё учун пул ҳасратида яшамайдиган бир далли-девона ҳам керак-ку!» деб унамаган.

Фозилбекнинг айнан мана шу мушоҳадасидан адибнинг асосий ниятини илғаб олиш мумкин: бу ёруғ дунёда кўпчилик шахсий манфаат ва нафс балосига учраган. Уларни кун сайин болалаб, бардамалаб кетаётган ана шу Ножинск исқанжасидан кўтариш керак! Лекин қандай қилиб? Афсуски, романдан бу саволга аниқ ва лўнда жавоб тополмаймиз, аммо кўнглимизда тугун ҳам қолмайди. Негаки, Фозилбек бозорда турли одамлар билан учрашади, мулоқотда бўлади. Инсофийлар ҳаракати мавжудлиги ҳақида ҳам хабардор бўламиз. Буларнинг барчаси «ўзи асли найранг бозор»и бўлган бу ҳаётнинг ўнгланишига, Фозилбек ва Қадрия сингари ҳалол, пок авлоднинг дунёга келишига умид бағишлайди.

Романда муаммолар гоят кўпайиб кетган. Ёзувчини шу куннинг барча масалалари, дардлари, ҳатто «одамларда меҳр-оқибат камайганидан тортиб, сичқон урчиганигача, ажабтовур махлуқ пайдо бўлганидан то ернинг чўкишигача» ташвишга солади ва уларни романга киритаверади. Аслида, бозор бўлгандан кейин шундай бўлиши табиийдек ҳам кўринади. Чунки бозорга ҳамма нарсани олиб кириш мумкин. У ерда айрим нарсаларнинг ўтмай қолиши бозорнинг кундалик йўсинига ҳалақат бермаганидек, романда тилга олинган баъзи муаммоларнинг ечилмай қолиши ҳам билинмайди.

Юқориди айтилганидек, образлар хатти-ҳаракатидан бошлаб ҳар бир сўзигача тўла равишда рамзий маъно касб этган. Бироқ романда шартли элементлар, тасвирлар шу қадар кўпайиб кетганки, уни тушуниб, маъзини чақиб олишга баъзан ўқувчининг ақли бовар қилмай қолади. Бу, айниқса, роман сўнггида берилган чойхона тасвири ва унда қўлланилган рамзий деталларнинг қандай маъно англатиши мураккаблигида аниқ кўринади. Бу мажозий тасвир англатган маънони тўла англаб етиш учун ё ҳозирги ўқувчида ҳам замонавий-фалсафий, ҳам диний-тасаввуфий билим тўла шаклланган бўлиши ёки ёзувчининг ўзи унинг ҳузурига бориб тушунтириб бериши керак.

Иқтидорли адиб Улуғбек Ҳамдамнинг «Мувозанат» романида ҳам худди «Бозор» асаридаги сингари асли найрангбозор бўлган дунёда мувозанатнинг бузилиши оқибатида айрим шахсларнинг фожиага учраши, баъзиларнинг эса ўзини ўнглаб олишга куч, ирода топа олганлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Романнинг асосий қаҳрамони Юсуф тимсолида ўткинчи ҳаёт кемасида чайқалаётган инсонларнинг ботинан ва зоҳиран кураши, бунда қийинчилик билан бўлса-да, ўзликни англаш жараёни акс эттирилади. Юсуф ўзи билан қаттиқ курашади, илмга, ҳалолликка интилган Юсуф охири мол-дунё ҳамда нопоклик йўлидан кетаётган Юсуфни енгади. Бу жараён осонликча рўй бермаганлиги асардаги Миразим, Саид, Амир тимсолидаги қиёсий талқинда янада аниқроқ намоён бўлади.

Роман композицион жиҳатдан пухта қурилганлиги билан ҳам ажралиб туради. Ҳар бир боб асар марказига олинган тўртовлондан бирининг ҳаётидаги мувозанат бузилишининг сабабларини очишга бағишланади. Шу сабабдан уларнинг биронтасини ҳам алмаштириб ёки қисқартириб бўлмайди. Бу фалсафий талқинларда ҳаёти ифодаланаётган характер табиатига мос оҳанг танланади ва ушбу восита қаҳрамоннинг руҳий оламига чуқурроқ кириб бориш имконини беради. Натижанда, китобхон ҳар бир образнинг кечаги, бугунги ва эртанги кунидан, қисматидан тўла хабардор бўлади. Масалан, Амирнинг қисмати тўғрисида гап кетган бобларда сокин ғамгинлик, унинг табиатига мос равишда тасаввуфий рух, ачиниш оҳанги сезилса, Саиднинг фаолияти таҳлил этилган бобларда осойишта фалсафий мушоҳада оҳанги устувор, аксинча, бойлик исқанжасида

ўралашиб қолган, на жисман, на маънан қийналмай яшаётган Миразим ҳақидаги боблар қандайдир лоқайдлик, бепарволик оҳанги билан суғорилган.

Романда айтилмоқчи бўлган фикр ҳам тарқоқ эмас. 96-бобдан бошлаб ёзувчининг асосий нияти, яъни, ҳаётда мувозанатни тенг сақлаш ҳақидаги фикрлари илгари сурилади. Бу хулоса ўқувчини ўйлашга, мақсадни аниқ қўйиб олға интилишга ундайди.

Хуллас, ўзбек романининг ойдин йўли фақат Фарб адабиётининг ифода усулларини ўзлаштириш, унинг анъаналарига билиб-билмай эргашиб, гўё «янгилик» кашф этишдагина эмас. Бундан кўп сонли ўқувчилар оммасининг азият чекаётганлигини эсдан чиқармаслик шарт. Назаримда, ўзбек романчилик мактабининг асосчиси Абдулла Қодирий берган барҳаёт сабоқлар ҳозирги романнависларга ҳам дастур ул-амал бўлмоғи керак: ««Ўтган кунлар»ни ёзар эканман, кўз ўнгимда ҳар доим ўқувчи оммамиз турди». Бинобарин, янгича ифода усуллари ва нутқ шакллари ҳозирги ўқувчи оммасига оздан сингдириб бориш ўринлидир. Акс ҳолда, ҳали тиши чиқмаган чақалоққа қурут шимишни мажбур қилиш билан баробардир.

Йўлдош Солижонов,  
филология фанлари доктори

## АДАБИЁТ АБАДИЙ

---

\*\*\*

Маҳмудхўжа Беҳбудий бундан 100 йил бурун (1904 йил) «Китоб ул-атфол» («Болалар учун китоб»), «Мухтасари тарихи ислом» («Қисқача ислом тарихи») асарларини ёзган эди.

У 85 йил муқаддам (1919 йил) ҳар хил маърифат душманлари ифвоси билан Қаршида ушланиб, амир Саид Олимхон фармони билан қатл қилинган. Ушанда 44 ёшда эди.

\*\*\*

Маърифатпарвар буюк инсонлардан яна бири — Абдулла Авлоний бундан 70 йил бурун (1934 йил) 56 ёшида вафот этган эди.

\*\*\*

Ўтган асрнинг буюк адибларидан бири — Садриддин Айний вафот этганига бу йил 50 йил бўлди (1954 йил). Улимидан сал олдин у тўрт жилдан иборат «Эсдаликлар» асарини ёзиб тугатган эди.

\*\*\*

*Қувди мени жоҳиллар ўшандоғ ватанимдан,  
Лекин кува олмас суханимни даҳанимдан...*


Ажойиб шоир ва арбоб, хушчақчақ, мард инсон Муҳаммад Шариф Сўфизода бундан 70 йил бурун (1934 йил) «Байрам нашидалари» деган достонини ёзган эди.

\*\*\*

Ўзбек адабиётининг кўзга кўринган вакилларида Фози Юнус (Юнус Муҳаммад ўғли)нинг «Заҳҳоки морон» («Илонлар ҳукмидаги Заҳҳок») драмаси XX аср бошида жуда машҳур эди. Асар биринчи бора бундан 85 йил муқаддам (1919 йил) Маннон Уйғур режиссёрлигида «Колизей» театрида сахна юзини кўрган эди.

\*\*\*

Адиб ва санъаткор Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий бундан 75 йил бурун (1929 йил) фожеали ҳалок бўлган эди. Унинг ижоди ҳам асосан, маърифатпарварлик роялари билан тўлгин. Ҳамза ижоди баъзи бир баҳслар уйғотганига қарамай, унинг шеър ва ғазаллари, драмалари адабиётимиз тарихида ўз ўрнига эга.



Муҳаммад Хайруллаев

## «Фарғона афандиси» изидан

### Сўзбоши ўрнида

«Шарқ юлдузи» кутубхонасида чоп этилган «Фарғона афандиси»ни қўлимга олар эканман, Фарғонада Адҳам ака Ҳамдамовга ҳамнафас бўлган йилларимда кечган бир дунё воқеалар, шодиёна гурунглар кўз олдимга келди-ю, чехрамда беихтиёр илиқ жилмайиш пайдо бўлди. Негаки Адҳам Ҳамдамов ҳозир бўлган жойда ҳамиша хурсандчилик, ҳазил ва қаҳқаҳа ҳукм суради. Мазкур термини «Фарғона афандиси» деб мантиқан асосли ном беришган. Шарқда азалдан, Туркияда эса ҳозир ҳам ҳурматли кишиларга («жаноб» маъносида) «афанди» деб мурожаат қилишади. Бундан ташқари, «афанди» сўзи «ўқитувчи» ва яхши маънода «дарвеш» деган тушунчаларни ўз ичига олади. Адҳам Ҳамдамов ана шу тушунчаларнинг барига том маънода жавоб берадиган, дилкаш, одамохун, дилбар инсон эди. Хуллас, ёқимли хотираларга чўмиб ўтирар эканман ўтган йиллар ўзбек тилида чоп этилган яшил муқовали кўп жилдли «Насриддин афанди латифалари»ни эсладим-у, миямга лоп этиб Адҳам аканинг ўзи билан боғлиқ ҳангомалар, у киши туқиган латифалар жамланиб китоб шаклида чоп этилса савоб иш қилинган бўларди, деган фикр келди. Насриддин афанди фольклорга хос йиғма сиймо (образ). Адҳам Ҳамдам эса замонамизнинг жонли афандисига айланган латифабоп шахс. Адҳам ака кунба-кун айтиб берадиган (ҳар сафар янги) «теша тегмаган», «оҳори тўқилмаган» латифалар бир дунё. Улар оғиздан-оғизга кўчиб юрибди. Айримлари эса аллақачон фольклорга айланиб кетган. «Шарқ юлдузи» таҳририяти бу фикримни маъқуллаб, журнал саҳифаларидан жой ажратишларини айтишди. Одатда, бирон ташаббус билан чиққан одамнинг ўзи биринчи бўлиб намуна кўрсатиши анъанага айланган. Таҳририят ҳам, мана ўз кучида қолсин, дея хайрли ишни бошлаб беришни каминалари зиммасига юклашди. Жон-жон деб қабул қилдим бу тақлифни. Имоним комилки, шинавандалар, биринчи навбатда Адҳам Ҳамдам мухлислари ўз билган, эшитганларини журнал

тахририятига ёзиб юборишади. Шундай қилиб, қарабсизки, тома-тома кўл бўлур, деганларидек, аввало журнал саҳифаларида чоп этиб бориладиган латифа ва ҳангомалардан иборат термалар фурсат келиб яхшигина китоб шаклида нашр қилинса ажаб эмас. Бу тўпламнинг қўлдан-қўлга ўтиб ўқиладиган, ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайдиган нашрлардан бўлиб қолишига ҳам аминман.

## «Мардуми Фарғонаман»

Адҳам Ҳамдам асли тошкентлик бўлиб Дегрез маҳалласида туғилган, ўз ижодини шеър ёзиш билан бошлаган, элга танилган яхшигина шоир бўлган. «Самарқанд куйлайди», «Қасамёд» сингари шеърий тўпламлардан иборат китоблари нашр этилган. Айниқса, Улуғ Ватан уруши йилларида кенг тарқалган «Сўнгги хат» достони ўша вақтларда кўлма-кўл ўтиб ўқилган асарлардан бири бўлган. Адҳам ака Иккинчи жаҳон уруши йилларида аввал 2-Белоруссия фронтида жанг қилади. Сўнг ўзбек дивизиясининг «Фронт ҳақиқати» газетасининг ҳарбий мухбири сифатида жанг майдонларини кезиб, жангчилар ҳақида кўплаб мақола ва очерклар ёзди. Оташин шеърлари бошқа газеталарда ҳам чоп этилган, радио карнайларидан янграган. Урушдан кейин Самарқанд ва Андижонда ишлаган, умрининг қарийб ярмини Фарғонада ўтказган, руҳан фарғоналикларга сингиб кетган. У кишининг ўзи ҳам участкаси курилиб битган кунлардан бирида ҳовлида катта сўрида дастурхон атрофида ўтирганимизда:

— Мени кўплар фарғоналик деб ўйлашади. Ростдан ҳам фарғоналик бўлиб кетдим. Мана, яхши ният билан ҳовли-жой қилдим. Вақт-соатим етиб қазо қилсам, Фарғона тупроғига қўйишади. Хуллас, мардуми Фарғонаман, деган эди. Адҳам Ҳамдамов 1986 йилда Фарғонада вафот этади. Ўзлари айтганларидек, ўша ерда дафн этилади. Аммо шоир Адҳам Ҳамдам номи билан бутун Республикамизга машҳур бўлган ажойиб инсон одамлар хотирасидан ўчгани йўқ, ўчмайди ҳам. Чунки у киши томонидан айтилган латифалар, ичакузди ҳангомалар оғиздан-оғизга кўчиб юраверади. Ҳатто Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистон Республикаларининг журналист ва ёзувчилари Адҳам акани яхши билишар, ҳурмат қилишар эди. Ҳозир ҳам бирон даврада у киши ҳақида гап кетгудай бўлса, одамлар мамнун эслашади ва албатта, Адҳам ака латифаларидан бирикки шингил айтиб беришади. Ҳа, Адҳам акани хотирлаш ҳам кишиларга хушнудлик ва қаҳқаҳа инъом этади.

Олтмишинчи йилларда Фарғона вилоят газетаси «Коммуна»га муҳаррирлик қилган Адҳам Ҳамдамов эрталаб тахририятга келиб, аввало котибият хонасига кирар, салом-алиқдан сўнг «оҳори тўқилмаган» иккита латифа ёки бирон қизик ҳангома айтиб бизларни кулдирад, ана шундан кейин иш юзасидан гаплашар эди.... Ҳозир орадан йиллар ўтгач, бундоқ ўйлаб қарасам. Адҳам акадан одамийлик, самимийлик, ўзбекона муомала-маданият, одамларга нисбатан ҳамиятли бўлиш борасида кўп нарса ўрганган эканман. Умуман, Адҳам акага меҳр қўймаган, у кишини яхши кўрмайдиган одам кам топилса керак, деб ўйлайман. Фақат махсус идораларнинг ходимларигина муҳаррирга бошқача кўз билан қарашган. Бунга Адҳам аканинг ўзлари ҳам билган, албатта. Шоирнинг «узу» тилини кесиб ташлаш, ҳеч бўлмаганда «қискартириб» қўйиш ниятида юрганлар, ҳатто газета тахририят жамоаси орасида Адҳам аканинг ҳар бир босган қадамини, ҳар бир луқмасини етказиб турадиган бирон кимсанинг бўлганлигига шубҳам йўқ. Адҳам Ҳамдамнинг жонига ора кирган инсонлар ҳам бор эди. Фарғона вилояти раҳбари котиби Турсун Қамбаров бундан хабардор, шу боисданми ёки бошқа сабабданми, «ўртоқ Ҳамдамов» деб унга яхши муносабатда бўларди.

## Бюродан кейин

Кунлардан бирида Адҳам ака билан биргаликда сафарга отландик. У киши йўлга кўз қадаганича ҳайдовчи ёнида сукутда кетиб борар, мен ҳам одоб сақлаб жимгина ўтирдим. Машинамиз Олтиариқ йўлига чиқиб олгандан кейингина Адҳам ака ўтирилиб деди:

— Яқинда обком бюросининг кенгайтирилган мажлисида орқароқ жойда эски қадрдонларим орасида ўтирдим. Мажлис чўзилиб кетди-ю, шўхлигим тутиб, секин латифа бошлаб юбордим. Жўраларим нафасларини ичларига ютиб, бошларини қуйи эгишиб қиқир-қиқир кулишарди. Бир пайт Турсун Қамбарович сезиб қолган шекилли, биз томонга қараб:

«Ўртоқ Ҳамдамов!» — деб қолди.

«Лаббай?» — деб ўрнимдан турдим.

«Ҳазилларингизни йиғиштиринг! — деди у киши. — Обком бюросида ўтирибсиз!»

Қўлимни кўксимга қўйиб:

«Хўп-хўп», — дедим-у, жойимга чўқдим.

Орадан бир ҳафта ўтгач Қамбаровни олиб юрадиган ҳайдовчиси эрталаб уйимга бориб қолди. «Районга борар экансизлар», деди. Хуллас, Турсун Қамбарович машинанинг орқа ўриндиғида, мен эса олдинда, ҳайдовчи ёнида кетиб борар эканмиз, Турсун ака мирзатераклар бўй чўзган йўл бўйига ишора қилди. Шу ерга етганимизда у киши:

«Ўртоқ Ҳамдамов, қани, бошланг энди» — деб қолдилар. Нималигини яхши англаб турган бўлсам-да:

«Нимани?» — деб сўрадим.

«Янги латифалар бордир?»

«Йўқ, Турсун Қамбарович, — дедим жиддий. — Сизнинг буйруғингиздан кейин латифа айтишни қўйганман. Ахир сиз обкомнинг биринчи котибисиз... Агар, латифа айтишни яна бошласин десангиз бюронинг қарорини чиқариб беринг».

## Гап

— Адҳам ака, — дедим бир куни идорада у кишининг хонасида ўтирган пайтимизда, — бир дунё қизиқ-қизиқ ҳангомаларни биласиз. Ҳар қайсиси кичик бир ҳикоя бўлиши мумкин. Нега ёзмайсиз?

— Ёзишга тоқат йўқ. — Адҳам ака жиддий гапирган бўлса-да, кўзлари кулиб турарди. — Мен гапиришга яратилганман.

У киши доим шунақа ярим ҳазил, ярим чин сўзлар, баъзан рост айтаяптими ёки ҳазиллашяптими — билиб бўлмасди.

— Латифа ёзиш учун эмас, айтиш учун яратилади, — деди яна Адҳам ака. Бир неча сонияли сукутдан кейин эса жиддий қиёфада: — Шунинг учун ҳам аввадан оғзаки адабиёт жанрига киритилиб келган, — деди.

Чиндан ҳам Адҳам аканинг турган-битгани гап. Кўп латифаларни унинг ўзи тўқир, бировлардан эшитганларини ҳам ўзича таҳрир қилиб «жило» берар, янгича тафсилотлар билан бойитар, энг муҳими, ижро этиш санъати юксак эди. У киши айтган латифаю ҳангомаларнинг «шираси» ўзгача бўларди. Хуллас, катта актёрларга хос маҳорат соҳиби эди. Шу жиҳатдан Адҳам акани бахшиларга қиёслашмайман. Лекин ҳеч қачон аскияга қўшилмас, у кишини ҳам ҳеч ким аския қилишга журъат этмас эди.

Адҳам ака балки тўғри йўл тутган эди. Аския пайтида, қизиқиб кетиб, одамга малол келадиган, нафсониятига тегадиган луқмалар айтиб қўйиш мумкин. Бундан ташқари, кўп ҳолларда гурунгда аёллар ҳам қатнашаётганлиги эътиборга олинмай, яланғоч қочиримлар, ибосиз сўзлар баралла айтилади. Бу эса нозик табиатли ўзбеклар одобига мутлоқо ётди.

Фольклорни яратувчилар Адҳам ака тоифасидаги кишилар бўлса ажаб эмас. Улар на муаллифлик, на қалам ҳаққи даъво қилишади ва на шуҳрат ортидан қувишади. Адҳам ака ҳам мол-дунё ёки шуҳрат кетидан қувган одам эмас. Бутун ҳаёти давомида на машина сотиб олган, на ортиқча мол -дунё орттирган. Шу боисдан ҳаётида биринчи марта (кўп қатори) қура бошлаган участкаси (ҳовли-жой)ни неча йил давомида қуриб битказганидан хабардорман. Шу ўринда яқшанба кунларидан бирида газета таҳририяти жамоаси (фақат эркаклар) билан Адҳам аканинг участкасига ҳашарга борганимизни эслаб ўтмоқчиман. Пойдевори қўйилган, лекин ҳали фишт терилмаган участкага эрталаб етиб бордик. Аммо Адҳам аканинг ўзлари йўқ. Озодахон опанинг айтишларича, бозорга кетган экан. Шу сабаб нима қилишни билмай чой ичиб гурунглашиб ўтирдик. Бир пайт нималар биландир тўлдирилган қовоз халталар кўтаришиб Адҳам ака билан ҳайдовчи кириб келишди. Шу дақиқалардан жонланиш пайдо бўлди. Бир неча киши ҳовлининг чеккароқ жойига темир ўчоқ ўрнатиб қозон осишга, ёши улугроқлар сабзи-пиёз арчиб, гўшт тўғрашга киришиб кетишди. Бизлар эса энг шимариб кўча юзидаги фиштарни ичкарига ташишга бел боғладик... Одатдагидек, яна латифалару ҳангомалар бошланиб кетди. Кўп фурсат ўтмай палов тайёр бўлди. Иш қолиб маишатга ўтибди, шишалар кетма-кет очилди... Ишга келсак, биз ҳашарчилар ташиб киритган фиштарни иккита мардикор тушга қадар бажариб қўйган бўларди. Хуллас, кеч кириб қоронғу тушганда уй-уйимизга кетишга шайландик. Адҳам ака бизни кузатиб кўча юзига чиқар экан:

— Тез-тез келиб туринглар. Ҳали ташийдиган фишт кўп, — дея биз билан хайрлашди.

## «Қандоқ яхши»

Бир куни «Миртемир домла келибдилар. «Фарғона» меҳмонхонасига жойлашибди» деб эшитиб қолдим-у, у кишини зиёрат қилиш ва Фарғона сафарига оид режаларини билиш мақсадида Адҳам ака билан биргаликда ўша ерга йўл олдим. Адҳам Ҳамдам бор жойда ҳар қачонгидек қаҳ-қаҳа бошланиб кетарди. Ҳозир ҳам шундай бўлди. «Жвачка»



деган замонавий сақич Ўзбекистонга энди-энди кириб келаётган эди. Миртемир ака ҳам вақти-вақти билан сақич чайнаб турарди. Ҳозир ҳам даҳани бетўхтов қимирлар, лабларини чўччайтириб гапирар, айрим сўзларини ямлаб талаффуз қилар, шу боисдан одатдагидан ҳам кам гапирар эди. Бунга эътибор берган Адҳам ака:

— Домла, сақич чайнашингизнинг бирон сабаби бордир, а? — деб сўраб қолди.

Миртемир ака хижолат бўлиброк:

— Шундай, — деди. — Жиғилдон қайнайди. Шу савилни чайнасам сал босилгандай бўлади.

Адҳам ака эса:

— Э-э, жиғилдон қайнашга ҳам шифо экан-да, а?! — деб таажуб билдирган бўлди.

— Хўш-хўш... Яна нимага шифо экан? — Миртемир ака, одатдагидек, соддалигига бориб, астойдил қизиқиб қолдилар.

— Келинингизнинг жағи ҳеч гапдан тинмасди, — Адҳам ака одатдагидек шошмасдан жиддий гапира бошлади. У киши ҳар қандай ичакузди латифани айтганда ҳам жиддий гапирар, гурунгдагилар қанчалик хахолашмасин, мийғини бузмас, навбатдаги латифани ўйларди шекилли, кулгининг ниҳоясига етишини кутиб жимгина турарди. — Баҳорда, — дея гапини давом эттирди, — уч-тўртта чет элик меҳмонлар келиб-кетишди-ю, хотиним камгап бўлиб қолди.

Миртемир ака:

— Э-ҳа? — дея Адҳам акага яқинроқ борди.

Биз ҳам ажабланиб, яна нима деркин, деб у кишининг оғзини пойладик. Адҳам ака бир нафас сукутдан сўнг:

— Мен ҳам ҳеч нарса тушунмай ҳайрон бўлиб юрган эдим... — дея ҳикоясини давом эттирди. — Бир куни Озодахоннинг ўзи: «Нимагаям ўша чет элик меҳмонларингиз менга жвачка беришди! Ордона қолгурса ўрганиб қолибман», деб зорланди. «Ўрганиб қолган бўлсангиз чайнайверинг, — дедим. — Саломатликка зарари йўқдир, ахир?» «Шундайку-я, лекин оғзингизда сақич турса мириқиб гапира олмас экансиз? — дейди. Ўшандан бери қаерга бормайин биринчи навбатда сақич харид қиладиган бўлдим. Ёстигининг тагига ҳам бир пачкасини ташлаб қўяман. Кечаси туриб «сайраб» қолмасин, дейман-да.

Роса кулишдик. Миртемир ака бир чеккага, панага ўтиб оғзидаги сақични ерга ташлаб, рўмолча билан лабларини артиб, хиринг-хиринг кулиб ёнимизга қайтди. Яна Адҳам ака:

— Домла, сиз чайнайверинг. Сиз кўп гапирмайсиз-ку, — деб қўйди.

Миртемир ака илиқ жилмайиб:

— Вой, бой бўлғур Адҳамжон-эй! — деб қўлини Адҳам аканинг кифтига қўйди. — Сизнинг борлигингиз қандоқ яхши.

## Оилавий ҳангомалар

Адҳам ака бир гал уйга ярим тунда қайтади. Юрагини ҳовучлаб дарвозага яқинлашар экан, ётоқхонанинг очик турган деразасига кўзи тушади-ю, «Озодахон ухламабди. Хонаҳой менинг келишимни кутиб ётган», деган фикр хаёлидан кечади ва деразага яқин бориб балаңд овоз билан:

— Раҳмат, Турсун Қамбарович. Яхши боринг, — дейди. Шундан сўнг уйга дадил кириб боради. Озодахон опа:

— Қаёқларда санқиб юрибсиз?! — дея қарши олади. — Тун ярмидан оғди-ю.

— Турсун Қамбарович билан Водилга борган эдик.

— Ёлгонни ҳам дўндирадиган бўлибсизми, а!

— Хой, нега ишонмайсиз? Хайрлашганимни эшитдингизми? Обкомнинг биринчи котиби бўлатуриб эрингизни дарвозанинг олдиғача машинада олиб келиб қўйди-я.

Озодахон опа истехзо билан шарақлаб кулади.

Адҳам ака ҳайрон бўлиб:

— Нега куласиз? — деб сўрайди.

— Ҳали Карима опа билан гаплашган эдим... Турсун Қамбарович уйда дам олаётган экан...

— Участкамизга катта темир дарвоза ўрнатганмиз, — деб ҳикоя қилади Адҳам ака. — У шарқ одагига кўра, эрталаб очилади-ю, қоронги тушгач ёпилади. Аммо хотимнинг эрта тонгда очиладиган оғзи ярим кечада ҳам ёпилмайди.

Адҳам ака оиласига яқин кишилар бу гаплар камсухан Озодахон опанинг табиатига мутлақо ёт бўлиб, Адҳам аканинг одатдаги ҳангомалари эканлигини яхши билишарди. Озодахон опа ўзи ҳақида, оиланинг бошқа аъзолари тўғрисида Адҳам ака тўқиган ҳар хил давраларда айтиб юриладиган бунақа ҳангомалардан заррача ҳам хафа бўлмас,

эрининг беғараз ҳазилларига кўникиб кетган, ҳатто ўз қулоғи билан эшитган пайтларда ҳам пинагини бузмас:

— Обқочинг-а, — деб қўярди-да, бошқаларга қўшилиб кулиб ўтираверарди. Озодахон опа шунақа юраги кенг, ёқимтой. Адҳам акага жуда мос тушган аёл эди.

## Адҳам ака «Крокодил»да

1961 йил эди. Польшалик икки журналист Фарғонага келишди ва қишлоқ меҳнаткашларининг ҳаёти билан танишиш мақсадида журналист, шоир Адҳам Ҳамдам ҳамроҳлигида вилоят бўйлаб сафарда бўлиб қайтишди. Меҳмонлар жўнаб кетишганларидан кейин орадан уч-тўрт ой ўтиб, бир куни Адҳам ака «Крокодил» журналининг янги сонини кўтариб кирди. Унда ўша польшалик журналистларнинг ўз журналларида чоп этилган «Фарғона таассуротлари» кўчириб босилган бўлиб, мақоланинг бир қисми «қизиқчи шоир» Адҳам Ҳамдам ҳақида эди.

## Адҳам ака латифаларидан яна бир шингил

«Бўри одатдагидай қуённи қувлаб қолибди-ю, у қочиб ахийри Водийга келибди. Шу дийрда паноҳ топдим, деб катта чинор тагида дам олиб ётган экан, Бўри келиб қолибди. Қуён яна қочиб сой бўйидаги катта трубининг ичига кириб кетибди. Бўри ҳам трубага бош суқибди-ю, тикилиб қолибди. Қуён трубининг нариги томонидан чиқибди-да, бўрининг орқасига тепиб роса азоб берибди, ҳақорат қилибди. Сўнг сойда чўмилаётган кишиларнинг соҳилда қолдирган қора кўзойнагини тақиб, қўлига газета олиб ўқиган бўлиб ўтираверибди. Бир пайт ҳалослаб бўри келибди.

— Сен бу ерда қуённи кўрмадингми? — деб сўрабди у.

— Бўрига азоб берган қуённи сўраяпсанми? — дебди қуён.

— Во ажабо-о! — бўри ҳайрон бўлибди. — Дарров газетада чиқаришибдими, а!»

— Уруш пайтида ўзбек дивизиясининг жангчилари ҳеч ўқ отмасмиш, окопга тушиб олиб кўк чой ичиб ётганмиш. Дивизия командири сиёсий ишлар бўйича ўринбосарига: «Одамларингизнинг жангга тоқати йўғ-у, — дебди. — Нима қилсак экан?»

Аҳмедов унга жавобан:

«Дивизиямизнинг ғазнасида анча пул бекор ётибди. Шунини жанг қилганларга тарқатайлик», — деган маслаҳатни берибди.

Командир буйруғи билан жангчилар сафга тизилишибди-ю, шу бутундан эътиборан бир фашист жасадини олиб келган жангчига 100 сўм берилажаги эълон қилинибди. Қарабсизки, ҳар бир аскар битта-иккитадан фашист мурдасини судраб кела бошлабди. Орадан бир ҳафта ўтибди. Хазинада пул оз қолибди. Яна жангчилар сафга тизилиб, эндиликда 100 эмас, 50 сўмдан берилажагини айтишибди.

«Йўқ, — дебди жангчилар. — Тўғри келмайди».

«Нега тўғри келмайди?» — деб сўрабди командир.

«Биз ўзимиз ҳар бирини 50 сўмдан сотиб оляпмиз».

— Яна бир кун ўзбек аскарларидан бири гранаталарни окоп олдига ёзилган оқ сочиққа териб қўйиб, ўзи хандакда чой ичиб ўтирган экан. Бир пайт қўшни дивизиянинг жангчиларидан бири чопиб келибди-ю:

«Тентак, қувлаб келяпти!» — деб бақирибди.

«Қувлаган бўлса менга нима?» — дебди аскар.

Ҳалиги жангчи гранаталарга ишора қилиб:

«Ана уларингдан иккитасини бер», — дебди.

«Минг сўм», — дея қўлини узатибди аскар.

«Бунча қиммат?!»

«Жон керак бўлса, қиммат деб турмайсан».

Бизнес ўша пайтда ҳам бўлган экан-да.

## «Абадий олов»

— Бир куни кечаси кўпроқ «отиб» қўйганманми, эрталаб бошим зинғиллаб ночор ўрнимдан турдим. — Адҳам ака шундай ҳикоя қиларди. — Лекин жавонда ҳам, музхонада ҳам, «бошогриқ» қиладиган ҳеч вақо йўқ. Шошиб ҳовлига чиқдим. Учакишгандек хотиним ўчоқбошида имирсиб юрарди. Секин гулзорга ўтдим. Озодахоннинг икки кўзи менда шекилли:

«Нима қидирясиз?» — деб сўраб қолди.

«Ҳеч нарса, ўзим шундоқ гулларни оралагим келди. Нима эди?»

«Атиргуллар орасида ўралашиб қолганингизга сўраяпман».

«Атиргулни яхши кўраман... Антиқа ҳиди бор-да!» — дедим.

«Яхши кўрсангиз ана у очилган гуллар ёнига ўтинг».

«Ошиқу беқарор булбулдек ғунчаларнинг очилишини кутаётган бўлсам-чи?!»

Озодахон жилмайиб:

«Ҳазилингиз кўрмасин!» — деб қўлини бир силтаб уйга кириб кетди. Бу мен учун айна мудао эди. Буталар орасига, бир шиша оқидан яшириб қўйган эдим...

— Яна бир куни эрталаб ўрнимдан аранг турдим. Кайфиятим ёмон. Бир-икки пиёла аччиқ чой ичиб кўрдим — кор қилмади. Музхонани очдим. Бахтимга битта шишада ўтган куни меҳмонлардан қолган озгина коньяк турарди. Отам тирилиб келгандек хурсанд бўлиб кетдим. Аммо... Буни ичиб қўйгудек бўлсам, жанжалнинг тагида қоламан. Ичмасам... Шишани кўлимда ушлаганимча туриб қолдим. Шу сонияда миямга бир фикр келди-ю, топқирлигимга тан бериб: «Бормисан, Адҳам!» дедим ўзимга ва коньякни «тинчитиб», ўрнига ҳали ўзим ичган чойни қуйиб, шишани жойига қўйдим. Бир зумда кўзим мошдек очилиб, димоғим чоғ бўлди-қолди. Ҳовлига чиқиб кечаси кайф билан келганим учун хотинимдан узр сўрагандек бўлиб ятоқлана бошладим. Озодахон синчковлик билан бир зум қараб турди-да:

«Ҳа-а, — деди ажаблангандек, — кайфиятингиз ўзгариб қолибдими? Ҳалигина қовоғингиздан қор ёғиб ётган эдингиз...»

«Сизни яхши кўриб кетдим-да, хотинжон».

Озодахон ҳамон тундлик билан:

«Ёки музхонада турган савилни «отиб» олдингизми?» — деди.

«Нималар деяпсиз?! Шошманг... — Шундай дедим-у, жаҳл билан уйга кириб кетдим ва музхонадаги шишани кўтариб чиқдим. — Шуни йўқотсам тинчийсизми?!» — Шишани тошга уриб чиларчин қилдим. Қаддимни фоз тутиб уйга кириб кетдим.

Озодахон:

«Вой, адаси!...» — деганича қолди.

Адҳам ака шунақа... Лекин, айрим кишилар бир ўтиришда ичадиган спиртли ичимликни бир ҳафта — ўн кун истеъмол қилганлари ҳолда ўзини «ичувчи»га чиқариб латифалар тўқирди. Камоли ишонч билан айта оламанки, тўққиз йил давомида биргаликда ишлаб, кўпгина катта-кичик давраларда ҳамсуҳбат бўлиб, Адҳам аканинг бирон марта маст бўлганини ёки гапидан адашганини кўрган-сезган эмасман. Адҳам ака кейинги йилларда «Коммуна» газетаси муҳаррирининг муовини лавозимида ишлаш билан бирга Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг Фарғона бўлимига раҳбарлик қилган, ўзбек адабиётининг ривожига, унинг тарғиботига салмоқли ҳисса қўшган жонкуяр зиёли эди.

Кунлардан бирида Адҳам ака гурунгдагиларни, одатдагидек, кулдириб ўтирар экан:

— Мен ўлсам қабримга абадий олов ёқиб овора бўлмангизлар, — деган эди. — Оғзимга пилик солиб гугурт чақсангизлар — бас, умрим давомида мен истеъмол қилган спирт абадий шаъм бўлиб ёниб тураверади.

Йўқ, Адҳам ака Ҳамдамов ҳайкали унинг ўзи тириклик чоғидаёқ пайдо бўлган. Ҳа, Адҳам акадан халқимизга мерос бўлиб қолган сон-минг латифалар, ичакузди ҳангомалар у кишига тикланган бебаҳо ҳайкалдир.

Эндиги сўз навбатдаги издошларга!



## МУНДАРИЖА

<b>СЎЗ СЎРАЙМАН</b>	
Муртазо Қаршибой. Эзгулик меҳрдан бошланади..	5
<b>КЕЧА ВА БУ КУН</b>	
Шарат Сабҳарвал. Дўстлик кўприклари. . . . .	9
<b>ШОИРУ ШЕЪРУ ШУУР</b>	
Абдулла Шер. Нурга айланиб ҳар сўз... . . . .	12
Шукур Курбон. Уйғотамиз юракдаги гурур ва орни. . . . .	15
Чоршамъ. Кўзларимга тўлди муҳаббат оташи. . . . .	19
<b>АСРЛАР, АСАРЛАР</b>	
Набижон Бокий. Чингиз афандига мактублар. . . . .	23
Тилаб Маҳмудов. Чўқай полвон. Ҳикоя. . . . .	88
Ҳасан Манзуров. Бойбува. Ҳикоя. . . . .	92
Асрор Низомов. Абдулла. Ҳикоя.. . . .	98
<b>ШЕЪРИМ, СЕН ЛАЙЛИ</b>	
Фармон Худойбердиев. Кўнгил бир дам ором истайди. . . . .	80
Тошпўлат Ахмад. Эзгуликнинг сувидан қадр ниhoли ўсгай.. . . .	82
Муҳтарама Туркой. Дарё кўнглим, дарёдай оқ. . . . .	84
Сафар Оллоёр. Расминг кўзим қорачигида.. . . .	86
<b>ШАХС ОЛАМИ</b>	
Сарвар Очилов. «Валийлик денгизининг гавҳари...» . . . . .	103
<b>ТАБАРРУК ТУПРОҚ</b>	
Хуршид. «Девони Шоҳидий»дан. . . . .	108
Роза Азизова. Мунаввар . . . . .	121
<b>ҲИКОЯЛАР ХАЗИНАСИ</b>	
Пу Сунглинг. Ҳикоялар . . . . .	113
<b>УНУТМАС МЕНИ БОГИМ</b>	
Азиз Қаюмов. Гўзал инсон ва баркамол ижодкор . . . . .	135
Зухра Умарбекова. Бағри бутун инсон. . . . .	138
<b>АДАБИЙ ДАВРА</b>	
Ваҳоб Раҳмонов. Сўз ва маъно сеҳгари. . . . .	142
Шоира Аҳмедова. Адабий-танқидий мактуб . . . . .	145
Салима Умарова. «Менга сўймакликни ёзибди Худо» . . . . .	147
Йўлдош Солижонов. Романнинг оидин йўли. . . . .	150
<b>ГУЛҚАЙЧИ</b>	
Муҳаммад Хайруллаев. «Фарғона афандиси» изидан. . . . .	154

---

### Матн терувчилар Ф. Ҳайдарова, М. Файзиёва

---

\* Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин. Таҳририятга келган бир босма табоққача бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди. \* Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади. \* Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент-29, Буюк Турон кўчаси, 41. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси \* Обунага монъелик кўрсатилса ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаса Тошкент — 700000, Амир Темури тор кўчаси, 2. Республика матбуот тарқатиш марказига мурожаат қиласиз.

---

Теришга берилди 19.03.2004 й. Босишга рухсат этилди 15.03.2004 й. Қоғоз бичими 70x108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма табоғи 10. Шартли босма табоғи 14. Шартли-рангли босма табоғи 14,7. Нашриёт ҳисоб табоғи 15,4. Адади 1200 нусха. Бюджет № 67.

---

**ЧАКАНА САВДОДА БАҲОСИ КЕЛИШИЛГАН НАРҲДА**  
**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси.**  
**700000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41**